



*Үрүш күрған
ақындар*

ҚҰЧҚОР НОРҚОБИЛ



**ДАРЁ
ОРТИДАГИ
ЙИГИ**




CH0000037569

84(5у3)
Н79

ҚҮЧҚОР НОРҚОБИЛ

ДАРЁ ОРТИДАГИ ЙИФИ

Кисса ва ҳикоялар



У-9044/1

Ғафур Ғулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий уйи

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

Қ 97

Лойиҳа раҳбари

Ҳабиб Абдуназар

Лойиҳа муаллифи ва нашрга тайёрловчи

Наби Жалолиддин

Норқобил, Қўчқор

Дарё ортидаги йиғи: кисса ва ҳикоялар / Қ. Норқобил. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021. – 388 б.

Таникли ёзувчи Қўчқор Норқобил ижодида уруш мавзуси устувор ўрин тутади. У уруш даҳшатларини жангчиларнинг руҳий ҳолатлари оркали тасвирлаб беришга уста. Жанглардаги машиқатлар мухаббатнинг изтиробу сурори билан уйғун тасвирланади. Асосан, адид ўзи кўрган, ҳис қилган нарсалар ҳақида ёзади.

Ушбу китобда жамланган асарлар ҳам фикримизни яна бир бор исботлашига ишонамиз.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-6450-7-3

© Қ. Норқобил, 2021

© Faafur Fулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2021

ҚИССАЛАР





ДАРЁ ОРТИДАГИ ЙИФИ МУҚАДДИМА

Сен у ёқдалигингда отанг шўрлик чўкиб қолди. Бир куни сендан хат келганда устунга суяниб ўқиди. Кўзлари ғилтиллади. Бизни кўрмасин, деб ичкарига кириб кетди. Эркакнинг йифлагани ёмон бўларкан, болам. Шундан по-пиросга ҳам ружу кўйди...

(Аммамнинг айтгани)

Уруш мурдалардан ҳайбатланади. Қонни севади. Руҳингга караҳтлик тамғасини босади. Дийдангни қотиради. Шунда сенда шубҳа туғилади: кўксингдаги тогми ё.. Уруш ҳеч қачон ўзини оқлай олмайди. Айниқса, Афғондагиси. Қалтис сиёсатнинг қайроғидан ўтқирлашган ойболта янглиг тириклик илдизини кесиб лаззатланаверади. Илоё, томирига ўт тушсин урушнинг. Мен Афғонни қазилган ўрага ўхшатаман. Унда сену биз ётибмиз. Бу урушнинг "ижодкор"лари тенамизда нури сўнган нигоҳимизга қарашига ботинолмай туришибди энди. Қўлларида белкурак. Кўмай десалар, қўзларимизга тупроқ ташлашдан қўрқишишади...

* * *

Мен отамни йифлатган, онамни кексайтирган уруш ҳақида ёзмаслигим нечоғлик оғирлигини ҳис қилган ҳолда бу ишга қўл урдим. Икки йиллик талотум юрагимга тиғ бўлиб санчилаётган кунлар хотираси жонлантирган воқеалар, ўзим каби кимларнингдир кўз қораси, суюкли фарзандлари билан кечган дамларим, айримларига жанггоҳлардан қайтиш насиб этмаганлиги боис, уларнинг руҳи ҳақида ҳам баҳоли кудрат қоралайин, дедим.

Келганимизга бор-йўғи икки ой бўлди. Ҳануз бизни жангга олиб чиқишгани йўқ. Қисм ички ҳаёти билан танишув имконини беришяпти, чамамда. Кўз қотиб, у-бу нарсани эшишиб, шароитга мослашишимиз учун жудаям зарур эди бу. Қиши кунлари бўлганлиги сабаб, саф майдонида қоркураймиз, ошхонага хизматга юборишади, озиқ-овқат омборидан иш топилиб қолади. Хуллас, ғимир-ғимир. Қисм эса тинч ва осуда, янги келганлардан бошқа деярли ҳамма аллақаерларга жангга кетган. Зобитлар ҳам саноқли қолган. Яъни полкда фақатгина хўжалик ишлари билан бандлари. Очиги, уларнинг кўплари уруш кўрмаган. Яна бизнинг олдимизда керилиб-серилишига ўлайликми. Айниқса, аскарлар ошхонаси хўжайнини прaporщик Ничмониянинг: “Бу ерни Афғон дейдилар. Тузалмасанглар ҳаммаларинг ўлиб кетасан, лапашанглар”, дея ўдағайлаши ҳам дастлабки кунлардагидай кўрқинчли туюлмай қолди.

Ничмония эслатмаса ҳам, Афғондалигимизни билиб турадик. Казармалар бир тусдаги қалин панел деворлар билан тикланиб, сариқ бўёқ чапланганди. Баъзан уларни ажратса олмай ўзимизники қолиб, бошқа роталарга ҳам адашиб кириб кетаверардик. Полкнинг кунчиқар томонидан Кобул шахри бинолари кўриниб туар, шимолда эса юз қадам нарида айланасига кузатув нуқталари кўйилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида танк ёки “БМП-2”лар туради. Улар ҳечам жангга чиқишмас, тўсатдан бўладиган хужумларга шай туради.

Хар куни ошхонада идиш-товоқ ювишу омборхонадан озиқ-овқат ташишга бораверишдан кўра хавотиру қизиқиши аралаш ҳақиқий жангга боришни афзал кўраётгандик. Ким билади, инсон ҳамиша ўз олдида содиру муқаррар воқеаларни кўришга шошилаверар?

Эрталабдан саф майдонида урушга чиқмаган мундирли хўжайнилар бизни ишга бўлаётуб, полк кетган жойда-

ги ахвол ҳақида қисқача ахборот беришарди. Бошқаларни билмадим-у, бунақа пайтлар менга титроқ тушарди. Шу тинчгина ҳаётга, бамайлихотир зобитлар галасига қараб, каердадир шу полкнинг аскарлари ўлаётганига ишонмасдим.

Полк жангдан қайтишига икки кун қолганда биз – янгилар, яъни “салага”ларни қоровулга юборишиди. Қоровулхона қисм жанубида жойлашганди. Биринчи марта совут ва каска кийдим. Истаганча ўқдон олсам бўларкан, бунинг устига, ўқ-дори ҳам текин.

Полк теграсидаги ҳар бир кузатув нуктасида учтадан аскар алмасиб туради. Кимdir ҳали кўрмаган ўқ-дори омборига, яна ким ёнилғи сақланадиган жойга, бирор техника паркига тушди.

Коровулхона гаупвахтасида иккита “дух” қамалганди. Уларни кўришга қизиқардим. Кечаси маҳбус эшиги олдиға келиб, уч-тўрт марта мўраладим. Гаупвахта бетондан курилганди. Зим-зиё ичкари жудаям совуқ, йўлакка киришинг билан қўланса ҳид димогни ёради. Худди ахлатхонага ўхшайди.

Бу ердаги ҳар нарсага қизиқиб, синчилик қилаётган қоровул бошлиғи, ёшгина лейтенантнинг ҳам Афғонга келганига уч-тўрт кун бўлганди. У ўзини жуда муҳим ҳарбий топшириқни энг оғир вазиятда бажараётгандай хис қиласди. Кечаси билан сменаларни жўнатаётib, ўқ-донларни қайта-қайта текширас, ҳушёрлик ҳақидаги сабоғини канда қилмасди. Бунинг устига, у ёқдан-бу ёққа юраркан, бетиним чекарди. Гоҳида қоровулхона тўрига, ўз хонасиға кириб олиб, тўппончасини артар, ўқларини ситиб олар, тағин жойлаштирас, худди кинолардагидай оёқларини чалиштириб, стулда ястаниб олган кўйи кўлидаги қуролни айлантираверарди. Бу менинг кулгимни қўзғатаётганди. Зобит дегани сал босикроқ бўлмайдими?

– Аскар!!!

– Мен, ўртоқ лейтенант!
– Егулик опкелишдими?
– Худди шундай, ўртоқ лейтенант!
– Ҳозир, сен билан бирга анавилар олдига овқат олиб кирамиз... – у духларга ишора қилаётганди.

Эшикларни шарақлатиб очдик. Орқароқда қурол ўқтаби турдим. Қоронғу ва зах хонада ҳеч ким қўринмасди. Ичкари шунчалик сасиб кетгандики, қайт қилгим келди.

– Тур ўрнингдан! – қичқирди зобит.

Нимадир қимиirlади қоронғуда!

– Йўлакка чиқ!

Соч-соқоли ўсиб, қоқсуяк юзига яра тошган маҳбус йўлак ёруғида деворга суюниб қолди. Унинг зимистонга қўниккан кўзлари ичкарига кираётган ёруғлиқдан қамашарди.

– Ўтири! – оёғи билан ер тепди лейтенант.

Маҳбус чўкаётиб тиззалари қалтираётганини, зўрға ўз вазнини тутиб турганини сездим.

Унинг олдига эрталабки нонуштада аскарлардан қолган балиқ қилтаноғи ва нон ушоқлари аралаш картошка кўйдим. Маҳбус кўзини идишдан узолмай, қимир этмасдан ўтиради. Зобит овқатни унинг ёнига оёғи билан сурди. “Дух” икки қўллаб идишга ёпишди. У бош кўтармай овқатланарди. Ҳар эгилганда елкасидан бўртиб турган қоқсуяклари уни янада аянчли кўрсатарди. Зобит сигарет тутатган кўйи тик турар, қизиксиниб термуларди. Унга бу ҳолни томоша қилиш ёқаётганди. Менинг эса тезроқ чиқиб кетгим келар, лекин анави керилма хўрзанинг измидалигим учун иложим йўқ эди.

Зобит филофидан тўппонча чиқариб, унинг тумшуғига тиради.

– Қани тур... Овқатланиб бўлгандирсан, душман. Ҳозир сен билан сухбатлашамиз...

Душман унинг гапини тушунмасди. Зобит қўли билан “тур”, деб ишора қилди.

– Душманмисан?..

– ...

– Шўравини ёмон кўрасанми?

Маҳбус дағ-дағ титради.

– Хўш, нечта шўрави отдинг?

Шўрави сўзини эшигтгач, душман сергак тортди. Дағ-дағ титраб қичкирди:

– Дўст! Шўрави дўст!

– Нима деди? – менга қаради зобит.

– У отмапти, ўртоқ лейтенант, у бизга дўст эмиш.

– О-о-о! Оббо ит-эй.

Зобит кечада келганига, ҳали қоровулхонадан бошқа ерни кўрмаганига қарамай, ўзини афғон жабркаши, гўё кўп жангларда қатнашган, уруш кўрганлардек тутарди.. Бу менинг ғашимга тегмоқдайди.

– Эй, душман! Сенларни жангда отиб ташлаш керак!
Қанжиклар!!!

Зобит уни эрмак қила бошлади. Кўли билан ишора қилиб, ҳолдан тойгунча ўтириб турғизди. Маҳбус кўзлари чиқкудай бўлиб бизга термулар, бўйни елкаларига қиси-либ борарди. Озгин ва нимжон қўлларини юзига яқинлаштириб, бақириб йифлай бошлади.

– Ё Оллоҳ! Ё Оллоҳ!!!

Афтидан, калтак еявериб безор бўлиб қолган. Ҳар бир ҳаракатимиздан учиб тушарди. Чидаб туролмадим. У эса ерга юзтубан бўлиб чинқиряпти: “Ё Оллоҳ!
Ё Оллоҳ!!!”

– Отиб кўя қолинг, яххиси! Ёки ўзим...

Зобит ялт этиб қаради. Сергак тортди. “Хузурбахш” ўйинга чек қўйилди. У менинг бу саъй-ҳаракатдан норозилигимни фаҳмлаганди.

– Тентакмисан, аскар, кирит ичкарига!

Маҳбус ортидан шарақлаб ёпилган темир эшик илгагига каттакон кулф осилди.

Кузатув нүктасидан қайтганимдан сўнг қоровулхона-даги аскарлар, душманнинг ўзбекчани билишини айтиши-ди. Зобит украин йигит билан ичкарига кириб яна қий-набди. У душманнинг афт-ангори, хатти-ҳаракати ҳакида ҳаяжонланиб гапираётганди.

– Сенинг юртдошинг, – деди у кинояомуз, – Бухоро-дан экан, ўзбекчаниям билармиш.

Тушлик овқатни яна мен киритдим. Зобит дам олаёт-ган эди. Эшикни очишим билан ичкаридан ихраган овоз эшитилди.

– Чиқинг буёққа. Овқатланинг.

Овоз тинди. Хлор ва сафро ҳидига базўр чидардим.

– Чиқинг. Овқатланинг. Истамасангиз қайтариб кета-ман...

У эшикка суюниб турарди. Юзидан қон сизади. Қабоғи ёрилиб кетган. Соч-соқоли қип-қизил. Чайқалиб йўлак ўртасида ўтириб қолди. Олдига косани қўйиб, ташқарида турдим. Унинг бошида туришга ҳожат йўқ эди.

Беш дақика ўтар-ўтмас ичкариладим. У бош кўтармай ўтирибди. Овқатга қарамабди ҳам.

– Ўзбекчани биласизми?

У бош силкиди.

– Чиндан душманмисиз?

Индамади...

– Бухорога борасизми?

Бемажол қўлларини ерга тираб туришга шайланди. Танаси бир томонга босиб, қўли майишди. Ёнбошига йиқилди. У жудаям енгил эди. Турғазиб қўйишга қийналмадим.

– Мен душман эмас! – қалтирай бошлади у. – Бобом бухоролик ўтган. Айт, мени уришмасин. Ўлдиришмасин. Оилам Ҳиротда. Бешта болам бор. Барибир ҳукумат уларни боқолмайди.

Ҳаддан ошиқ жирканиб, ташқарида турган сержант удағайлади:

- Бас қил, Күчкор, қама энди.
- Ҳали овқат емабди.
- Вой, ит эмган. Унга ўзим едираман.

У йўлақдан шаҳдам одимлаб, маҳбус ёнига келди. Сержант қўл урилмаган косани олгани ҳамоно у юзини беркитди. Сержант ғужанак танасига зарб билан тепди. Ағдарилиб тушгач, шўрвани юзига сепди.

- Ёрдамлаш, ирғитайлик.
- Жойимдан жилмадим. Ўзимда на ачиниш, на ғазаб сезардим.

– Сенга айтяпман, овсар. Тез бўл!..
Мен оёғидан, у қўлидан ушлаб зах хонага ташладик. Сержант бамайлихотир чиқиб, қулф урди.

- Ҳайвондай бераҳмсан...
- Ҳей, жўжа, ҳали бир-икки марта урушга чиқ, кейин биласан.

Сержантга ортиқча гап қилмадим. Унинг қайси бир жангда оғир яралангани ҳақида эшитгандим. Шундан бери хизматни полкда ўтаркан. Икки-уч ойдан сўнг эса уйига қайтади.

II

Икки-уч марта қисқа муддатли ҳарбий юришларга чиқдик. Унчалик отишма бўлмади ҳисоб. Гардезда бир қишлоқни тозаладик. Иккита пулемёт, мақтанса арзигулик ўқ-дори топдик. Жалолободдаги Қоратоғда беҳуда уч кун юрдик. Саланг йўлида истеҳкомда турдик. Шу тариқа урушнинг унча-мунча машқини ола бошлаган эдик.

Баҳор кирди. Бу орада ротадаги кўпроқ муддат хизмат қилганлар билан ҳам танишиб олдик. Баграмга тайёргарлик кўриларди. Душман қисмимизга қарашли иккинчи батальон жойлашган нуқталарни яксон қилибди. Ахён-ахёнда кучли тўқнашувлар юз бериб турарди.

Кутилган кун келди: тунда қисмдан чиқиб кетишимиз зарур. Ҳарбий тўрваларга уч кунлик озиқ-овкат, ўқ-дори жойладик. Казарма ичи ашқол-дашқолларга тўлиб кетди – бўшаб қолган яшиклар, қоғозлар уюми.

Унда-мунда граната ва мушаклар сочилган. Тўрвага сифмайдиган нарсаларни аскарлар каравот, тўшаклар остига бекитиб ташлашди. Агар командирлар кўриб қолгудай бўлса гаранг қиласди, барибир уриб-сўкиб олдиради. Яхшиси, кўздан панага тиқиш керак. Муҳими, озиқ-овкат кўпроқ бўлсин. Ўқ-дори машиналарда ҳам тиқилиб ётибди. Зил-замбил юкни кўтаришнинг ўзи бўладими?..

“Қария” аскарлар анча эпчил чоғи, аллақачон ишни ҳал қилиб, ечинмасдан каравотга чўзилишган. Фақатгина мен каби, ёлчитиб жанг қилмаганлар ҳар нарсага қизиқсаниб, дуч келганини тўрвага уради.

– Бунча куйиб-пишмасанг. Ёт энди, – деди ёнимда ётган Рашид.

– Озгина қолди.

– Жуда қизиқсанлар... Ҳали кўнгилларингаям уради. Мен ҳам энди келганимда сендай эдим, ҳатто биринчи рейдга икки бронжилет олиб борганман. Ажал етса, қочиб қутулолмаслигимни ўйламабман.

Кўзим илинганд экан. Чўчиб уйғондим. Полк штабига – томга ўрнатилган карнай, тун қўйнини ваҳимага солиб даҳшатли ванфиллагани ҳамоно ҳар бурчакда тасир-тусир бошланди.

– Ротаааа!!! Тревога!!! – рота командиригининг қичқириғига сержантларнинг ҳам чийилдоқ, дўрилдоқ овозлари эш бўлди...

Менинг юкимни кимдир кўтариб кетибди. Дуч келганини мен ҳам елкаладим. Дуруст... Ўзимницидан анча енгил.

Чироқлари кўриниб турган техника тизилган майдонгacha ҳаллослаб югуриб бордик. Улар жўнашга шай, гу-

руллаб турарди. Ҳар қайси взвод ўзига карашли БМП-2 га жойлашди. Ҳеч вакт ўтмай йўлга тушдик.

Колоннанинг учи-куйруғи кўринмасди. Кобулни оралаб ўтаётганимизда, пастқам бинолар кўримсиз, лекин дунёнинг етти иқлимидан келтирилган буюмлар билан лиқ тўлган дўконлар олдида дўкондорлар мўлтираб туришар, уйқусини ҳаром қилган “кесиксизлар” гўрига ғишт қалаётганди. Шаҳар зир титрарди, гўё. Техникалар тутунига тўлган марказий кўча атрофида тизилган, чироклари ёниқ уйчалар деразасидан одамлар ҳайрату кўркув аралаш қараб туришарди. Шўравининг кўпол ва қудратли танклари олдидан чиқишига ботинолмаган шаҳарлик ҳайдовчилар машиналарини йўл четида тўхтатишган эди.

Тонгги ғира-ширада Баграм вилоятига кириб келдик. Олдиндан хавфсиз деб белгиланган жойда тўхтадик. Энди харитада кўрсатилган нукталар бўйича ротама-рота харакат қилишимиз зарур эди.

Атрофда жимлик. Баграмда бошқа вилоятлардаги каби қалъалар кўп экан. Улар энди оқараётган тонг қўйнида жудаям салобатли ва сирли кўринади. Сукутдан этинг жимиirlайди. Аллақандай, ҳали сенга номаълум, лекин бўлиши муқаррар ваҳима ҳоким. Дилинг бетаскин. Қалбингда ғулу. Хавотир ҳар дақиқа хуруж қилаверади. Бўлажак хавфу хатар олдида шайланиш нақадар оғир кечади.

– Хандақ қазинглар, – деди тун бўйи онда-сонда алоқадаги чақирувга жавоб берган, лекин бизга чурқ этмай келган взвод командири.

Бўлинма мудофаага киришди. Ҳар ким ўзига ётиб отиш учун хандақ қазий бошлади. Белкуракнинг қаттиқ ерда тақиллагани, ҳаракат эвазига сувдонлардаги сувларнинг чайқалиши, оғир-оғир нафаслар эштилади. Биздан ўн-ўн беш қадам наридаги кўрғонда афғон армияси байроғи кўриниб турарди. Шу бизга озроқ илинж бе-

парди. Ҳар ҳолда улар бор, бу ерларда душман изғимаса керак.

Ишлар меъёрига етгач, командирнинг кўнгли тўлди чоғи, овқатланишга рухсат этилди. Қоғоз кутичалар очилди.

Уларда аскарий кунлик овқат – темир идишларда гўшт, картошка, борш ҳамда узум суви, оққанд, қиём, сут, нонқоки бўларди. Ҳар ҳолда тузуккина тамадди қилишга арзиди. Олов ёқилди. Қозончалар очилди. Уч-тўрт жангчи ўтин тергани кетишди. Сигарет олгани машина ичига кирганим заҳоти борлиқни қаттиқ портлаш овози тутди. Назаримда, ер силкингандай эди. Кимнингдир даҳшатли чинқириги эши билди. Ташқарига отилдим. Ёнгинамиздан қора тутун кўтарилар, чанг-тўзон ичидан уч-тўрт аскар уймалашарди.

– Ҳеч ким жойидан жилмасин! Қимиirlаманглар! – дея командир буйруқ берди...

– Кўчкор, ҳамма жой миналаштирилган! – Машина тагидаги Юранинг рангидан қон қолмаганди.

Портлаган жойга қандай борганимни билмайман... Чукурча ёнида бир оёғи чўрт узилиб кетган Вася дунёни бошига кўтариб додларди. У яримжон танасини у ёк-бу ёққа ташлаб, боши билан ер чизар, чидаб бўлмас аянчли ахволда эди. Нималар деяётганини тушуна олмадим. Командир зудлик билан қон сизмайтган жойига игна саншиб, оғриқни қолдирувчи суюқлик юборди. Ярадор кўп ўтмай тинчили...

Сапёрлар ротасидан взвод билан бирга чикқан зобит Васянинг танаси, қондан шалаббо бўлиб кетган иштонини ушлаб, лабларини тишлаган ҳолда бош чайқади.

– Бўлиши мумкинмас...

– Нима деганинг бу, – сўради командир.

– Минани айтяпман...

– Тушунмадим.

- БМТ¹ тақиқлаб қўйган мина ишлатибди.
- Наҳотки?!
- Бунга тушғанларнинг юздан биригина насл қолдиришади. Тўғридан-тўғри тухумни йиртиб кетади.
- Уни ҳамми?.. – ишора қилди командир.
- Афсус...
- Қанақасига, Серёга, ахир... бу даҳшат-ку.
- Кўраяпсан-ку. Аскарнинг иштонига қара.
- Ҳей, онангни фалон қилайлар. Ҳайвонлар! Ҳаром тўқинггаям алишмаслик керак уларни.

Ўзидан кетган Васяни машинага ортдик. Жангчилар дорда юргандай ҳозиргина юрган ўз изларидан қадам бошишарди.

- Витя, бу ерда туриш мумкин эмас. Алоқа орқали хабар қил, – деди сапёр лейтенант Ермилинга.
- Нега ановилар бизни огоҳ этишмади? – лейтенант ёнимиздаги сарондайлар² кузатув нуқтасига ишора қилди.
- Ий, барини уларнинг... Қаердан биласан, балки ўзлари кўйишгандир.
- Ишониб бўлмайди уларга. Барибир бизни ёқтиришмайди-ку.

Вася тиббий бўлинмага жўнатилди.

Тутаётган ўйик ер олдида ётган, нималигини англаб бўлмайдиган, бизга маълум ярим оёқни кўмишга фақат сапёр зобит журъат қилди.

Нонуштаси заҳарга айланган жангчилар эс-хушини йўқотиб қўйди. Энг ёмони, руҳан зарба емоқда эдик. Ҳеч қанақа отишмасиз, оғир аҳволда қолдик. Худди кўзи кўр одам сингари талмовсираш жудаям аянчли эди. Бир қадам хато юрсак, портлаймиз. Танамиз тилка-пора бўлади, наслимиз қурийди. Бу – шармандали урушнинг яна бир шармандали кўриниши, инсон ҳаётининг сариқ чақага

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

² Афғон милицияси ходимлари.

ҳам арзимаслиги, хўрлик устига ҳақорат муҳрининг бо-
силиши эди.

Биз эгаллаган ерга мина зарядлари сочилганига шубҳа
қолмади. Бир уйча жойга синчўп тикиб, айланган сапёр
еттита мина топди. Бунақада ҳожат чиқариш учун ҳам
жилишга қўрқасан. Бизга нисбатан руҳий курашнинг энг
олий йўлини топишганди.

– Яна кимнингдир шўри қуримай, тезроқ кетайлик... –
сўкинди сапёр.

– Комбатга алоқада маълум қилдим. Биринчи бўлинма
хузурига қайтишга рухсат берди.

Лейтенантнинг гапи ўз хандаклари ёнида ҳадикси-
раётган жангчилар кўнглига осойиш берди. Зум ўтмай
машинага ҳамма юк тўрваларини ортди. Қозончаларни
олишга қимtingан аскарлар гулханлардан кўз узолмай
машина устида ўтиришарди. Эгасиз қолган жанг тўрваси-
га ҳали очиб улгурмаган, ўтинга кетган аскарнинг кунлик
овқати, темир идишларини солиб қўйдик. Саккиз киши-
лик бўлинма билан келган БМП-2 да етти нафар жангчи
ўтиради. Машина оғир силтанди.

– Менга алам қилаётir, иложи бўлса анавиларнинг
кўрғончасини яксон қilsак эди. Қара, бизни хуш-хушвақт
кузатишяпти. Қорамиз ўчгунча дурбинда кузатиб ҳам ту-
ришади, – деди Юра ёнимиздаги афғон аскарларининг
кўрғонига ишора қилиб.

Иккала зобит ҳам ўзини эшитмаганга олди.

– Истаган жойга бурнимизни тиқаверсак бундан бат-
тари бўлади, – кўшилди сержант йигит.

Зобит бизга маҳзун термулди. Сапёр босиб-босиб ту-
татарди.

– Ўртоқ лейтенант! Ҳозир биз кетаётган машина ми-
нага тушиб, баримиз ўлиб кетсак, иттифоқдагилар нима
деб хотирлашади, – киноя билан сўради Андрей Боч-
карёв.

– Албатта, оғир жангларнинг бирида портлаб кетишди, қахрамонларча ҳалок бўлдилар, жасурлик кўрсатдилар дейишади, – деб кесатди украин Юхумуқ.

Командир бош эгди. Гапимиздан изтироб зохир юзида қаҳрли жилмайиш пайдо бўлди. Бу йиғи билан баробар эди.

– Юра, ўйлаб кўр-а, ўз уйида тўполон қилган болакайни етти ёт бегона бўлатуриб сен дўпославерсанг, отонасининг қаҳри келмайдими? Минг қилса ҳам жигарбанди. Ўз пушти камаридан яралган арзандасини сенсиз ҳам ўзлари таъзирини бериш кўлидан келмаса-да, бир амаллаб инсофга чакирав...

Биз шоир деб ҳурмат қиласидиган Кузменко бу гал ҳам ҳақ гапни айтган эди.

Машина буруқсиган тутун қолдириб, ечимсиз саволлар юкидан зўрга олға силжир эди.

III

Афғон баҳори ҳам ўзимизни кидай бўлади. Қисм атрофидаги ўрикзор оқ гулга бурканган тиник кунлар бошланди. Яқинимиздаги қишлоқда болаларнинг қий-чуви эшитилар, ҳавони тўлдириб варраклар учарди. Гўё бу ерларда уруш бўлмагандай...

Биз баҳорни ҳеч қанақа рейдсиз ўтказишни истардик. Начора. Уруш ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди. Ҳархолда бу ерга курортга келмаганимизни ҳис қиласидик. Шу боисдан баҳор ҳам омонат эди.

Штабдан икки-уч кундан сўнг Чорикорга “сафар” килишимиз ҳақида хабар келди. Жангчиларни яна ваҳм босди. Негаки, у ёқда вазият нечоғлик танглиги, бизни “яхшилаб”гина “мехмон” қилишлари сир эмасди. Қисм неча-неча жангларда Чорикордан олдинлари энг оғир талофат ва йўқотишлар билан қайтганини билардик. Энг

кўп курбон ўша ерда бўлади. Чорикорни Афғоннинг “оловли нуқтаси” дейишарди.

Юриш тағин тунда бўлди. Кобулдан чиққач, кенг ялангликда тунадик. Доира шаклида қуршалган “оромгоҳ”да гитаралар тилга кирди. Гулханларнинг олов тили рақс айлади. Тонгга довур жангчилар қўшиғи тинмади.

Юлдузлари сергак Баграм осмонига термулиб ётарканман, ашулачи Юранинг ўлим, жангтоҳ ҳақидаги қўшикларини кўнглим сув бўлиб тинглардим.

Назаримда, Юра айтиётган воқеа худди бизнинг ҳам бошимизга тушадигандай эртага.

– Мўмин!

– Нима?

– Худога ишонасанми?

– Мен ҳар куни худо дейман. Ўлмайин, омон-эсон қайтайин дейман... Ўзинг-чи?

– Мен ҳам.

– Афғондан қаҳрамон бўлиб қайтишни истайсанми?

– Ордени бошини есин афғоннинг. Кўрмасак ҳам, куймасак ҳам яхши бўларди.

Эрталаб Чорикорга қийналмай кирдик. Бирорта ҳам ўқ овози эшитилмади. Бизнинг взвод “мудофаа”га туриши зарур. Тиззага довур майса бўй чўзган, атроф алвон кўрпа тўшалгандек. Лолақизғалдоқзор оралаб юргуринг келади.

Машиналар тағин истехкомга кўйилди. Ортдаги йўлдан келаётган озиқ-овқат юкланган армиямиз тизими қабила ичкарисидаги аскарларимиз кузатув нуқтасига етгунча хушёр туришимиз лозим эди. Йўл бўйлаб БМП-2 ва танклар рўпарадаги дараҳтлар тўсган қўрғонларга қарама-қарши тизилди.

...Баграмдан сўнг БМП-2 га операторлик қилардим. Милни тушириб, снарядларни отувга шайладим. Машина атрофида лейтенант Ермилин ва механиким Ринат ҳам

үзларига отишга қулай жой ҳозирлашди. Назаримда, ҳеч қанақа жанг бўлмайдигандай...

Йўлдан юк машиналари ўта бошлади. Кутилмаганда қаршимизда, йигирма-ўттиз қадам нарида гранатамёт ишлаб қолди. Машина ичкарисига кириб, мўлжалга ҳам эътибор бермай босув нуқтасини итардим. Бесаноқ снарядлар учди. Кўргон чанг-тўзон ичида қолди. Қирғин бошланди. Ҳар томондан ўқ ёмғири ичида қолдик. Очифи, ўқ овозию гумбурлашлар қайси томондан келаётганини ҳам фаҳмлай олмасдик. Машина қаттиқ силкиниб, меҳаник хонаси томондан юзимга олов урилди. Эсанкираб қолдим. Жонҳолатда қопқокни итариб, ташкарига отилдим. Душман машинани гранатамёт билан урганди. Бир амаллаб балчиқ ариққа сакрадим. Бош кўтаришга имкон йўқ. Кўрққанимдан оператор хонасида автоматимни ҳам қолдирибман. Нима қилишимни билмай қолдим. Тўсатдан бошланган тўполонни ақлимга сиғдиролмасдим. Рўпарамдаги қалъалардан тўп-тўп бўлиб чиқиб келаётган, узун-узун кўйлак, кенг иштон кийган, салла ўраган душманларни аниқ кўриб турадим.

Кўз олдим қоронфилашди... Каражтман. На қўрқув, на ҳаяжон қолди менда. Назаримда, бу тушга ўхшарди. Ўзимча нималарнидир айтиб тиловатлар қилдим. Кўз олдимдан энг яқин кишиларим – ота-онам, ёру дўстлар, уйим, қишлоғимиз, бири қўйиб, бири ўта бошлади. Лаҳза сайин ўлимни кутавердим. Ана улар яқинлашмоқда. Ҳозир ўқдонида ўқ тугагунча баданимни илма-тешик қилиб юборишади. Ариқдаги балчиқни шунчалик қисган эканман, бармоқларим оғриб кетди. Бошимни балчиққа тобора тиқа бошладим. Менинг ҳечам ўлгим келмасди. Хаёлимда эса онам... Хаёл сургудай ҳолатда бўлмасам-да, кўз ўнгимда фақат кичкинагина ҳовлимиз қотиб қолганди. Дунё билан сўнгги бор хайрлашмоққа бошимни кўтардим. Улар ўн-ўн беш қадамча қолганди. Миямга келга-

ни шу бўлди: “Наҳотки, асирга тушсам?..” Жонҳолатда эмаклай бошладим. Ариқ саёз бўлса-да, танамни кўрсатмасдан ҳаракат қиласадим.

Душман пайқади чоғи, БМП-2 сиртига чинғиллаб ўклар тега бошлади. Қулай фурсат, бор-йўғи уч-тўрт дақиқада югуриб қолиш керак. Мени аллақандай осмоний қудрат, илоҳий куч бошқарарди. Танам кимнингдир ақли билан ишларди, гўё. Балки бу онамнинг олислардан йўл кўрсатишимиди?

Бироз ўрмалаб, қандай қилиб ариқ ёнидаги ўрага тушганимни билмайман. Мен бошқа одамга айлангандим. Қўзимга ҳеч нарса кўринмас, факат олдинга югурадим. Токзорга ўтишим билан олдинда танклар кўринди.

...Энди ўйласам, биз ўшанда мутлақо куршовда қолган эканмиз, танклар эса ёрдамга келаётганди. Ҳанузгача таажжубланаман! Қандай қилиб, духлар оёғи остидаги душманни отолмади экан?..

Танк панасида хавфсиз жойга етиб келгач, тиббий бўлинма машинаси ёнида лейтенант Ермилинни суяб турган Ринатга кўзим тушди. Командир қаттиқ жароҳатланганди.

– Қўчкор тирикмисан! – кўзларини очиб-юмиб бош силкиди.

– Тирикман, ўртоқ лейтенант! Куролим ҳам машинади қолиб кетди.

– Ҳозир танк билан судраб чиқишиади.

Бошим шанғиллаб теварак-атроф гир айлана бошлади. Бизниklар қочиб чиқарди. БМП-2 ва танклар ёнида паноҳ топган пиёдалар урилиб-сурилиб югуришарди.

Токзор ичкарисидан елдай учеб келаётган БМТ-2 биз турган тиббий бўлинма майдонига келиб тўхтади. Бу тўртинчи взводники эди. Рота командиранинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Шерстюкнинг боши кўринди. У машинадан шаҳд билан ерга сакради.

– Машинани нега ташлаб чиқдинглар?! Механикни топ.

– Тешіб ташлашди.

– Нима қипти? Қочгандан күра ўша ёқда ўлсанглар яхшиrok әди. Сенларни деб ротани ерга уришади энди.

– Имкони бўлмади, ўртоқ катта лейтенант!

– Кўрқдингларми? Буни уруш дейдилар... Ҳозироқ танкчилар билан ичкарига кирасизлар. Машинани тортиб келинглар.

Ўлим олдидан тўлғонганим – жанггоҳга қайтиб киришга юрагим довламасди.

Қалтираб зобит ортидан эргашарканман, ичкарида – ҳозиргина биз ташлаб қочган тарафдан танклар кўринди. Икки танк бизнинг машинани судраб келарди.

Машина сирти илма-тешик бўлиб кетганди. Танкчи зобит совут ҳамда автоматимни бераётиб қаттиқ кучоқлади. Кўзларимдан ёш сизди. Бўғзим ачишиб хўнграб юбордим.

– Хафа бўлма, аскар! Омадинг бор экан. Сен қахрамонсан. Манавини кўр.

Унинг қўлидаги автомат мили икки жойидан тешилганди. Ким билади, ичкаридан вақтида чиқмаганимда нима бўларди. Автомат оператор хонасига суяб қўйилганди. Балки ичкаридалигимдаёқ мили тешилгандир? Менинг ҳаётимга наҳотки шу бош бармоқдай темир қалқон бўлди?

– Буни Москвага юбориш керак, – деди зобит.

– Занғар, келиб-келиб теккан жойига кара, – қўшилди Ринат.

Автоматни зобитлардан кимдир суратга олди. Машина олдида, қўлимда тешик милли қурол билан, XX аср шўро аскари киёфасида расмга тушдим. Машинани эса шу яқин орадаги кузатув нуктасига қолдиришга буйруқ олдик.

Кеч кирди. Күшин Баграмга яқин ялангликда дам оларди. Азбаройи, асабим шу қадар толиқкан эдики, никмалар юз бергани, энди нималар бўлаётганини англай олмасдим. Кўз олдимда турли хил шарпалар сузарди, холос. Машиналарнинг гулдураб қолишлари, яна алламбало шовқин-суронлар ичидаги қолгандаи, ўзимни кўярга жой тополмасдим. Ўз танамни кўтаришга bemажол кўйи, машина тагида чўзиларканман, уст-бошимдаги қотган кон ҳидидан кўнглим бехузурланарди. Бўғила бошладим. Зўрға кўзларимни очаман. Тепамдаги бошпанам – БМП-нинг тумшуғи тобора каттариб бораётгандай. Машина ичи гўё қонга лиқ тўлган-у, унда менинг хаёлимдан элас-элас ўтаётган ота-онам, укаларим сузиб юргандай. Мен эса копка тепасида туриб уларни кузатаяпман. Ана отам, кейин укам шўнғиётир. Конли гирдоб узра онамнинг чехрасини кўриб қоламан. Ана у хам... кўринмай кетди... Тағин гирдоб юзига чиқди. Сочлари қип-қизил...

– Она-жоон!!! О-о-о!!!

Бошим нимагадир қаттиқ урилди. Бу шамол, чанг-тўзондан тўсиш учун кўйилган, девор вазифасини ўтовчи снаряд қутиси эди....

Бошимнинг оғриғи баттар зўрайди. Тарс ёрилгудай. Орқа томондан ҳар сония болға билан кимдир бешафқат уради. Мен эса тезроқ бошим мажакланиб кетишини, сўнгсиз оғриқдан халос бўлишни истардим. Ҳеч нарсани қабул килолмай кўйдим.

Орадан “узоқ йиллар” ўтиб, кўзимни очдим. Тепамда ротадошларим – Мусурмон, Нурмахон, механигим Ринат ўтиради.

– Қалайсан?

– Сал-пал тузук, – бош силкийман. Роса қийналдинг-а? Яхшиям дўхтири зобит жонингга ора кирди.

– Озгина тобим қочди.

– Ҳозирам қалтираяпсан. Энди дадилроқ тут ўзингни. Икки соатдан сўнг полкка қайтамиз. Мен Ҳайдарнинг машинасида кетаман...

– Сени ўн учинчига қўйишди. Бурсук кантузия бўлибди. Ҳали госпиталга олиб кетишди.

– Ҳайдарни... топишолмадими? – мен “ўлигини” деёлмадим.

– Йўқ. Энағарлар, ўлигини ҳам беришмади. Неча ма-
ротаба гаплашди бизнилар, – Ринат кўлларини мушт
килиб гапира бошлади. – Улар шунчаликка боришади.
Бизнинг жасадимиздан ҳам хун олишади.

– Нега энди?

– Мурдани пулга ёки техникага алишадилар, итлар, –
деди Мусурмон.

Ҳангуманг бўлиб қолдим. Мен бундай бўлишини ақ-
лимга сифдиролмасдим. Наҳотки, жангчининг жонсиз та-
насини ҳам?...

– Ёмон томони ҳалок бўлган жангчиларимизни сурат-
га тушираркан. Кейин Покистонга жўнатишади. Банда бошлиғидан мукофот олишади, ҳаромилар, – деб давом
этди биздан олти ой кўп муддат Афғон кезган Мусурмон.

– Агар беришмаса-чи?

– Бўлиши мумкин эмас. Дивизия штабига хабар кел-
ган, эрта тонгда оларканмиз...

Чорикор жанги тезда тугаганига қарамай, кўпчилик яраланганди. Уч жангчи жасади эса изсиз йўқолди. Булар ротадош аскарлар – Ҳайдар, Самад ҳамда прaporшик Ка-
ливатов эди.

Шунчалик карахт аҳволда қолганмиз. Ҳатто кечагина биз билан бирга юрган, кулишиб ўйнашган дўстларимиз-
дан ажралганимиз ҳам шунчалик мусибатли туюлмасди,
айни кунда. Бу эса ўша чоғлар дийдаси қотган ўғлонлар-
нинг бошига тушган фожиа эди, холос. Уруш ҳамма нар-

сага қодирлигини, кўп нарсалар содир бўлишини вакт ўтган сайин кўра бошладик.

- Кўчкор, чекасанми, йўлга яхши?
- Нима у?
- Дори...
- Майли... ол бу ёққа.

Ринат эндиғина ўралган “Донские” сигаретини тутатди. Милтиллаган чўғ тун кўйнида қўлдан-қўлга ўтиб, даврани уч марта айланди. Сўнгги бор тортишимда танам бўшашиб, миямга нимадир “тўкиллаб” урилди, Вужудим енгиллашиб уча бошладим. Мен билан ҳамма нарса учар, юзим музлаб бораарди. Дунё азобларидан мутлақо кутилгандим. Беихтиёр кула бошладим. Ўзимни тўхтата олмасдим. Рўпарамдагилар қиёфаси ажабтовур шакл олар, мендан узоқлашиб кетишар, зўр-базўр нималар дейишаётганини англардим. Кимdir йиғларди ҳам. Хуллас, мен иккинчи маротаба ўз-ўзимдан узоқлашдим. Назаримда, бу хаётда йўқ эдим.

Қанча ухлаганимни билмайман. Бақириқ-чақириклардан уйгониб кетдим. Машина гур-гурлаб туради. Фира-шира тонгда қайтишга тараддуд бошланди. Одатдагидай командир йўл олдидан ротани сафлади. У ҳам руҳсиз. Уни биринчи бор шу аҳволда кўришим. Олдингидай тантанали нутқ ирод этиб буйруқ бермади. Боши эгик. Уставга қарши ўлароқ саф олдида лабидагиigaretни узлуксиз тортади. Уйқусизликдан қизарган кўзлари қуюқ тутун ароаянчли боқади.

– Йигитлар, оғайнilar! Кеча сафимиздан уч киши кетди. Яхши йигитлар эди. Азаматлар эди... Улар менинг хотирамда бир умр сақланади. Бу лаънати Афғонистон азобини қалбимиздан ҳеч нарса суғуриб ололмайди. Бир-биримизни авайлайлик... Укаларим, эҳтиёт бўлинглар, – унинг кўзидан ёш сизди, – дўстларимиз хотирасига сукут сақласак.

Саф қимир этмади. Бошларни ҳасрат эгганди. Ҳамманинг қалбига шаҳид уч жангчининг муборак номи ёзилётганди. Кўп ўтмай, бутун қисм саф тортди. Қайтиш олдидан аввалгидай уқтирилди. Жангчилар соч-соқолини тартибга келтириши, техникаларда сочилган ўқ-дориларни яшириши лозим. Чунки Кобул яқин. Шаҳарни оралаб ўтиш учун, ўзимизни мажбурий қиёфага солишимиз керак. Иложи бўлса, қуроллардан ўқдонлар ечиб олинса яхши бўлади. Шаҳарда хорижий муҳбирлар, сиёсатчилар йўлимизга муштоқ ўтиришарди. Ясан-тусан, дабдаба билан Кобулдан ўтиш зарур. Гўё ҳеч нарса қўрмагандай. Бизнинг талофатлар эвазига жанг қилаётганимизни кўришмасин улар. Имкони борича хушҳол, яхши кайфиятда кулиб ўтиш керак. Барибир чет элликлар суратга олишади.

Бу сунъий, ёлғон саъй-ҳаракатлар киши ғазабини кўзгатарди. Биз бегона ерларда сарсону хор бўлиб юрганимизни яширадик. Ҳақиқат – босқинчи эканлигимизни тан олмасдик. Ваҳоланки, хорижликлар ҳар нарсадан воқиф эдилар. Шўро армияси аскарларининг бехуда сарсон-саргардан бўлиб юрганлигини яхши билишади. Мен эса тағин бир аччик ҳақиқат – дину эътиқодимиз бир бўлган ўз қариндошларимга тиф кўтараётганимни, мусулмон фарзандларини зор қақшатаётганимни ҳис қиласдирим. Аммо мен ўрис армиясининг ихтиёри ўзида эмас ўзбек аскари эдим.

Шаҳарга киришимиз билан машиналарда тартиб сақланди. Мудраётганлар уйғонишди. Бутун бошли колонна, маслаксиз тўс-тўполон қилиб юрган шўро армияси бегуноҳларча шаҳарни ларзага солиб ўтарди. Бизнинг бўлинма ёнида эса америкача рақамланган машина шаҳар четигача бирга келди. Орқа ўриндиқда ястаниб олган, топ-тоза кийинган қора кўзойнакли муҳожир сигарет узатди. БМП устидан энгашаётган Юрани кўриб Мўминнинг ғазаби кўзиди.

— Хой, казёл, түгри ўтири. Энкайма!

— Нима ишинг бор?

— Ўлиб бораяпсанми?

— Ишинг бўлмасин...

Юра яна узалишга ийманди. Мўмин ғудранди.

— Иложи бўлсаю битта граната ташлаб гумдон қилсанг, сигарет-мигарети билан.

— Ўчир овозингни...

Хорижий машина секинлай-секинлай ортда қолди. Мўмин унга қаратса нафрат билан туфлади. Хаёлидан ни малар ўтаётгани менга қоронғу эди. Бирпасдан сўнг Бочкарёв юзига қаҳрли тус бериб, сувтекин аскарий сассик, сигарет тутатди. Ҳар ким ўз ўйи билан банд. Колонна полк сари илдамлади.

Эртасига мълум бўлди. Учала мурдани ҳам беришибди. Дивизия штабида экан. Ўликларни олиб келиш учун сиёсий ишлар бўйича командир ёрдамчиси лейтенант Шерстюк ва взводдош Мусурмон тайинланди.

Икки кун ичида ротага қайтган Мусурмон ўзгариб қолди. Ҳеч кимга гапирмайди. Нима бўлганини сўрасак, анграяди. Нимадир ёдига тушади чоғи, юзларини буриштиради. Индамай, телбанамо узоклашади. У бир ҳафта шу алфозда юрди. Зобитлар ҳам ўз майлига қўйиб беришди. Афтидан улар Мусурмоннинг нега гарангсифат бўлиб қолганини сезишганди. Мен асаб касалига йўлиққанмикин, деб хавотирда эдим.

Бир куни рота тушликка кетгач, казармага кирдим. Мусурмон ерга тикилган қўйи каравотда бир ўзи ўтиради.

— Нега ошхонага бормадингиз? У-бу нарса олиб келайми?

У бош чайқади.

— Мазангиз бўлмаса, айтинг, тиббий қисмга юборишади.

У миқ этмади.

— Ҳозир ротнийга айтаман... Бу ҳолда қийналиб кетасиз.

– Сўз берасанми?

– Нима учун?

– Ҳеч кимга оғиз очма. Учаласининг ҳам олатини кесиб олишган экан, ҳаромилар. У йифлаб юборди. Елкалари қаттиқ-қаттиқ силкинарди. Тошдай қотиб қолдим. Бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим. Мусурмон иродали йигит эди.

– Ҳей, энасини фалон қиласайлар...

– Сўкинма. Мен иккинчи бор кўришим. Жонга тегди, ука. Тезроқ қутулсайдик. Олдинги йил Чорикорда биттасини тирик ҳолда дарахтга осиб, олатини кесиб ташлаши. У дух эди. Ҳануз қулоғимдан чинкириғи кетмайди. Душманга ҳам ҳақоратли-ку бу жабр?

– Нега ундей қилдилар?

– Духлар ҳам авваллари бизникиларга шундай жазо қўллашган. Разведкачилар командири шу кўйга тушган иккала жангчиси учун ўч олганди.

Мен ҳали кўп нарсалар кўришимга яна бир бор ишондим. Оёқларим қалтираб ташқарига чиқдим. Рота овқатдан “Россия” кўшигини айтиб қайтарди.

V

Бир ой дам олдик. Ҳар куни механик ва операторлар техника парки, пиёдалар дала машқи, баъзан ошхона, қоровулхонага топшириқ олишарди... Куним деярли машинамни тузатиш, снарядларни тартибга келтириш, отув милини тозалаш, алоқани текшириш билан ўтарди. Хуллас, бўлгуси жанг олдидан ҳозирлик кўриларди.

Кечкуунлари казарма ичи қий-чувга тўларди. Пиёдалар қора мойга ботган “броня” (механик ва операторларни шундай дейишади) устидан ўзларича мазах қиладилар. Иккала томон ҳам ўзаро бир-бирини камситгани-камситган. Броня ундоқ, пиёдалар бундоқ... Лекин куролдошлар билан бу тахлит сўкинишларнинг ҳам ўзига

яраша лаззати бор эди. Айниқса, учинчи бўлинма командири Рашидга худо берарди.

Бу кеч ҳам у “қўшиғи”ни бошлади.

– Ҳа, бечора броня. Ўзингга қарасанг ўласанми. Кўлларинг одамникига ўхшамай қолибди. Нима бало, бензинга чўмиласанларми дейман. Уф, расво қилдинглар ҳамма ёқни, сассиқлар.

Каравотига чўзилаётган Рашидга механиклар бошлиғи Амин ака бир пой этик ирғитди. Этик тўғри унинг бошига тегди. Рашид бўралаб сўқди.

– Ҳой, чўчқа, пехотадан қўлингни торт, – хужумга ўтди иккинчи взвод сержанти Хайдиддин.

Биз томонга ёстиқ зинфиллаб қолди.

– Агар броня бўлмаса холаларингни учқўргондан кўрардинглар, – ғўлдирайди Мўмин ечинаётиб.

– Тоққа амманг чиқаяптими? Шу араванг билан текис йўлда зўрға юрасан, – бидирлайди пиёдалар бўлинмаси командири Саид.

– Сен сўқимларни ўша тоғингга довур ортиб борамиз. Йўқса, ярим йўлда фотиҳангни ўқиб қўярдик, – дейди оператор Нурмахон.

Ротада ўзбеклар кўплиги боис, бошқа аскарлар ҳам ҳар кунги “жанжал” сабабини тушунишади. Улар бизнинг бунчалик дўстона уришишларимизга ҳавас ҳам қилишади.

Хуллас, ур-тўйполон, ҳазил-ҳузул билан аскарлар уй-куга кетишади. Зобитлар ҳам кўнишиб қолишган.

Кўзим илингган экан. Кимнингдир туртишидан уйғониб кетдим. Мўмин ички оқ либосда арвоҳга ўхшаб турарди.

– Тур, ичамиз.

– Эй, бор-еъ...

– Ов, сени Рашид чақиряпти. Айримчалик қилма. Туғилган кунини нишонламоқчи. Ҳамма кутиб ўтирибди.

Казарма чироклари ўчган. Рашиднинг каравоти олдида беш-олти киши йифилганди.

– Чарчадингизми, ўғилтой, – минғирлайди Хайриддин.

– Қани, бизгаям қуй, – дейман унга.

Гарибона аскарий дастурхон ўзига яраша тузалган. Ошхонадан келтирилган қайнатма балиқ, сариёғ, окқанд ҳамда қисм дўконидан “Сиси” ичимлиги, турли хил конфет ва печенеъ харид қилинганди.

Ўртада, бир литрлик шишада, иккита “Столичный” турибди. Бири озрок тарқатилган. Хайриддин кружкага босиб қўйди. Бошқаларга яримдан. Бу билан мени жазолаганди.

– Ароқни ўшақдан олиб келдингларми?

– Ҳа, ўзимизницидан. Коля суратчи росаям қурумсоклик қилди. Ҳар шишиасини 100 чекдан сотди.

– Вой ярамас-ей, ўзи Кобулдан йигирма чекка сотиб олади, – сўқинди Саид.

– Улар Афғонга пул қувиб келишган.

– Даҳшат... Кимдир урушда қурбон бўлиб жон берса-ю, кимдир бойиб қайтса бу ердан, – деди Мусурмон.

– Нимасини айтасан. Ишга юборилганларнинг деярли бари чет эл буюмларини орқалаб кетиш, бойлик орттириш учун келишган.

Чиндан ҳам, Афғонга келган фуқаролар аскарларнинг ғазабини қўзитарди. Негаки, ҳар куни казарма олдидан тушликка бошдан-оёқ ажнабий кийиниб ўтишар, қолаверса, тайинли бирор иш билан шуғулланиши ҳам бизга қоронғу эди...

Анчагача ўтирдик. Менинг кайфим ошди. Иложи борича гапирмасликка ҳаракат қилдим. Ринат зобитлардан бирортаси кўриб қолмаслиги учун эшик олдидаги тунги навбатчини огоҳлантириб қўйди. Бемалол чека бошлидик.

– Агар ўлмай кайтсам, ўлмай кайтсам, албатта, албатта.... сизларсиз түй килмайман. – Мүмин гапини йўқота бошлади. – Эхх... Ҳозир биз тенги олифталар ресторону барларда ўтиришибди. Киноларни хеч кимга беришмайди. Ўлим ҳакида ўйлашмайди ҳам... Лекин ошналар, ўлмасам меникига боринглар, тўй киламан. Агар қайтолмасам, бу ердан уйга бориб онамга айтинглар, мен рози бўлиб ўламан. Эшигдинларми?

– Ётиш керак, йигитлар, – дейман бошим айланиб.

– Шошмай тур, – кўлини хаволатди Амин ака, – падарига лаънат, Аффонда юрганим учун ҳам ахдлашган кизим ташлаб кетди. Ким билади, соғ-омон қайтадими-йўқми, деб ўйлагандир. Совчилар келса рози бўлибди.

Амин ака бўш шишага бошини тираб жим қолди. Сўкиниб қўйди. Менинг ёдимга Саланг йўлида мудофаада турган пайтимиздаги бир воеа тушди. Ҳеч қанақа отишма бўлмаганди ўшанда. Икки кун йўлни қўриқладик. Эртага қайтамиз, деган кунимиз Амин ака автоматини елкаласаб тоғ томонга сой ёқалаб кетди. Тушлик тайёрланди ҳамки, у келмади. Хавотирланган взвод командири мени ҳамда украин Юрани унинг орқасидан юборди.

Амин ака харсангда қимир этмай, сувга тикилиб ўтиради. Ёнидаги тош устида эса сурат, хушрўйгина қизнинг сурати.

Бизнинг келганимизни пайқаб елкаси оша қаради. Ўрнидан қўзғалиб, суратни қўлига олди. Телбанамо харакат билан уни олисрокдаги тошга суюб қўйди. Бизнинг ёнимизга қайтгач, унга узоқ тикилди. Нега ундан қилаётганини на Юра, на мен билардик.

У елкасидан автоматни олди. Узоқдаги хушрўй қиз суратига қуролни тўғрилади. Бу ҳаракати ноўрин эканлигини айтиб, автоматни олмоқчи ҳам эдик, уришиб берди. Бир зум гавдаси титраб турди-да, сукунатни автоматнинг тариллаши йиртди. Тошга суюнган сурат эса аллақачон

титилиб бўлган эди. Учаламиз ҳам жим қайтдик. Биз икки-уч ойдан сўнг уйига жавоб бериладиган Амин акага бирор нарса дейишга ботинолмасдик...

...Нимадир қарсилаб кетди. Ўрнига, дам олишга жўнаган Ринат тумбани ағдариб юборди. Мўмин ўзи ҳам тушунмаётган қайсиdir хорижий қўшиқни хиргойи қилиб, ўзини каравотга ташлади. Анчагача кўзим илинмади. Полкда бир хилда, бесамар ва бехуда ўтаётган кунлар жонимга тегаётганди. Эртага ҳам шу: парк, ҳарбий дала машқи, шўрлик пиёдаларга балки қоровулхона ёхуд ошхонага топшириқ. Агар ҳарбий юриш бўлса кун тезрок ўтади, лекин бунинг ҳечам ҳавас қиласидиган томони йўқ эди.

VI

Ўлиб-тирилиб тозалаган техникаримизнинг бир кунлик дала машқидаёқ дабдаласи чиқади. Шунинг учун ҳам оғир жангга чиқмасак, паркда техникарларга қўл учида қарапдик. Буни яхши билган зобитлар, машиналарни синчиклаб текширас, у ерини ундок, бу ерини бундок қил, деб бошни қотирас, машина ичи-сиртини синчиклаб текширади. Пишикроқ операторлар, умуман жангга чиқмайдиган бузук БМПлардаги пулеметларни ечиб, ўзлариникига ўрнатишар, текширув пайтида “ҳаммаси жойида”лаб жаврайверарди.

Бундай пайлар ўрисчани амал-тақаллаб гапирадиган механик Мўмин машинаси устига чиқволиб: “Машина отдай учади, ўртоқ...” деб қулоқни еб қўяр, Ринат эса ёф қўлларини коржомасига суркаб: “Тузатамиз”дан нарига ўтмасди. Исмат аламини биздан олти ой кейин келган оператори Козловдан оларди: “Айёр казёл, сенга шу ерни тозала демабмидим. Қачон одам бўласан гўрсўхта? Калитни опке...” ва ҳоказо.

Мен механигим, доимо ғамхўрим, кўплаб оғир дамларда бирга қолган, ҳали яна қанчалаб жаҳннамларда бирга бўлиш насиб этадиган дўстим Ринатдан оҳиста сўрадим.

– Бизники қалай? Расво бўлмаймизми, ишқилиб?

– Парво қилма, бир гап бўлар!

Ротадаги зобитларга агар дала машқида юқоридан, юлдузи йириклардан кимдир қатнашгудай бўлса кун туғарди. Хуллас, оддий аскардан тортиб рота командиригача ўша кундан эсон-омон кутилиб олишни ўйларди. Ҳеч ким ротанинг нуфузли зобит олдида шарманда бўлишини, полкда бу ҳақда овоза тарқалишини истамасди. Тўғри-да, шунча жанг жадалларда бели қаттиқ келган аскарлар учун аллақандай машқда – уруш-уруш ўйинида изза бўлишдан ортиқ уятли ҳол бормикин?!

Эртага дала машқи деган кунимиз тушдан сўнг жангчилар казарманинг у ер-бу ерини супуриб-сидириш, атрофни тозалаш мақсадида полкда қолишиди. Бу – тушдан кейин уйқуни ураверинглар, дегани. Аскардан зийрак халқ йўқ, “тозалик куни”ни ҳаммамиз яхши тушундик! Казармада озроқ ур-тўполон бўлди-да, ҳамма ўзини қарвотга отди. Ҳатто эринганлар, ташқарига ҳам чиқмай паналатиб ётоқ жойида папирос тутатишиди. Кенг казарманинг бир бурчида қўшиқ янгради. Мен уйга соғ-омонлигимдан нарига кетмай уч-тўртта хат ёздим. Сўнгра узала тушиб ҳовлимизни эсладим. Пушта ток, бостирма, оғилхона, куймаланаётган онам... Ҳозир биз томонларга ҳам яшиллик юргургандир. Ишқилиб, мен боргунча катта энам ўлмай турсин. Бечоранинг кўзлари хира тортиб қолганди. Отам нима қиляптийкин? Ҳали ҳам бирорларнинг боғини юмшатиб пул топаяптиимикин? Энди, эсон-омон уйга борсам, отамнинг ёнида бўламан. Аввалларида сирайм уялмайман. Боғ юмшатишга, пахса уришга кўмаклашаман. Ўз кучинг билан пул топсанг, нимаси уят. Қишлоқнинг қизлари деб, отам билан мардикор ишлашни

ор билибман. Шўрлик етти болани боқаман деб, силласи куриб бўлди. Начора, даланинг қирқ-үттиз сўмига қараб бола боқиб буларми? Менинг бечора отам, кимнинг боғида ишляпсиз ҳозир? Отажон, мен ўлсан сизга янаям қийин бўлади, чўкиб қоласиз. Мени шу умидда бировларнинг хизматини қилиб улғайтибмидингиз? Оғзингиз энди ошга тегаман деганда тўнгичингиздан айрилиб ўтирансангиз. Қишлоқдошларим айтса керак: “Бечора боласининг хузурини кўрмади, қиёмат бўлди. Ҳар банданинг раҳмини ўзинг е, қодир эгам!”

Чакаларимдан ёш сизар, ёстиғим жиққа хўл эди. Менинг тўйиб-тўйиб йифлагим келарди. Юзимни ҳеч кимга кўрсатмаслик учун ёстиқни қучоқлаб юзтубан ётдим. Ичим ёниб бораради, димоғимдан аланганинг аччиқ ҳиди ўрларди.

Уйқуга кетган эканман, оёғимдан кимнингдир туртишидан кўзимни очдим. Ўгирилиб қарадим. Тепамда Ринат турибди. Кўзлари қизаринқираган, юзидан қон қочган, бошини ортига ташлаб чайқаларди.

– Чекасанми?

– Тек ўтир, уйқум келяпти.

– Ихтиёр ўзингда. Бу сафаргиси бир тортқилик экан. Дарров миянгга тепади, – у чўнтағига қўлини тикиб, чайқала-чайқала шерик излагани кетди.

Орадан ҳеч дақика ўтмай гурс-турс қадам товушлари эштилди. Яна уч аскар Ринатга қўшилиб казармадан чиқиб кетаётганди. Зобитлар сезишмасин дейишган чоғи, ташқарида чекишишмоқчи. Нашанинг ўткир ҳиди тез тарқалади. Кўча-куйда, жанггоҳда чекишишгани камлик қилгандай, казармада ҳам тутатсалар, албатта, зобитларнинг ғашини келтиради.

Тонг ёришгач, механик ва операторлар паркка жўнашди. Ҳаммамиизда бронжилет ва кичкина АКС (у) куроли бор эди. Машиналар парк ташқарисидаги майдонда

взводма-взвод қатор қилиб тизилди. Алоқалар текширилди. Башнянинг қандай бурилаётганини синааб кўрдим. Отув мили кўнгилдагидай кўтарилиб тушарди.

Рота зобитлари “махфий” топширикни “обдон” тушунтиридилар. Бу гал ҳам худди илгаригисидан фарки йўқ, менинг кўнглим жойига тушди: машиналар дастлаб “жанг майдонида” занжир шаклида тарқалар, яъни саф тортарди. Мен отув милини туширишим, алоқада хушёр туришим зарур. БМПлар сафи бузилмай олдинга ўқдай учарди. Бу пайтда машинани механик на оператор чинакам урушдагидай ёпиб олишлари лозим. Шу тезликда жангта кирган машиналар кенглиқдан ўтиб олингач, тор йўлда яна тизилишар, бир чақиридан кўпроқ масофадан сўнг тағин кенглик бошланар ва олдинда баландликлар кўринарди. Машиналар яна тизилиб, баландликлар этагига етгунча тезлик ошириларди. Тепаликка уч юз-тўрт юз қадам етмасдан машина тўхтатилар, рўпарадаги тепаликда нишон кўринар, пиёдалар сакраб тушиб машина атрофига ётиб олишарди. Рўпарадаги душман техникасига эса БМП-2 дан ўқ узардим. Агар снаряд бехато кетса нишон, албатта, йиқиларди.

Машина келиб тўхташи биланоқ кузатув ойнасидан нишонни ахтардим. Милни ҳар тарафга буриб кўрдим. Негадир нишондан дарак йўқ. Ички алоқада Ринат нега отмаяпсан, деб сўради. Мен нишон кўринмаяпти, ўзи тўғри келдикми, дедим. Биз ҳар доим шу ерга келиб туардик, деди у. Башня ойнасидан атрофни кузатдим, бошқа БМПлар ҳам ўз йўналишлари бўйича етиб келишганди. Машиналар оралиғидаги масофа юз эллик-икки юз қадамча келарди. Ён тарафимдаги йигирма учинчи ҳам ишга тушди. Негадир менинг қаршимда душман “машинаси” кўринмасди. Ана, кичкина-кичкина нишончалар пайдо бўлди, деди Ринат. Улар олтита бў-

либ, ҳар жой-хар жойдан күтарилди. Булар душман пиёдалари эди. Демак, чалғитиш учун кичкина нишонларни күтаришибди, мен буларни БМП отув милида эмас, пулемёт билан йўқотишим керак эди.

– Рўпарамдан “Серсоқоллар”¹ чиқиши. Ўқ отишга рухсат беринг! Қабулга ўтаман! – дедим командирга алоқада.

– Ишга кириш! – командирнинг кескин жавоби эшигилди.

Мен серсоқолларни пулемётдан битталаб ер тишлатдим. Ринат ички алоқада “яшавор”лаб турди. Кўп ўтмай, яна кўтарилиши. Тағин гумдон қилдим. Учинчи гал катта нишон – танк пайдо бўлди. Мен уни БТ снаряди билан тешиб ташладим, сўнгра иккинчи тасма ОФЗ снарядини отдим, бу осколкали снаряд бўлиб, тешилган танк ичидан чиқсан душманинг насибаси эди, тўртинчи сафар эса “пиёдалар” билан бирга “танк” кўтарилди. Олдин танкни йўқот, кейин пиёдаларга от, деди Ринат. Мен унинг айтганидай қилдим.

– Жанг тугади, душман йўқотилди, – дедим алоқада командирга.

– Орқага қайтишга рухсат бераман! – шанғиллади у.

– Ринат, машинани орқага бур, кетамиз, – дедим механикка.

– Яшасин тинчлик!

Машина бир гала зобитлар қуршовида машқларимизни кузатиб ўтирган дивизия командири жойлашган нуқтага қараб елдай учарди. Бир маҳал нимадир карт этди. Башнянинг бошқарув мосламасидаги ёниб турадиган қизғиши чироқчалардан бири учганди. Тамом! Машқдан қайтаётганда отув мили ҳамиша машина ҳаракатига қарши тарафга йўналтирилиши керак эди. Мен кузатув ойна-

¹ Махфий ном, яъни душман (пароль).

сидан қарадим. Зобитлар ва дивизия командири саросима билан мени бир-бирларига күрсатишар, отув мили улар турган жойга түғриланиб қолганди. БМП тобора яқинлашиб борарди.

– Башняни оркага қайтар, нима бўлди сенга, – деб қичқирди Ринат.

– Бурилмаяпти. Ток йўқ.

Ринат машинани энишга олиб тўхтатди. Мен куйган чироқчани алмаштирдим. Алоқада рота командири куйиб-пишиб ҳол сўрар, тезроқ ҳаракатланишни буюарди.

– Ўн тўртинчи, сенга нима бўлди?

– Чирокча...

– Тезроқ кимиirla!

– ...

Орадан уч дақиқа ўтар-ўтмас Ринат машинани юргизди. Мен отув милини тескарисига қаратдим. Ҳаммадан охири биз етиб келдик. Механик ва операторлар бир сафга тизилди. Баланд кузатув нуқтасидан ҳарбий кийими ўзига ярашган генерал-майор салобат билан тушиб келди. Тахтадай қотиб турардик. У менинг рўпарамга келиб, бошдан-оёқ разм солди. Бироз жим турди. Шундагина ўзими ҳарбиёна таниширишим лозимлиги хаёлимга келди.

– Катта сержант Норқобилов! – дедим кекирдагимни узгудай бўлиб.

– Яхши. Бопладинг! Сафдан чиқ, ўртоқ катта сержант!

– Хўп бўлади! – мен аскарча қадам ташлаб олдинга чиқиб, сафга юзма-юз турдим.

– Даала машқини аъло даражада бажаргани учун катта сержант...га ташаккур билдираман, – генералнинг ортидаги зобитлар ҳам ғоз туриб, қўлини чеккасига келтирди.

– Совет Иттифоқига хизмат қиласман!..

Сафда турган Мўминнинг юзида кулги ифодаси қалқди.

– Сафга туринг.

– Хўп бўлади!

Яна ўшандай юриш билан ўз жойимга келдим. Ёнимда турган Мўмин пичинг қилди:

– Ўла-ўлгунимча Совет Иттифоқига хизмат қиласман, дедингми?

– ...

Энди навбат пиёдаларга етганди. Улар техникадан ўққа тутилган тепаликларга қисқа сакраш билан эмаклаб чиқиб бориши кўзда тутилар, шўрликлар азоб тортишарди. Кун исиб қолганди. Жангчилар тепаликка чумолидай ўрмалаб чиқишар, автоматларнинг тариллашидан чинакамига уруш бўлаётгандай эди, гўё БМП-2 лар пастда кутиб турар, “уруш” тугаши билан пиёдалар олиб қайтиларди.

Тўполон кечгача давом этди. Тўсатдан биринчи взвод командири лейтенант Ермилин рота командиридан “жанг”ни тўхтатишга изн сўради. Бирор кор-ҳол юз бергани аниқ эди. Жон қулоғим билан нималар бўлаётганини тинглардим.

– Нега барвақт тугатишибди? – сўради Ринат.

– Кимнидир отиб қўйишибди, – жавоб бердим.

– Қанақасига?..

– Бехосдан отишганда. Жойида ўлибди. Ермилин айтди, тиббий бўлинманинг кераги йўқ экан.

Бронядагилар ким ўлганидан бехабар эдилар. Ҳар ким, кимнинг ҳаётига нуқта қўйилгани, бу лаънати Афгон тағин кимнинг бошига етганини тезроқ билишни истар, айни чоғда, ич-ичидан нимадир узилгандай бўларди. Ҳамма ёқ бир зумда сув қўйгандек бўлиб қолди. Фақатгина тепаликдан тушаётган пиёда аскарлар бронжилетларининг тақиллаши эшитиларди.

Мурдани БМП-2 га жойладик. Унинг белидан кетма-кет теккан ўқ темир сувдонини илма-тешик қилиб ташлаганди. Унинг кийимлари қон, юзи дока тусига кирган, лабининг иккала бурчида қуюқ ва қорамтири қон қо-

тиб қолганди. Очиқ ҳолда қолган кўзларининг қорачиги орқага тортиб кетган. Унинг аянчли аҳволига боқиб, кишининг бадани жимирилаб кетарди. Бу хизматга келганига уч ой бўлиб қолган бухоролик йигит эди. Зобитлардан бири жасад ортилган БМПда тиббий қисмга, акт тузгани кетди. Кечқурун ротада: афғон урушида, жангларнинг биррида жасурлик кўрсатиб ҳалок бўлди, деган қораҳат тайёрланди. Жангчилар ҳеч қандай аянчли воқеа рўй бермагандай уйқуга кетишиди.

VII

Эрталабдан ёға бошлаган ёмғир тушликка бориб авжига чиқди. Осмон қорайиб, кундуз хира тортди. Полкнинг саф майдони четидаги ариқчаларда сув килкилаб оқарди. Май ойи ўрталари бўлишига қарамай, баҳор осонликча таслим бўлишни истамаётганидан далолат эди бу.

Ёмғир казарма деразаларига бетиним урилар, картон деворлардан, ичкарига чакка томарди. Аскарлар ётоғидан зах ҳиди келарди. Мен ташқарида ўйнаётган ёмғирранг сепкилларга боқиб, эртага ҳам, индинга ҳам шу ҳол такрорланишини хоҳлардим. Ҳеч қанака юмушсиз казармада ётиш жуда яхши бўларкан. Лаънати паркка бориб бошдан-оёқ лойга ботиб ишламайсан, адирма-адир ҳаллослаб, ҳеч ким дала машқида югурмайди ҳам. Аммо шу якин орада урушга чиқишимиз эҳтимоли борлигидан кўнглимга ғашлик чўкаётганди. Агар уруш Чорикорда бўлса, урди худо. Бирор кичикроқ тоққа чиқилса унчалик ёмон эмас. Панжширдан бошқа тоғларда отишма камроқ юз беради. Аммо ҳар қандай жангда ҳам кимдир ҳалок бўлиши керак. Ким у? Ким? Балки... Хаёлимга келган фикрдан қўл-оёғим бўшашиб кетди. Мен ўлишни истамайман! Ҳар қандай вазиятда ҳам омон қоламан. Ота-онам ҳузури-

га, юртимга соғ қайтаман. Отамнинг суюнгани – мен. Эй худо, ишқилиб, шу ерларда ўлиб кетмайин!.. Чүнтагимни титкилаб сўнгги сигаретни тутатдим. Аччик тутунни ўпкам тўлгунча тортдим. Бироз енгиллашгандай бўлди кайфиятим. Казармада ғала-ғовур кўтарилган – хизматга энди келганлари эса оқ ёқа тикишар, қайиш тўқасини ялтиратар, этик мойлашар, хуллас, ҳарбий ўқувдаги одатини тарқ этишганича йўқ. Уларнинг ичида бақувватлари ҳам, қуролни зўрға кўтарадиганлари ҳам бор эди. Қизиқ, инсон боласи икки-уч ой ичида кексайиб, қурол ишлата билиш керак пайти ўзини-ўзи ҳимоя қилиш даражасида чаққон ва эпчил кишига айланиб қолиши мумкинми? Урушда ҳар нарса содир бўлади, уруш одамларни қисқа вақт ичида, умуман бошқача қиёфага солади. Этигини тозалашни зўрға эплаётган анави нимжон Михайлов ҳам икки-уч марта жангга қатнашиб, кўзи пишгач, ерга урсанг кўкка сапчийдиган бўлиб қолади. Ҳали бошига не савдолар тушишидан бехабар боёкиш. Балки мен Михайловдан олдин ўларман?.. Иккаламиз ҳам ўлмасмиз балки. Чўнтағимга қўлимни тикдим. Бўшаган кути ва тўқилган тамакидан бошқа нарса йўқ эди. Ринатдан папирос сўрадим. У ётган жойида бир кути “Донские” иргитди. Бу сафар тортганимда бошим оғриб кетди. Танам мажолсизланди. Охирламаган папиросни полга ташладим.

– Яшасин Совет оператори! Казармани “курилка”га айлантирган жангчига шон-шараф! – қичқирди Ринат.

Унга ҳеч нарса дегим келмади. Кўнглимга қил сиғмаётганди. Ташқарига чиқдим. Ёмғир ҳамон босиб ёғар, осмоннинг қовоғи баттар тунд эди. Бундай пайт ҳеч жойга сиғмайсан. Қаерларгадир бош олиб кетгинг келади. Мен ҳарбий хизматдан олдинги истакларимга эришажак кунларни қумсаётгандим. Қанийди ҳозир қишлоғимнинг қоқ ўртасида бўлиб қолсам! Уст-бошим шалаббо бўлиб кетса ҳам, ҳар бир сўқмоғини яёв айланардим. Узумзорларда

токлар энди барг чиқазиб қолган. Сен эса охири кўринмас узумзорни ёмғирда оралаб юрибсан. Оёкларингга сақичоқ лой ёпишиб, ғалати овоз чиқаради. Юрган сайин юргинг келади. Кетаверасан, то ҳолдан тойгуниңгча. Йиқилсанг... Нима қипти? Она қишлоғингнинг ери. Ўзингники... Узала тушмоқ ҳам жонга роҳат.

Казарма эшиги очилиб, кепкасини бостириб олган Ринат кўринди. Мен усти тунука билан ёпилган чекиш жойида ёмғирдан паналаб турардим.

– Ҳа, хаёлпараст. Нега одамлардан қочадиган бўлиб қолдинг?

– Ёмғир яхши ёғаяпти.

Менда чиндан ҳам кейинги пайтлар одамовилик пайдо бўлаётганди.

– Ҳа, кўнгилдагидай... Лекин учинчи ротанинг шўрига шўрва қайнайдиган бўлди.

– Нега?

– Жанг халталари, ўқ-дориларни тайёрлашаяпти.

– Шундай ёмғирда зарил кептими?

– Бутун рота жанговар ҳолатда тоққа чиқар экан. Телевизорга туширишармиш.

– Нега энди айнан ёмғир маҳали телевизорга олишмоқчи?

– Эй, кўрдингларми, шўро аскарлари шундай пайтда ҳам қаҳрамонона жанг қилишмоқда, дейишса керак.

Одамларнинг раҳмини келтиришмоқчи дегин.

– Ҳа, ёлғон жасоратлар акс этган ҳужжатли фильмлар эртага Совет Иттифоқи экранларида намойиш қилинди. Ана, учинчи рота ёмғирда ҳам душман ҳужумини қайтараяпти, деган тескари тарғибот юргизишади. Ўзинг айт, бундан ортиқ шармандалик, абраҳлик бўлиши мумкинми?

– Бечора учинчи ротадагилар! Телевизорда кўринамиз деб, ўн чақирим йўлга шалаббоси чиқиб пиёда боришар-

кан-да. Ҳали токқа чиқишиб, қаерларгадир автоматдан ўқ ҳам отишар?..

– Бўлмасам-чи! Фильм жонли чиқиши керак-ку. Аскарнинг қадри билан неча пуллик ишлари бор.

Ринат чўнтағидан сигарет олиб тутатди. Унинг оғиздан чиқаётган тутун ҳам ҳавода буралиб юқориларди. Зум ўтмай, саф майдонидан уч қатор бўлиб тизилган учинчи рота аскарлари ўтиб кетди. Қўшни казармадан чиққанига қарамай, уларнинг кийим-боши нам бўлиб кетган, каскаларидан оқаётган сув бўйинларига оқар, жанг тўрваси ҳамда курол кўтариб олишган эди. Ротанинг ёнида ғоз юриш қилиб бораётган катта лейтенант эса ахён-ахёнда “Бургутлар!!!” деб қўярди. То улар олислагунча бронжилетларининг тақиллаши эшитилиб турди.

VIII

Баҳор чекиниб, ёруғ ва ҳароратли кунлар бошланди. Офтобуар паллада табиатнинг ҳар бир мавжудоти ботинида бўшанглик етилади. Бунақа ҳолатда кишига ҳеч нарса ёқмайди. Агар ротадагиларга дала машқи, қоровулхонага бориш ҳақида батальон штабидан буйруқ келса, асти қўяверинг. Жангчиларнинг қовоқ-тумшуғи осилиб, кўпчилик дарров касал бўлиб қоларди.

Шундай мудроқли кунларнинг бирида полк карнайи важоҳатли чийиллаб, казарма устидаги капитарлар тинчи бузилди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас саф майдонида тўқис қуролланган аскарлар тизилишиб турарди. Полк командири ҳарбийча саломдан сўнг, барча зобит ва прaporшчикларни хузурига чорлади.

– Бирор совуқ хабарнинг иси келаяпти, – деди Мўмин. – Урушга чиқамизов. Ишқилиб, худо урган жойга бормайлик-да.

– Афғонистоннинг қаерида оромгоҳ бор? – дея кесатдим мен.

– Ҳар ҳолда, тирик қайтишингга ишонадиган жойлар топилиб колади...

– Панҷшир ё Чорикорга дейишса-чи?

– Нафасингни ел олсин!

– Ел оладими, сел оладими, бўлиши мумкин...

– Броня зудлик билан – паркка, пиёдалар – жанг тўрвасини тайёрласин! Битта БМП дўхтирлар билан боради. Кечкурун йўлга тушамиз, – деди рота командири катъий оҳангда.

Кун оғгач, парк ортидаги майдонга машиналарни олиб чиқдик.

– Ўн тўртинчи, сен тиббий қисмга борасан! – деди рота техники, прапоршчик Довгий.

Мен дўхтирлар билан бирга бўлишдан қувондим. Ринат икковимиз полк “тиббий қисми”га етиб келганимизда дўхтирлар ҳамма ашқол-дашқолларини ташқариға чиқариб бўлишган, ёнида уларнинг белгиси туширилган кўқимтири, иккита усти ёпиқ машинага зарур жихозларни юклашаётган эди. Бизни кўзойнак тақиб олган катта лейтенант карши олди.

– Иккинчи ротаданми? Яхши бўлди. Мен сизлар билан бораман.

– Манави машиналар ортидан юрамиз, – деди у очиккўнгиллик билан қўл бериб.

– Қачон йўлга тушамиз, ўртоқ катта лейтенант? – сўрадим мен.

– Икки-уч соатдан кейин. Қоринларинг қалай, очмисизлар?

– Унчаликмас. У-бу нарса берсангиз ёмон бўлмасди, ўртоқ катта лейтенант, – жавоб қилди Ринат.

Дўхтири зобит худди ёш болага ўхшарди. Биз билан тезда чиқишиб кетди. Афтидан, у бизга ёқишига ҳаракат

қилаётганди. Машина тагига ичкаридан темир стол олиб келишди. У ўз қўли остидаги сержантларга тузукроқ егулик келтиришни буюрди. Дастурхонга бир зумда чўчқа гўшти, олча қиёми, бир қути “Друг” сигарети, қиёмсут, сариёғ, сутли кофе тортилди. Ринат қўлларини ишқаб-ишқаб столга чўзилди.

– Булар тозаликни севишиади. Кўл ювсак яхши бўларди, – дедим мен ўзбекчалаб.

– Кўявер. Урушдалигимизни сезишин-да. Машина устига чиқиб, сув олиш ёқмаяпти.

Зобит бизга тушунмагандай қаради.

– Бу ҳозир озгина мизғиб олсан, деяпти. Йўлда кўзи илиниши мумкин. Бирор кор-хол юз бермасин. Тун бўйи йўл юрамиз. Нима бало, тамадди қилмайсанми, майли, борақол, – дедим мен.

Ринат кўзини олайтириб қараб қўйди. Зобит инсофли чиқиб қолди. “Овқатланиб олсин”, деди. “Ҳа, майли, у-бу нарса еб ол, тезроқ”, дедим. Дурустгина нонушта қилдик. “Уйкуси келган” Ринат биз билан баравар ўтирди. Зобит аскарларига оромида ухлатувчи дори олиб келишни айтди. Ринат, мен яхши ухлайман, ҳожати йўқ, деди. Ичавер, биз машинага у-бу ортамиз, тақир-тукур кўп бўлади, ҳали алоқани ҳам текшириб қўришим керак. Сенга халал бермайлик, дедим.

Ринат ўзбекчалаб бақириб берди:

– Ҳой, сен жуда ақлли бўп қопсанми. Намунча мингир-лайсан. Бор, тошингни тер...

– Нима гап? –дея суриштириди зобит.

– Машинани тузатаман, деяпти.

– Машина бузуқми?

– Йўқ, ўртоқ катта лейтенант!

– Арзимас нарса. Ёғни текшириб кўрмоқчи. Паркдан тўғри бу ерга келдик, – деб қўшиб қўйдим мен.

– Текширинг! – буйруқ берди зобит.

Машина бенуқсон эди. Катта лейтенант бўлмаганда Ринат мен билан жиққамушт бўлиб қолиши тайин эди. У норизолик билан ёғ идишга ўлчагич симини тиқиб кўрди, олдидаги темир қопқани ёпиб, буралғични маҳкамлади. У ўзидан-ўзи сўкинар, мени кўрарга кўзи йўқ эди.

– Ринат, мен ухламоқчиман. Алоқа ҳам жойида, – дедим атай зобитга эшиттириб.

– Менга деса ўлиб кетмайсанми, – тўнғиллади у.

Кечки соат ўнда юриш бошланди. Иккала “Урал” ортидан ҳаракатга тушдик. Колоннага тиббий қисмдан чиқиладиган йўл орқали полк ҳудуди тугаган жойда туашдик. Колонна узундан-узун, уч-куйруғи кўринмас эди. Полк йўлга ҳамиша шундай дабдабали кўринишда, тўйга бораётгандай чиқарди. Қайтишда эса...

Қатор дўконлару пастқам бинолар тартибсиз жойлашган Кобулнинг марказий кўчасига тушиб олдик. Йўл кенг ва асфальтланган. Ғала-ғовурли, ҳархолда осуда шаҳардан тезда чиқиб кетмасликни, шаҳар йўли янада давом этишини истардим мен. У ёқда нима бор? Зимистон, даҳшат, эркинроқ нафас ололмайсан. Кунинг битиши ҳам ҳеч гапмас. Ёнимда шлемофон кийиб олган катта лейтенант жон кулоги билан алоқани эшишиб борарди. Мен то манзилга етгунча алоқада туриш шарт эмаслигини билардим. Машина сафда кетаётиби, тўхтаса тўхтайсан, юрса юрасан. Мен шлемофонимнинг радиостанция узатгичига уланадиган жойини узиб қўйдим. Ўзимни шаҳар бўйлаб машинада сайр қилаётгандай, урушга кетмаётгандай ҳис эта бошладим. Бир лаҳза бўлса-да, хаёл қўзгусидан қўрқувнинг қора кўланкасини сидириб ташласанг, қандай яхши!

Колонна Кобул ҳудудидан Баграм вилояти текисликлариға чиқиб олди. Бироздан сўнг узумзорлар, кейин полиз экинлари яшнатган майдонлар бошланди. Биз жуда

ҳам тез ҳаракат қилаётгандик. Агар шу кетишимиз бир соат давом этса, Чорикордан ўн чақирим берироқдаги ялангликка етишимизни чамаладим. Демак, азонгача ҳордик чиқазиш мумкин.

Үйлаганимдай, кечки уч яримда ялангликда тўхтадик. Полк техникалари ҳимоя доирасини ясашди. Миллар оғзи хавфли жойларга қаратилди. Ҳар бир рота алоҳида дам олишга жой ҳозирлади. Пиёдаларнинг кўпчилиги машиналар устидаги қоп-кўрпага ўралиб олишди. Айримлари машина тагида ётадиган бўлди. Гулхан ёқиши ман қилинди. Мен кунлик бериладиган улушимдан гўштли тунука идишни олиб очдим, совуқлигича пақкос туширдим. Устидан узум шарбати ичдим. Афғонда бериладиган овқатдан нолимасак бўларди...

Катта лейтенант Ринат иккимизни чойга таклиф қилди. “Урал” ёнида иккита дўхтири зобит ва сержантлар нонушта қилаётганди. Мен овқатланмайман, дедим. Ринат улар билан бирга тамадди қилди. Мен машина ичкарисига тушдим. Ухлашга қулай бўлсин деб, қоп-кўрпамнинг бош тарафига шлемофон солдим. Полк аскарлари аллақачон пинакка кетишган, техникалар атрофини айланиб ўтаётганди фақатгина қоровулларнинг қадам товуши эшитиларди. Тун тинч ва осуда эди. Эртага нималар бўлиши ҳақида ҳеч ким ўйлашни истамасди.

Кўзимни очганимда тонг ёришган, аскарлар тўдаттуда бўлиб нонушта қилишар, у ер-бу ерда гулханлар ёнарди. Қиздирилган гўшт хиди димоққа уриларди. Жангчиларнинг айримлари машина устида мудраб ўтирап, баъзилар папирос тутатарди. Бизнинг дўхтирлар ҳам аллақачон уйғонишган, ўша темир стулга қиздирилган картошка ва карам шўрва, колбаса идишларини очиб қўйишганди. Мен мулозамат қилиб ўтирамадим. Дарров аскарий тўрвамдан оққанд ва қиёмсугт олиб, уларнинг ёнига тушдим. Катта лейтенант-

нинг айтишича, биз ичкарига кирмас эканмиз. Бирор хилватроқ ерда туриб, ярадорларга ёрдам кўрсатиш, зарур пайти уларни Баграм шаҳридаги госпиталга олиб бориш кўзда тутиларди. Яъни биз полк тиббий қисми ҳисобланардик.

Чорикорга дастлаб қисмнинг илғор ротаси – кузатувчилар кирди. Ортидан танқчилар батальони, сўнг пиёдалар йўл олди. Охирида, кечаси дам олган жойимиздан икки чақирим берироқда биз ўрнашдик. Бу ер умуман хавфсиз эди...

Зум ўтмай, тўс-тўполон авжига чиқди. Кучли портлашлар эшитилди, танк ва БМПлар гумбурлаши тонгни тўзғитиб юборди. Ер силкинар, важоҳатли қасирлашлардан қулоқлар том битарди. Узокроқда кўринган қўрғонлардан чанг кўтариларди кўкка. Ким қаёққа отаётганини билиб бўлмасди.

БМП олдидан икки кишилик хандақ қазиб қўйдик. “Урал”лар устига ток кесиб ёпдик. БМП тумшуғини узумзор тарафга тўғриладим. Чорикорга яна битта полк кирди. Ортидан десантчилар батальони ҳам ўтди. Ичкарида қиёмат қойим содир бўлаётган эди. Алоқа тинмай ишлар, полк командирининг овози тез-тез эшитилар, унинг ҳам саросимага тушиб қолганини англаш қийин эмасди. Илгари кирганларни душман тутдай тўкаётганди. Бизнинг олдимизга ҳам унча-мунча “эрэс” снаряди кетма-кет келиб тушди. Атроф чанг-тўзон ичидаги қолди.

Ўзимни ичкарига урдим. Узумзорни БМПдан ўққа тутдим. Кузатгичдан ток новдаларининг силкингани, ўша ердан олов кўтарилгани, япроқларнинг баландга тўзғиши кўриниб турарди. Мен кўнглим тўлмаган жойларга отардим. Қопқани очиб ташқарига бош чиқазганим заҳоти ҳавода ғалати овоз чиқариб снаряд учди. Бу миномёт эди. Душман яқин орада, биздан тахминан икки юз-уч юз метр нарида отаётганди. Мен алоқа орқали вазиятни

рота командирига хабар қилдим. У “мен сени тушундим, “Таблетка”¹ диққат билан кузат, бирор кор-хол бўлса, химояга тур”, деди. “Бу мен, сизни тушундим, кузатаман ва мудофаада тураман, қабулга ўтаман”, дедим.

– Ишга туш, Таблетка! – деди Бубен.

Мисли кўрилмаган, шиддатли отишма кетарди. Ҳатто жанг майдонидан олисдаги биз учун ҳам тинчлик йўқ эди. Бизнинг ён-веримизга ҳам снарядлар тушар, бундай танг аҳволда ҳали қолиб кўрмаган дўхтирлар машина тагидан чиқолмай қолишиди. Ҳар снаряд ванғиллаб учганда, менинг ичимдан нимадир узилгандай бўлар, аъзойи-баданим бўшашиб кетарди. Тобора ҳолсизланиб борардим. Оёқларим қалтирай бошлади, хаёлим ўзимда эмас эди.

Ҳавони йиртиб тағин бир снаряд учди. Унинг ваҳимали товушидан ич-ичингдан тамом бўлишинг ҳеч гап эмасди. Кўрқинчли ванғиллаш чор атрофни титратиб юборди. Мен, шу снаряд устимизга тушади, тамом, энди асфаласо-филинга кетдик, деб ўйлардим. Йўқ, хайриятки, у БМП-дан ўн-ўн беш қадам наридан кўним топди, кора тутун кўтарилиб кичик темир парчалари, тошу кесак атрофга учди. Катта лейтанант ва қолганлар “Урал”нинг тагига кириб олишганди. Ўзимча ўйладим: агар жиндек бери-роққа мўлжал олишса, БМП билан қўшмазор бўламан, нарироққа олишса Урал-пурали билан нариги дунёга кетишиади. Эй худо, тезроқ тугасайди!

Олдинда қасира-кусир авжига минганди. Гўёки еру кўк зириллар, кўз олдим хиралашиб борарди. Алоқанинг “ту-ту”лаши, турли хил хитоблардан қулоқларим тош битиб қолаёзди. Ютисам, бошимда нимадир ғийқиллаб овоз беради. Шлемофонни ечай десам, чақириб қолишли-ри мумкин. Бошимдан тер куйилар, аъзойи-баданим қизиб борарди.

¹ Махфий номлар (*пароль*).

- Таблетка, Таблетка... мен Бубен, қабулга ўтаман.
- Бубен, мен Таблетка, эшитаман.
- Таблетка, ҳозир қутичада уч юзинчи қалам боради.
- Сизни тушундим, Бубен. Уч юзинчи қаламни қабул қиласман ва нуқтага элтиб қўяман.

Зум ўтмай, рўпарадаги дарахтлар ичидан; БМП-2 отилиб чиқди. У биз тарафга ўқдай учиб келарди. Ринат машинани ўт олдирди, катта лейтенант ва иккита дўхтири сержант “Урал”дан замбил туширишди Ярадор ортилган БМП-2 шу тезликда келиб бизнинг ёнимизда бурилиб олди. Машина устидан сакраб тушган икки аскарнинг ранг-рўйига одам қараб бўлмас, кир-чир юзларида аллақандай тундлик қотиб қолган, йилтираб турган нигоҳларида кўркувдан ҳам даҳшатлироқ нимадир зохир эди.

Улар зудлик билан “десант” – орқа бўлмани очишиди. Ичкаридан ярадор аскарни тортиб олдилар. У бехуш, уст-боши қон, алланима деб бакира, тўлғанар, хаёли кирарли-чиқарли эди. Ярадорни замбилга ётқизиб, машинанинг орқа бўлмасига жойладик. Уни кечиктирмай Баграмдаги ҳарбий госпиталга олиб бориш керак эди. Катта лейтенант менинг ёнимга чиқди! Иккала сержант машина устига жойлашиб олди. Ринат БМПни Баграмга ҳайдади. Машина қишлоқнинг тор кўчаси оралаб пастқам кулбалардан ҳадигу хавотир билан қараётган одамлар юрагига титроқ солиб, елдек учиб бораарди. Ҳар силкинишидан жони ҳалқумида турган ярадор йигитга нечоғлик азоб бўлаётганини ҳис этиб турардим.

Баграм госпиталида ярадорни жуда тез қабул қилишиди. У энди тинчидан қолганди. Боя машинага ортаётиб катта лейтенант оғриқни мутлақо сездирмайдиган укол қилган экан.

Биз орқага қайтдик. Ринат машинани бемалол, шошилмай бошқариб бораарди. Ҳеч биримиз жанггоҳга қайтиб киришни истамаётгандик. Қолаверса, у ерда бизни

яхшилик кутмаётгани маълум эди. Доимо инсон учун юрагини олдириб қўйган бирор ишни қайта тақрорлаш азоб бўлади. Чунки кўнглинг безиллаб қолади. Урушда ҳам бир талофат еган жойга қайта оёқ босиш учун нечоғлиқ даҳшатли ҳолни бошдан кечирмоқ керак. Назарингда, рўпарангдан ўлим чиқиб қоладигандай бўлаверади. Ҳар бир лаҳзада куннинг битишини, шу ёруғ дунёни кўриш бошқа насиб этмаслигини кўнглингга туйиб туриш нақадар қийин. Бутун борлифингни нимадир таталайверади. Сени ўзингга ўхшаган яна бир махлук кузатиб тургандай туюлаверади. Ичингда хуруж қилаётган, тоғ янглиғ улканлашаётган қўркувни бекитмоқчи бўласан. Ўзинг билан ўзинг олишиб, ироданг деворлари емирила бошлайди.

Жанггоҳга киришимиз билан рота командири алоқада тағин “уч юзинчи қалам” бораётганини маълум қилди. Боя турган жойимизда, “Урал” олдида иккита БМП турар, колган дўхтирлар машина панасига ётқизилган ярадорларга ёрдам кўрсатарди. Улар иккита эди. Бири бошидан яраланган бўлиб, юзи аралаш қуюқ қон сизарди. Ўқ иккинчисининг сонидан тегибди. У тинмай дод солар, шимининг бир томони почасига довур қип-қизил қон эди. Иккаласига ҳам оғриқдан чалғитадиган дори берилди. Уларни ҳам госпиталга ташлаб келдик. Бу ўйин кунбўйи давом этадиганга ўхшарди. Тушга бориб жанг яна кучайди. Ярадорлар сони тобора ортиб борарди. Баграм билан Чорикор орасида бўзчининг мокисидек қатнардик. Ҳаммаёғимдан қон ҳиди келар, кўнглим айниётган эди. Биз элтган ярадорларнинг иккитасининг госпиталда жони узилибди. Мен ўша бошидан яраланган ва елкасидан ўқ еган аскарларнинг куни битганига шубҳа қилмасдим.

Тўғридаги қалъалар томондан чиқиб келган БМПда яна битта ярадор олиб келишибди. Унинг баданига қараб бўлмасди. Ҳамма жойига кичик-кичик темир парчалари санчилиб қолган, уст-боши алвон тусига кириб бўлганди. У дунёни

бузіб дод соларди. Ярадорни энди замбілгә solaётuvдик хамки қишлоқ тарафдан полк командири ёрдамчысы майор Купинни олиб юрадиган БТР келиб тұхтади. Машина ичиdan Купиннинг боши күрінді. У ерга сақраб тушиши билан ярадорни олиб келган зобитга үшкірди.

– Нима бўлди!!!

– Ярадор. Темир парчаси...

– Ҳали бронжилет киймабдими, абраҳ! Мана олифталикнинг оқибати. Сенинг кўзинг қаерда эди?

Зобит каловланиб турарди. Купин замбілда алаҳсираётган аскарнинг бошига келиб турди, жаҳл билан кичқира бошлади.

– Казёл... Нега бронжилет киймадинг. Ҳе, онангни...

Ярадор баттар кичқира бошлади.

– Ўчир овозингни!

Купин аскарни тепкилай бошлади.

– Ҳозирнинг ўзида ўттиз бешта ярадор бор полкда. Ўн бир киши ўлди. Казёллар. Бронжилет кийишмайди, булар. Оқибати мана!

У қисмда энг раҳмсиз зобит саналарди. Ҳатто, зобитларни ҳам хузурига чақириб, тарсаки тортиб юбораверарди. Шунинг учун ҳам бутун бошли қисм Купин деса дағдағ титрарди. Лекин мен жони узилай деб турган ярадор аскарни тепкилашини ҳеч тасаввуримга сиғдира олмасдим.

IX

Полкка қайтгач, икки кеча-кундуз миңжакоқмадим, бошим гувуллар, ютисам қулокларимда нимадир чийилларди. Асабим зор қақшарди. Ротадошлар билан сұхбатлашишга ҳам мажолим йўқ эди. Назаримда, ҳамма нарса бетартиб, аралаш-куралаш бўлиб кетгандай. Катта казарма ичи ва ташида ғимирлашаётган аскарлар ҳам кўзимга ёмон кўринар, наинки улар билан гаплашиш, балки уларни

кўришни ҳам истамаётгандим. Мен қаттиқ толиққандим, хилватни қўмсаётгандим. Иложи бўлса сукунат қўйнига бош олиб кетсам. Бошимнинг орқа томони эса лўқиллаб оғрири, хаёлимда Чорикор жангининг олакуюн манзараси аҳён-аҳён жонланиб қоларди. Бундай ҳолларда атрофда нималар содир бўлаётганини ҳам унутиб, ўзимни қўярга жой тополмасдим. Ички бир оғриқ хуружидан аъзойи танимни титроқ босар, мен оёқда туриб алаҳсирадим.

Учинчи куни иссиғим чиқди. Кўзларим ёшланиб, ни-мадир санчилар, уйқусизлик тобора иродамни емириб бормоқда эди. Нафас олсан оғзи-бурнимдан ўт чиқаётганди. Ҳолсизлана бошладим. Мен тузалиш ўрнига дардим оғирлашаётганини сездим. Бу кетишда яхшиликдан умид йўқ ҳисоби. Қайси гўрданам дўхтирлар билан жангга ки-риш насиб қилган экан, оқибати: кўз ўнгимда оғзи-бурнидан қон сизаётган ярадорларнинг оқиши юзларига янада аянчлироқ тус бераётган сўниқ нигоҳлари қотиб қолган эди. Кулокларим тагидан эса алоқанинг “туту”лаши, ўқларнинг чийиллаши нари кетмасди.

Ошхонага, эрталабки нонуштага ҳам бормадим. Ринат қоврилган балиқ олиб келди. Иштаҳам йўқ эди. Бошим тобора оғирлашиб, кўзларим хира торта бошлади. Казар-мадаги шовқин-сурон эса баттар асабимни қақшатар, кенг дунё биргина мен учун торайиб қолганди. Ринат ёнимга келиб ўтирди. Мен каравотда ёнбошим билан ғужанак бўлиб ётиб олдим. Гўё шундай қилсан ҳаммаси ўтиб ке-тадигандай, бутун борлиғимни ўз исканжасида сикувга олаётган бу ҳолат чекинадигандай. Ринат бошимга қўли-ни теккизди.

– Иссиғинг борга ўхшайди. Дўхтирга учраш. Қаеринг оғрияпти, ўзи?

– Миям тирқираб отилиб кетай деяпти. Мажолим йўқ.

– Сени ўзим олиб бораман. Индамаса, ўн кун бўлса ҳам ётаверасан – ўлгунингча.

– Ётқизиши керак... Ё ишонмайдими?..

– Нима бало, уларга албатта, бирор жойингдан қон чиқиби туриши шартми, – кесиб гапирди Ринат.

Дўхтирхона саф майдонининг нариги тарафида, бизнинг казармадан икки юз эллик қадамлар чамаси нарида жойлашганди. Ринат иккимизни ҳамшира қиз қарши олди. У одатий сўров – нима бўлди, қаеринг оғрияпти, дея дафтариға нималарнидир ёзиб қўйди. Ҳарорат ўлчагични қўлтиғим тагига қўйганини ҳисобга олмагандა боя казармада Ринат ундан яхшироқ ҳол сўраганди.

– Буни ётқизасизларми?

Ринатнинг кутилмаган саволи ҳамширага эриш туюлди чоғи, саволга савол билан жавоб қайтарди.

– Нега энди, аҳволи дуруст, бироз шамоллабди. Иссиғи ҳам унчалик баландмас.

– Демак, ўлар ҳолатда келса қабул қиласизларми? – зардаси тошди Ринатнинг.

Менинг эса ўз аҳволим ўзимга аён эди. Ринатни янада яхши кўриб кетдим.

– Ахир тушунсанг-чи, менга гап тегади... Бўш жой йўқ.

– Шундай де, қани бошлиғинг ўзи?..

Ҳамшира қиз бир ўжар аскар Ринатга, бир менга қараб деди:

– Ҳали бирор аскар бу ерга келиб дўқ урмаган. Майли, катта лейтенантни чақираман... Кўрамиз, дағ-дағангнинг баландлиги қандай бўларкан. Ўргилдим сендақа инсонпарвардан... Фақат сен Афғонда жанг қиляпсанми?

У дўппослаган болакайни онасига чақмоқчи бўлган эрка қиздай коридор бўйлаб пилдираб қолди. Ринат унинг ортидан бўралаб сўкди.

– Ҳе... сендай фоҳишани!..

Ҳаял ўтмай ҳамширининг ортидан кўзойнакли зобит чиқиби келди. У биз билан урушга кирган катта лейтенант эди.

– О, салом йигитлар! Хабарлашай депсизлар-да. Жуда яхши... Кайфият қалай, кайфият?!

У иккаламиз билан ҳам самимий қўл чўзиб саломлашди. Мен мазам қочиб турганини айтдим.

– Чакки бўлибди, – деди у. – Жанг асорати. Анчагина чарчаган кўринасан. Асабга таъсир қилган, шекилли...

– Ўртоқ катта лейтенант! Бу уч-тўрт кун сизнинг кўлингизда даволансам, деб келди, – кўшилди Ринат.

– Айни муддао. Ярим соатдан кейин машина бўлади.

Катта лейтенантнинг бизга қадрдонлигини пайқаган ҳамшира тараддусланиб қолди. Гўё муҳим ишни унуган каби коридор охирига чопқиллаб кетди.

– Ундей бўлса, мен ротага бориб келай, у-бу нарса олишим керак, – дедим.

– Сен ўтириш шу ерда, Ринат келтиради.

Ярим соатдан кейин Кобулга жўнаш учун машина шай туарди.

Ринат казармадан сочиқ, совун, тиш порошогим ва то-залагичимни олиб келди. Чўнтағимда ўттиз чек бор экан. Ринатдан эса йигирма чек қарз олдим. Катта лейтенант бу орада касаллигим ҳақида кўрсатма тайёрлади. Ҳатто, мен боришим керак бўлган бўлимнинг бош врачи яқин ўртоғи экан, хат ёзиб берди.

– Бир ҳафтада тузалиб кетасан. Сенга яхшилаб қарайдилар, – деди у машинага чиқаётганимда кўлимни сиқиб.

Ринат билан қучоқлашиб хайрлашдим. Унинг кўзлари нам эди.. Юрагим сув бўлиб кетди. Қанчалаб қийин дамларда бирга бўлган метин иродали дўстимнинг йиғлаганини биринчи бор кўришим эди. Бўғзимга аччиқ нарса тиқилди. Бу ҳали отилишга шай кўз ёшларим эди. Лабларим пирпираб, нигоҳимни олиб қочдим.

– Мен тезда қайтаман, ошна. Биз ҳали бирга бўламиз, уйга ҳам бирга қайтамиз, – дедим зўрга.

Машинада мендан бошқа түртта аскар бор эди. Иккитаси сариқ билан оғриган, ана бири құлтиқтаёққа сүянгән, оёғи танғирайиб шишиб кетганди. Түртинчи аскар ўпкам шамоллаган, деди. Мен унинг сил касалига дучор бўлганини сезиб туардим. Мендан сўрашганда, бошим ғувуллайди, деб жавоб бердим. “Кантузиямисан?” деди құлтиқтаёқли. Худо асрасин, дедим, бироқ ички бир ваҳмдан титраб кетдим. Наҳотки, Кобулга етгунча контузия бўлганмикинман, деган ўй кемириб борди миямни.

Кобулда бизни касалликнинг турига қараб бўлимларга ажратишиди. Құлтиқтаёқлини Марказий касалхонага олиб кетишиди, тўртовимиз эса юқумли хасталиклар госпиталида қолдик. Мени тўртинчи бўлимга жойладилар. Катта лейтенант бериб юборган хатни ҳамшира қиздан бўлим бош врачига етказишни илтимос қилдим.

Касалларнинг кўкимтирик кўйлак-иштонида ўзимни бошқача сеза бошладим. Гўё ёш болага ўхшаб қолгандим. Палата кенг ва шинам эди. Олтита каравот қўйилганди. Мен дераза олдига жойлашдим. Ҳамшира оқ чойшаб олиб келиб, жой ҳозирлади. Уйқим келганди, бироқ хонадошларим билан яхшилаб танишиб олиш истаги кучайиб борарди менда. Эшикка яқин каравотда сариқ сочига мос юзлари кенг, кийик кўз, бўйни йўғон, бесўнақай гавдаси қўлларининг узунлигини ҳам яшириб турган йигит ёнбошлаб олиб мени кузатарди. У жудаям бакувват эди. Афтидан украин ё белорус бўлса керак. Ким билсин, балки ўрисидир. Ҳар ҳолда палатадагилар ичиди у ажралиб турарди. Мен унга ўзимча “йўғон бўйин” деб ном қўйдим. Бошқалар ўзим каби ирик-чирик аскарлар эди. Йўғон бўйин атрофга беписандлик билан боқар, шу ерда ҳам ўзига бино қўйгани сезилиб туарди. У госпиталь кийимини ҳам торайтиб тикиб олган, бошқаларникидай иштон-кўйлаги кулгили тарзда ҳилпираган, кенг эмасди. Негадир у касал одамга сираям ўхшамас, бошқа аскарларни ёнига чақириб

уни қил, буни қил, деб иш буюарди. Кимнидир сувга юборди, яна бирони ошхонада овқат қачон тайёр бўлишини билиб келиш учун жўнатди. Ҳатто бурчакдаги каравотга қўлидаги гугурт қутисини отиб, ухлаётган беморни уйғотди. Аскар чўчиб ўрнидан туриб, “Йўғон бўйин”нинг олдига югуриб келди.

– Эшитаман.

– Дембиллар¹ қўшиғини айт...

Аскар уйга кетадиганлар тўқиган, беҳаё сўзлар қоришиқ қўшиқни айта бошлади. “Йўғон бўйин” ёнбошлаган кўйи ҳиринглар эди:

– Етади, бор ухла! Аскар афтидан олти ой хизмат қилган эди. Лекин мен Афғонда ҳали “қариялик” ҳукми мавжудлигини билмас эканман. Бизнинг қисмда бунчаликка боришмайди. Урушга тез-тез чиқиб туришимиз боис ҳаммамиз бир ота-она болалариdek қадрдонлашиб кетгандик. Кўп хизмат қилганлар анчагина босиқ бўлиб қолишганди. Хуллас, аскар аскарнинг ҳурматини жойига қўярди. Бу ерда эса... Мен анави олифтанинг жангга чиқиб, руҳий дунёси озор топганига, ўлим билан рўпара келганига, бир лаҳза бўлса-да, инсоний қадр-қиммат учун қон ютиб йиғлаганига ишонмасдим. Кўзимга балодай кўрина бошлади у.

– Тўхта!.. – қичқирди у эндиғина каравотига ечиниб, чойшабни кўтараётган ҳалиги аскарга, – бу ёқقا кел!!!

Аскарнинг кўзларидан мунг тошар, бошини куйи солиб, эшик томон борарди.

– Мен қачон уйга кетаман?

– Уч ярим ойдан озроқ, яъни бир юз ўн икки куну... – у соат ва дақиқаларни ҳам тўлиқ айтди.

“Йўғон бўйин”нинг бир ярим йил хизмат қилгани, у госпиталнинг “шef”и эканлигини билиб олдим. Менинг

¹ Ҳарбдан бўшатилувчилар.

нафсониятим кўзиди. Агар бизнинг ротадаги ёш аскарга шундай қилганингда, онангни кўрардинг, дарров манглайингда қизил гул очиларди... Уйкум қочиб, каравотга чўзилдим, очиғи, қаерга тушиб қолганимни тасаввур қилолмасдим. Наҳотки, шу палатада жангчилар ётишган бўлса? Бошимнинг ғувуллаши зўрайиб борарди. Тик этган товуш қулоқимга ёқмасди. Аскарлардан бири чўккалаб олиб пол артарди. Зарил кептимикин, бемор ҳолига? Бу ерда борйўғи икки соат мобайнинда ҳамма нарса телба-тескарисига содир бўлаётганигини ҳис килдим. Агар даволайдиган госпитали шу бўлса, бир кун ҳам туролмасам керак: манавилар қандай чидаяптийкин? Ё урушга чиққандан кўра шундай яшаш авломикин улар учун. Йўғ-е...

Палатага ҳамшира қиз кириб келди, мени бош врач чақираётганини айтди. Мен унинг ортидан эргашиб, коридор бўйлаб юрдим. Чапдаги эшиклардан бирига кирдик... Аллақандай, қофозларга тикилиб ўтирган кичик жуссали корейс майор менга синчковлик билан тикилди. Бошдан-оёқ бироз разм солди.

– Хўш, жангчи, ахволлар калай?.. Чорикорда жасорат кўрсатибсан. Яхши, яхши... Хафа бўлма, тезда соғайиб кетасан... Ҳозир ўзингни қандай тутаяпсан, тузукмисан? – У кетма-кет савол берар, гапиришимни ҳам кутмай улаб кетарди.

– Ёмонмас, бироз қулоғим...— дедим.

– Қайғурма, бу жудаям қўрқинчли эмас... Керакли дори-дармонлар оласан... Аня, – деди у ҳамширага қаратса, – жангчидан текширувга қон олинг, эрталабга тайёр бўлсин.

Мен чиқиб кетаётганимда, бош врач, “ўзим сен билан тез-тез хабарлашаман, нима камчилик бўлса айтиб тур”, деди меҳрибонлик билан.

Палатага киришим билан бемор аскарлар тинчиб қолишиди. Ҳаммаси менга қараб туришарди. Оҳиста чўзилдим жойимга. Ҳамшира дори бериб кетди. Иссифимни ўлчади, кечқурун яна хабарлашажагини айтди.

Бир кунни амаллаб ўтказдим. Тун бўйи – ҳалиги қилтириқ аскар Игнатьев уйга кетувчилар қўшигини айтиб, Гаврилов пол ювиб чиқди. “Йўғон бўйин” ва тағин иккита аскар карта ўйнашини канда қилмади. Фақатгина мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Бирортаси, исминг ким, қаерликсан ёхуд қайси полқдан келдинг, деб ҳам сўрамади. Эрталаб ҳамшира қиз ҳол сўраб кирди. Менга ҳар қанака муолажа ўрнига фақат тинчлик, осойишталик ҳаводек зарур эди.

– Тузукмисиз, жангчи? – ҳамширининг овози кечагидан ёқимли эди.

– Чидаса бўлади, – дедим мен, – иложи бўлса, тинчроқ палатага ўтсам.

Палатадагилар Андрей деб гиргиттон бўлаётган “йўғон бўйин” киноя билан ҳуштак тортиб, бошини чайқади.

– Аня, бизларни ҳам алоҳида, маҳсус хоналарга жойласанг-чи, – кесатиқли оҳангда гап қотди бурчакдаги қарвотда оёкларини чалиштириб чалқанча ётган аскар.

Мен унинг атайин, мазах қилиб сўзлаётганини пайқадим. Палатадагилар Андрей ва унинг измида, яъни улар “хўжайн”, бошқалар иккаласига қарам эди, назаримда.

Аня чиқиб кетгач, қилтириқ аскар ёнимга келиб, наша сўради. Мен чекмайман, умуман, чўнтағимда олиб юрмайман, дедим,

– Афғонга келганингта қанча бўлди? – дея ундан сўрадим.

– Уч ой.

– Нима сен, наша чекмоқчимисан?

– Йўқ, Андрей сўрайпти.

Мен ётган жойимда Андрейга қарадим. У “Беломорканал” тамакисини тушираётганди. Бўшаб қолган папирос қофозга тамаки аралаш наша эзиндисини сола бошлади. У бу ишни шунчалик тез ва усталик билан бажаардики, асти қўяверасиз. Зум ўтмай, папирос тайёр бўлди. Андрей

бояги кесатиқли гап қилған аскар билан ташқарига чиқиб кетди. Гаврилов яна эшик олдида чүнқайиб, пол артишга тушди. Менинг унга раҳмим келди.

– Гаврилов, бу ёққа кел,— дея чақирдим уни.

У остоңада тик турған күйи, менга ажабсиниб қаради. Негаки, бу палатада Андрейдан бошқа уни ҳеч ким бунақа оҳангда чақиролмас эди, нимаики иш буюрса фақатгина Андрей ҳақлидай эди. Гаврилов, менга бирор юмуш буюради, деб ўйлади, шекилли, тош қотиб тураверди.

– Ке, дўстим, гап бор, – қайтардим мен.

Гаврилов тепамда нурсиз кўзларини ерга кадаб турар, “менда нима ишинг бор”, дегандай бош эгиб олганди.. Қаршимда инсоний ҳис-туйғуларига нимадир чанг солған, ўз қадру қимматини унутиб кўйган ўн тўққиз ёшли йигит эмас, эс-ақлидан жудо бир одамсифат маҳлук турарди. Мен бу одамнинг бизниkidай исми-шарифи, юраги, кўзлари борлигига, кўнгил дунёси ҳам вайрон бўлмаган, бироқ таёклар зарбига бардош беролмай қўрқув туйғусига вақтинчалик маҳкум бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Юраги безиллаб қолган бу ўғлоннинг иродасини бу ерда икки-уч муштумзўр синдириб бўлгани алам қиласарди.

– Гаврилов, бор, дамингни ол. Сен палатанинг фахрий фаррошлигидан бугундан бошлаб озодсан!

Гаврилов безрайиб тураверди.

– Нима бало, гапимни тушунмадингми? Латтани ташла, жойингга бориб ёт!

Буйруқ оҳангини итоаткорона қабул қилишга аллақачон кўнишиб бўлган Гаврилов каравотига бориб ўтириди. У ҳар қандай одамнинг раҳмини келтирадиган даражада нимжон ва ориқ эди. Унинг эзгин ҳолатидан кўнглим бузилди. Палатадагиларнинг бари, бу ёғи қандоқ бўлар экан, деган маънода мум тишлаб ўтиришар эди. Улар Андрей ва бояги киноячи аскарни кутишмоқда эди.

Хаял ўтмай иккови олдинма-кейин кириб келишди. Андрей ўз жойига чўзилар экан Игнатьевга қўшиқ куйлашни буюрди. Игнатьев ҳам шуни кутиб тургандек “чирк-чирк...” деган бепарда қўшиқни бошлаб юборди. Кейин Андрейнинг хизмат муддати тугашига қанча вақт қолганини ою кун, соату дақиқаларигача айтиб берди.

– Бугун бизнинг палатадан бўлимга навбатчи туриши керак. Кимнинг гали келди?.. Бундай ўйлаб қарасам, оиласизнинг янги аъзоси бир хизмат қилсалар, чакки бўлмас экан.

Андрей менга шаъма қилаётган эди. Мен, очиги, бунақангич буйрукни кутмаган эдим. Коним қайнаб кетди. Охири нима бўларкан, деб тишимни-тишимга қўйиб ётдим.

Кечкурун билагига латта боғлаган эски навбатчи бўлинмамиз остонасига бориб тунги қоровулликни қабул қилишимни айтиб чиқиб кетди. Андрей ётган жойида, қизарган кўзлари еб қўйгудек бўлиб, менга қаради. Мен, нега энди аллақаердаги кимсанинг гапини олишим керак экан, деб ўйладим. Хўш, Андрей ким бўлиби? Ёки мени ҳам манавилар каби кўзидан ўтини оламан, деб ўйляптими? Йўқ, ошна! Мен бу ерга сенинг шармандали ўйинларингга чидайвераман, деб келмаганман. Сен билмасанг, мен ўз қадримни биламан. Колаверса, менга буйруқ беришга сираям ҳаққинг йўқ... Хаёлимдан шуларни ўтказиб ётарканман, Андрейнинг тўнғиллагани баттар ғашимни келтирди.

– Эй, сен бориб навбатчини алмаштири. Кутиб қолди, – деди у менга қаратса сўзларини чўзиб-чўзиб.

- Нима?
- Сен навбатчисан!
- Нимаааа?
- Сен бу кеча навбатчисан, кармисан, нима бало?
- Менинг навбатчилик қилишим кераклигини сенга ким айтди? – дедим бепарволикка тиришиб.

Андрей ётган жойидан бир сапчиб турди ва ғоз ўтириш қилиб қўлларини сонига қўйди. Важоҳатини сездирмаслик учун гап оҳангини паствлатди.

– Мен айтдим.

– Сен кимсан ўзи?

– Эй, шундай де, зўрсан-ку! Демак, навбатчи бўлмайсан?

– Керак бўлса навбатчиликка ўзинг тур. Мени Гаврилов деб ўйлаяпсанми?

– Эй ўзбек, бас қил, – деди Андрей билан бирга наша чекиб келган аскар.

Бошқалар нафас ютиб ўтирадилар.

– Охирги марта сўраяпман, турмайсанми, казёл.

– Гапимни эшитгандирсан, казёл!

– Владик, эсини киритиб қўйиш керакга ўхшайди, – улар мен томонга юришди.

Бошқалар жим эди. Бошқалар йўқдек эди, гуё.

Мен қад ростлаб турганим ҳамоно қўкрагимга тушган кучли мушт зарбидан каравотга ўтириб қолдим. Қулоқларим том битиб, оғзимда тахир таъм туйдим. Еру осмон чаплашиб кетган эди. Мен зўрға турдим ва ииқилиб кетмаслик учун каравотни ушлаб олдим. Учинчи бор белимга тепки тушди. Каравот силтаниб кетди. Бас қилинглар, дедим инқиллаб.

– Қалайсан, босмачи, навбатчиликка энди туарсан?

– Бас қилинглар, – дедим ва каравот тепасидаги ушлагични суғуриб олдим. Андрей ва унинг шериги кўзимга балодек кўринарди. Темирни кўтариб уларга ташландим. Менинг ажинам отлангани шу эди. Бор куч билан Андрейнинг белига туширдим. У ихраганча гупуллаб қулади. Владик кутилмаган ҳамла энди ўзига аталганини сезиб, “қўлингдагини ташла, жиннимисан!” – дея орқаси билан эшик томон юра бошлади. У қочиб чиқмоқчи эди.

– Конингни ичаман, – дедим унга ҳансирааб.

Владикнинг ранги оқариб кетганди. Эшикка икки-уч қадам қолганда темир билан бошига туширдим. У чинқириб ташқарига отилди. Каравотим ёнида бикинини ушланган кўйи Андрей қотиб турарди.

– Энди сени қонингни тўкаман, итвачча!

Мен қўлимдаги темирни маҳкам ушлаб олгандим. У орқага чекина бошлиди. Кўрққанидан “керак эмас, ташла темирни!” – дея жаварди.

– Бугун сени қонингни тўкишим шарт, ифлос! – дедим мен.

Очиғи, нималар қилаётганимни англай олмас эдим. Андрейни ўлдириб кўйишим ҳеч гап эмасди. Жон-жаҳдим билан тағин белини мўлжаллаб урмоқчи эдим, у чап бериб қолди, ўзимни ўнглагунимча эса узоқлашиб бўлган Андрей эшикка қараб югурди. Мен кўзим тиниб каравотимга зўрға етдим. Негадир аъзойи-баданим дағ-дағ титрарди. Иситмам чиқаётган эди. Аммо юрагимда заррача қўрқув йўқ эди, балки анавиларни хуморимдан чиқиб калтаклаганимга кўнглим жойига тушгандир. У ёғи нима бўларкин, деб ётишдан бошқа иложим йўқ эди.

Палата жимжит, қолганларнинг забони йўқ эди, гўё. Бу сукутни Гавриловнинг оёқ товуши бузди.

– Ҳозироқ деразадан ташқарига чиқиб кет. Йўқса улар бошқа палаталардан юртдошларини олиб келишади. Сени майиб қилиб кўйишади.

Мен Гавриловга ҳечқиси йўқ, дегандай қўл силтадим. Буларнинг олдида мард бўлиб охиригача туриб беришим кераклигини, қочиш қўрқоқлик эканини ҳис қилгандим. Гавриловга яқинроқ келиш учун имладим. У мен томонга бироз энкайди.

– Бу ерда қандай қилиб болта топсам бўлади, – секингина, бошқалар эшитмайдиган қилиб сўрадим.

Гаврилов сесканиб тушди.

– Кўркма, ҳеч кимни чопмайман. Анави ифлосларни кўркитиб қўймоқчиман.

Мен, бу кеча, албатта, улар ўчини олишади деган хаёлга бордим. Гавриловнинг айтишича, госпиталь ёнбошидаги қисмга қаравали ҳаммом ўтхонасидан болта тошиш мумкин экан. Қисм ва госпиталь ораси ўн беш-ўн қадам келарди. Чиндан ҳам ўтхонада олов ёнар, бурчакда, кундалар орасида болталар ётарди. Мен кичкинасини кўринмайдиган қилиб қўйнимга солдим ва палатага олиб келдим. Билинтирмай ёстигим остига қўйдим ва хавотир билан қараб турган Гавриловга кўз қисдим. У тушунди..

Мен Андрей билан Владикнинг келишини кутиб ётдим. Қоронги тушиб бўлди ҳамки, мени ҳалиги эски навбатчи сўраб келмади. Орадан икки соатлар ўтгач палата эшиги очилиб, тасур-тусур қилиб тўртта ўрис кириб келди. Мен уларни каравотда ёнбошлаб кузатардим. Ортидан Андрей ва Владик кирди. Владикнинг ўнг қабоғи шишиб кетган, қонни юваби ташлаган чоғи, кўк яктаги ёқалари нам эди. Тўртови ҳам менга яқинлаша бошлади. Беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Госпиталдан тузалиш ўрнига, ўлигим чиқади, шекилли, деган ўйга бордим. Барибир уларга кучим етмаслиги, ўртада копток бўлишим аниқ эди. Ёстиқ тагидан шаҳд билан болтани олиб, каравот ёнига ўтдим.

– Қани, битта-биттадан келинглар, Шошилманглар, ҳаммангни чопиб таштайман, – дедим кескин оҳангда.

Улар каловланиб қолишли. Болта кўтариб пешвоз чиқишимни кутишмаган, шекилли, такқа тўхташди. Ҳаммасининг кўзи менда эди. Андрей эшик тутқичидан маҳкам ушлаб олган, Владик каравотга суяниб қўли билан шишган қовоғини ушлаб ўтиради. Улар манави тўрттласи менинг таъзиримни беришларига роса ишонганди. Бироқ ҳаммага жон керак. Бир зум қотиб қолишли. Мен ўнғайроқ бўлиши учун ўнг қўлим билан болта сопининг учидан ушлаб бир-икки ҳаволатиб қўйдим.

– Қасам ичаман, бирортангни чопиб ташламагунча тинчимайман, – дедим ғазаб билан, – қани, яқинрок келинглар.

– Ҳа, эй ўзбек, ўзингни бос, юртдош, нима кераги бор шунча ғавғони, – деди улардан бири сиполик билан. У афтидан чўчиб турарди.

– Хўш, нима демоқчисан?..

– Яхшиси келишайлик, тентаклик қилма...

– Нимани келишасан?..

– Бор-йўғи бир йил хизмат қилибсан-ку? Бу кеча навбатчилик қил. Ахир ҳамма жойда ёш аскарлар хизматда бўлишади, қолаверса, бу сен учун зарурат.

– Нега энди сен дам олиб, мен навбатчи бўларканман?

– Менчалик хизмат қилсанг, сен ҳам дам оласан.

– Бор гапинг шуми? Биринчидан, сенларга малай тутинымайман. Иккинчидан, касалман, асабим ёмон... Яхшиси, кетинглар...

– Майли ётсин, – деди улардан бири, – эрталаб гаплашамиз.

Улар билан Андрей ва Владик ҳам чиқиб кетди. Мен болтани бошимга қўйиб ухламоқчи бўлдим. Бошқалар гўёки ҳеч нарсани эшитмаётгандай, жим эди. Ёнимга биргина Гаврилов келди. Палатада ҳокимият қулаганидан анча саросимага тушиб қолганди у. Гаврилов билан кечки ўн иккиларгача гаплашиб ўтирдик. У Москва шаҳридан бўлиб, севган қизи, иккита синглиси бор эди. Отаси заводда ишлар экан. Онаси – уй бекаси. Институтга кириши учун бир балл етмай қолибди. Эсон-осон борсам, албатта, ўқишига кираман, деди у. Гавриловнинг айтишича, бўлимда врач билан келишса бўлар экан, яъни бош врачга пул беришади-да, қисмига қайтмай, шу ерда юраверишади. Айримлар шу ердан уйга қайтар экан. Гавриловга ўхшаган тўрт-бешта “кичик ияклар” эса палаталарда, тозаликни саклаш, бўлимнинг майда-чуйда юмушлариии бажариш учун жудаям зарур. Агар ёш

аскарнинг бўйни бўш чиқиб қолса, то хизмати тугагунча шу ерда қолиши мумкин эди. Касаллик варақасига боплаб, яроқсиз деб ёзишлари кифоя. Жангда ўлимга дуч келаверишдан кўра шу ерда димиқиб яшашни аъло билгувчиларнинг топилишига шубҳа қилмасдим. Бу бехуда урушда ҳар қандай қинғирликлар содир бўлишига яна бир карра ишондим. Урушнинг табиати шундай, унда иштирок этувчилар ўз инсоний қиёфасидан аллақачон маҳрум бўлиб улгурадилар.

Бошимнинг ғувуллаши баттар қўзиди. Миямда қовоқарилар уя куриб олгандай эди. Бошимни кўрпа тагига қанчалик буркамай, бефойда эди. Қовоқарилар бири қўйиб, бири учишни канда қилмасди. Қовоқарининг учиши гоҳо, мия томирларимни кимнингдир арралаши билан алмашарди. Мен баттар азоб тортардим, бир лаҳзагина ором истардим, бироқ мия томирим қалинлашаверар, арранинг тир-ғирлаши эса сирам тинмасди.

Ҳамширадан дори сўраш мақсадида коридорга чиқдим. Ҳамма ёқ сув сепгандай жимжит эди. Коридор ўртасида дам олиш жойи бўлиб, диванлар қўйилган, телевизор ўрнатилганди. Дам олиш жойидан кейинги, ичкарисидан парда тортилган ойнаванд эшик ҳамширанинг ётоғи эди. Мен эшикни тақиллатдим. Ҳеч қанақа овоз бўлмади. Ухлаётгандир, деган ўй билан эшикни яна тақиллатдим. Ичкаридаги гоҳ ҳансираган овоз, гоҳ шивир-шивир бемалол эшитилиб турарди. Мен қизиқсиниб пардалар туашган тирқиш орқали ичкарига мўраладим. Каравотда икки тана бири-бирига қапишиб ётарди. Улар дунёning жамики айшу ишратлари устидан ғолиб келганликлари нишионламоқда эдилар. Мен суқ билан қарашни ўзимга эп кўрмасам-да, ичкарида содир бўлаётган ҳолдан ичичимга ғайритабиий титроқ кирди. Афсуски, бу лаззат бошқага, келиб-келиб Андрейга насиб қилганидан ёнардим. “Энағарди, майиб қилиб ташласам бўларкан...”

Эрталаб ҳамшира қиз дори келтирди. У күзимга чүф бўлиб кўринса-да, кечаги кунни Андрей билан ўтказгани ғижинимни келтирди. Саломига ҳам индамай қўя қолдим. Гавриловнинг айтишича, Андрей унга “Панасоник” маркали магнитофон ва япон рўмоли совфа қилибди. Деярли ҳар кеча айш сураркан... Аня бўлимдаги бошқа бемор аскарларнинг ҳам кўнглини овлайди. Бир кечага 50 чек берсанг етади, деди Гаврилов. Мен ҳамма билан ётаверадими, дегандим, у бир ярим-икки йил хизмат қилган аскарларни ёқтиради, дея жавоб килди. Госпиталь баттар таъбимни тирриқ этди. Тушга яқин бош врачга “менга жавоб беринг, қисмга қайтаман...” деб туриб олдим.

– Ҳали тузалиб кетмагансан, – деди у.

– Ҳечқиси йўқ. Қисмда яхши. Барибир госпиталда даволана олмайман...

Бош врач Аняга икки соат ичида ҳарбий кийим келтириб, керакли қофоз ва хужжатларимни тўғрилаб беришни тайинлади.

Мен палатада Гаврилов билан хайрлашдим. Андрей ва Владик бурчакда карта ўйнашарди. Бошқалар жим эди... Кенг, ёруғ ташқари тобора кенгаймоқда эди. Қисмдагилар олдига қайтаётганимдан кўнглимдаги хижиллик тарқаб борарди.

X

Чорикорда иккала кузатув нуқтамиз қийин аҳволда қолганлиги ҳақида хабар келди. Душман кеча-кундуз тинчлик бермаётган экан. Кузатув нуқталарини қайси йўл билан бўлмасин кўчириш керак эди.

Кузатув нуқталари Чорикорнинг ичкарисида жойлашган, ҳар бирида 10 чоғли аскар, БМП ва танк мудофаада турарди. Аммо Чорикордай ажалнинг уясида бу ҳеч нарса эмасди. Негадир шу пайтгача кузатув нуқталарини эгал-

лаб олишмагани мени ҳайратга соларди. Негаки у ердан бутун бошли армия керагича совға билан гандираклаб чиқарди. Шу боис ҳам полкда “Чорикордаги нұқталар ва аскарларимизга душман тегмайды. Улар дүстлашиб олишган”, деган гаплар юради. Очиғини айтганда, мен бунга ишонардим. Олдинги гал Чорикорга кирганимизда, ҳимояда турувчи таниш аскар “бизнинг олдимизга духлар тез-тез ташриф буюрадилар...” деганди. Мен сизларга тегмайдими, дея сүрадим. “Содда экансан, агар қасдлашиша бир кундаёк йўқ қилиб ташлайдилар, у-бу нарса бериб турмиз”, деб жавоб қайтарди. Мен бу урушда нималар содир бўлаётганини оғриниб ҳис этгандим. Умуман, инсон ҳаёти, ўй-орзулари кимнингдир қўлида ўйинчоқ бўлаётганини англаётганинг сайин юрагингда нишлаётган чексиз нафрат туйғуси ич-этингни сирқиратиб емиради. Бу биргина менинг ҳаётим, ўй-орзуларимнинг увол бўлиши эмас, балки миллионлаб кишилар такдирининг ёвузлик комида топталиши, орзу-армонларининг чилпарчин қилиниши эди. Йигирманчи аср юзига оёқ қўйилиши – тарих саҳифасига қора чапланиши эди. Кейинчалик бу доғ бесаноқ қўнгилларда мангу бўлиб қолишини ўша заҳотиёқ пайқаш имконида эмаслигимни карахту лол бўлиб қурол тутганлар, одам ўлдирганлар яхши билишади. Урушда одамий қиёфада бўлмайсан, ҳаммаси тугагачгина сен ҳам инсон эканлигинг, ҳақоратланганинг ёдингга тушади. Хотира азоби, деган бир оғир дард ҳаётингнинг энг сўнгги лаҳзаларигача сенга азоб бераверади, англайсанки, уруш доимо ғалаба қилиб келган, урушда қатнашганларнинг барी мағлуб бўлиб дунёдан кўз юмадилар...

Душманнинг Чорикордаги кузатув нұқталаримизга шунча пайт талофат етказмай, қўққисдан ҳужум қилиб қолиши қисм аскарларининг ҳам баҳсу мунозарасига сабаб бўлмокда эди. Ҳақиқатан ҳам, душман Шўро армияси кузатув нұқталари ўрнашган жойларни олдиндан бил-

масмиди? Мен агар душман ҳужум қилса, бир кечадаёк уларни дабдала қилиб ташлайди, деб ўйлардим. Ҳарқалай кузатув нуктасидагилар духлар билан келишиб кун кўраётганига ҳам шубҳа қилмасдим. Ҳозиргача индамабдими, демак, шафқат қилишибди. Кузатув нукталарини кўчиришдан бошқа илож йўқ. Чорикорга жангга чиқишимиз тайин бўлгач, мен каби ротадошларда ҳам ички бир норозилик пайдо бўлган эди. Бу ўкинчга ўхшаш ботиний изтироб уларнинг юз-кўзларига соя ташлаганди. Мен паркда БМП-2 нинг отув мили ва снаряд ленталарини ҳар галгидан яхшироқ қилиб тозаладим. Ҳар эҳтимолга қарши ўқ-дори бўлмасига тўрт яшик Ф-1 гранатасини солиб қўйдим. Пулемёт учун 7,62 маркали олти кути ўқ олдим. Снарядлар етарли эди.

Чиқиш тунги соат учга мўлжалланган эди. Техника паркидан юмушларини бажариб келгач, механик ва операторлар кечки овқатдан кейин, уйкуга ҳозирлик кўришди. Пиёда аскарлар жанг тўрвасини тайёрлаш билан банд эдилар. Бундай пайт казарма ичи худди бозорга ўхшаб кетади. Ҳамма нарса очилиб-сочилиб ётади. Ҳали у етишмайди, ҳали бу. Кимдир бошқа аскарнинг хандақ курагини ўзининг тўрвасига урса, бошқаси кимнингдир ўқдонини ўғирлаб олади. Хуллас, то зобитлар текшируви бошлангунга қадар ҳар бир аскарнинг жанг тўрвасида учтадан сувдон, олтитадан зиёд ўқдон, резина сувидиш, учта қизил, кўк ранг хабармушак, оловмушак, дудмушак, ўқдори, учтадан Ф-1 ва РГД-5 гранатаси ҳамда ичига жангчининг исми-фамилияси ва уй адреси, курол номери ёзиғлиқ қоғозча солинган иккита 5,45 диаметрли автомат гилзаси бўлиши шарт эди. Жангда бу нарсалар аскар учун ҳаводек зарур.

Тақир-туқурдан, аскарларнинг бақириқ-чақириғидан уйкум келмас эди. Атайин кўзимни юмиб қўрдим, бироқ хаёл мени уз йўриғига бошлади. Ёнимдаги каравот-

да ётган Ринатга қарадим, у ҳам ухламабди. Олдинда со-дир бўладиган жангни ўйлаб юрагим ўйнарди. Кўнглим ғашлигидан ҳолсизланиб борардим. Дунё зимиштон, кўнг-лимга чироқ ёқса ёришмасди. Мен тағин Ринатга ўгирил-дим. У нималарнидир хаёл суреб ётади. Ринат ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам қўрқаётгандилар. Ҳамманинг танаси беихтиёр ҳаракат қилас, руҳан қўрқинч лашкари тузогида тўлғонишарди. Чунки эртага кимларнидир ўлим кутаяп-ти. Кимлардир, албатта ўлиши керак! Қони тўкилиши шарт. Бу – урушнинг лаънати қонуни. Кимларгадир дилга азоб бахш этгувчи манави ёғоч казармани қўриш ҳам ин-динга насиб қилмайди. Кимларнингдир кўзлари мангуга юмилади. Ҳаммамиз ўзимизни ўша КИМЛАРНИНГДИР орасида ҳис этардик. Гўё эртага кунимиз битадиган Омон қайтишинг учун ҳам ҳеч ким кафолат беролмасди. Ўша КИМЛАРДИР – мен эдим, Ринат эди. Ҳаммамиз эдик.

Аъзойи-таним бўшашиб кетди. Ич-этимда нимадир кирилаётган эди. Мени қўркув, бехуда ўлиб кетиш ўйи кемирмоқда эди. Зўрга ёстиғим тагидаги суралар ёзилган дафтарни олдим. Ўқисам, бироз енгиллик ҳис қилади-гандек эдим. Менга бу дафтарни Салангга борганимизда отаси самарқандлик ўтган ўзбек тортиқ қилганди. У одам-нинг “сизни шўрави хароб қилди, ота юртни ғайридинга талатмоқ увол”, деган гаплари жаранглади қулоғимда. Мен мусулмонмисан, деган сўров олдида айтилиши фарз бўлган сурани ўқидим. Ўзимча хилу хешим, етти пуштим, азиз-авлиёларга тиловат қилдим. Эй, худо, шу ерларда ўлиб кетмайин. Худо йўлига айтган, бойлаганларим бор... Насиб этса, эна ҳовлида қурбонликлар қиламан... Униб-ўсган қишлоғим нақадар олисларда қолганидан юрак-бағрим ўртаниб кетди. Кўз ўнгимда тағин бировнинг ҳовлисида пахса девор тиклаётган отам пайдо бўлди. Сур-хоннинг аффондагидай иссиғида оилам хору зор бўлма-син, деб бировларнинг юмушини бажараётган отам, айни

дамда мени эслаётган бўлсалар керак. Олов кечиб ўғли-нинг бошидан нималар ўтаётгани ҳақида қайғуриб ўйла-гани сайин эгик қадди баттар эгилиб қолгандир. Ё раб-бим! Отамга раҳминг келсин. Менинг ортимдан қонлар ютиб, бўзлаб қолишини истамайман. Омон борсам олти укамнинг бошқалардан кам бўлмаслиги учун ҳам отамга ёрдам бераман. Девор деса, девор урамиз, устачилик деса, устачилик қиламиз, ишқилиб мудом кўмак берамиз. Шун-да энам менинг ҳам катта одам бўлиб қолганимга ишона-ди. Фақат ўлиб кетмай! Укаларимнинг кўзлари жовдираб қолмасин. Нима гуноҳи бор уларнинг? Акасидан ажрал-ган гўдакларнинг, кўз ёшлари бу урушни бошлаганлар-нинг кўзини кўр қилса эди...

Ринат ётган томонга тағин ўгирилиб қарадим.
У юқорига термулган кўйи хаёл сурарди.

– Ринат...

– Ҳа... – у ялт этиб қаради.

– Ошхонадан озиқ-овқат олиб, машинага кўйиб келсак бўларкан.

– Ҳеч нарса ёқмаяпти.

– Балки уч-тўрт кун қолиб кетармиз. Чорикорда. Та-ниш ошпазлардан жиллакурса гўшт, сабзи-пиёс олайлик.

– Чорикор сенга бошқа жой бўлса эканки, bemalol овқат пишираверсанг.

Менингча, бу сафар ҳам оладиганимизни олиб қайт-сак керак. Айтишларича, биз кўчиришимиз зарур нуқта-лар анча ичкарида жойлашган экан.

– Ҳаммасига ўзимизнилар айбдор. У ердаги аскарлар ё тинч аҳолига ўқ отишган, ё бирор бемаънилик қилишган...

– Қизиқ, шу пайтгача нуқтадагилар отишмасиз яшаёт-ган эди.

– Улар душманга товоң тўлаб келишарди. Чорикорда сену менга отилган миналар, пулемёт ўқларининг ҳамма-си ҳам Покистондан келтирилган деб уйлайсанми?

– Буни яхши биламан.

– Билсанг, ошнам, бу сафар лаънатилар ё танк, ё БМП сўрашган бўлиши мумкин. Нуқтадагиларнинг эса бундан эсонаси чиқиб кетган...

– Кўйсангчи...

– Боя паркда рота техники шундай деди. Агар кузатув нуқтасидаги аскарларимиздан бирортасини қўлга туширишса борми, омон қайтишлари эвазига бир эмас, иккита танк сўрашлари мумкин.

– Сен душманни танкларимиз эвазига асирга тушганларни алмаштиришига ишонасанми?

– Биласанми, чорикордагилар учун техника жудаям зарур.

– Тоғлик эмасда у жой.

– Энди ўзингта келдинг... Бизга ўхшаб уларга минглаб техникаларнинг ҳожати йўқ. Иккита-учт БМП билан бутун бошли армияни эплайдилар...

Ринат ётган жойида сигарет тутатди. У оғир-оғир, босиб-босиб тортарди. Казармада эса жонлари қўркув талвасасида қолган, ихтиёrsиз, лекин вужудлари ҳаракатланаётган кимсалар ғимирларди.

Полк қишлоқни оралаб кетди. Кузатув нуқталар жойлашган томонга қаратилган техникалар қишлоқ аҳлининг кўзига балодай қўринаётгани тайин эди. Биз Чорикорга қарашли қишлоқда турардик. Олдинда куюқ дараҳтлар билан ястанган ям-яшил водий кўриниб турарди. Бу жанггоҳ эди. Ундан омон-эсон чиқишнинг эса ўзи бўлмасди.

Эрталабки нонуштани техникалар устида қилдик. Аскарларнинг фикри-зикри тўрт-беш чакирим нарида кўзга ташланиб турган яшил дунёда эди. Ҳаммамиз бирор тасодиф рўй бериб, орқага қайтишни жуда-жуда хоҳлаётгандик. Техникалар устида буйрукни кутаётган аскарларнинг ранг-рўйи қўркув зўридан сарғайиб кетган, бироқ ҳамма сиртига сув юқтиргиси келмас, ҳар ким ўзини бе-

фарқ қилиб кўрсатар, аммо кўзлар кўзларга тўқнашганда мунглар зоҳир қароқлардан бир оғир дард, юракларнинг безовталигини англаш мумкин эди. Барчамизнипг суюн-чиғимиз сигарет эди. Жангчиларнинг яшагиси келарди. Биз истак-хоҳиши Ватан ниқобини кийган давр сиёсати қўлида эзғиланаётган шўрпешоналар эдик, холос. Бизни шармандаларча алдадилар, руҳан мажруҳ қилиб ташладилар, энди билсам. Қисқаси, Кремлнинг гуноҳлари бўйи баробар юксалаётган эди. Негаки, бу ёқларда эндиғина оқ-қорани таниётган йигитлар қирилаётган эди, тириклар ҳам ўлиб бўлган эди.

Полк икки соат ўтди ҳамки, қимиrlамади. Барibir содир бўлиши муқаррар даҳшатни кутаётганингда юрак зўриқади, асаблар зириллаб оғрий бошлайди. Қизиқ – инсон қувончга ҳам, мусибатга ҳам бирдай ошиқар экан.

Мен Ринатга “Ҳали-вери кирмасак керак, бирор егулик қиздирмаймизми”, дедим. Биз гўштли консервани очиб, қиздирдик. Овқатлангач, яна сигарет тутатдим. Ринат механик бўлмасига тушиб уйқуга кетди. Кўп ўтмай, устига карнай ўрнатилган БТР сафбошига қараб юрди. Унда кўзойнакли, сочи елкасига тушадиган фуқаро қийимидаги икки киши, бир полковник ва тўрт аскар бор эди. БТР Шўро элчихонасидан келган бўлса керак. Икки-уч дақиқадан сўнг карнай орқали душманга қаратса мурожаат янгради. Унда қандай гаплар айтилганини билмасак-да, ҳархолда, тинч ва дўстона муносабатда бўлишга, бехуда қон тўқмасликка даъват этилаётганини тушуниб турардик. Мурожаатнома элчихонадан магнитофонга ёзиб келинган эди. Тўрт маротаба қайтарилгач, карнай орқали Қуръони карим оятларидан ўқилди. Қандай бўлмасин душман ғазабини тушириш, сулҳ тузишимиз шарт эди. Бироз ўтгач, дараҳтзор ичидан кетма-кет уч бор биз тарафга ўқ узилди. Ҳамма ўзини машиналар ортига урди. Бу душманнинг норозилик билдирганидан далолат эди.

Рўпарадан миномётлар ишлаб, атрофимизга снаряд келиб туша бошлади. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Энди дараҳтзорга киришимиз, қирғин-барот бошланиши кафтдагидай аниқлашди. Ҳозиргина афғонча жавраган карнай ўрусча кўшиқ куйлаб юборди. Бу айна пайтда бизнинг устимиздан яна бир карра мазах қилинаётганидан дарак эди. Биз “Жангчилар орден билан тақдирланурлар...” кўшиғи остида жангга кираётган эдик. БМПлар оғир силтанди, дилларда хавотир. Карнайда эса ҳам ҳазин, ҳам жарангли кўшиқ эшитиларди: “Баландлик... баландлик... Жангчилар орден билан тақдирланурлар...”

Ўн беш-йигирма қадамлар олдинда кетаётган танк минага тушиб портлади. Механикнинг шу заҳоти жони узилди. Экипаж аъзолари ярадор бўлишди. Тўрт-беш қадам нарида тағин танк портлади, сўнгра сапёrlар ротасига тегишли БТР минага тушди. Ҳали йигирма қадам юрмасдан шунча талофат кўрдик. Ҳамма ёқ миналаштирилган, хар қадамда ажал уруғи экилганди. Мен ички алоқада Ринатга эҳтиёт бўлиб юришни, олдиндаги машина изидан яrim қарич ҳам четга чиқмай бошқаришни қайта-қайта уқтириб борардим. Узумзор бошланиши билан отув милини паstлатдим. Машина устидаги пиёдалар сақраб тушишди. Бизнинг взвод шу ерда қолиши ва олдинга разведкачилар кетиши керак эди. Биз бошқа техникаларни олдинга ўтказиб юбордик. Пиёдалар ўзларига хандақ тайёрлашди. Кузатув нуқталарига етгунча ҳар икки юз-уч юз қадамда биттадан бўлинма қолдирилди. Мен атрофини яхшилаб кузатдим. Ичкарига кираётганларга қараганда унчалик хавфли бўлмаса-да, ён томондан хужум қилишлари мумкин эди. Техникалар узлуксиз минага тушаётганди. Қисми миздаги танкчилар батальони кўп талофат кўрди. Тағин икки танк минага тушганини хабар қилишди. Устига-устак, душман ичкарида биздан беш-олти чақирим нарида қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Ҳатто олдидаги танклар

яқинига келиб, гранатомёт билан бемалол мўлжалга олишаётганди. Кузатув нуқталаридан анча узокда жойлашган бўлсак ҳам, шундок ёнимизга миномёт снарядлари туша бошлади. Ўнг тарафдан душман автоматдан ўқ узиб бош кўтартирмай қўйди. Мен автомат ишләётган тарафга БМП-дан ўқ отдим. Душманлар миномётлардан ота бошлади. Пиёдалардан бири оғир яраланди. У оғриқнинг зўридан дод-вой солар, дунёning бунчалик шовқин-сурони унинг даҳшати олдида ҳеч нарса эмасди. Мен алоқада комбатга хабар қилдим. У ярадорни тиббий қисм жойлашган ерга олиб чиқиши буюрди. Тиббий қисмда ярадорларнинг ҳисоби йўқ эди.

Яна ўз жойимизга қайтдик. Пиёдалар оғир ахволда қолишганди. Бетиним тушаётган миномёт снарядлари шўрликларнинг ўтакасини ёриб юборар, ҳар вағиллаганда бари ерга қапишиб оларди. Мен эса кузатув ойнаси орқали снаряднинг қаерга келиб тушганини, темир парчалари аралаш чанг-тўзон ҳаволаганини кўриб турадим. Ўтаётган ҳар бир лаҳза мен учун кунлардан узунроқ туюлар, тезроқ чиқиб кетишимизни истардим.

Бироздан сўнг душман уяси жойлашган томонга артиллерия ўт оча бошлади. Биз худди ракета янглиғ учайдан снарядларни осмонда бемалол кўриб турадик, улар мўлжалдаги жойга тушиши билан кучли портлаш эшитилар, дунёning бир томони ўпирилиб кетганга ўхшарди. Снарядлар – қишлоқ томонга учар, жанг майдонидан анча нарига бориб тушарди. Душман, албатта, қишлоқ ичкарисига чекиниши шарт эди. Негаки, анча талофатлар эвазига армиямиз Чорикорнинг ичкарисига кириб борганди. Аскару техникаларнинг сон-саноғи йўқ эди, БМП-2 ва танк, БТР ва тошбақасимон “Саушка”лар дарахтзор ичра туриб қолган, ҳаракатланиши жуда мушкул эди. Артиллерия эса Чорикордаги қишлоқларни тинмай элақдан ўтказарди. Бизга кўринмас жойда кўним топган тўпчилар бўлинмаси

ҳам ишга тушди. Тўплардан отилган снаряд қишлоқ юзасидан ўн-ўн беш қадам баландликда қуюқ тутун қолдириб портларди. Хуллас, неки тирик жон бўлса, шўрига шўрва қайнарди. Чорикорда гуноҳкору бегуноҳ одамларни аёвсиз қираётганимизни ҳар бир аскар билиб турарди, бу галги юришимиз чиндан ҳам даҳшатли эди. Артиллерия тингач, осмонда самолётларимиз учди. Дунёни ларзага солиб, ҳозиргина хонавайрон қилинган, ер билан битта бўлган қишлоқлар устидан тонналаб бомбалар ташланди. Ақл бовар қилиб бўлмас ҳолдаги қирғин-қиёмат бўлаётганди. Шу даҳшатли манзаранинг барини одамзод амалга ошираётгани тасавурга сигмасди. Уруш инсоният ақлу идрокига бўйсунмай қолиши, унда ҳам ўзига яраша шаккоклик мавжудлигини англадим. Бу шаккоклик ер юзидағи жами фожиаларнинг энг улкани ҳамда энг мусибатлиси. Энг мусибатли деганимнинг сабаби шуки, урушда бир ёки ўнлаб эмас, юзлаб, минглаб, ўн минглаб одамларнинг ҳаёти бир лаҳзадаёқ интиҳо топади. Уруш учун инсон умрининг тугаши; тириклик булоғининг қуриши хеч қачон фожиа саналмайди. Уруш – ўлмак демакдир. Одамлар ўз оёқлари билан унинг қаршисига борадилар-у, энди ўлишлари муқаррар эканлигини ҳис қилишгач, эсанкираб қоладилар. Бу ерда кишилар бир-бирининг бошига етмайдилар, аксинча уруш уларнинг ҳаётига зомин бўлади. Урушга сен қотилсан, дейиш аҳмоқлиқдир.

Чорикорда жанг бўларича бўлди. Бизниkilарга нисбатан аффонлар ўн баравар кўпроқ қирилди. Қишлоқда бирор майса тик қолганига гумон қиласман. Ҳамма ёқни снаряд бўлаклари кўмиб ташлаганди. Қишлоқ дараҳтлар ортида, биз турган ердан анча нарида эди. Отишма анча сусая бошлади. Онда-сонда душман АКМлари ишлаб қолар, ўша ёққа эса бизниkilар танку БМП, БТР ва миёнмётлардан ўт очишга тушар, душман томонга ўқ ёғиларди. Дараҳтлар ичкарисидаги сўқмоқдан бирин-кетин

техникалар чиқиб кела бошлади. Олдинда разведкачилар бўлинмаси йўл бошлаган эди. Сўнгра шалағи чиққан БМП ва танкларни судраган баҳайбат ва қудратли маҳсус таъмирловчи техникалар кўринди. Улар ичкаридан кўчирилаётган нуқталарга тегишли эски техникаларни судраб чиқишарди. Кузатув нуқтасида туравериб занглаб кетган, фақатгина отув мили, ишлайдиган бу ҳарбий машиналарни бизнинг қисмда портлатиб ёки бирор тепаликдан қулатиб, акт тузиб қўя қолишарди. Энди улар афғон урушига яроқсиз эди. Мен техникаларнинг ҳар бирига диққат билан қарадим. Танк судраб чиқаётган навбатдаги БМП-2 кўзимга таниш учради. Юрагим ҳаприқиб кетди. Дархол унинг ёнбошидаги рақамга қарадим. Олти юз ўн тўртинчи... Бу бизнинг ўша жангда, Чорикорда қолдириб чиққан машинамиз эди.

— Ринат, олти юз ўн тўртинчини олиб чиқишлоқда, — дедим ички алоқада.

— Кўраяпман, ўзимизнинг қадрдон машинамиз, қара, кўзга қандай иссиқ кўринади.

— Олти марта тешилгандан кейин ҳам фойдаси текканига қойилман.

— Ҳарбий билетинг ҳам машинада қолиб кетганди, ҳозир бориб кўр.

— Эй, кўйсанг-чи, биз машинани ташлаб қочганимиздан сўнг душман ичкарини текшириб кўрган, танкчилар батальонидаги майор айтувди-ку, душман машинага чиқишта улгурган, деб.

— Агар танкчилар бўлмаганда машина душман кўлида қоларди.

Юрагим эзилганча машина ортидан кузатиб қолдим. У шунчалик менга қадрдон бўлиб қолган экан. Ринат ҳам шу ҳолатни бошидан кечираётганини сезиб турардим. Сўнгги техника ичкаридан чиқиб келгач, мудофаада турганларга ҳам сўқмоқ орқали ортга қайтишга буйруқ

берилди. Артиллерия тағин ишга киришди. Ҳозиргина халос этилган кузатув нұқталари жойлашган ерга қаратада отишар эди. Биз кучли шанғиллашлар ва вахимали портлашлар остида изимизга қайта бошладик. Мен бу жаңгда уч соат эмас, балки уч йил иштирок этгандай, узоқ вакт мобайнида осуда ҳаётдан айро яшагандай эдим. Бошим ғовуллаб оғрир, күнглим алағда бўла бошлади. Қанийди, одам оёғи етмайдигап хавфсиз жой бўлса-ю, мазза қилиб ухласам!

Чорикорга кирверишида тўхтаган жойда тағин бироз оёқ илишга рухсат берилди. Қишлоқда эса эрталабгидай япаски уйлар томи устида болалар ўйнашмас, ҳамма ёқ сокин ва осойишта эди. Аскарларнинг юз-кўзлари тутун ва чангдан қоп-кора бўлиб кетганди. Мен машина ичкарисидан сигарет олиб тутатдим. Бошимнинг зил-замбилигига бироз барҳам берилгандай эди. Айлана қилиб танклар мудофаага кўйилган ялангликда аскарларнинг бетартиб ҳаракати, бакир-чақири ҳукмрон эди. Мен қорним анча очиққанини ҳис этдим. Машина ичкарисидан картошкали консервани олиб очдим ва ерда ўт ёқиб овқат иситаётган Бочкарёвга узатдим. У менинг овқатимни гулханга қўйди. Мен пиёда аскарлар даврасига тушишдан кўра, машина устида овқатланишни афзал билдим. Негаки, қаттиқ чарчагандим. Пастга тушиб чиқишига ҳам мажолим йўқ эди.

Бочкарёв кизиган картошка шўрвали консервани узатди. Мен иштаҳа билан овқатланиб бўлганим ҳамон олти юз йигирма тўртинчи БМП-2 нинг механиги Мўмин чақириб қолди. Мен нима гап, деб сўрадим. У кулимсираб қўли билан имлай бошлади. Пастга тушиб, Мўминнинг олдига бордим.

– Нима дейсан?

У бу ёкка чиқ, дегандай кўлинини чўзди. Мўминнинг бирор қизиқ воқеадан хабардор бўлганлиги сезилиб турарди.

- Нима дейсан? – такрор сўрадим.
- Юхумик сумак топиб олибди. Бизнинг бўлинма ис-теҳкомда турган жойда эски қалъа бор эди, ўша ердан.
- Қанақа сумак?
- Чақалоқларнинг сумаги. Нима қипти шунга?
- Мендан бу нима, деб сўради, тамаки солинади-ган трубка, дедим. Ирғишилаб қолди, бирам хурсанд бўлди-ей, асти қўяверасан. Терисига сиғмай юрибди, шўрлик.

Юхумик тўртинчи бўлинма командири ўринбосари эди. Бақувват, яғриндор, қўллари белкуракдай. Анчагина соддалиги боис, ротадагилар уни тез-тез мазах қилиб турар, бироқ ҳаммамиз яхши кўрардик.

- Билиб қолса, сени уриб ўлдиради, – дедим.
- Олдин томошани қўр, кейин бир гап бўлар. Мўмин Юхумик тушлик қилаётган тўдани кўрсатди.
- Ҳозир чекиб қолади, ўлай агар, бу ўрислар шуни ҳам билишмас экан. Ҳидлаб-ҳидлаб, олдин бирор ашаддий ка-шанданики экан, ҳечкиси йўқ, деб қўйди. Бу Чорикордан эсадалик эмиш. Уйига олиб кетармиш... – Мўмин қорнини ушлаган кўйи ётиб-ётиб куларди.

Бирпасдан кейин Юхумик чўнтағидан сигарет олди ва қўйнидан Мўмин айтган сумакни чиқариб, сигарет тамакисини тўка бошлади. Ёнидаги ўрис ва украин йигитлар қизиксиниб қарашарди. Сумак боши тамакига тўлгач, чинакам трубкалардай, лабининг бурчига олиб борди ва гугурт чақиб тутатди. Мен ўзимни тўхтатолмай кулиб юбордим. Мўмин машина ичидаги кулавериб, ғужанак бўлиб қолди. Бир маҳал “трубка” қўлма-қўл бўлиб давра айланади. Даврадагилар хурсанд эди.

Кеч кириши билан қисм йўлга тушди. Мен тезроқ полк-ка етиб боришни истардим. Коля суратчидан бир шиша “Столичний” сотиб оламан-да, бир ўзим майдалайман, бу ҳарҳолда нашадан яхши-ку, деб ўйладим.. Менинг

жуда-жуда арок ичгим, дунёни унутгим, кайфиятимни күтаргим келарди.

Хали олдинда нималар кутаётгани, тақдири азалда не-лар битилгани номаълум эди. Умуман, урушнинг эса чеку чегараси бўлмаслигини нафақат мен, балки ҳаммамиз, ҳатто афғон халқи ҳам ўкинч билан тан олаётганди.

XI

Кўкда юлдузлар ғужфон. Осмон бирар яқин, тиқилганинг сайин баландлашаётгандай бўласан. Сунбуланинг сокин ва титроқли бундай кечалари, кўнглинг ёлғизликни кўмсади. Тун сени дунёнинг майда ва улкан ташвишлари чангалидан юлқиб ўз бағрига яшираётгандай туюлади. Ҳеч ким билмас олисларга кетишни хоҳлайсан. Ҳатто доимо талотўп аримайдиган, бақир-чақирларнинг макони аскарлар казармалари ҳам сеҳрланиб қолганга ўхшайди. Ҳамма ёқда жимлик. Казарма эшиги олдидағи тунги навбатчилар ҳам қуролига суюнганча хуррак отишади. Узокларда, Баграм ва Погман томонларда ёнувчи ўқлар отилиб, қизил нуқталар тизмасини ҳосил қиласди. Казармада паркдан чарчаб қайтган, қимир этмай ухлаётган механик ва операторлардан бошқалар қисм ошхонасига навбатчиликка кетишган. Мен кеч соат биргача қисм атрофини айландим: чироқлари ёниқ турган қисм штабида навбатчи зобитнинг чекаётгани деразадан қўриниб туради. Саф майдони бўйлаб ошхонага келсам, навбатчилик қилаётган ротадош пиёдалар ошхонадаёқ уйкуга кетишибди. Менинг қорним очиққанди. Бир амаллаб аскарлар овқатланадиган иккала залдан бирига киришим керак эди. Мен биринчи зал эшигини тақиллатдим. Ичкаридан, сержант Труцюкнинг овози эшитилди. Мени таниб эшикни очди. Унинг кўзлари қизариб кетган, оғзидан бадбўй ҳид анкирди.

– Ҳа, иш ўрнига байрам қиляпсизми, жаноби олийлари?

– Кир, биروف кўрмасин, – у қўлимдан ичкарига тортиб, эшикни қулфлади.

Стол ва тахта ўриндиқлар қўйилгай узун зал ялтираб турар, ҳамма ёқ эрталабки нонуштага ҳозирланган эди. Тўрдаги стол дид билан безатилган. Юхумик билан Анишин чайқалиб ўтиришарди. Тўрт жангчи эса ўриндиқларда чўзилиб, хуррак отарди.

– О, байрам зўр-ку! – дедим иштаҳа билан.

– Кел, ўрток сержант. Айни пайти, уйку қочмайди, – Юхумик жой кўрсатди.

Уларнинг учаласи ҳам маст эди, бироқ столда ароқ шишиласи кўринмасди.

– Тугатибсизлар-ку? Ҳа майли, шунисига ҳам шукр.

– Бир сенга етади, – Анишин гандираклаб бориб ёнимиздаги стол тагидан худди “тройной” одеколонига ўхшаш иккита шишача олди. Булар – қисм магазинида сотилаётган, юзга суртиш учун фойдаланиладиган “Атиргул суви” эди. Мен ҳали бунисини ичиб кўрмаган эдим. У шишаҷалардан бирининг оғзини очиб, кружкага яримлатиб кўйди.

– Қани, кўтар!

– Шуни ичаяпсизларми?

– Ароқ тополмадик, борига барака, кўтар! – қўшилди Юхумик.

– Қандай бўлади бу ёфи... – дедим каловланиб.

– Ол, энди, биз ўлмадик-ку, зўр кайф беради, мино-мётчилару разведкачилар доимо шундан ичишаркан. Ҳам арzon.

Труцюк ўзига ҳам кўйди. Биз икковимиз бирга кўтардик. Ичим ёниб кетди. Чиндан ҳам ичимликдан атиргул ҳиди келарди. У бироз bemаза эди, бироқ, бошга яхши тепаркан. Мен иккинчи кружкани кўтарганимда унча

нохушлик сезмадим. Учинчисини тўлатиброк қуиши. Анишин ва Юхумик сулайиб қолди. Труцюк тағин мен билан бирга олди. Мен юзим совий бошлаганини, мажолим қолмаётганини сездим! Труцюк қаршимда тебраниб ўтиради.

- Юра, мен казармага боришм керак,— дедим.
- Шу ерда ётиб қолавер.
- Йўқ, менга сигарет бер, кетаман.

Юра сигарет узатди. Мен масти бўлгандим. Ташқарига зўрға чиқдим, кўнглим айнаётганди. Оёқларим оғирлик қилиб, бошим караҳт бўлиб қолганди, гўё. Менга казарма эшиги олдида рота командири дуч келди. Уни пайқамабман. Ўзи туртиб тўхтатди. Боя ошхонада оғзимга солған сигаретни, лабимдан туширмай чекиб келаётгандим. Миямга ҳарбийча салом бериш фикри урилди. Мен ўнг қўлим билан эмас, чапини чеккага теккизганимни ҳам билмайман. Рота командири қўли билан ўнг қўлимни чеккамга олиб борди.. Мен иккаласини ҳам қулоқимга теккизб тураверибман.

– Намозни эрталаб ўқийсан, аскар. Каерда санғиб юрибсан?

- М... М...
- Бу нима қилиқ, қаерда ичдинг? Жавоб бер!

Мен гапиролмасдим. Командирнинг бақиргани, бўралаб сўkkанини сезиб турардим. У навбатчини чақириб, жойимга олиб боришни тайинлади. Икки аскар мени судраб бориб каравотимга улоқтириши...

Эрталаб бошим гангид уйғондим. Биринчи залдаги навбатчилар ухлаб қолишгани туфайли нонушта ярим соатга кечикди. Рота командири Юхумик, Труцюк ҳамда Анишинни роса тузлади. Улар кечаси ротага навбатчиликка турадиган бўлди. Менга ҳам бирор жазо бормикин, дегандим, хайрият, индамади. Афғонда аскарни тушунадиган зобитларни, бехудага мужик демасдик. Бизнинг рота ко-

мандиримиз ҳам ана шунақа, қўл остидаги жангчилариға нисбатан кечиримли ва меҳрибон эди. Анави учаласи анчагина ошириб юборишган эди. Командир уларни кечаси ичгани учунмас, топшириқни бажармагани учун жазолаган эди.

Ротада гап тарқалди: Чорикорга қилган юришимиз учун полкка медаль ва орденлар келибди. Тақдирланганлар орасида бизнинг ротадан кўпчилик бор экан. Мен Чорикорда бўлиб ўтган ўша жангни эсладим. Жуда оғир кечган эди. Ўшандагидай отишмани ҳали кўрганимча йўқ! Жангдан сўнг алаҳсиб юрганим, олти юз ўн тўртинчи БМП-2 машинани Ринат иккаламиз ташлаб қочганимиз, мили тешилган автоматим, душман уч аскарнинг мурдасини ўғирлаб, олатини кесиб ташлагани, Мусурмоннинг учала аскар ўлигининг хор бўлганини кўриб, кисмда уч кун гарангсиб юргани – бари-бари кўз ўнгимда жонланди. Мен ўша жангда ўлиб кетмаганим учун яна бир бор шукур қилдим.

Кечқурун рота командирининг техника ишлари бўйича ўринбосари, прaporshчик Довгий казармага келди. Мен Ринат билан каравотда ёнбошлиб ётардим. Довгий казарма ўртасида тик туриб мени имлаб чақирди. У ширакайф эди.

– Табриклайман. Бронядан сен, Мезенцев, Бурсук тақдирланибди.

– Ким айтди?

– Полк штабида рўйхатни кўрдим. Эртага тарқатишади.

– Бошқа ҳеч ким йўқми, ўрток прaporshчик?

– Йўқ.

– Ринат ёки Мўминни ҳам тақдирлашлари керак эди...

– Э, қўявер, ҳаммаси замполитнинг¹ иши. Ўзига яқинларни ёзади у.

¹ Сиёсий ишлар бўйича қисм командири ўринбосари.

– Менинг замполит билан ҳеч қанақанги яқин алоқам йўқ, ўртоқ прапоршчик!..

– Ахир, сенинг машинанг ёниб кетди!

– Нима қипти? Машина Ринатники ҳам. У механик-ку.

– Эй, ҳаммасига туфла. Мен механик ва операторлардан етти кишининг исми-шарифи мукофотга ёзилганини кўрганман. Бари шунчаки рўйхат учун қилинган экан. Замполитнинг ўзи штабда тўполончилар деб беш аскарни рўйхатдан ўчирибди.

– Ноҳақлик-ку бу!!!

– Юр, ташқарига чиқайлик, гап бор. Казармадаги аскарлар бизнинг орамизда кечган суҳбатни фаҳмлаб ултуришмади. Довгий билан ташқарига чиқдим. Унинг болаларча соддалиги, аскару зобитга бир хил муомалада бўлиши, ўзини баланд тутмаслиги учун бир мен эмас, бошқа жангчилар ҳам яхши кўрардик.

У мени казарма четидаги хандаққача эргаштириб борди. Одам одамни элас-элас танийдиган маҳал эди. Зобитлар уйи томондан хорижий куй-қўшиқ эшитиларди.

– Кўчкор, сени яхши кўраман, сенга ишонаман. Лавнати Афғонистон жонимга мана шундай тегди. Ҳаммасига тупураман. Билдингми, роса эзилиб кетдим. Ротада мени арокхўр деб ўйлашади. Нима килай, куйганимдан ичаман. Ҳатто шу ерда – уруш бўлаётган жойда ҳам минг карра ифлосликлар рўй бераяпти.

– Кўйинг, ўртоқ прапоршчик. Оз қолди. Ҳаммаси ўтиб кетади.

Довгий анчагина қизиган эди. Кайфи ошганидан кўнглидаги бор аламларини тўкиб соларди. Менинг дилим ғашланди. Прапоршчик ҳақ гапни айтатётган эди.

– Менга кара, Ринатга берилиши керак бўлгай медални штабдаги жанг кўрмаган жўжа зобитлардан бири ўз юртдошига ёзиб юборганига қандай чидаш мумкин? Би-

ласанми, қанчалаб кишилар пана-пастқам жойларда ўтириб, жанг кўрмай қаҳрамон бўлиб қайтишмоқда.

– Ўлиб кетмайдими бари!

– Тўғри, қўл силташ керак буларга. Аммо ротанинг ўзидаёқ қанча ноҳақликлар бўлаётганидан хабардормисан? Менга фарқи йўқ, кимнинг қайси миллатданлиги. Лекин зобитлар, ҳа-ҳа, сизлар билан бирга жангга чиқадиган зобитлар нима учун сизларни бунча ёқтиришмайди. Ўзбекистондан бўлганларинг учунми?

– Буни ўзим яхши биламан. Лекин ҳаммаси ҳам унақа эмас. Тоза юраклари ҳам бор.

– Лекин кўплари сиз – ўзбекларни ёмон кўришади, тўполнончи, гапга кирмас дейишади. Мана, мен олти йилдан бери шу ерда жанг қиласман. Бироқ бирор ўзбекнинг кўрқоқлик қилганини билмайман.

– Қизиқонлигимиз учун хушлашмаса керак.

– Зобитлар даврасида неча бор талашиб-тортишгандан. Сени, Мўмин ва Ринатни, ҳамма ўзбекларни юракдан ҳурмат қиласман. Мен Афғонистонда ўзбекларнинг бир-бирига қанчалик оқибатли эканлигини билиб олганман. Ўрисларга қараганда сизларда миллатдошлиқ туйғуси анча юксак.

– Ўртоқ прaporшчик, шахсан мен сизни ротадаги зобитларнинг энг ажойиби деб биламан. Юринг, сизни моделгача кузатаман.

– Эй, моделда нима қиласдим. Ҳозир ҳар қайси зобитнинг хонасида биттадан хонимча бор. Бу зобит зотига.... бўлса бас экан. Қанжиқлар қаердан ҳам Афғонга хизматга келишди экан, – Довгий полкда хўжалик юмушларини бажараётган аёлларни сўка бошлади. Улар чиндан ҳам кейинги пайтлар қисмда жуда кўпайиб кетганди. Аскарларнинг кўзини куйдириб юришарди.

Биз Довгийнинг хонасида ичиб ўтирадик. Девори картондан тикланган модел коридорида қадам товушла-

ри, эшикларнинг очилиб-ёпилиши эшитиларди. Довгий гапидан чалғий бошлади. Турли хил суратлар илинган шинамгина хона ва чет элларда тайёрланадиган шириналлар билан безатилган стол менинг кайфиятимни кўтарарди. Очифи, бунчалик ором олиб, bemalol ўтиргандим ҳали. Мен дам олардим. Faқатгина Довгийнинг полқдаги ҳаёт ҳақида ижирғаниб алжирашлари, ундан-бундан норози гап очиши ошиқча эди. Биз бир шишани майдаладик. Довгий бошини у ёқ-бу ёкка ташлаб... ни кўришни истайсанми, деб сўради. Мен “аёлларга ҳушим йўқ, казармага бораман”, дедим. Довгий кийимларини ҳам ечмай ғудраниб ўзини каравотга отди. Мен ташқарида аёллар моделидан чиқиб келаётган биринчи рота командирига дуч келдим. У ўзича хиргойи қилиб, ўтиб кетди. Кайфи баланд эди. Казармалар чироки ўчган эди.

Эрталаб аскарлар саф майдонига тизилишди. Кунлик иш режими белгилангандан кейин, нонуштага рухсат берилди. Бугун ҳамма қисмда бўлиши тайинланди. Москвадан телевидение ходимлари келишибди, мукофотлар тарқатиларкан. Тушлик маҳалига бир соат қолганда қисм карнайи ваҳимали ванғиллади. Ҳамма саф майдонига йиғилди.

Мукофотларни дивизия командири топширди. Менга “Жанговар хизматлари учун” медалини беришди. Ўша жангда яраланган, биз билан бирга бўлган взвод командири Ермилин “Қизил юлдуз” орденини олди. Учинчи киши – Ермилин ва менинг ёнимдан бир қадам ҳам жилмаган, неки даҳшатли манзара юз берган бўлса, ҳаммасидан воқиғ Ринатга ҳеч нарса ёзишмагани ўнғайсизлик туғдирди. Мен Ринатнинг олдида хижолат чека бошладим. Сафдошлар орасида, уни кўз югуртириб топдим. Медаль чўнтағимга оғирлик қилаётган эди. Ҳеч ким кўрмайдиган жойга кетгим, ротадошлар кўз олдидан яширингим келарди. Қаттиқ хижолат чекардим. Қанчалик бепарво бўлишга

ҳаракат қилмай, кўнглимнинг бир бурчидаги ғашлик чўкиб ётарди.

Тушлиқдан сўнг қисмимизга Англия ва Италия мамлакатларидан журналистлар келишди. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Шерстюк менга “журналистлар саволларига сен жавоб берасан”, деб айтди. У, биз доимо ҳимояда турамиз, урушга чиқмаймиз, инқилоб тарафдоримиз, деб гапиришимни уқтирди.

Улар уч киши эди. Учаласи ҳам қора кўзойнак тақиб олган, соchlари ўсиқ, ўрта ёш эди. Қисм штабидаги хоналардан бирида мен ва улар савол-жавоб қиласарди. Учаласи ҳам ўрис тилини пухта билишар экан. Гап оҳангидан уларда шўро аскарларига нисбатан ачиниш ҳисси борлигини сездим. Журналистларнинг “сиз ўзингизни қаҳрамон ҳисоблайсизми?” деган сўрови юрагимга ғашлик солди. Яна улар, “сиз ҳали ёшсиз, лекин Ватанни ҳимоя қилиш учун ўзга юрт чегарасидан ошиб ўтиш шартмиди?” дейишганда, тамоман ўзимни йўқотиб қўйдим. Улар мен сингари минглаб алданган шўро аскарларига ачинишшаётганди. Мен журналистларнинг бундан кейинги саволларига жавоб беролмаслигимга амин бўлдим. Ўзимни беҳол сезаяпман, деб ротага қайтдим. Казармада кутиб турган катта лейтенант “нима бўлди?” деб сўради. Мен, “хориждагилар бу ерларда беҳуда сарсон-сарсадон юрганилигимизни яхши билишади. Совет Иттилоғининг раҳми келмаса ҳам ўшалар бизга ачинишмоқда!” – дедим кесатиб. Шерстюк нигоҳи билан ер чизарди. Менинг эса ўкириб-ўкириб йифлагим келарди. Шерстюк менинг нимага шальма қилаётганимни тушунди. Мен афғон халқини хонавайрон қилишни истамайман, ҳаммамиз алданганмиз, деганимда эсанкираб қолди. Менинг қаршимда ўзини гуноҳкордай ҳис қиласарди. Аслида Кремлнинг истибодд ҳоким сиёсати эзиб ташлаган халқнинг фарзанди,

шўро армиясининг аскари эканлигидан жирканаётганини у ноҳақликка йўймаётганди. Ҳамиша шовқин-сурон ҳо-ким казармада аскарлар ўз ишлари билан банд эдилар. Кимдир тумбочкага кўкрагини бериб хат ёзмоқда, ким-дир ҳарбий кийимиға тугма қадайди, яна бирор тасма тўғ-ноғичини артмоқда. Қилар иши нотайин жангчилар эса у ёқдан-бу ёққа ўтаверадилар. Мен бу ерда ҳаммамизнинг бетайин эканлигимизни англадим.

XII

Сунбуланинг охирлари. Ёзниг ҳарорати пасайган. Бепоён узумзорлар ястаниб ётган Баграм вилоятида айни пишиқчилик. Тоғ ёнбағиригача чўзилган экин майдонла-рида турли-туман полиз маҳсулотлари етилган. Йўл че-тидаги қишлоқ аҳлига қарашли бу экин майдонларида маҳсулотлар шўро армияси учун етишрилгандай, гўё. Биз уларни хоҳлаганимизча териб олсан ҳам, ҳеч ким нима қиласяпсан, демасди. Машиналарни картошка ва помидор-лар билан тўлғаздик. Саримсоқдан тортиб бақлажонгacha бизга “мунтазир” эди.

Деворларни ўпириб ўтаётган оғир техникалар полиз-ларда такқа тўхтаб қолар, шуни кутиб туришган пиёдалар эса ерга сакраб тушишар, ўзиники сингари нима дуч келса териб машинага юклашарди. Хуллас, биз Баграмда-ги экинзорларни пайҳонлаб бораардик. Қисм белгиланган жойга етиб боргунга қадар дуч келган уй ҳайвонларини ҳам отавердик. Йўлда эшак ва қўй-қўзилар, ҳатто сигир-лар ўлиб ётарди. Тўс-тўполон ичидаги ким нима қилаёт-ганини билиб бўлмасди, бироқ бир нарса маълум – шу ишларнинг барисини шўро аскарлари ҳавас билан бажа-раётган эди. Зобитлар эса кўриб-кўрмасликка олишар-ди. Нима ҳам дейишсан? Бундай ҳол биринчи маротаба бўлаётган эмасди. Мен ҳали бу ишларим учун бир умр

виждон азобида қолишим мұкарралигини тушунардим. Ич-ичимдан зил кетардим. Биз ваҳшийлар эдик. Аммо бизни шу ишларни қилишга Кремль сиёсатининг қонли кўли мажбуrlаётганди. Мен афғондаги жамики қирғинлар учун ўрис давлати сиёсати айбдор деб хисоблайман.

Экинзордан кейин яйдок дала ястаниб ётарди. Ўнг ва сўл тарафимизда қишлоқлар кўриниб туарди. Полк шу куп-куруқ ерда жойлашди. Ҳар жой-ҳар жойга танк ва БМП-2, БТР ва “Савушка”лар кўйилди. Пиёдалар машиналарга яқин жойлардан хандаклар қазишиди. Қишлоқ узоқ, узумзор икки-уч чақирим нарида эди. Бу ялангликда қандай қилиб жанг қилишимизга ҳайрон бўлдим. Умуман, шу сафарни юришимиздан қандай мақсад кўзда тутилганини ҳеч ким билмасди.

Ҳар галгидек қишлоқни дастлаб артиллерия ўқса тутди. Мен иккинчи бўлинма командири лейтенант Сидоровдан “қишлоққа кирамизми?” деб сўрадим. У, шу ердан қайтсан керак, деди. Икки-уч марта қишлоқ томондан “эрэс” снарядлари учиб келганини айтмаганда, бизга қарата унчалик қаршилик кўрсатишмади. Ялангликда бемалол дам олардик. Ҳар-ҳар замонда танклардан қишлоқ томонга ўт очиларди, бу ҳам номига, душманни чўчитиб қўйиш учун қилинарди. Бир кечани тинч ўтказдик. Мен кечаси уч марта БМП-2 дан узумзор томонга ўт очдим. Тунги коровуллар ҳар беш дақиқада автоматдан ўқ отиб турдилар. Тонг ёришгач, қишлоқ аҳлининг турнақатор тизилиб тоғ томонга кўчиб кетаётганини кўрдик.

– Энди қишлоққа кирсак керак, – деди Ринат.

– Яхшиси, зобитдан сўра, шу билиши мумкин.

– Ўртоқ лейтенант! Ростданам шу ердан қайтамизми, ё... – мен қишлоққа ишора қилдим.

– Йўқ, қишлоққа кирмаймиз, – деди десант бўлмасида дам олаётган Сидоров.

– Бечораларга қийин бўлди, ҳаммаси болалар, аёллар...

– Чамамда, шўрави қишлоққа бостириб киради, деб кўркишган шўрликлар.

Зобитнинг уларга ачинганини ҳам, мазах қилаётганини ҳам сезмадим.

– Артиллерия дабдаласини чиқариб бўлди-ку, бундай отишма билан кичкина қишлоқ нари турсин, шаҳарларнинг ҳам кулини қўкка совуриш мумкин. Манави тоққа қочиб чиқаётган бечоралар, тирик қолишганига шукур қилишаётгандир, – деди Ринат. У ҳақ гапни айтган эди.

Узумзор томонни кузатаётган аскар чопиб келди. У рўпарада бир гала қўйлар юрганини айтди. Мен Ринат ҳамда лейтенант Сидоров машинадан чиқиб аскар кўрсатган томонга қарадик. Чиндан ҳам кунботар томонда қўйлар ўтлаб юрарди, улар бу ерга қандай келиб қолгани номаълум эди, чунки қишлоқлар анча узоқ бўлиб, бу атрофда уй кўринмасди.

Зобит пиёда аскарлардан икковини қўйларни ҳайдаб келиш учун юборди.

– Кабоб ўз оёғи билан келаяпти, – деди у.

Мен охири қандай тугашини кутардим. Ринат механик бўлмасига кириб ётиб олди. Ҳаял ўтмай иккала жангчи ўн иккита семиз-семиз қўйларни ҳайдаб келди. Бўлинма жангчиларининг оғзи қулоғида эди. Зобитга ҳам худо берди.

– Кўчкор, сўйишни биласанми, – деб сўради у мендан.

– Чумчукниям сўйиб кўрмаганман...

– Ринатдан сўраб кўр, балки у билар...

– Менга қолса отиб ўлдириш керак. Шу ҳам муаммо бўлди-ю, – деди механик бўлмасида ётган Ринат.

Охири аскарлардан бири қўйларнинг энг семизини автомат милига ўрнатиладиган ўтмас пичоқда бўғизлади. Машинада қозон бор эди. Думба ёғига гўшт қовурдик. Бир қўйнинг гўшти етти кишига бемалол етди. Қолган қўйларга қоровуллар кўз-кулок бўлиб туришди. Лейте-

нант батальон командирига алоқада махсус, келишилган частотага ўтишни илтимос қилди. Ўзаро махфий гаплар айтилиши лозим бўлса, ҳар бир батальонда алоқада махсус частота бўйича иш юритиларди. Сидоров комбат билан алоқада bemalol гаплашди. Зум ўтмай, комбатни олиб юрадиган БМП-2 келди. Лейтенант тўртта қўйни бериб юборди. Тағин иккитасини қисм командирига “совға” қилди. Кечкурун тағин биттасини сўйдик. Бу бекорчиликдан нима қиласини билмай қолганлар учун ҳарна бўлса-да, эрмак эди. Негаки, биз унчалик оч эмасдик. Машинада кунлик озиқ-овқат етарли эди.

Эрталаб биз турган жойга прaporщик Довгий келди. У қўй боқаётганимизни эшитганди. Сидоров Довгийга ҳам бир қўй инъом қилди. Довгий ўзида йўқ хурсанд эди. Механик Мўминга қўйни эҳтиётлаб машинага босишни буюрди. Сўнгра мени ўзгача бир яқинлик билан имлаб чақириди.

– Анави узумзорга бордингларми?

– Йўқ...

– Кеча биз Мўмин билан икки бидон узум тердик.

– Шунча узумни нима қиласиз, ўртоқ прaporщик?

– Кўраяпсанми, – У БМП-2 орқасида сув солиш учун олинган махсус бидонларга ишора қилди, – иккови ҳам узумнинг суви билан тўлиб турибди. Эрта-индин ачиб винога айланади. Ўзиям сувли узум экан.

– Полкка қайтиб борганда мазза қиларкансиз-да?

– Механик ва операторларга етади. Парада ишлаётганда бир-икки кружка симириб қўйсанг, бай-бай. Тетик бўлиб юрасан...

Довгий улфатларга хос кайфиятда қўл ташлаб хайрлашди.

Учинчи куни Баграмга кираётиб қандай вайронагарчилик қилган бўлсак, ундан ҳам беш баттарр ўйинлар кўрсатиб қайтдик. Экинзорларни тағин яксон этдик, қиши-

локларни ўқقا тутдик, бузилган уй ва қўпорилган деворларгина омон қолди. Аҳолиси қўрққанидан ташлаб кетган қишлоқлар харобага айланган эди. Биз инсоний ҳис-туйғуларини унугтган, ҳар қандай ёвузликдан тап тортмайдиган, лекин дунё ёвузликдан иборатлигини англаб улгура олмаётган махлуқларга айланган эдик... Эй, худо! Бундан ортиқ шармандалик бормикин?!.. Дунёга шунчалик гуноҳ иш қилиш учун келганмидим?

Кисмда яна аввалгидай сокин ва зерикарли кунлар бошланди. Куз ойлари умуман жангга чиқмадик. Икки-уч марта дала машқида бўлдик. Уч марта полк чега расини Пагман тоғлари томонидан душман ўқقا тутди. Кунлар анча совиб қолганди. Қишки уст-бош беришди. Қавс ойининг ўрталарида ёғингарчилик бошланди. Бу орада биздан олти ой аввал хизмат бошлаган Мусурмон, Рашид ва Хайриддинлар уйига қайтишди. Казарма файзсиз ва ғариб кўриниб қолди. Ротада “қария” аскарлардан бирига айланган эдим. Негаки, хизматнинг охири кўриниб қолаётган эди. Ринат “иложи бўлса, бошқа жангга чиқмаслик керак”, деди. Мўмин энди бизни жангга олиб боришмаса керак, деган фикрни айтди. Мен ҳам, гарчанд зерикарли бўлса-да, қисмда қолишни, омон-эсон уйга қайтишни ўйлаётган эдим. Афғонистон жонимизга текканди. Беҳуда ва бемақсад юришлар, даҳшатли жанглардан юрак олдириб қўйган эдик. Ҳаммамиз жангга киришдан қўрқардик.

Қавснинг охирларида бутун армия Хост тоғларига юриш қилди. Харитада кўрсатилган жойга уч кунда етиб бордик. Шу ердан ҳар бир рота – ўзига юқлатилган маҳсус топшириқни бажариши керак эди. Бизнинг батальон кичикроқ бир тепаликда жойлашди. Олдинда баланд тоғлар қад кўтарган, тоғ ёнбағирларида эса арчалар ўсиб ётарди. Бунақангичроқли манзарани ҳеч қачон кўрмагандик. Муздай ҳаво кўнгилга ором бахш этарди.

Биз турган тепаликка миномёт снарядлари келиб туша бошлади. Душман бизнинг шу ерни танлашимизни олдиндан биларди, чамаси, тўғридаги баланд чўқкилардан бизни роса мўлжалга олишарди. Уч киши яраланди. Аҳвол танг эди. Мен бошимни тош панасига бекитиб олдим. Душман автоматлардан ўқса тутганини ҳисобга олганда, рўпарадаги тоғ чўқкилари бир чақирим ҳам келмасди. Тағин артиллери жонимизга оро кирди. Тоғлар гард, ураган ва тўплар билан ўқса тутилди. Сўнгра икки соат мобайнида самолётлар бомба ташлади. Душман тиниб қолди. Биз шомгача бироз нафас ростладик. Агар биз тоғларга чиқиб олсак, тоғлар ортидан қишлоқларга бориши йўллари бизнинг қўлимизга ўтарди.

Тоғни эгаллаш ҳам осон кечмади. Гарчанд душман қаршилик кўрсатмаса ҳам, баландликка қўтарилиш азоб бўлди. Жангчилар ҳориб қолишиди. Энг юқори чўққини бизнинг бўлинма эгаллади. Қисм тоғда уч ой қолиб кетди. Янги йилни ҳам тоғда кутдик. Бу орада Шўро матбуоти бир неча бор биз ҳақимизда ёлғон мақолалар эълон қилди. Айниқса, “Известия” рўзномаси “Афғонистон армияси шўро қўшинлари ёрдамида Хост тоғини эгалладилар ва вилоятдаги барча йўллар душмандан озод қилинди», деб ёзди. Аслида биз афғон армиясини бу юришда қўрмаган эдик.

Хут ойининг охирида қисмга қайтдик. Соч-соқолимиз ўсиб кетган эди. Мен жавзога қадар кунларни эсон-омон ўтказишни истардим. Агар ҳамал ойида жангга бормасак, шу охиргиси бўлади, деб ўйлардим. Чиндан ҳам бошқа жангга чиқмадик.. Кунлар ўтмасди ҳисоб. Баҳорда уйга қайтадиганлар учун энди дам олишга, фақатгина қисмда бўлишга рухсат бердилар. Колганлар Гарdez вилоятига жангга кетишли.

Мен, Ринат ва Мўмин қисмда ҳар куни ичардик. Кунлар узун, тунлар азобли эди. Ҳар биримизнинг ўй-хаёлимиж уйга қайтишда бўлиб қолган эди...



ОСМОН ОСТИДАГИ СИР

Қишлоқ узра хушхабар тарқалди. Аҳли қишлоқ ҳайратда қолди. Кун чиқса ҳам, ой чиқса ҳам Хайринисонинг бошида порлайдиган бўлди. Подәётоқнинг пойидаги кўримсиз кулбада улғайган етимчанинг донғи-довруғи етти иқлимга кетиб, номи оламнинг оғзига тушиши ҳеч кимнинг, ҳатто Рўзи башоратчининг ҳам хаёлига келмаган эди. Тўғри-да, тоғ тагидаги дўпидайгина қишлоқдан чиқкан қиз бутун дунёни ўзига қаратиб турса...

Аслида бу қишлоққа на телевизорнинг, на радионинг кераги бор. Ҳар бир хонадоннинг ўзи алоҳида телевизор, бўлакча радио – ҳар бир уйдан ўзига хос янгилик, хабар тарқалади. Қишлоқнинг бир бурчидаги шивир шулаҳзанинг ўзидаёқ қанот боғлайди, қарабсизки, киприк қоқиб улгурганча ҳамма-ҳамма боҳабар. Шундай бўлгач, телевизор таъкидлаб, радио тасдиқлаб турган, айнан шу қишлоққа тааллуқли Хайри беванинг фарзанди билан боғлиқ жаҳоний хушхабар қишлоқ осмонида момақалдироқдай гумбурламаслиги мумкинми?

Ойда-йилда бир қўриниб-қўринмайдиган тоға бўлмиш Наби валломат хотинининг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўғлим ҳарбийдан қайтса сўяман деб боқаётган қўчкорни етаклаб Хайринисоникига йўлга тушди. Эл кўзи-да, эл кўзи! Айрим оғзи билан юрадиганларнинг ичи куйсин. Тоғанинг қандай одамлигини кўриб қўйишин... Шу пайтгача тумшуғи булатуга етиб турган, димоғидан ёғ доғ бўлгудай ҳамсоя Ҳаби дўкондорнинг ҳовли ҳатлагани-

га нима дейсиз? Болаларига бош ирғаб, имо қилган эди, бир бидон ёғ, уч-тўрт кути тўла ичкиликни ҳамсояни-кига ўтказиб ташлашди. Қариндошнинг қўлини қайирма деб Ҳасан бўла тугунча тутди: “Ками-қўстингга ишлат. Мен ёнингдаман, Хайри...”.

Бола-бақранинг бакир-чакири, хотин-халажнинг вагир-вугури ҳукмрон ҳовлида эс-ҳуши билан бирга ўзи ҳам учиб юрган Хайринисо бир гапириб ўн кулар, кутлагани келганларга эси кирари-чикари бўлиб жавоб қайтарар, ҳовлининг у бошидан бу бошига зир-зир югурап, нималаргадир уннамоқчи бўлар, лекин хаёлини йиға олмай, супа четига чўқ тушиб, бир нуктага тикилган кўйи кўзёши ҳам тўкиб оларди.

– Ҳой, овсин, берман келинг! Бугун энди келди-кетди кўп бўлади. Хотинларни ичкари уйга олиб, эркакларга супага, ҳамсоянинг ҳовлисига жой ташласак, нима дейсиз? Қозон-товоқни қизларга қўйиб беринг.

Пешинга бормай ҳовли одамга тўлди. Мўмин қишлоқда шунаقا: тўй-ҳашам, аза-маърака ўртада ўтади. Эшитган-эшитмаган келади. Одамлари ҳар бири ўзича донишманд, мағрур бўлишига қарамай, бир-бирига елка тутади, қайишади, бир-бирини овоз қўйиб тергамайдиган русми-тамойил вожиб.

Қўчкор йикитилди. Қозон осилди. Қудрат почтачи Сапи момонинг самоварини олиб келиб ўт қалади. Хушвақт фермер эски, шалоқи чиққан Жигулисини гурриллатиб келиб, айвоннинг нақд бўсағасида тўхтатди. Ўчоқ томон қозон қўтариб бораётган ёш-яланглар базўр ўзларини четга олиб қолишли.

– Отанг отиб олганми дейман, Сайфи? – ғудранди оёғи тойиб, мункайиб кетгач, истил шолвори қозон куяга беланганд Азим пўрим.

– Отам ичмайди, оғзингга қараб гапир, – ўқрайди Сайфи.

– Ичмагани шуми? Эл-эломон йиғилган маъракада орқасидан ёв қувгандай шалдироқ аравасини учирб ўтди. Хайрият, бостирмага бориб урилмади. Йўқса Хайри холага уйингдаги сиғирингни олиб келиб берардинг.

– Сигир беради-я, энаси отасини чархпалак қилиб учирворади...

– Бас қилинглар. Қани, қозонни кўтардик.

Хушвақт фермер улови юкхонасини очиб, қоплардан сабзи-пиёз, картошка-шолғомни айвонга, дунё ғийбати билан андармон хотин-халаж олдига дурсиллатиб ташлади.

– Ҳой, уккағарди аёллари! Жағларингга ем бермай иш билан шуғулланинглар. Мана, манавиларни тозаланглар. Жума ошпазнинг жиғига тегманглар. Масаллик вақтида тайёр бўлмаса, жизғанаги чиқиб жириллайди.

– Фермер қайнимдан ўзим айланай, – деди айвонда бир тўп аёл ичида савлатдор гум-гурсдай бўлиб ўтирган Қурбоной амма. – Акангизга кўп мақтайман, шу инингиз қорувли чиқди деб. Ҳадеб хуржинни эгнингизга ортиб бозор қатнайвермай, Хушвақт пермерга бир бормисан денг, ҳамма нарсани ест қиласи дейман. Қаёқда, акангиз хода ютгандай, тип-тикка! Эй, кўй, тинч ўтири. Ноқулай бўлади, дейди. Нима ноқулайлиги борми, пермержон?

– Ҳечам-да, амма. Ноқулайлиги йўқ. Чолингизнинг ўзи одамга эл бўлмайди. Оҳ, кўча-кўйда юришини кўрсанг, министр дейсиз! Министр-а...

– Хушвақтжон, куйинманг. Чол-да, шу ғоз юришдан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

Хушвақт фермернинг кўнгли юмшади. Тақдир ҳазилини қаранг-га, тоғни урса талқон қиласидиган Мамат полвон бугун аёли олдиди ўсал. Зап полвон эди. Нарёғи Тожикистон, буёғи Туркманистондан келган курашчи-

ларнинг оёғини осмондан қиларди. Елкаси ер искамади. Даврада боши ҳам бўлмади. Тўйнинг энг катта тобоқини Мамат полвон кўтарарди, совриннинг зўри ҳам шуники эди. Ё қудратингдан, шундай одамлар ҳам қариб-қартаяр экан-да. Лекин ҳозир ҳам қарашида қирғийни қулатадиган ўт бор-ов, шиддат-шижоати сўлмаган хотини шундай одамни ўсал қилаётганидан фермер хижолат тортди, ичида нимадир зил кетгандай бўлди. Юзига қизиллик урди.

– Амма, кечқурун уйингизга ўтаман, – деди тилига эрк бериб юборганидан мулзам тортиб.

Элдан айланай, элдан қўймасин, дегани шу бўлса керак. Ҳовлида бип-бинойидай тўй бошланиб кетди. Турдикул прокатнинг стол-стулинин опкелишди. Қари-қартангга супада жой қилинди. Мўмин қишлоқнинг катта-кичиги йиғилган Хайри беванинг ҳовлисида карнай-сурнай садоси янгради. Қишлоқ кичкина эди, етти маҳалласи бўлмаса ҳам тўйнинг овозаси ён-атрофдаги кичик-кичик етти қишлоққа етадиган бўлди.

Бадабанг, қарса-курс тўй авж олиб кетганидан кўнгли ёруғ тортган Амир оқсоқол қиёфасига жиддий тус бериб, тўғри супага қараб йўл олди. Туман марказидан қайтган оқсоқолни супада ўтирган қариялар андак қизиқиш билан қарши олишди, хўш нима гап дегандай унга зимдан кўз қирини ташлашди. Даврага, сукут чўқди.

– Гап бундай, кайвонилар, – дея сўз бошлади оқсоқол томоқ қириб, – эртага вилоятдан ҳам катталар келишаркан. Хайрини кутлашаркан. Катта раҳбарнинг ўзи ҳам иштирок этади. Тартиб-интизомни сақлаб туриш керак. Анови зормандадан эҳтиёт бўлинглар. Ичадиган уйига бориб ичсин. Мехмонлар кеп-кетсин, кейин нима қилишса, қилишаверсин, Мўминда тўйнинг бир кун бўлганини ким кўрибди..? Кейин нима нағмаси бўлса қилишаверади.

– Тўғри. Асад пиён билан Али калга эҳтиёт бўлсак кифоя. Уйингда ўтира тур, йўқсам, отангнинг соқолига ўт қўямиз, деб қўрқитамиз. – Қодир чол хи-хилаб кулди.

– Бова, ҳазилнинг ўрни эмас. Бу – сиёсий тўй!

– Элнинг йиғинига сиёсатни аралаштирманг, жиян, – деди Шариф бобо.

– Тўғри, лекин ўзларингча тўйни бошлаб юборибсизлар. Марказдан келишимни ҳам кутмабсизлар, – оқсоқол иззатталаблик билан ёрилди.

– Эшонбовалардан рухсат оп келдик. Тоблари йўқ экан. Яхшиси, у кишини ҳам бир йўқлаб қўйсангиз ёмон бўлмасди. Ҳарна маҳалла оқсоқолисиз, Амирвой...

Шу маҳал шими поччасини тиззасигача қайириб олган болакай супа ёнига чопиб келиб, шоша-пиша бидирлай кетди:

– Шариф бова, қишлоққа жар солиб чиқайликми?

– Эҳ-ҳа, ҳалиям шу ердамисанлар, тирранчалар. Ҳе, отангни жилигига...

– Олим акамнинг мотоцикли энди соз бўлди-да, бова. Нима, деб айтайлик, нима деб бақирайлик, деб сўраяпти Олим акам? – деди бола бурнини тортиб.

Супада қур тортган чоллар жим қолишиди. Ҳамма бир-бирига назар солди. Ва ниҳоят Шариф бобо:

– Тўлқин амакиникига, Тўлқин танкникига тўйга деб қичкиринглар, овозларинг Вахшиворга етсин, – деди ҳўрсиниб синик оҳангда. – Ҳа, шундай денглар, болаларим. Бугун Тўлқин танк тирилган кун. Тўлқин танк овозларингни эшитадиган кун. Бугун Тўлқин танк ҳаммаларингни кўриб, билиб ётибди. – Сўнг ўзича: – Эҳ, худойим-а, тақдири-амал дегани шумикин? – деб қўшиб қўйди.

Олимбой эски “Иж” мотоциклининг педали бир тепиб ўт олдирди-да, ҳаё-хуй деб қишлоқни қоқ иккига бўлган ягона кўчадан Обшир қишлоққа – юқорига қараб йўл сол-

ди. Унинг ортига ёпишиб олган болакай чийилдоқ, қулокни тешгудай овозда жар соларди.

– Ҳамма-а-а, Тўлқин танкниги тўйга-aaa... Тўйга-а-а-а-ёв. Тўлқин танкниги-а-а-а, тўй-га-а-а-а-а!!!

Ҳовлиси адодидаги ариқ бўйида таҳорат олаётган Рўзи маҳсумнинг ичида оғриқ турди, юрагини нимадир чимиллатиб чаққандай бўлди. Толнинг билакдай новдависига орқасини бериб ўтириб олди. Болакайнинг чийилдоқ овози маҳсумнинг асабини қақшатди, чакка томирлари лўқиллаб оғриди.

– Хурсанд калнинг неварасига ўхшайди. Таги пастнинг овози бунча совуқ бўлмаса, – ғудранди маҳсум, сўнг юрагини куйдираётган ўтдан қутилиш учун шалдираб оқаётган ариқ сувидан беихтиёр ҳовучлаб-ҳовучлаб ича бошлади. Овоз тобора яқинлашиб келарди.

– Ҳаммаа-а-а Тўлқин танкниги-а. Тўйгааа-а-ёв!

– Оғзингга ўқ теккур. Тўлқин танк тирилиб келгандай ваҳима қиласи-я...

Маҳсумни уятми, ҳасадми, нимадир исканжага оларкан, бошини тиззаларига қўйиб, минг азоб ичида қулокларини бекитиб олди. Бироқ хотира лавҳидан ўкинч ва алам ёшларига беланган Хайринисонинг қарфишга қўл очиб уввос тортган ҳолатини ҳайдай олмади. Ўтирган жойида ихраб юборди ва ўзига ўзи пиҷирлади: “У замон ўлдирған бўлса, бу замон энағар Тўлқин танкни тирилтириди...”

* * *

Тўлқин танк у ёқда, дарё ортида хизматни ўтаб қайтгандан сўнг бир замон ҳардамхаёл бўлиб юрди. Элга эш, қарига ёш бўлолмади. Одамовиликни ортириб келди. Ўзиям тамакини кетма-кет, орадан шамол ўтказмай паровоздай тутатарди. Бир нуқтага термулиб тураверарди. Эл-элдош, қавм-қариндошдан бегонасираб,

хаёлпарат бўлиб қолган йигитни отаси Раҳим полвон кўп жойларга олиб бориб даволатди. Энаси Марям момо эскичилик деди, сув деди, ўт деди, чилтон деди, жин деди, олиб бориб ўқитмаган мулласи, силатмаган кинначиси қолмади. Дўхтирдан бўлдими, табибдан бўлдими, Тўлқин танк элга қўшилди, ранг-рўйи ўзгариб, одам сиёғига қайтди, тўй-томушаларга чиқадиган бўлди, қони тортиб яна тўйларда кураш туша бошлиди, от изини той босди – Раҳим полвон тўй-маъракада хотиржам оёқ узатиб ўтирадиган бўлди. Изида издоши бор. Тўлқин полвон бор. Бироқ Тўлқинбойнинг тўйини кўролмади. Ўғли Афонда бўлган кезлар Раҳим полвон юрак ўйноғини орттирганди. Қўрқув, ваҳима полвоннинг ичини тўкиб, ҳадигу хавотир асорати соғлиғига чанг солиб бўлганди. Боёқиши ўлди-кетди. Лекин бамайлихотир оёқ узатиб кетди. Ўғлининг элга қўшилганини кўриб кетди.

Ўлимидан икки кун аввал ерни ёстиқ, осмонни кўрпа қилиб ётиб олган Раҳим полвон дўсти-даврадоши Тўйчи полвонни чақиртирди. Тўйчи полвоннинг бир бурдагина бўлиб қолган бўйинчасига боқиб, кўнгли чўқди, юраги зэйлди. Бемор билан қўл беришиб кўришаркан, кафтига теккан муздай шишимшиқ нарсадан сесканиб кетди, ўлим нафасини туйиб, пешонасини совуқ тер қоплади.

– Ошна, сени бекорга чақирмадим. Кўриб турибсан, елкам ерга малол келаяпти. Бу дунёдан насибам узилганга ўхшайди, – Раҳим полвоннинг томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Овози қалтираб чиқди.

– Кўй бу гапларни. Бурга тепганга ўхшайди сени. Шунга шунча ваҳима қиласанми, сени қара-я, – Тўйчи полвон bemornining kўnigli учун ҳеч нарсани сезмаганга олиб бепарво сўзлашга уринди.

– Мени овутма, Тўйчи. Эллик йилдан бери енгу-ел-кадош дўстмиз. Даврамиз бир бўлди. Куру тўrimiz бир

бўлди. Ҳамиша бир-биримизнинг оримизни олиб курашдик. Бу атрофда сендай оркаш полвон йўқ ҳисоб. Ҳамиша сенга тан бериб келдим. Буни бугун тилимга чиқарайпман, ошна. Гапнинг бўлари, Тўлқинбойимнинг тўйини кўролмаслигим аниқقا ўхшайди. Сезмай қолдим, дард бирдан йиқитди. Шу болам Афон урушига кетганини эшитган кунимда кўкрагимда бир нарса пайдо бўлганди. Болам ўша ёқдан келгунигача неча бор ўлиб тирилдим. Кўксимдаги оғир тош каттариб, ичэтимни эзив юборган, билсанг, ошна. Ҳа, майли, дийдиёнинг нафи йўқ...

Тўйчи полвон дўстининг бехудага ўз дардини дастурхон қилиш учун чақиртирганини билиб, ҳис қилиб турарди. Тўғри-да, Раҳим полвонни энди кўриб тургани йўқ.

– Хуллас, ошна, шу қизинг Хайринисони Тўлқинимга келин қилсак. Энди бу ёғи икковига ҳам ўзинг оталик қилсанг. Узанги йўлдош ошначилигимиз ҳурмати, илтимос қиласман, сўзимни ерда қолдирма, Тўйчи, ошна!

Тўйчи полвон бироз каловланиб турди-да, хўп маъносидা бош ирғаб, ризолик билдириди.

Раҳим полвоннинг йили ўтгач, аҳду қарор – эр йигит лафзи, деганларидаи Тўйчи полвон данғиллама тўй қилиб, қизи Хайринисони Тўлқинга узатди. Бироқ Раҳим полвон қизини эрга берди деса, бирор полвон ўғлини уйлантирди, Тўлқинжон отаси билан ошна бўлгач, ота ўрнида оталик қилди, дешишди. Нима бўлганда ҳам элнинг кўнглидаги иш бўлди.

Олахуржун елкасига тушган куёв хўжалик техника омборидаги “Олтой” занжирли тракторни инженердан қабул қилиб олди. Бир ой қорамойга беланиб таъмирлади. “Олтой” гуриллаб ўт олганда, Тўлкин қалпоғини тепага отиб, бор овозда қичқирди:

– Уррра-а-а! Танк соз бўлди. Танкни тузатдим. Халоийқ, танкмисан танк тайёр бўлди.

Гараждагиларнинг кулавериб ичаги узилди. Ҳамкасларга худо берди:

– Танкингнинг пушкаси йўқ-ку... Ёки бу урғочи танкмикин?... – деди Ҳайдар тракторчи ҳаммага эшиттириб дўриллаган овозда.

– Эй, Тўлқинбой, Афғондаям танк ҳайдагансиз-а? – ўсмоқчилади Ражаб қоровул нимагадир шама қилиб.

– Ҳа, ҳайдаганман. Етти юз ўн олтинчи танкни ҳайдаганман. Бутун Афғонистонни кезиб чиқканман, – Тўлқин коса тагидаги нимкосани пайқамади.

– Хўш, энди манави урғочи танкнинг кетига пулуг боғламасдан, бир ўша ёққа – Афғонга олиб бориб келмаснгиз бўлмайди. Йўқсан, уволига қоласиз.

Коровулнинг пичинги Тўлқиннинг энсасини қотирди:

– Нега ундаи дейсиз?

– Ахир у ёқдаги танқдан қочириб, насл олмайсизми. Бир умр бепушт бўлиб юраверадими?

Бўлди кулги. Бўлди қаҳқаҳа. Тўлқиннинг ҳамқишлоқларининг беғараз ҳазилидан кўнгли яйради. Бугун кайфияти чоғ эди, “танк” тузалди, энди далага чиқиб ишлайди.

– Тўлқинбой, агар Афғонга яна қайтиб боришдан чўчиётган бўлсангиз бошқа йўли ҳам бор, – деди Ҳайдар тракторчи.

– Хўш, қанақа йўли бор? Ўша ёққа боришга юрагим дош бермай, очиги, қўрқиб тургандим.

– Ҳозир “танк”ингизга пулуг тиркаб тўғри Рўзи маҳсумнига борасиз. Камида йигирма сотих ери ҳайдовсиз ётибди. Сўраб-нетиб ўтирмай, ерини ҳайдайверасиз. Ишни тугатгач, маҳсум ҳаққингизга дуо қилиб, Олтойга дам солиб қўяди. Кейин кўрасиз, “танк”ингизнинг бўйида бўлади.

Техника омборидаги ҳангома шу куниёқ қишлоққа ёйилди. Тўлқин ўзига танк деган лақаб орттириб олди.

Одамлар Тўлқин танк дейдиган бўлди. Бориб-бориб қишлоқдошларининг шундай чақиришларига ўзи ҳам кўнишиб кетди. Одамлар Тўлқиндан миннатдор эди, қишлоқ аҳли Тўлқинни яхши кўришди: “Тўлқин танк барака топсин, еримизни ҳайдаб берди...”, “Ана, Тўлқин танкка айт, ерингни текислаб беради...”, “Тўлқин танк адирлиқдан ер очишимизга ёрдамлашди...”, “Тўлқин танк тоғдан ўтин судраб олиб келиб берди”. Хуллас, Тўлқин танк аллада азиз, тўрвада майиз бўлди-қолди. Рўзғорига ҳам барака инди. Қўлинг қуруқ бўлмасин деб қишлоқдошлар хизмати эвазига чой-чақа бериб турди. Мол-ҳол қилди, кўрасига қўй, катагига товуқ кирди. Фақат ҳовлисида пилдираб, юргургилаб товуғига тош отадиган боласи йўқ эди. Тўлқин танкнинг ичи эзилиб бораради. Ичи куйиб-кул бўлиб бораради. Йиллар ўтаверди. Тўлқин танк яхши ният билан Денов бозоридан олиб келган бешик ҳамон уй бурчидан осилиб турарди. Ўргимчак тўр ташлади бешикка. Хотини Хайринисонинг туман марказига дўхтирга қатнайвериб силласи қуриди. Охири қўл силтади. “Пешанамдан кўрдим. Худонинг айтган яхши куни ҳам бордир”, деб ўйлади.

Тўлқин танк одамлардан яна ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Гўёки ҳамма унга қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандай туюларди. Олдинги одамовилигига қайтди. Яна қора ўй-хаёллар ғужғон ўйнаб, бошида оғриқ қўзғала бошлади. Кечалари алаҳсиб ухлай олмади. Кўзи илинди дегунча сон-саноқсиз танклар бошиб келаверар, қиёмат-қойим жанг майдонида қолиб кетарди, гоҳида гўдагини бағрига босиб югуряётган Хайринисони соч-соқоли ўсиқ, саллали, курол тутган кишилар қувиб боришар, ушлаб ўртага олишар, шафқатсизларча отиб ташлашар эди. Баъзида аллақа-ерлардан пайдо бўлган болакай Тўлқин танкка қараб чинқириб югурар, навқирон пайтида ўзи жанг қилган

Чорикор чангалзорлари, Погман ва Гардез тоғлари, Кандахор чўлларида, қаердадир ўша югуриб юрган болани ҳимоя қилиш учун кўксини ўққа тутар, югурай деса зил-замбил оёклари ўзига бўйсунмас эди. Бундай пайтларда бақириб уйғониб кетарди. Урушнинг хотира оғригини инсон тафаккуридан ҳеч бир куч суғуриб олиб ташлай олмас экан. Уруш одамзодни барибир мағлуб этиб, уни ўз комига тортиб оларкан, инсон уруш хотираси комида яшаркан.

Оғзига кучи етмаганлар фийбат қилди, бу дунёдағаними йўқ одамнинг ўзи йўқ экан. Тўлқин танкнинг Афғон урушида нафақат калласи кетган, пушти ҳам куйиб кул бўлган, дегувчилар ҳам топилди. Тешик қулок эшигади-да, бундай пайтлар Тўлқин танкка еру осмон қоришиб кетгандай, елкасини бир оғир юқ босиб ер қаърига киргизиб юбораётгандай туюларди. Қишлоқ юқорисидаги оқтепа пойида кўксини зах ерга бериб, юзтубан ётарди. Куйиб ёнган бағрини ерга босиб совутарди, ховуридан тушарди. Шундай кезлари ўтмишнинг туманли манзарадари хаёлини қоплар, зил-замбил бошида оғриқ туарди.

* * *

... Дастреб қарсиллаган, сўнг лаҳзада борликни ларзага солиб гумбурлаган портлаш эшитилди. Қўрғон томон ғизиллаб бораётган танк лопиллаб ҳавога кўтарилиб, оний ҳолатда муаллақ тургандай бўлди-да, гурсиллаб ерга қулади. Тўлқиннинг қулоқ-чаккаси шанғиллаб, боши кузатув ойнасига урилди. Ҳуш-бехуш ҳолатда танк портлади, деган ўй хаёлини чақиндай тилиб ўтди. Кейин эшик қопқоини қандай очиб қай ҳолатда танк ичидан ташқарига отилиб чиққанини эслай олмади. Ёнидан кўкиш тутун кўтарилиб, чанг-тўзон ўрлаб, портлаш рўй берди. Зарб билан урилган иссиқ ҳаво

түлқини түрт-беш қадам нарига, хароба кулба девори ёнига учиреб юборди. Қовуғида жизиллаган оғриқни ҳис этиб хушидан кетди.

Кобулдаги марказий госпиталда түрт ой даволанди. Елкасидаги, сүл курагининг пастидаги жароҳат енгил эди, тез битди. Бироқ қовуғини ёриб кирган снаряд парчасини олиб ташлаш ўлим билан баробар бўлди. Ит азобини тортиб қийналди. Яра заҳми умуртқагача етди. Дард ҳам, даво ҳам тақдирнинг ёзиғи. Куни бор экан, ҳаётга қайтди. Госпиталдан чиқадиган куни палата-га даволовчи врач полковник Стоногин кириб келди. Каравотга ётқизиб, обдон кўриқдан ўтказди. Киндиги пастига, қовуғига ўртанча бармоғи билан уриб кўрди, тумба устидаги касаллик варақасини олиб синчиклаб кўздан кечирди. Тўлқинга “бўлди, ўтиравер” ишора-сини қилиб, ўзи ҳам унинг ёнига чўкди. Йигитнинг елкасига қўл ташлаб, нигоҳига термулиб турди, сўнг муҳим гапни айтмоққа шайланиб, лаблари пирпиради... Куйиб-пишиб нималарнидир гапираётган полковник-нинг сўзларини ўрисчага шашти паст Тўлқин унчалик англаш етмай, бош иргаб қўярди. Йигитнинг бунчалар бамайлихотир бош силкитиши полковникнинг энсаси-ни қотирди, шу билан бирга, раҳмини келтирди. Каравот ёнида серрайиб турган ҳамшира юзини бурди, ел-калари силкиниб, пиқиллаб йиғлаб юборди. Полковник жарангдор овозда: “Ну ладно, самый главный ты жи-вой!” – деди.

Тўлқин бу гапнинг тагидаги мазмун-моҳиятни ан-чагача англай олмай юрди. Сўнг тириклигингга шукур қил, тириклик ҳамма нарсадан афзалдир, деган маънога йўйди.

* * *

Оқтепа пойидаги зах ерга бағрини босиб ётган, дунё күзига қоронғы күринган кезларда полковникнинг ўқтам овози қулоқлари тағида жарангларди. Бутун аъзойи бадани титроққа тушарди, уятдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса... “Энағар билган экан-да... Шунинг учун менга ғалати қараш қилиб гапирган... Пуштим куйганини сезган экан, мен овсар унинг қуиб-пишгани сабабини тушунмабман. Ҳамширанинг йиғлагани-чи?.. Бу кунингдан ўлганинг яхши... деганимиди бу. Уфф, одам тирик туриб ҳам ўлар экан-да, полковник? Мен тирик бўла туриб ўлган одамман, полковник!..”

Тўйдан олдин таомили тақдир деб уялиб-нетиб, кўзиға кўринмай юрган Тўлқинга Тўйчи полвон одам юборди. Ҳузурига чорлади. Тўлқин уялди. Бетини без қилиб бўлғуси қайнота ҳузурида хўроздай бўп турса эпдан бўлмас. Эл-улус бор. Элагининг эпақаси кетган оломоннинг оғзига эрмак бўлсинми...

Тўлқиннинг истиҳоласи полвонга хуш келди. Ори бут экан, томири тоза-да, тарбиянинг таги зил кетмабди, деб кўнгли хотиржам тортди: “Ундай бўлса, ўзим борганим бўлсин!”

Тўйчи полвон Тўлқинни кўчада тутди. Полвонни кўриб Хурсан калнинг дарвозасига ўзини ураман деб тайсаллаган эди, улгуролмади, полвоннинг гуруллаган овоздан жойида тошдай қотди:

– Ҳов бола, бери ке! Қочма, ўғлим!

Полвоннинг қаршисида туриш қийин бўлди, унинг ўсиқ қошлари орасида ялтиллаб турган ўткир нигоҳларига дош беролмади. Ияги ўмганида. Полвон дўриллаб гапирди, назарида, бутун қишлоқ эшишиб тургандай Тўлқин ўзини қўярга жой тополмай қолди:

– Отангнинг васияти вожиб бўлди, сени куёв қилдим. Бу деганим ўғлим йўқ эди, ўғлим бўлдинг деганим.

Хайринисо – якка-ёлғизим. Хотиним бундан олдин тўрт ўғил туғди, тўртовиям турмади, ерни семиртириди, йўғасам тўртови тўрт томонимда тик устун бўлиб бошимдаги осмонни суюмасмиди? Бу дунёда топганим – ўғлим ҳам шу, қизим ҳам шу. Болам, насиҳат-ниятим – боламга қўл кўтармайсан, томиринг тоза сувга теккан – Полвон наслидансан, чин эркак аёлга қўл кўтармайди, болам. Ожизага қўл кўтарган эркакнинг эркаклиги қолмайди, рўзғорининг ҳам баракаси учади. Уқдингми, болам? – полвоннинг овози қалтираб чиқди.

– Тушундим, Полвон ота! Тушундим. Аёлимга кўтарилиган қўлим синсин, қўлим узилиб тушсин, – деди Тўлқин ҳам.

– Биламан, болам, биламан. Отангнинг боласисан! Ожизнинг охидан қўрқадиганлар хилидансан. Томиринг тезак қуйқали қўлмақдан сув ичганда оғзимнинг елини шамолга бермасдим, болам.

Полвон кетди. Тўлқин йўлнинг қоқ ўртасида ўзига келиб-келмай сўррайиб туриб қолди.

Тўлқин Хайринисога сира қўл кўтармади. Уч йил ўтди, беш йил ўтди – зор-зардобни ичига ютди. Нима десин? Нима қилсин? Оҳини кимга айтсин? Эшитган қулоқقا ёмон. Ўл-а, бу кунингдан дейишмайдими, бу кунингдан ўлганинг авло демайдиларми? Йўқ, Тўлқин танк аёlinи урмади, ўзини урди, ургандаям ерга, қаттиқ, тош-метин ерга кўтариб-кўтариб урди. Полвоннинг боласи эди Тўлқин танк. Уни ҳали ҳеч ким бундай алфозда, ўзичалик ерга урмаган эди, ўзини-ўзи ерга урди, ёлғиз қолган палладарда пахтазор ўртасидаги лайлак тут тагига бориб ўзини-ўзи ерга уриб-уриб йиғлади, ичи эзилиб йиғлади. Ичи тўкилиб йиғлади, хилватда ҳаловат билмади – уй ичини қулфлаб, икки дунёси зимистон бўлиб, ўзини ерга отди, тутқаноқи тутиб, қуёнчиғи қўзиб, ўзини ерга урди.

Тўрт томирини тупроқ чиритган, тўрт мучасида тўрт ўлимнинг армони қотган Тўйчи полвон ҳам бу дунёning номардлигига тан берди, ҳаё-хуйт, деб этак силкиб, бу дунёни тарк этди. Армони Тўлқин ўғли, Хайринисо қизининг бешигида бувак йиғламади. Чолининг ими-жимида ўз ишини битириб, чархи чифирни ўзига омонатга қолдириб кетганидан кўнглига қил сиғмай қолган Музтар кампир, қизи Хайринисо чехрасидаги синиқликними, сўниқликними аҳён-аҳёнда пайқаб, жазаваси тутиб қоларди. Кампирнинг тиhsиз оғзидан шу даражада ҳақорат тошлари ёғилардики, бу тошу дашномлар ўқи кимга қаратилганини Хайринисо ҳис қилиб турар, ич-ичидан эзилиб кичрайиб, шу муштдеккина кампир олдида ўзини ожизу нотавон сезарди.

– Қилобдан кетгурнинг герраишига ўласанми? Сени буйтиб хода ютиб юришингга бировнинг оқ бути қора куярмиди. Қилиқсизники қирқ қарич деб шуни айтсалар керакда, темир-терсак ичидаги мойга ботиб, шувиллатиб шувиллак чалгандан кўра ўзингни қаратсанг ўласанми, бўйнинг узилгур! Ўзингдиям, бошқалариям овораи жаҳон этиб нима қиласан, қўкайимни қуритиб, қўқтомиримни чиритди-я, бу гўрсўхта.

Хайринисо “гўрсўхта” кимлигини билади. Эри. Эрини қарғаяпти энаси. У шўрликка ҳам осон дейсизми? Ўз дарди ўзи билан. Хайринисо эрини яхши кўради. Гоҳида балки “айб” ўзимдадир, шундай эркакни овораю жаҳон қилаётгандирман...” деган ўйга боради. Кўркувдан сес-каниб кетади. Эрини ўзидан айри тасаввур қилолмайди. Минг бир таҳлика ўти ичидаги хаёлига келган машъум ўйдан тўлғониб, чидай олмайди. Ўзини қўярга жой тополмай типирчилаб қолади. “Ундей эмас. Айб мендамас. Термизга текширувга борганимда дўхтир опа ичингиз тўла бола деб эди...” – деган ўй билан ўзини юпатади, ёнган кўксига сув сепади. Бироқ бу таскин ҳам узоқка чў-

зилмайди. “Айб” эрида экан, мабодо эри тузалмаса-чи! Бундай кезда ҳам Хайринисо ваҳима гирдобига кириб қоларди. На унисига чидайди, на бунисига. Хуллас, ёстигини эридан бошқа бирорвга юмалатишни истамас, бундай бўлишини тасаввурига ҳам сиғдиролмасди. Эрининг дўйқ-пўписасидан чўчиб, мум тишлаб тўйга ризолик берган Музтар кампир ҳол сўраб келган қизига ҳовлини бошига кўтариб арзи-дод айларди:

– Ҳой, менга қара, болам. Анави қирчинингдан қийилгурингга айт, трактори билан қўшмазор бўлавермай ўзини ўёқ-бу ёкка қўрсатсан! Қартайиб кўксингда сутинг қотгач, супрақоқдига зор бўлиб умринг ўтади.

Тўйчи полвон йўқ-да, Тўйчи полвон йўқ. Овозини осмонга қўйиб, ҳовлини бошига кўтарадиган бўлди кампиршо. Хайринисо энасининг уйидан кўнгли чўкиб, қадди букилиб қайтади. Қир этагидаги ўз уйига келгунча бошида турфа хаёллар айланади. Энаси айтгани каби чинданам кўкрагим куриб қолдимикан, деб кўксига кўл юбориб кўради, эти увишиб, кўл теккан юмшоқ жойига титроқ киради, қаёқда, ҳали қаримаган, қуруқ ўтинга айланмаган. Бу қилиғидан юзига қизиллик уриб, уялиб кетади, чор теваракка аланглаб караб кўяди. Хайрият ҳеч ким кўрмади.

Кўраси атрофида куйманглаб, гўнг уюмини томорқага сочаётган Рўзи маҳсум қўпорилиб тушган пахса девор оша адирга туташ йўл адоғига қарайди. Қип-қизил кўйлаги шамолда олдга ҳилпираб, келишган бели-бастини кўз-кўзлаб кетаётган Хайринисо Рўзи маҳсумнинг кўзига ловуллаган олов бўлиб кўринади. Маҳсум энтикиб тикилади. Кафтини пешонасига соябон қилиб қарайди. Ичиди нимадир қўзғалиб, бўғзига тикилиб қолгандай бўлади. Қони кўпириб-тошади. Оғир-оғир нафас олади, энтикиб, хўрсиниб кўяди:

– Энағар, Тўлқин танк, шундай жувонни хор қилди, – дейди ўзига-ўзи ютиниб. Сўнг адир адоғидаги гу-

риллаб ёнаётган қип-қизил олов кўздан ғойиб бўлгунга қадар тикилиб туради-да, ҳувиллаган ҳовлида бир ўзи сўппайиб қолгани, хотинини Руқиянинг беш яшар қизини етаклаб онасиникига, қўшни қишлоқ – Обширга қайтмас бўлиб кетгани алам қиласди, ёлғизлик жон-жонидан ўтиб, суяк-суягини қақшатиб оғритаётганини ҳис қиласди, беҳол пахса деворга суюниб ўтириб қолади. Уккағарди қизи Руқия мард экан. Оғзиниям очмади. Тишиниям ёрмади. Элга овоза қилмади, лозимини бошига илиб айюҳаннос солиб, қишлоқни бошига кўтариб шаллақилик қилмади. Қизининг қўлидан ушлаб етаклади, кетди! “Уйингга ўт тушсин. У дунёю бу дунё хору зор бўлиб ўласан. Манави норасиданинг уволи тулади... “Худога солдим. Икки кўзинг кўр бўлмаса, розимасман”, деди қизининг қўлидан тортқилаб. Охирги гапни айтганда Руқиянинг кўзига ёш келди. Рўзи маҳсум ток ургандай сесканиб кетди, оёқ-қўли бўшашиб, эти увишди. Назарида, хотини ўзи билан юрак-бағрини ҳам суғуриб олиб кетаётгандай эди. Даҳлизда қуниш теккан товуқдай қалтираб турган Тамараmallа ўз она тилига ўзбекчани уриштириб, пойма-пой сўзлаб ўзини оқламоққа уринарди:

– Хой, ты совсем дура, мен яхшиликка келувдим, эрингга укутувга, дам солдирувга келувдим. Нега так шовқин-сурон соласин... Ибей, соседлар эшитсалар не дейди. Ким айтади сени мулланинг хотини деб.

Руқия эшик кесакисига суюниб, илкис қаради. Нигоҳида қаҳр учқунлари сачрагандай бўлди:

– Овозингни ўчир, мегажин. Болталаб ташламаганимга шукр қил, қари кампир... Ўзингни ўқитгани келган бўлсанг, бу исқиртнинг кўйнида ётиб ўқиттирасанми?..

Тамаранинг уни ўчиб, нафаси ичидаги қолди.

Рўзи маҳсум музтар бўлди, тили калимага келмади.

Шундай қилиб, хотини кетди, лекин кетганда ҳам қишлоққа гап оралтмай кетди, дими-дирс бўлиб кетди. Тамара билан икковининг орасида бўлиб ўтган гап факат учовига ва биргина Худога аёнлигича қолди.

Мана шундан бери Рўзи маҳсум сўққабош. Беш йил бўлди, ҳовлидаги дорда аёлнинг кийими илинмади. Тамара ҳам қишлоқни тарқ этди. Айтишларича, Уфага, опаси-никига кетганмиш.

Қишлоқ ахли негадир Рўзи маҳсумдан чўчириди.

Унинг уйи ҳам қишлоқнинг четида эди. Бир ўзи як-ка-мохов бўлиб яшарди. Эл орасида маҳсумнинг қори бобоси жодугар ўтган, кўзга иссиқ қиз-жувонларни дуоибанд қилиб, ортидан, эргаштириб кетаверган, деган гап-сўзлар юради. Рўзи маҳсум элнинг тўй-маъракасида ўзини кўрсатарвермас, унга тўй ёки маърака соҳибининг ҳам кўзи учиб ўтирумас эди.

... Мана, ҳафтадирки Рўзи маҳсумнинг ҳаловати йўқ. Шунча йилдан бери билинмаган ёлғизлик энди билингандай. Уйқуси қочди. Кўзини юмди дегунча, уфқ йўлида қип-қизил кўйлагини шамолда ҳилпиратиб, сими-симбатини кўз-кўз қилиб кетаётган Хайринисони кўради. Ҳаром томирида жодугар бобосининг қони қайнаб, кўкнори боши қизиб, кўзи қизаради. Нафси-наҳс оралиғида турли режалар тузди. Охири, катта бир семиз қўчкорни Хумор момонинг неварасига етаклатиб, тўғри кампирнинг ҳовлисига кириб борди. Қишлоқда ғийбату-ғурбатнинг бошида турадиган Хумор кампир бундай мулозаматдан гангид қолди. “Момо, савоб учун, ўғлингиз Ҳайдарқул армиядан келса оёғининг тагига думалатасиз. Тўхтасин бобом хешимиз эди, Худо раҳматли чолингизнинг ҳам рухи шод бўлади, ният қилганман, момо”. Рўзи маҳсумнинг гапи кампирни сариёғдай эритди, кўнглини сел-селоб қилди, раҳматли чолининг тиригида тўқимга алмаштири-

майдиган Рўзи маҳсум бугун чолнинг хурматини жойига қўйиб, қўрага сиғмайдиган қўчкор тортиқ қилгани момонинг хушини учирив, дили-димоғини чоқ қилган эди.

– Ҳа, энди, момо, ўтадиган беш кунликда бир-бири мизга меҳр-оқибат кўрсатсан, нимаси ёмон. Айниқса, қишлоқдаги сиздай, дугонангиз Музтар момодай кайвони кампирларнинг дуосини олишнинг ўзи ҳам савоб-ку. Ҳазрат Навоий ҳам инсоннинг кўнгли Каъбадан азиз, деб бежиз айтмаганлар, момо. Ҳа, айтмоқчи, дугонангиз Музтар кампирнинг соғлиги яхшими, раҳматли полвон бобо кетиб, кампир ҳам сўппайиб қолди. Бу дунё-дун шу экан-да, момо...

– Нимасини айтасиз, иним. Кеча кўрганинг бугун йўқ, деб шуни айтадилар. Музтар ҳам изимиздан чироқимизни ёқадиганнинг томирига болта тегди, деб куюнади. Шугина, ёлғиз қизиям тирнокка зор ўтаяпти. Кампирнинг дарди шунда. Ўлиб ўлолмайди, шўрлик. Тинчи-ҳаловатига ўт кетган, дарди бир ўзи-ю, якка Оллоҳимга аён...

– Момо, суксурдай қизининг умри завол топаяпти. Биласиз, бу қишлоқ, бир-бирига чатишиб кетган. Ба римизнинг томиримиз бир. Қариндош-уруғмиз. Бегона йўқ. Мениям момомга раҳмим келади. Самарқанддаги нафаси тошни ёриб, сувни тескари оқизадиган мулла ошнам дам солинган дуоли дорилардан берувди. Ўзим айтсан нокулай, момо, сиз Музтар момомга айтинг, қизи Хайринисони бизникига олиб келсин. Ноумид шайтон дейдилар... Илло, дуойи дармонимиз мустажоб бўлса... Музтар момога жоним ачиғанидан айтаяпман буни.

Мулла Рўзи шу тобнинг ўзида мўъжиза кўрсатиб, Хайринисонинг бўйида гумона пайдо қилгани каби Хумор кампир бир қалқиб кетди, беихтиёр кўзига ёш келди, кўлларини дуога очиб, маҳсумнинг шаънига бисотидаги

жами яхши гапларни айтди, сўнг қуруқшаган бармокла-
рини намли юзига тортиб маҳсумга тикилди:

– Боради, Махсумжон, боради. Зора бир бечоранинг
мушкули осон бўлса...

...Хайринисо остонадан кўчага ҳатлаши ҳамоно
қалқиб кетди, энаси Музтар момога суюниб, ўзини ту-
тиб қолди. Азойи бадани куйиб, ичида титроқ турган
жувоннинг юрак уриши тезлашиб, бошига лўқиллаб
оғриқ кирди.

– Эна, ғалати бўб кетаяпман, оёқ-қўлим қалтираяпти.
Дармоним йўқ, эна, – деди базур.

– Махсумнинг дами ўткир, болам, бу дуонинг кучи, –
деди кампир ҳам ўзида алланечук титроқ сезиб, – Худо
хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Кеча яхши туш-
лар кўрдим. Раҳматли отанг боғимизда олма териб
юрибди. Юзи ойдай тиник, кулиб-чарақлаб турибди.
Бу яхшиликка, худо хоҳласа, этагинг тўла бола сенинг.
Махсум ҳам айтди-ку, қизингизнинг йўлида банд со-
линган деб. Махсум шу бандни олади. Илоё, умридан
барака топсин...

Хотини тўрт кундирки майизми, қанд-курсми ту-
гунча қилиб, эрталабдан онасиникига отланади. Тўлқин
танк Хайринисонинг кейинги пайтлар ҳардамхаёлроқ
бўлиб қолганини сезиб юрибди. Аввалдан жини суй-
майдиган қайнонаси яна “пропаганда”ни бошлаган
кўринади. Мижғовсираб қизини тергагани-тергаган.
Буларнинг оиласига бурун суқишини сира канда қил-
майди. Доимо бир балони бошлаб юради шум кампир.
Тўлқин танк қайнонасини ичида бўралаб сўкиб, кўнгли
таскин топди-да, хотинидан бугун яна қаёққа отланиб
қолганини сўради.

– Энамни кўриб келаман, тоби йўқ, – деди.

Хайринисо шундай деди-ю, ёлғон сўзлаганидан дув
қизариб кетди, назарида, эрига нисбатан ножӯя хатти-ха-

ракатлар қилаётгандай, эридан сир тутган нарсаси эрининг иззат-нафсини топтаётгандай, шу билан эрини ҳақоратлаётгандай туюлди. Бор гапни эрига шартта айтмоққа ҷоғланган эди, Тўлқин танк билганингни қил, деган каби кўл силтаб, булдозер занжирига оёқ қўйиб, кабинага кирди-да, уни ўт олдирди. Булдозер гуруллаб, Обшир адир томон йўл солди.

Музтар кампир оёғим оғрияпти, деб оҳ-воҳ қилди. Қирилиб кетгур жин кўчадан адирлик бўйлаб махсумнинг уйига қатнайверишга ҳолим йўқ болам, деб зорланди. Ўзинг бор, ихлосни канда қилма, деб қизига ялиниб-ёлворди. Махсумнинг дами ўткирлигини яна бир бор қизига писанда қилди.

Кишлоқдан айрилиб қолган, нишоблик орқали тор сўқмоқ олиб борадиган махсумнинг кулбаси ҳаёт уммонидан улоқтириб ташланган кемадай файзсиз ва кўримсиз эди. Хайринисо пахса деворга омонат тиркалган эшикни тақиллатиб очиб, ичкарига ҳатлаши ҳамоно ботинида ваҳима қўзғалди, бир ўйи ортимга бурилиб қайтиб кетаман, деб тараддувланиб турган эди ҳамки, рўпарадаги пастқам уй эшиги очилиб, даҳлизда Рўзи махсум пайдо бўлди:

— Келсинлар, биби, келсинлар, — деди томоқ қириб чийиллаган овозда, эгнидаги желак ёқасидан икки қўли билан ушлаб, курашга шай полвондай қаддини ғоз тутиш қилди.

Хайринисо ноилож эшик ёнида туриб қолди. Махсум яна бир бор томоқ қирган эди, оёқлари ўзига бўйсунмай, беихтиёр даҳлиз томон юрди. Димиқкан, ним қоронғи хона ичи фонуснинг хира ёғдусида ютиб юбораман дегандай ваҳимали кўринади. Махсум бурчакдаги исқоти пўстак устига бориб ўтирди. Жувонга бери кел, ишорасини қилиб, қўли билан ёнига чорлади. Хайринисо сехрлангандай махсумнинг ёнгинасига бориб

ўтирди, носнинг бадбўй хиди димоғига урилгандай бўлди. Махсум томоқ қириб қўлини дуога очди. Хайринисонинг кўз олди хиралашди. Махсум узундан-узун нимарсаларни овоз чиқариб ўқий бошлади. Хайринисонинг азойи бадани терлаб, титроққа тушди. Бирпасда махсумнинг қиёфаси ўзгариб, мутлоқ бошқа тусга кира бошлади. Махсумнинг кўкрагидан юқориси, бош қисми туйқус бўри кўринишини олди, сўнг танасида тулпорнинг боши пайдо бўлди, хуллас, махсумнинг қиёфаси дам-бадам тушунарсиз бир ҳайвоннинг қиёфасига кираверди. Ўтакаси ёрилган Хайринисо қўркув азобида шилқ этиб махсумнинг тиззасига йиқилди, ҳушидан кетди...

Хайринисо зил-замбил бошини базўр кўтарди. Боши лўқиллаб оғрирди. Нима воқеа рўй берганини англай олмай, бироз караҳт аҳволга тушиб қолди. Танаси пий-паланганини, гулли чит кўйлаги бари кўкрагига сурилиб, бадани ярим очиқ ҳолда ётганини ҳис этди. Ток ургандай сесканиб, тиззасига тушиб қолган лозимини тўғрилаб кийди. Нима бўлганини англаб, телбанамо кулиб кўйди. Хаёли ўзида эмасди, гўё ичига бир нарса кириб олиб, уни сархуш этарди. Сўнг хона бурчидаги тунука печ ёнига қўйилган бир челак сув ва занглаған тоғорага кўзи тушди. Ботинидан келаётган буйруққа итоат этиб, челакдаги илиқ сувга чўмич солди – ювинди. Гўёки, ҳеч нарса рўй бермагандай оҳиста кийиниб ҳовлига чиқди. Назарида, у бу ҳовлида узок-узок йиллардан бери яшаб келаётгандай эди. Айни тобда унинг ўйлашига, фикрлашига нимадир монелик қиласарди, у сехрланган кўйи кўчага чиқиб Обшир адир томон – ўз уйига йўл олди. Борлик шафақ оғушига чўмган намозшомда тоғ томонда бир парча олов кўзга ташланарди. Муддаосига етган махсум мамнун ҳолда унга термулиб турарди.

Хайринисо худди сеҳрланган каби инон-ихтиёрини Рўзи маҳсумга топшириб қўйди. У ҳар куни эрталаб, “Энамни кўргани бораман”, деб йўлга чиқарди. Тўлқин танк хотинининг ўзидан узоклашиб, орада совуқчилик тушаётгани, Хайринисонинг бетгачопар бўлиб бораётганини қайноасининг қилмиши деб тушунди: “Жодугар кампир қизини ҳар куни менга қарши қайраяпти, урғочи шайтон ерга кирмагунча менга тинчлик бермайди, мени бунча ёмон кўрмаса...”, деган ўй кўнглига оғриқ солди.

Хайринисо бу оқшом ҳам эрини хушламай қарши олди.

Тракторнинг тар-тури ўчиб, эри гурсуллаган қадам билан супа ёнига яқинлашганда Хайринисо сапчиб ўрнидан туриб, овқат иситиш баҳонасида ўчоқ бошига югургилаб кетди. Гилосга қизиллик, довуччага хол уриб, пишиқчилик оғзида турган ёзниг илк оқшомида Тошқул дўкондорнинг бир шиша виносини тик туриб урган Тўлқин ўзича қадим бир куйни хиргойи қилиб келди-да, супа кирғоғига чўккалаган бўлди. Сўнг ўзини кўрпача устига ташлаб, сархуш ҳолда хотинини ёнига чақирди.

– Хайри-и-и, ҳо, Хай-ри-ии. Ке буёққа, овқат-повқатинг керакм-а-ас.. Ёнимга ке.

Хайринисонинг кўнгли айниди. Ўҳчили, зардолига суюнган кўйи алланечук аҳволда, ҳолсизланиб ўтириб қолди. Бу ҳол иккинчи бор такрорланаётгани, ботинида сақлаган сир, кўрқув, ўлим янглиғ бир фожия юзага қалқиб чиқаётганини англаб, эрига мунғайиб қаради. Офтобада юз-қўлини ювиб, ўзини дадил тутишга чоғланди. Ўрнидан турган эди, боши чириллаб айланди, лаҳзада кўз олди қоронғулашиб зардоли танасига суюниб қолди. Чалқайрамон бўлиб сузик кўзини кўкка тикиб, ҳалиги зорманда таъсирида сархуш ётган Тўлқин танк энди ўдагайлай бошлади:

– Хайрии, ҳо, Хай-ри-и-и... Энангди сени... Хайрии...
Ке бу ёқقا!!!

Хотини дарахтга суюниб жойида тош қотиб тураверди. Айни шу алфозда нафақат эри, балки бутун эркак зотини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ, бошкоронғу Хайринисо эрига нафрат билан қаради: “Кирилиб адо бўлгур ношуд эр, мени итнинг олдига ташлаб, чалқайромон ётиб кариллашингга ўлайнинми..?”

Сабри чидамаган Тўлқин танк ўрнидан қўзғалиб айик юриш қилиб хотини томон йўл солди. Бориб хотинининг белидан қучди.⁴ Тўлқин танк хотинининг кенг-мўл чит кўйлаги ичидаги қорнивойишдаги кадидай дўппайиб турганини пайқади. Аъзойи-бадани бўшашиб кетди. Бошида чақин чақандай бўлди, хотинини кучоғидан бўшатиб турган жойида қўлларини осмонга чўзиб йиглаб юборди-да, телбаларга хос қиёфада ўчоқни айланиб югурга бошлиди, сўнг тош қотиб турган хотинининг ёнига келиб, уни яна қучмоқчи, суйиб-эркаламоқчи бўлди. Хотини жон уҳмида унинг қўлини силтаб ташлади, гайри-шуурий тарзда эрининг кўксидан итарди. Фазаб ва нафрат олови важоҳатли тус олган кўзларини эрига тик қадади. Бу ўт-кир, қўрқинчли нигоҳларга эркак дош беролмади, унинг ичидан нимадир узилиб кетгандай бўлди.

Хайринисо худди ақлдан озган каби бошини чайқаб, эрининг ёқасига чанг солди:

– Мени ўлдир! Мени ўлдирақол! Менга ит тегиб бўлди. Мен хор бўлдим. Нега бақрайиб турибсан. Гумонам сендан эмас... Сен ношудсан!

Аёл уввос тортиб йиглади-да, ўзини эрининг оёғи остига ташлади. Икки дунёси қоронғу тортган Тўлқин танк караҳт аҳволда, бояги хушҳоллиқдан асар ҳам қолмай ичган виноси бурнидан булоқ бўлиб гарангсираб турарди. Кайфи тарқаб, хуши учган Тўлқин танк бошига кирган оғриқдан ихраб юборди. Аёлнинг хиёнат қилгани-

ни англаб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ярадор арслондай ўкирди. Ерда ғужанак бўлиб ётган хотинини юзи аралаш тепиб юборди-да, ҳовли эшигидан кўчага отилиб чиқди. Боши оқсан томонга йўл олди. У кўз ёшларини тутиб туролмас, бўғзида қон-зардоб оқиб ихар, бу дунёда нималар бўлаётганини англаб-англамай тепалик томон югургилаб бораарди. Ҳаллослаб, ҳарсиллаб борааркан, нишмарлардир деб ғулдирап, сўкинарди.

* * *

...Саҳармардонда тепалик адогидаги даладан ўт ўргани чиқсан Болта муаллим Рўзи маҳсумнинг эшиги ёнидаги қари тут шохидা осилиб турган қора нарсага кўзи тушди. Маҳсум отининг эгар-жабдуғини илиб қўйибди, деган хаёлга борди-да ўз ишига андармон бўлаверди. Муаллим ғумай ва шамак аралаш ажриқ ғарамини арқон билан боғлаб елкасига олаётиб, яна тут томонга кўзи тушди-ю, қалқиб кетди, оёқ-қўли бўшашиб, жойида ўтириб қолди. Гира-ширалиқ чекиниб, тонг ёришгани боис қари тут шохидা арқонга осилиб турган одам гавдасини кўрди. Тут ёнида арқони ечилган сигир бу дунёнинг даҳшатига молфаҳмлик билан қараб кавш қайтарарди.

Муаллим Тўлқин танкнинг танасини арқондан халос этаётиб, унинг оёқ-қўли аллақачон совиб бўлганини пайқади. Таҳорат олгани чиқсан Рўзи маҳсум ҳовлиси адогида Тўлқин танкни елкалаб турган муаллимни кўриб хуши учди. Беихтиёр кўлида офтоба тутиб, тут томон югурди. Тўлқин танкнинг бўйнидаги арқон, тарашадай қотиб, доқадай оқариб кетган юзи, ҳийла очиқ оғзи, лаби бурчида сизиб турган қон юқини кўриб ўтакаси ёрилди. Кўлидан офтобаси тушиб кетди.

– Нега бундай қилдийкин? Ўзини осиб қўйибди, бечора, – деди Болта муаллим мурдани ерга ётқизиб, сўнг қалтироқ қўллари билан юзига фотиҳа тортди.

Тўлқин танкни сўнгги манзилга қўйиб келишгач, қишлоқ аҳли орасида турли гаплар тарқалди. Кимнинг оғзига элак билан урасиз; эл бўлгандан кейин гапиради-да, шамолни тўхтатиб бўлмайди-ку ахир. Қишлоқчилик Тўлқин танкни уруш бошига етди, Афғон уруши ўлдирди, шўрликнинг хаёли жойидамас эди, боши заҳарланган, урушдан соғ қайтмаган экан, вос-вос бўлиб қолганди, дейишди. Одамлар урушни қарғади, навқирон ўғлоннинг икки дунёсиغا ўт қўйган, ўн саккиз-йигирма ёшида мусибат оловига ташлаган шум тақдирдан койинишиди. Урушда бўларича бўлиб келган, неки иллати бўлса ўша Афғон урушида топган дейишди, чоллар. Хотинлар лабини қимтиб гапирди: шўрлик Хайринисо, шунча йил ўтиб энди бўйида бўлган экан, бу кўргиликни кўринг, энди рўзғорига файз киради, деганда шўрпешонанинг эри ўзини осиб қўйганини айтмайсизми?” Хуллас, Тўлқин танкнинг ўлими бироз вақт элга эрмак бўлди.

Вақт ўтиб, бу дийдиёлар ҳам тинди. Гўёки Тўлқин танкнинг шундай қисматга маҳкум бўлганини одамлар олдиндан билгани каби бу ҳолатга унчалик таажжубланарли ҳол деб қаралмади. Биргина Хайринисога қийин эди. У ўз ёғига ўзи қоврилар, кун ўтиб қорни каттариб, норасида ўзини сездиргани сайин кўз олди қоронғулашар, азойи-баданини қўркув чўлғарди. У тунлари ўз тақдирини қарғаб йиғлар, кечалари телбаланган куйи кафтини дуога очиб, лаблари пичирлаб Рўзи маҳсумга ўлим тиларди. Назарида, Рўзи маҳсум уни эртанги умидидан, баҳтидан, яхши кунидан, туғилажак фарзандидан жудо қиладигандай эди. Рўзи маҳсумни эслashi ҳамоно юрагини ваҳм босиб, ичида қалтироқ тутарди.

Куз оёқ узатиб, қиши остона ҳатлади. Хайринисонинг кўзи ёриди. Қиз туғди. Икки ойдан бери ҳовли-жойини ташлаб қизиникига келиб олиб, бошида парвона бўлган

Музтар кампир қизини ўз уйига кўчириб кетди. “Бу жинхонада гўдакни ажина чалиб кетади... Уйини ҳам гўр ютсин...”, – деб марҳум Тўлқин танкнинг ортидан яна бир бор ғазабини сочиб, аччик-бичик гап айтиб, кўнгли таскин топгандай бўлди.

* * *

Орадан йиллар ўтди. Хайринисонинг суюнчи ҳам, овунчи ҳам қизи Ёдгорой бўлди. Бўйи чўзилиб мактабга қатнай бошлади. Ўтган азобли кунлар, олис ва зимишон хотиралар ичра Ёдгорой ойдай порлаб, қуёшдай балқиб Хайринисо ҳаётини тиниқ ва ёруғ бир оламга олиб чиқди. Хайринисо якка-ёлғиз фарзанд бўла туриб онаси Музтар кампир қазо қилганида ҳам ўзини тамоман йўқотиб қўймади, тўғри, юрагидан нимадир узилгандай бўлди, бироқ ёнида тақдирининг қуёши бўлиб порлаган Ёдгорой бор эди. Очифи, Музтар кампирнинг вафотидан сўнг, Хайринисонинг кўнгли бироз таскин ва хотиржам бўлгандай бўлди. Рўзи маҳсум билан боғлиқ воқеалар хусусида ҳатто ўз онаси билан ҳам сирдош бўлишни сира-сира истамасди. Онаси тўшакка михланиб, жон таслим қилгунга қадар бир жиддий ғамгин нигоҳ уни таъқиб этар, азоблаб келарди. Назарида, онаси кутилмагандан Рўзи маҳсумнинг исмини айтиб кўз нури, умри мазмунидан жудо қиласигандай эди. Онасининг вафотидан сўнг юрагидаги кўркув ва хавотир тутуни ёйилгандай бўлди. Бу ёруғ дунёда энди унга биргина Рўзи маҳсум халал берарди. Назарида, Вахшивор тоғларининг аллақайси ғорларида даҳшатли бир шамол, маҳсум тимсолидаги бўрон бекиниб ётибди. Бир кун у қўзғолиб Хайринисонинг ҳаётини остин-устун қилиб, ўзини эса тақдирнинг қоронғу ва заҳ пучмоқларига чирпирак қилиб учиради. Биргина ўзига, маҳсумга ҳамда Яратганга аён сир Хайринисога

тинчлик бермасди, Рўзи маҳсум тирик экан, Хайринисо хавотирдан холи яшай олмасди. Шу боис қизи Ёдгоройни олиб қишлоқдан узоқ-узоқларга Рўзи маҳсумлар яшамайдиган жойга кетишни истарди. Бироқ қайга борсин? Бева боши билан қаерга сифинди бўлсин? Етим норасидаси билан кимнинг кўнглидан жой топсин? Ўз уйи, ўлан-тўшагини ташлаб қаерлардан бошпана ахтарсин? Тубсиз жарлик янглиғ ўй-хаёллар домида қолган аёл якка-ю-ягона суюнган Ёдгоройининг беғубор нигоҳида порлаган нурдан умид чироқига чўғ олар, қизининг нигоҳларида ялт этган шуъла унинг бесаранжом дунёсини ёритар, шу ёруғлик унинг ҳаётига файз баҳшида этарди.

Хайринисо ўзини ўтга урди, чўққа урди – қизини ўзгалирнинг фарзандидан кам қилмади, топганини кўшқўллаб боласига тутди. Қишлоқ мактабига фаррош бўлиб ишга кирди. Тунлари қиз узатадиган ёки келин туширадиган хонадонларнинг каштасини тикди, кўрпа-ёстигини қавиди, кўни-кўшниларнинг томорқасини ўтаб, кирини ювишдан ҳам ор қилмади. Эшигини тақиллатиб кўнглини сўраб келган совчилар кўп бўлди, боши очик аёлнинг бошига осмон қулайди, дегувчилар кўп бўлди, уларга қаратса Хайринисонинг жавоби битта бўлди: “Боламни ўгай ота қўлига қаратмайман...”

Хайринисо Ёдгорой иккинчи синфга кўчганда уни туман марказидаги интернатга берди. Бир ҳисобда яхши бўлди, иссик-совуғи интернатнинг бўйнида. Ётоғи бор. Энг муҳими, Рўзи маҳсумнинг кўзидан панада. Хайринисо қизини кўргани хафтада бир борса боради, бормаса йўқ.. Олдинги борганида муаллимлари мақтаганди, боши кўкка етиб, бир ҳафта қушдай учиб юриб, кўнгли чоғ бўлди. Қизининг бадиий гимнастика тўгарагида машқларни яхши бажараётгани, спортга уқуви баландлигини эшитиб роса қувонди. Ўрис муаллиманинг узундан-узун гапидан

тушунгани шу эди – худо хоҳласа, Ёдгорой зўр гимнастикачи бўлади.

* * *

Қаҳратоннинг аёзли шоми. Совуқ. Ҳавога болта отсанг, музлаб қолади. Эгнига гуппи чопон илиб, юз-кўзини жун рўмол билан танғиб олган Хайринисо қия очиқ ёғоч дарвоза олдидаги аравадан кўмир тушираяпти. Азбаройи совуқнинг зўридан жун рўмоли беркитган юзига аёзнинг игналари санчилади. Оёғидаги кирза этикнинг оғир ва бесўнақайлиги боис зўрға қадам ташлайди, муз қотган ердан такиллаган овоз чиқади. Хайринисо кўмир тўла зил-замбил челакларни кўтариб ҳовли ўртасига келган эди ҳамки, ёғоч эшикнинг фийқиллаган товуши эшитилди. Но мозшомда ким келдийкин, деган ўй билан челакларни ерга кўйиб, ортига ўтирилди. Турган жойида тош қотди, азойи баданида қалтироқ туриб, бўғинлари бўшашиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, Рўзи маҳсум дарвозага суюниб турибди. Эгнига қалин паҳталик кийиб, кулоқчини қулоқларини тушириб олган маҳсум айни дамда Хайринисонинг кўзига бало-қазо тимсоли бўлиб кўринди. Аёл ўзида журъат тошиб, дарвоза томон юрди. Маҳсум тараддулланди. Хайринисо ерга энгашиб дўппайиб турган тошга ёпишди. Тош жойидан кўчмади – музлаб, ерга қапишиб қолганди. Аёлнинг бу қилифи маҳсумни сергаклантирди. Ердан қаддини ростлаган Хайринисога маҳсум хезланиб қаради:

- Нега келдинг? – деди аёл лаблари қалтираб.
- Ўзим... Ҳолингдан хабар олай дедим.
- Йўқооолл! – Хайринисо қўлга тушгудай бирор нарса кидириб тимирскилана бошлади.
- Қизингни гимнастикачиликка берибсан деб эшишим. – Маҳсумнинг ҳам овози қалтираб чиқди.
- Сенинг нима ишинг бор? – Аёл дарвоза томон яқинлаша бошлади.

– Ҳар ҳолда...

– Гапирма, иблис. Йўқол бу ердан!

– Қўрқма, кетаман. Сирингни оламга ёйсам, нима қиласан?!

– Сени ўлдираман, аблаҳ. – Аёл турган жойида гирайланиб, махсумга ҳамла қилиш пайида у-бу нарса излай бошлади.

– Егани noni йўғу, итининг отини маржон қўйибди, деган мақолни эшигиданмисан. Ана шу мақол сен ҳақингда. Гимнастикада нима бор, қисиб ўтирумайсанми, кўрпангга қараб оёқ узатмайсанми?

Махсумнинг масхаромуз гапи жон-жонидан ўтиб кетган аёл ўзини тутиб туролмади. Жон ҳолатда югуриб келиб махсумнинг кўкрагидан итарди. Махсум гандираклаб кетди:

– Йўқол, ифлос! Икки кўзинг кўр бўлади сен ифлоснинг! Кет бу ердан.

Хайринисо аравадаги қўмирнинг киррадор бир бўлагини олиб жон ҳолатда махсумнинг юзига туширди. Махсум қалқиб кетди, сўнг лаҳзада гурсуллаб қулади. Ихраб юборди, ўтакаси ёрилиб эмаклай бошлади, бир амаллаб ўрнидан турди-да, жуфтакни ростлаб қолди. Хайринисо эшик кесакисига суюнган кўйи уввос тортиб йиғлаб юборди. Сўнг юзини кунботарга, қиблага буриб икки қўлини дуога очди:

– Илоё, икки кўзинг кўр бўлсин! Кўзинг оқиб тушмаса, розимасман!

Аёл титроқ кафтлари билан юзига фотиҳа тортидиган.

Махсумнинг иккинчи аёлдан шу таҳлитда қарғиш эшитиши эди.

* * *

...Мотоциклнинг гуруллаши тиниб, боланинг чинкироқ овози ўчгунга қадар Рўзи махсум кўзларини қисиб,

тол новдасига орқа бериб ўтириди. Оқиб ўтаётган сой сувининг шалдираши ҳам кўнглига сокинлик бахш этолмади. Ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар хотира азобига айланиб кўксининг бир бурчидаги қотиб қолган армон дарди юрагини баттар сиқа бошлади, қовоғи оғирлашиб, кўз олди қоронғулашди.

– Ҳамма Тўлқин танкникига тўйга а-а, тўйгаа-а-а. Тўйга-а-аа-аёв!!

Боланинг олислардан эшитилаётган чийилдоқ овози юрагини тилка-пора қила бошлади. Махсум тол танасига суюниб ўрнидан турмоқчи, юмуқ кўзларини очмоқчи бўлди, зил-замбил киприклар оғирлик қилди, махсум кўзларини очди, лекин борлиқ зимистон эди, у ҳеч нарсани кўрмасди. У йўлак бўйлаб урина-сурина даҳлизгача келди. Назарида, туш кўраётгандай, бироздан сўнг уйғониб, ёруғ оламни кўрадигандай эди. Айвон деразасидаги радио ҳамюртимиз Ёдгорой Тўлқин қизининг бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги ҳақидаги хушхабарни, айни дамда Тошкент аэропортида жаҳон чемпионини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтаётгани, эртага спортивиз маликаси ўз ота юртига йўл олиши ҳақидаги хабарни тарқатди. Махсумнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Бир силтаниб зимистонлик чоҳига, даҳлиз ёнига гупиллаб ийқилди. Унинг хира, нурсиз кўзларида алам ва қўрқув қотиб қолганди. Изтироб кўланкаси из ташлаган жонсиз ва қонсиз юзига очилиб қолган жағи аянчли тус берарди. Адирлик тарафдан тўйга чорловчи боланинг овози элас-элас эшитилар, Вахшивор тоғлари томондан эсган эпкинлар унинг овозини олис-олисларга олиб кетарди.

...Тўйхонада ўйин-кулги авжига чиққан паллада махсумнинг қўшниси Норбой қизил совуқ хабар олиб келди:

– Махсум омонатини топширибди, биродарлар! Ҳовлисида йиқилиб жон берибди.

Тўйхонани ғам кўланкаси кезиб ўтгандай бўлди.

– Тўй билан аза ёнма-ён деб шуни айтадилар-да. – Амир оқсоқол юзига фотиха тортди.

Махсумнинг укаси Сойибқул овозини баралла қўйиб оғамлаб йиғлаб, тўйхонадан чиқиб Рўзи махсумнинг уйига қараб югургилаб кетди. Қишлоқ одамлари бир-бирига хеш-акроба, қавми-қариндош, чатишиб кетган. Бундай пайтда марҳумнинг иззати ҳаққи ўйин-кулги элга унча хуш келмайди. Одамлар тўғри махсумнига йўл олишиди. Тўйхонадан чиқишгач, Амир оқсоқол қишлоқ ахлига амр этди:

– Халойиқ, Ёдгорой қизимизни шу хонадоннинг яқинлари, қавми-қариндошлари эртага эрталаб кутиб олишади. Асосий тўйни махсумнинг еттисини ўтказиб қиласиз. Тўйга азани аралаштирганимиз маъқул. Нима дейсизлар?

– Тўғри, оқсоқол! Гапингиз тўғри! – маъқуллашди ҳамқишлоқлар. Одамларнинг юзида ачиниш, ўлим кўпчиликни бирлаштирган пайтда пайдо бўладиган тундлик зохир эди. Бу дунёдан ёлғизлик юкидан қадди дол бўлиб кетган сўққабош махсумнинг кемтик тақдири ҳар кимнинг хаёлида ўзига хос тарзда талқин этилаётган бўлса не ажаб? Лекин унда ачиниш ҳисси бор эди, десак тўғри бўлар. Хуллас, махсумга, марҳумга ҳамма ачинаётган эди. Бу хабарни эшитиши ҳамоно биргина Хайринисонинг шодлиги ичига сифгади, кўнгли равshan тортиб, елкасидаги зил-замбил тош гумбурлаб қулагандай бўлди. Хонадонида тўйга тайёргарлик кўрилаётган маҳалда оёқ остидан лоп этиб азанинг чиқиб қолиши Хайринисо учун тўй устига тўй бўлди. Чунки аёл тақдирини чилпарчин қилиб ташлаши мумкин бўлган кулфат шамолининг йўли тўсилган эди. У ҳаётида илк бор қазои барҳақдан мамнун бўлди.

Махсумнинг жасадини намозгардан олдин тупроққа кўйдилар.

Эртасига Мўмин қишлоқда тўй бўлмаса ҳам тантана давом этди. Пешин пайти яп-янги, қоп-қора маҳобатли машиналар қатори Хайринисонинг кўримсиз кулбаси ёнида тўхтади. Аҳли Мўмин бу дову-доскага эсанкираб пешвоз чиқди. Вилоятнинг улкан раҳбарлари кузатувида келган Ёдгорой олдинги машинанинг орқа эшигидан тушди-да, шашқатор кўз ёшлари юзини ювиб, эс-ҳуши кирди-чиқди бўлиб турган Хайринисонинг қучоғига отилди. Жиккаккина, навниҳол, озғин, қорачадан келган қулча юз, истараси иссиқ қизнинг довруғи дунёга достон бўлганига ишониб-ишонмай қараб турган ҳамқишлоқларнинг ҳам кўзларида ёш ғилтиллади. Катталар олдида парвона бўлиб қўл қовуштириб турган туман газетасининг учар мухбири Тўра Қора ён чўнтагидан дафтарча олиб нималарнидир ёза бошлади:

– Раҳматли Тўлқин танкнинг қуёши энди порлади. Афсус, бу қуёшни у кўролмай кетди, – деди мухбир бошини сарак-сарак қилиб чийиллоқ оҳангда. Туман ҳокимининг ўринbosари Саъдулло Чориевич мухбирга еб кўйгудай бўлиб қаради, сўнг ижирғаниб нимадир деб ғурданиб кўйди.

Кишлоқ қишлоқ бўлгандан бери бунаقا тантанани кўрмаган эди. Хайринисонинг ҳовлисида митинг бўлди. Вилоятдан келган катталардан тортиб қишлоқ оқсоқолигача Ёдгоройнинг шаънига яхши-ёруғ гаплар айтди. Хайринисо ҳам қуруқ қолмади. Матонат дейишди, она дейишди, жасорат дейишди, лекин нима десалар-да, Хайринисога нисбатан чин, ҳақ гапларни айтишди. Вилоят марказидан келган раҳбар гапираётганда туман ҳокими ўринbosари ўрта қатордаги машина салонидан иккита оппоқ гулдаста олиб келди. Раҳбар сўзини тугатиб гулдастанинг бирини Ёдгоройга, бирини Хайринисога тутди. Хайринисонинг кўзи тиниб кетди, гулдастанинг муаттар ҳидидан кўнгли сархуш бўлди.

Расмий тадбир ярим соатлар чамаси давом этди. Сүнг салобатли машиналар қатори қишлоққа қай тарзда ваҳима солиб кириб келган бўлса, яна ўша алфозда қайтиб кетди. Одамларнинг билгани шу бўлди! Ёдгорой дунёда ягона. У мамлакатнинг фахри! Хайринисо беванинг қизи, раҳматли Тўлқин танқдан қолган Ёдгорой бугун дунёга довруғ солиб турибди.

Оқшомга бориб келди-кетди камайди. Ҳовлида қўни-қўшни, узоқ-якин қариндошлар қолди. Супада Хайринисонинг кўксига бош қўйган кўйи худди болалигидаги каби эркаланиб ўтирган Ёдгорой ўйга чўмган алфозда сўз қотди:

– Эна, чарчамадингизми?

– Бу нима деганинг, болам. Мен энди чарчамайман, мен энди яшайман, болам, – Хайринисо кўз ёшларини тиёлмади.

– Бўлди қил-ей, Хайри. Кўзингнинг шўрваси ҳам ҳамиша тайёр тураркан-да-а? – қўшни Шодмон хола шаддодлик билан Хайринисонинг сонидан чимчилаб ўйиб олди. Хола яна чимчилайми деб қўл чўзган эди, Хайринисо орқага сурилиб ўзини олиб қочди. Супада бир кур хотин-халажнинг кулгуси янгради. Ёдгорой пешайвон ёнига бориб, онасини имлаб чакирган бўлди.

– Энажон, хўп десангиз отажонимдан хабар олиб кедсам. Ният қилган эдим, эна. Отажонимнинг қабрига гул кўйиб келаман, эна.

Ёдгоройнинг овози қалтираб чиқди.

Куёш уфққа оққан. Кўкдаги парча булуллар қирмиз тусда. Фалакдан қизғиши нурлар тўкилаётгандай. Кўкдаги булуллар парча-парча бўлиб оловга айланиб шовуллаб оқаётган дарёга қулаб тушганга ўхшайди, дарё тубида ҳам олов оқмоқда. Бир бурчига тоғ чўққиси санчилиб, осмон қонталаш бўлган ана шундай сеҳрли паллада Ёдгорой онаси ортидан эргашиб, осма кўприкдан ўтиб, қабристон остонасини ҳатлади. Олам оловтус сукунатга

чўмган. Хайринисо мозорот ичидан ўтган сўқмоқ бўйлаб эрининг қабри томон йўл олди. Она-бала қабристон ичкарисига киришгач, рўпарада тупроғи ҳали совуб улгурмаган қабр саҳнини лойсувоқ қилаётган Сойибкулга рўпара келишгди. Хайринисо титраб кетди, ортга тисланди.

– Эна, сизга нима бўлди, юрмайсизми? – деди Ёдгорой онасининг ортидан турткилаган бўлиб.

Сойибкул қабр олдида афтодаҳол қиёфада гарангсиб турган Хайринисо ҳамда унинг ортида бир қучоқ оқ гул кўтариб турган озғин, қорамағиз Ёдгоройга ҳайратланиб каради. “Тўлқин танкнинг қабрини излашяпти, топишолмаяпти, шекилли”, деган ўйга борди.

– Эна, бу кимнинг қабри? Нега тўхтаб қолдингиз?

Хайринисо жим... Хайринисо қабр ичидан даҳшатли овозни эшигтгандай бир сапчиб тушди.

– Бу маҳсум бобонгнинг, Рўзи маҳсумнинг қабри, эна қизим. Рўзи маҳсумни танирмидинг, қизим? – Ҳеч нарсадан бехабар Сойибкул Хайринисони даҳшатга солган, юрагига санчилган саволлардан халос этди. Аёл ўзини бирорз енгил ҳис қилди.

Ёдгорой қучоғини тўлдириб турган оқ гулларнинг бир кисмини Рўзи маҳсумнинг совимаган қабрига қўйди. Хайринисонинг юраги увушиб кетди. Учовлон қабр ёнига чўк тушишди. Сойибкул тиловат қилди. Фотиҳага қўл очишиди. Хайринисонинг қўллари зил-замбил эди. Хайринисо қўлларини кўтаролмас, қўллари билан юзига фотиҳа тортишга мажоли етмас эди. Нигоҳини юмиб тиловат қилган Сойибкул буни сезмади. Бир нуктага тикилиб турган Ёдгорой бу ҳолни пайқамади.

– Қизим, отангнинг қабри анави жийда ўсган жойда. Ана, панжара билан ўралган қабр ёнида... Ўнг томондан айланиб ўтганларинг маъқул.

Она-бала ўт-ўлан қоплаган қабр ёнида чўқдилар. Қиз қўлидаги оппоқ гулларни қабр устига ёйиб чиқди.

Елкалари титраб пиқиллаб йиғлай бошлади. Ёдгорй ўзича нималардир деб пичирларди, нималардир деб кўнглини бўшатарди. Сўнг озғин қўлларини ёйиб, қабрни кучоклаб, уввос солиб йиғлаб юборди. Хайринисо қизининг юзига тик қарашиб ботинмасди, назарида, ловуллаб ёнаётган қирмизи шафақнинг ҳарорати сиймосини жазиллатиб қуидираётгандай эди. У олов тафти урган юзларини Вахшивор тоғлари томонга бурди. Тоғ дараларида қудратли, даҳшатли шамол беркиниб, пайт пойлаб ётганга ўхшарди.



БИЗ ЖАНГДАН ҚАЙТМАДИК

Мен ҳаммасини, бор ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилдим,
афсуски, ҳеч нарса ёзолмадим.

Муаллиф

I

Кун бўйи осмоннинг зардаси босилмади. Кечга бо-
риб ёмғир тағин авжига чиқди. Ҳаво совиди. Казармалар,
аскар ва зобитларнинг ошхоналари ваҳимали туюлади.
Деразалардан хира ёғдулар аранг кўзга ташланади. Қисм-
нинг саф майдони шунчалар файзсиз кўринадики, агар
зобитларнинг штаби пештоғига ўрнатилган карнайдан
ҳазин мусиқа янграмаётганда эди, борлиқни гўё юракни
тилкаловчи ноҳушлик қопларди. Йўлаклар бўйлаб ҳамда
казармалар қаршисида одам бўйи қад кўтариб қолган
арча, терак, чинорга боқиб ўйга толасан. Инсон ҳамиша
ўзига тириклидан таскин излайди, яшашни яхши кўради.
У гарчанд уруш комида қолган бўлса-да, эртага ҳаёти нима
билан тугашини сезмаса-да, яшашнинг ҳеч ким кашф қил-
маган қонунлари измидан чиқолмайди. Дараҳт экади ёки
манови совуқ биноларни (ҳеч қанақа эҳтиёж бўлмаса ҳам)
бўяб чиқади, йўлакларга тош ётқизади, казармалар олдига
оёқ буюмларини тозалаш учун маҳсус қурилма ясади, бу
ҳам етмагандай ҳар бир эшик қаршисида чекиш хонала-
рини қуриб ташлайди. Хуллас, ўзини чалғитади.

Эртага бу қисмнинг аскарлари жангга чиқади. Уйларни
ёндиради, сувларни заҳарлайди, боғларни ёқиб юборади,
одамларни ўлдиради, ўлади, неки бор қирилади. Булар кир-

ган боғларда мангу кузак фасли бошланади. Умуман, уруш чоғи қилинган ҳар қандай «савоб» иш иккиюзламачилик каби ифлос бир тушунчадан ҳам шармандалироқдир.

Урушда юрганлар ўзини яшашга ҳақли эканликлари ни одам ўлдирибгина исботлайдилар. У дараҳт экадими, мусиқа тинглайдими, нима бўлса ҳам, ўзидан ташқарида, овуниш учун бажаради. Аскар тириклигига ишониши учун кўзлари дунёни кўриб турса бас. Манови казармалар, атрофи тоғлар билан ўралган қисм худуди, кун чиқиш томондан Кобул шаҳрининг бадингга уриб кетган совуқ кўриниши, кийим бошлари бир хил, ўй-хаёллари сеникidan деярли фарқ қилмайдиган тирик ўлик тақдирдошларинг, бемаъни кечаётган кунлар – ҳамма-ҳаммаси, хуллас, бир умр эсдан чиқмайдиган дунёдир.

Мен бошимга бу ўйлар қаердан илакишиб қолганига ҳайрон эдим. Қисмни тош қоплаган йўлаклар бўйлаб, айланиб чиқдим. Кийимларим нам бўлиб кетди. Агар ҳаво оғирлашгудай бўлса, айниқса, ёмғир ёқкан маҳали роса сиқиламан. Шунинг учун ҳам казармага қайтишни хоҳладим. Паҳталик ёқасини кўтариб, то артиллериячилар казармасигача бордим. Казармани айланиб, қисм штаби ёнидан ўтаётганимда, ичкаридан чиқсан прапоршчик сигарет сўради. Ўзим ҳам битта «Донское»ни тутатдим. Пррапоршчик об-ҳаводан нолиди. Агар жангга чиқмасак, қисмда ёрилиб ўламан, деди у. Мен ундан неча йилдан бери бу ердалигини сўрадим. Инқилоб бошланган кезлари Баграмга келганман, кейин уч йил Жалолобод, икки йил Гордез, икки йил Қундузда бўлдим. Тўрт йилдирки, Кобулдаман, деди. Пррапоршчикнинг иккита Қизил Юлдузи бор экан. Гап оҳангидан унинг уришавериб, кўзи қотиб кетганга ўхшарди.

Мен сездим. Пррапоршчик ёмғирнинг эзворганидан эмас, қисмга навбатчи бўлганлиги учун нолиётганди. Бунақа юмушларни жанг кўрганлар ўзига эп кўрмас, уруш-

га энди келганларнинг иши деб билишарди. Пропоршчик яна иккита сигарет қолдиришимни илтимос қилди. Мен казармага яқинлашганимда, эшик олдидағи ротага яқинда келган навбатчи аскар бор овоз билан қичкирди.

– Тұхта! Пароль икки!

Менинг күлгім қистади. Чинданам янги келган аскарлар ғалати бўлади. Ҳар бир ишни қойилмақом қилиб бајаришни, қаҳрамонлик қилишни яхши кўришади. Йўқса, қисм ичкарисида душманга пишириб қўйибдими, бунча эҳтиёткор бўлишмаса?! Агар бунинг ўрнида «кекса»лардан бири бўлганида парвойига ҳам келмасди. Ўргулдим сендей хушёр аскардан.

Мен унга эътибор бермай, яқинлашавердим. Аскар яна қичкирди:

– Тұхта! Пароль икки!

Менинг ғашим келди. Бироқ бу касофат айтганини қилмасам, отиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди. Пароль бу кеча олти эди. Мен ҳозир тўрт деб жавоб беришим керак. Чунки, навбатчи қайси сонни айтиб тўхтатса, ўша сон билан мен айтган сон йиғиндиси паролга teng бўлиши шарт эди. Мен тўхтаб турдим. Аскар тағин қичкирди. Казармадан рота командири чиқиб келди. Мен энди паролни навбатчига эшилтириб, бақирдим.

– Пароль тўрт! Ўзингникиман.

Мен командирга ҳарбийчасига салом бериб, ичкарига кирмоқчи эдим, у тўхтатди.

– Қаерда юрибсан?

– Биринчи ротадайдим, ўртоқ катта лейтенант.

– Нега?

– Баъзан хатлар адашиб кетаяптийкан. Менга хат бормикан, деб борувдим.

– Санқиманглар, бунаقا. Бир соатдан кейин пашша ҳам учмасин. Ухланглар.

– Хўп бўлади, ўртоқ командир!

Рота командири офицерлар модули томонга кетди. Казарма ичи талатўп бўлиб ётарди. Киришим ҳамоно пайтаваларнинг сассик ҳиди димоғимга урилди. Ҳеч ким ухламаганди. Қий-чув, тўс-тўполон. Бирор каравот устида ўтирволиб хат ёзаяпти, кимлардир этигини тозалаяпти, бошқалар гимнастёркасига оқ ёқа тикаяпти, бирорвлар курашга тушмоқда, баъзилар гурух-гурух бўлиб бурчак-бурчакда овқатланишмоқда, ташқари чиқишига ҳафсаласи йўқлар казармада чекишмоқда. Кимдир гитара чертиб, қўшиқ айтаяпти. Ҳамма нарса телба-тескарисига давом этаётганди.

Умуман, урушда ҳеч нима бир маромда, ўз йўлида кетмайди.

Мен ечиниб, жойимга чўзилдим. Уст-бошимни тезроқ қуритиш учун пар қувурга осдим. Толиқдан эдим, казармадаги бақир-чақирларга ҳам эътибор бермай, ўраниб ётдим. Тўшак танамга ором бағишилаётганди. Ичим илиди. Шу тобда ҳеч ким тинчимни бузишини истамасдим. Бирорқ бир дақиқа ҳам вақт ўтмай кимдир туртди. Ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. У яна турткиласди. Оғриниб, тўшакдан бошимни чиқардим. Тепамда механигим Ринат турарди.

- Нима дейсан? – дедим.
- Тур, ташқарига чиқамиз.
- Ўзим ҳозир келдим. Уст-бошим ивиб кетди.
- Бир иш бор. Хўп де.
- Ана, Мўмин билан боравер.
- Э, у овсаррок-да. Тур энди.
- Айтдим-ку, мазам йўқ. Қара, кийимларим ҳам ивиб кетди. Қўй, нима қилсанг ҳам ўзинг қил. Бормайман.

Шундай деб, ағдарилиб ётдим. Устимга тўшакни тортиб тағин бекиниб олдим.

Ринат яқин дўстим эди. Биз у билан энг оғир чоғларда бирга – битта машинада жанг қилгандик. Тағин қанча-

лаб кўргиликларни бошимиздан кечиришимиз иккимизга ҳам ноаён бўлса-да, бизнинг ҳаётимиз маълум маънода бир-биримизнинг қўлимизда эди. Негаки, мохир меҳаникина ўт ичидан, ўлим чангалидан машинани бешикаст олиб чиқа оларди. Ринат ҳам мени ўзича яхши оператор, керакли аскар сифатида ҳурмат қиласарди.

Йўқ, аслида гап бизнинг битта машинанинг оператори ёки меҳаниги эканлигимиизда эмасди, биз бир-бири мизни энг даҳшатли пайтларда сўзсиз тушуна олардик. Мен уни ҳамиша оғир жангдан сўнг бағримга босгим келар, бироқ нимадир бунга халал берарди. Иккимиз ҳам бир-бири мизга термулиб, босиб-босиб чекардик. Мен дўстимга ўзимни довюрак қилиб кўрсатгим келарди, айни пайтда унда ҳам шу туйғулар кечайдиганига шубҳа қилмасдим. Биз Ринат билан кутилмагандан мангуга ажралиб қолиши мумкин бўлган минг йиллик қадрдон эдик. Умрининг барча йилларини яшаб бўлган, кексайиб қолган чоллардай ўтаётган кунларга шукроналар айтардик.

Биз анча олдин, ҳеч нарсани кўрмай, кўп нарсани билиб олгандик. Инсон қартайиб қолиши учун жуда кўп йиллар яшаши шарт эмаслигини, аллақачон, илк жанглардаёқ ҳис қилгандик. Тез-тез ўлимни ўйладиган одамлар ўзларини нечоғлик бепарво, иродали тутмасинлар, барибир ичларидан тўкилиб бўлишади. Ботинан ваҳм ўтида қоврилаётган одамлар зоҳиран савдойи кўринади, буни бепарволикка йўймаслик учун эса ўша одамларнинг орасида бўлиш, уларнинг бошида ўйнаётган чархи-дун қилмишларидан бир чимдим татиб кўриш кифоя эди. Ротада аскарларнинг деярли ҳаммаси нима қилишини билмай, савдойи бўлиб қолишган, улар инсон руҳиятини чилпарчин қиласиган қора кунлар ҳукмини тортиш жазосига мубтало эдилар. Уларнинг ичларини ваҳима таталарди, ҳар лаҳза-

да ўлиш, ўққа учиш, минада портлаш, лаънати урушда содир этилиши муқаррар ҳар қандай мусибатни кутиб яшардилар.

Менинг назаримда, бу ерга жўнатилганларнинг фақат сувратлари қолган, сийратлари тўкилиб бўлганди. Дунёда одам боласидай ёвуз маҳлук йўқ, у ҳамма ишни қойилмақом қилиб бажаради, яна одам боласидай ожиз маҳлук йўқ, ўз юрагининг азобларидан, ботиний оғриқлари, кўнглини қоплаган хижилликлардан қочиб қутилолмайди. Ҳар нарсани, ҳатто бир-бирини қиришни-да машқини олган инсон, барибир ўз кўнглидан, юрагидан мағлуб бўлади. Ичкариси бут одамгина ҳеч қандай кўргуликка ўзини олдирмайди.

Урушнинг даҳшати ҳам шундаки, унда қатнашганларнинг барчаси мажрух ҳолга тушадилар, ботиний туйғулар ўрнини куйиб, кулга айланган карахтликнинг бир ҳовуч кули эгаллади. Одам билан курол орасида битта кўндоғ ва тепкичалик масофа бўлади.

Мен урушнинг ҳавосига кўнига бошлаганим сайин, атрофимдагиларни, барча аскару зобитларни ҳаётдан тамоман узилиб қолгандай ҳис қилаётгандим. Гўё бизни аллақандай ёвуз қўл улкан жиноятларимиз эвазига жазолаш учун шу ерларга, ажал қархисига улоқтириб ташлагандай эди. Биз бу ерларда туйғуларимизни йўқотаётгандик.

Мен агар инсон қўлига курол ушласа, худди ҳайвонлар каби бири-бирини ғажишдай мунофиқликдан ҳам ҳазар қилмаслигини тушуниб етдим. Ҳайвоннинг инсонга айлануви ҳақида бир нарса деёлмайман-у, бироқ инсонларнинг ҳайвоний ёвузыдан ҳам баттарроқ хислатни қандай қилиб яшириб юришларига ақлим бовар қilmай қолди. Инсон курол ушласа, ёвузын тан беради. Аммо ҳар қандай юраги тоза, маънан соғлом кишиларнинг ҳам ҳаётини уруш яксон қилиб ташлайди.

Ринат тағын турткылади. Каравотта беҳол ўтирдим. У бошимда тик турган күйи, елкамга қўлини ташлади. Казарма олакуюн – оқтойлоқ бўлиб кетганди. Бақир-чакир авжга мингани, ҳар ким ўз билгани билан овора.

Ринат қаршимдаги каравотта чўқди. Ўзига оро берган кўринади, кийими дазмолланган, телпаги сиёҳ рангда, қайиши тўқаси ҳамда телпагига ўрнатилган юлдузча ялтирайди, этигиниям боплаб бўяпти, кўзни олади, бунинг устига қўнжини гармон шаклига келтирибди.

Унинг ясаниб олгани энсамни қотирди. Бу ҳам етмагандай, ён чўнтағидан Америка сигаретасини олиб, лабининг бурчагига қистирди.

– Нима гап, жуда ясаниб қолибсан?
– Битта идея бор.
– Менсиз бажарилар идеянг?
– Энди, сенам бехабар қолмагин, девдим.
– Ошна, мен ётайин, чарчадим.
– Бўпти, бироз эшит. Сен шу, яхши боласан-ку, лекин одамни тушунмайсан. Бироз сабр қил.

– Тезроқ гапир. айтмоқчи, машинани беркитганмилик. Агар рота техники паркка боргудай бўлса, дабдала қилади-я.

– Машинани қўйиб тур. Ҳа, беркитганман, эшикларга ип тортиб, пломба ҳам босдим. Техник тугул командир полкнинг паркни текширсаям ҳеч қандай айб тополмайди.

Ринат этигини ҳам ечмай, каравотта ёнбошлаб, чўзилди. Телпагини бошига қўндириб, олифталик билан яримлаган сигаретни зўр бериб торта бошлади.

– Ринат, майли, сенинг бемаъни гапингта ишониб, ўрнимдан турибман-а?! Э-э-э.

– Ҳой, шошма, – у шифтга қаратса тутун пуркади, – ҳозир бир жойга борамиз. Кийин.

– Эсинг жойидами. Ташқари ёмғир. Бунинг устига, ҳамма казармалар эшигига «чижик»ларни навбатчи қилиб қўйишибди. Отиб ташлашади.

– Занғарлар-ей. Жудаям ҳовликма-да шу янги келганлар. Кўрққанидан қалтираб-салтираб, икки соатни зўрға ўтказишади. Буларга ишониб бўлмайди, тўғри айтасан. Лекин биз барибир боришимиз керак. Бу зарур, хўп де!

– Аввал қаергалигини айт-да, одамга ўхшаб.

– Модулга, билдингми. Бормасак бўлмайди.

– Нима? Модулда нима қиласиз?

– Иш бор. Шивирини чиқармайсан, сени шерикликка олиб бораман.

– Сигаретингдан бер.

Мен Ринат нимага шама қилаётганини тушундим. Бироқ бунга сираям ишонишнинг иложи йўқ эди. Бу иш менинг тасаввуримга сифасди. Ринат аёллар модулини назарда тутаётганди. Бизнинг қисмда аёллар ҳам хизмат қилишарди. Улар қисм ичкарисидаги юмушларни бажаришарди. Кирхона, ошхона, қисм штабининг молиявий бўлими, магазин, иссиқлик юборадиган станция, кўплари табобат хонаси, кутубхонада ишлашарди.

Бироқ уларнинг юмушини деярли аскарлар бажаради. Хуллас, қисмда аёллар етарлича эди. Рота нонуштага саф тортган кезлари, казарма олдидан кўзни куйдириб, сурув-сурув бўлиб аёллар ҳам ўтиб қолишарди.

Жангда юрган аскар учун ҳар қандай аёл бир ҳовуч нурдай кўринади. Бизнинг казарма билан аёллар модули ораси 10 қадамча келарди. Чекиши жойида сигарет тутаби, биз аёлларнинг кириб-чиқишлигини томоша қилиб ўтирадик. Уларнинг исмини ҳам билардик. Ҳатто неча ойдан кейин кетишиларигача маълумот тўплаб қўярдик. Ишлаш учун келган аёлларнинг нима сабабдан бу ерларда сарсон бўлиб юрганини мен тушунмасдим. Жонларини хавф-хатарга тикиб, пул учун урушга келиш-

лари шартми? Тўғри, улар жангга чиқиши майди, бироқ қисмда ҳам ўлим нафаси сезилади. Урушга чиқсан маҳаллар ўнлаб аскарларнинг ўлиги, бесаноқ ярадорлар келтирилади. Тоғлардан гоҳ-гоҳида қисм ҳудудига қарата ракеталардан ўқса тутишади. Барibir жангларда аскарлари жон олиб, жон берувчи, 40-армиянинг энг илфор қисмида хотинларнинг юриши жудаям ғаройиб эди. Улар бу ерда ўз юмушларини бажармасалар-да, зобитларнинг кўнглини хушлашлари жудаям зарур эди. Аёлларнинг кўпчилиги қисмдаги зобитлар билан бемалол дон олишиб юришганини аскарлар ҳам билишарди. Айримларининг «боши очик», тўғри келгани билан савдо қиласади. Уларнинг ичидай шундай гўзаллари ҳам бор эдики, уй-жойидан безиб, бу ерларда овора бўлиб юрганини кечириб бўлмасди. Кўпинча бундай аёлларни юлдузи катта, обрўли зобитлар – хўжайинлар ўзиники қилиб олишганди. Аскарлар кўпинча зобитлар ошхонаси ёки табобат хонасидан аёлларни қидиришарди.

Зобитлар ошхонасида 19 ёшли Лилия исмли қадди-комати келишган жувон ишларди. Унинг бўйи кичкина, хипча бел, лаблари фунчадай, юзи тип-тиник, кўзлари катта-катта, тим қора эди. Шим кийиб, кофтада чиққанида, айниқса, қоматининг расолиги, балиқдай гавдаси юракни суғуриб кетарди. У доимо қоп-қора соchlарини елкасига ташлаб юрар, кўринишидан кавказ ёки осиёликларга ўхшаса-да, асли россиялик эди.

Лилия чиройли оёқларини кўз-кўз қилиш учун бўлса керак, атайлаб калта юбка кияр, таранг, вужудни қўзғатувчи сонларидан кўз узиб бўлмасди. Унинг орқасидан аскарлар қичқириб қолар, у эса парвойига ҳам келтирмасди. Лилия тарсиллаб пишган олмага ўхшарди. Ҳамма бир тишласам, дерди. Бироқ бу боғда тишланмаган, курт емаган олмаларнинг бўлиши мумкин эмасди. Шундай гўзал, хуббичим, кўкракларида икки куш потирлаб турган аёлни кўзларига

қон түлгән эркаклар маконида ёлғиз ётишини ҳеч ким та-саввур қилолмасди. Лилия жуда гүзәл, бирок у сотиларди, күнглини топсанг, эрирди. Зобитлар билан қисмдаги аёллар орасыда күпприк қолмаган, улар тунни бирга ўтказишлари учун бир оғиз гап кифоя қиласын. Бирок, аскарларни осмондаги ойимтиллалар назарига ҳам илмасди.

– Борасанми? Ҳа, нима бунча юрагинг орқангга тортиб кетди?

У ёққа бориши бефойдалигини күнглим сезаётганди.

– Менга қара. Озрок ўйлаб гапир. Борганинг билан дабдурустдан ким билан гаплашасан?

– Буёғи менинг ишим. Сен тезроқ бўл. Кийин. Ҳозир Мўминнинг бушлатини олиб келаман. Шуни кий.

Ринат тўдалашиб, овқат еб ўтирганлар ёнига борди. Мўмин ўша ерда эди. Ринат унинг қулоқига бир нарса деб шипшиди. Мўмин бушлатни ечаётиб, менга қараб кулиб қўйди.

Мен кийини бўлгач, этигимни мойладим. Ринат тумбасидан бир литрлик «Столичный» ароғини олиб, кўйнига урди. Бушлати чўнтаги ҳам тўппайиб турарди. Икковимиз бир-биrimизга тикилиб қолдик.

– Менга очиғини айт, шу ишинг жиддийми?

– Гаплашиб қўйдим. Нима бунча ҳовлиқасан. Ҳозир борганда кўрасан. Озрок отиб оласанми?

– Бер-чи.

– Ана Мўминлар ичишаяпти. Труцюк Кобулдан олиб келибди. Иккита экан, биттасини олиб қўйдим.

Даврадагиларнинг ҳаммаси бир ярим йил хизмат қилиб қўйган, сафдошларим Афғонистонга мен билан бирга келган йигитлар эди. Мўмин кружкани тўлдириб, «Столичный» қўйди. Илжайиб узатаркан, деди:

– Омадларингни берсин. Ишқилиб, эртага полкда шармандаларинг чиқиб, гаупвахтага тушмасанглар бўлгани. Қани ол, дўстим.

– Нима бўлсаям, пешонадан. Одам барибир эртага нима бўлишини билмайди. Жонга тегди. Ҳа.

– Ич. э, онасини эмсин. Нима улар фариштамиди.

Мен кружканинг охиригача симиридим. “Столичный” томоғимни куйдириб ўтди, айни дам ичимга ёқимли илиқлик инди.

Ринат эшик олдидаги навбатчи аскарга биз кеч қайтишимизни, агар зобитлардан бирортаси ротани текшириб қолса, ҳамма дам олаётгани, казармадан ҳеч ким чиқиб кетмаганини айтишни уқтираётганди. Миям равшан тортиб, кайфиятим енгиллашди. Ринатга «кетдик», ишорасини қилиб, бош силкидим.

– Фрейштэн! – деди Ринат немисчалаб навбатчи аскарнинг бронжилетига уриб.

Аскар орқага тисланиб кетди. Автомати тақирлаб, эшикка тегди. Кўксига осилган «каскаси» бир томонга оғди.

– Фрейштэн! – деди «чижикча» ҳам.

Менинг кулгим қистади. Ўзимни енгил ҳис қилаётгандим. Шифалаб ёқаётган ёмғир ҳам ёқимли, кеча сирлидай туюлди. Биз казарма бўйлаб, тор йўлдан бопарканмиз, рўпарадаги аёллар модулининг эшиги очик, узун йўлакнинг чироки учмаган, ўз хоналаридан кириб чиқиб турган аёллар кўринарди. Модулга яқинлашгач, Ринатни тўхтатдим.

– Менга қара! Кимнинг олдига борамиз. Фойдаси борми?

– Лилиянинг.

– А-а! Алдаяпсан. Аҳмоқ қилма одамни?

– Энди ов бароридан келсин деб, худойла. Кеча зобитлар ошхонасида гаплашдим. Панасоник магнитафонини тортиқ қилдим. Мана, кеча Юра уч минг Афғонига япон рўмоли ҳам олиб келди, – у чўнтагини кўрсатди.

Мен ишонқирамай туриб қолдим. Унинг магнитофони бор эди, бир эмас, икки-учта япон рўмолига ҳам

пули етарди. Афғонда аскар учун пул қаҳат эмас. Қисм Кобулда яқин жойлашган. Дўконлар тикилиб ётибди. Ҳатто қисм шимолидаги яқин қишлоқдан бачаларнинг ўзлари ҳам у бу нарса олиб, алюмин қошиқми ёки чойнакми, консерваларгами алмаштириб кетарди. Бу ерда одамлар савдо-сотиқ деса ўзларини шунчалик томдан ташлашардик, аскарларнинг эски-туски кийим-бошлири, этик-пайтавасигача талаб кетардилар. Етти-саккиз ёшли болалар ҳам немис сақичи, чарс, япон соатларини сотишарди. Улар ҳатто хабармушаклар, гранаталарни ҳам сотиб олмоқчи бўлишарди. Техникаларга нокерак темир-терсаклар, албатта, бачаларга асқотарди. Афғонда пул топишнинг ҳеч қандай қийин томони йўқ эди. Аммо, оддий аскарнинг қисмдаги кўзга яқин аёллардан бири билан, гарчанд бу ерга уларнинг ўзлари деярли шу нарсани истаб келган бўлсалар ҳам, тил топишиши мўъжиза бўлибгина қолмай, жамики қисм жангчиларининг орзуси эди.

– Сен унчалик маст эмассан-ку!.. Эсингни йиф, Ринат. Ҳаммаси расво бўлиши мумкин.

Ринат сигарет олиб, тутатди. Нам ҳавода унинг учқуни милтиллаб кўринарди. Ёмғир бир меъёрда саваларди. Биз ивий бошлагандик. Полкнинг атрофидаги танкчилар постларидан ахён-ахёнда, галма-гал кўкка яшил мушаклар отиласарди. Бу – постдагиларнинг бир-бири билан сўзлашиши, яъни полк атрофида осойишталик ҳокимлигидан далолат эди. Биз Ринат билан модул томонга сўзсиз қараб турадик. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, Ринат:

– Кетдик, – деди.

Мен эргашдим. Юрагим ҳапқирав, ичимда худди жанг олдидагидай, бироқ анча лаззатли ваҳм ўрмаларди. «Аёл учун ўлмоқ – қаҳрамонлик»дир, деган гап миямни тифлаб ўтди. Қаерда ўқиганман, кимдан эшитувдим эслай олмадим.

- Күрқаяпсан-а? – дедим Ринатга модулга беш-олти қадам қолгач.
- Ёнида бирор офицер бўлмаса гўргайди.
- Эх, сенга ўзи айтганмиди, кел, деб? Бопланмасак, бўлди.

– Э, чўрт сней! Юравер.

Шу пайт эшик қанотига ёмғирдан пана бўлиб турган, шекилли, навбатчи аскар шанғиллаб қолди.

– Тўхта! Пароль! Беш!

– Пароль уч! – деб жавоб берди Ринат.

Мен аёллар модулида пароль саккиз эканини билдим. Ринат буни ҳам суриштириб аниқлаган эди.

Биз йўлакка кирганимизда қоврилган чўчқа гўшти, қайнатма шўрва каби турли-туман овқатларнинг ҳиди димоғни қитиқларди. Мен шу пайтгача аёллар модулига кирмовдим. Менга йўлак файзли бўлиб кўринди. Ҳамма ёқ топ-тоза. Аёллар яшаётгани шундоқ сезилиб турарди. Ўрта йўлак, иккала томондаги эшикларга рақамлар осилган эди. Худди меҳмонхона шаклида қурилган, бундай қараганда киз-жувонлар таҳсил кўрадиган бирор билим юртининг ётоғхонасига ҳам ўхшаб кетарди. Ринат олдинлаб юрди. Мен эргашавердим. Оёқларим негадир қалтирай бошлади. Ҳаяжонланганимдан бўғзимга нимадир тиқилиб қолгандай бўлди. Ринат ўнг томондаги саккизинчи эшик қаршисида тўхтади, шу дегандай бош чайқади, унинг юзидан саросима сезилиб турарди. Мен «Столичный»дан тағин бир кружка ичиб олмаганимга ўқиндим, ҳар ҳолда сал-пал тетиклашардим. Нима бўлса, бўлди энди. Қайтиш йўқ.

Ринат эшикни тақиллатди. Хиёл ўтмай ичкаридан илгак кўтарилиб, қулф шарақлади. Ярим қия очилган эшикдан аёл кишининг боши кўринди. Кўзлари пирпираб турарди. Мен ўзимни қўярга жой тополмай қолдим, жуда ноқулай ҳолат пайдо бўлганди. Лилия кулимсираб, йўлакка чиқди.

У эгнига юпқа, тұгмасиз халат ташлаб олган, сонлари қорнигача очилиб турарди. Сочларини түзғитган, юzlари тип-тиник, лабидан ним табассум ёғиларди. Оппоқ қўқ-раклари кия ёқасидан кўриниб турарди. Дунёнинг жами-ки мусибатлари, кир-чирлари, қирғинбарот жангларини кўравериб, тошга айланиб улгурмаган кўзлардаги эҳти-росни пайқаган жувон бизни ҳам кутилмаган ғайрита-бийлик билан қарши олди.

– О, менинг меҳмонларим! Рома, ниҳоят келдингми? Очифи, сени бугун келмасанг керак девдим, – Лилия эшикни очиб, бизни ичкарига бошлади.

– Нега энди, бораман девдим-ку! Сўзсиз, – Ринат ўзини қўлга олди. «Ўзингни бос, дердим мен хаёлан, – ўзингни бос, ҳаммаси жойида бўлади».

Биз ичкарига кирдик. Лилия столни дид билан безаган эди. Хона деворларида турли-туман машхур эркаклар-нинг, шир яланғоч сулувларнинг сувратлари осилган эди. Дераза тарафда икки тасмали япон магнитофони жой-лаштирилган. Бурчакда беш-олти жомадон тахланган эди. Столда Югославия мураббо ва шириналлари, турли хил чет эл конфетлари, қуюқ сут, қовурилган балиқ, колбаса, Америка сигаретаси ва ялтироқ қимматбаҳо қадаҳлар ту-рарди. Хонанинг бир бурчини устига кимхоб тортилган икки кишилик диван эгаллаганди. Бу ердаги нарсалар Ли-лияning ўзи каби гўзал эди.

Лилия биз билан очилиб-сочилиб гаплашди. Гўёки биз урушда эмасмиз-у, шаҳар айланиб, ўн йиллик таниш жувоннинг уйига тушиб қолгандай эдик. У бизнинг нима сабабдан хузурига келганимизни пайқамаслиги мумкин эмасди.

– Ҳозир, бир секундга йигитлар. Сизлар bemalol ўти-раверинглар, – у чойнак олиб йўлакка чой қуйгани чиқ-ди. Мен Ринатга эпласак бўларкан, дедим. Ринат, ўзингни эркин тутиб, ҳазил-хузул қиласвер, деди. Лилия қайтгунча

Ринат столга «Столичный»ни тиккайтириб қўйди. Илгакдаги осилган бушлати чўнтағидан япон рўмолини олиб, гимнастёркаси қўйнига солди.

Лилия столдаги «Литр»ликни қўриб, қувониб кетди. Ўша аснода Ринат қўйнидаги совғани чиқариб, жувонга узатди. Лилия ўрнидан дик туриб, Ринатнинг манглайидан ўпид олди.

– Раҳмат, Рома!

Менинг кўз ўнгимда изоҳлаш мумкин бўлмаган воқеа содир бўлаётганди. Лилия бир зумда ўз инон-ихтиёрини Ринатга топширишга шай эди. У менинг бу ердалигимга ҳам эътибор бермасди. Мен столдан сигарет олиб, тутатдим. Лилия Ринатнинг ёнига бориб ўтирди.

– Йигитлар! Мановини очмайсизларми?

Ринат қадаҳларни тўлатиб қўйди. Лилия ҳозир ўзини нечоғли енгил тутаётган бўлса-да, кўзларининг тубида яширин сир зохир эди, у беҳад чиройли, истараси куйдирив кул қилажак дараҷада иссиқ эди. Қадаҳлар қўлга олингач, Лилия мезбон сифатида бизни хуш қўриб, қадаҳ сўз айтди. Бараварига тасдиқладик.

Биз урушда юрганимизни унутишга ҳаракат қиласадик. Қаршимиздаги манови сулув аёл, байрамона дастурхон, куй, кўшиқ мени элитаётганди. Борган сайин кайфиятим кўтарилилар, негадир шўхлик қилгим келар, ҳазил-хузул гапларимдан Лилия чайқалиб кулар, кўкси ҳар силтанган сайин юрагим ўйнарди. Муҳими, Лилия бизга паст назар билан қарамаётганди, апоқ-чапоқ қувнашиб ўтирадик.

Шиша охирлайвергач, Лилия хона чироқини ўчириб, тунги чироқни ёқиб қўйди. Ташқаридан бирорта зобит ҳид билишини у сира ҳам истамаётганди. Хира ёғуда аёлнинг кўзлари порлаб турар, оҳанрабодай ўзига чорларди.

– Кўймайсанми, Рома?!

– Хўп бўлади, маликам.

– Рома, дўстинг тортичоқ экан.

– Нега энди? Мен сизга маҳлиё бўлиб қааяпман. Умуман, сизни ёқтириб қолдим, – дедим.

– Ростданми? Фақат шугинами?

– Чинданам.

– Кел, сен бу томонимда ўтириш. Ах, бир эзилайлик.

Мен Лилияниңг ёнбошига бориб ўтирдим. У кўллари ни Ринат иккаламизнинг елкамизга ташлаб олди. Гоҳ Ринат, гоҳ мен томонга қараб гапира бошлади. Унинг кайфи ошаётганди. Ринат ҳам чайқалар, унинг юз-кўзларидан ўпар, гоҳо бутун гавдаси билан унга ўзини ташлар, Лилия дарҳол уни турғазиб кўярди.

Яна қадаҳлар тўлдирилди.

– Йигитлар! Менинг эркатойларим! Сизларнинг уйингизга, ота-онангиз қархисига омон-эсон боришингиз учун ичайлик, – деди Лилия. Унинг овози ҳазин эшитилди. Уф тортди.

– Агар насиб этса борамиз. Ҳаёт кўрсатади. Йўқса, манови лаънати Афғонда қолиб кетамиз, – Ринат қадаҳни кўз илғамас тезликда ичиб, бўшатди. Лилия унга газак тутди. Ринат манглайига қўлини тираб, тирсагини столга қўйди. Негадир бош чайқар, ердан бош узмасди. Мен ўтиришимиз охири кўнгилхушлик билан тугамаслигини истардим. Биз Лилия икковимиз баравар қадаҳ кўтардик. Ринат илкис бошини баландлатиб, Лилияга тикилди.

– Лилия, онасини фалон қиласай Афғонини. Тушундингми? Биз хор бўлдик, Лилия. Сен бу ерда нечоғлик даҳшатли воқеалар содир бўлишини билмайсан. Фақат эшитгансан, тушундингми! Афғон ўйин эмас, билсанг. Уруш одамни ифлос қилиб ташлайди, билдингми.

– Ринат, ўзингни бос, оғайни. Фойдаси йўқ, – дедим ўзбекчалаб. Очиғи, мен ҳам масти бўлгандим. Фикрим ўзимда, хаёлим жойида эди.

– Сен аралашма! Булар Афғонга нега келган ўзи? Буларни машинага босиб, жангга олиб чиқиш керак. Истаган маҳалинг қилишинг керак. – у столга бошини қўйиб олди, – кўнглим беҳузур бўляяпти.

Лилия бизнинг гапимизни тушунмаётганди. У Ринатни диванга олишимни илтимос қилди. Ҳар ҳолда биздан ижирғанмаяпти, деб ўйладим. Мен Ринатни Лилиянинг диванига ётқиздим. У ўзбекчалаб тинмай гапирав, жангларда рўй берган, менга ҳам таниш воқеаларни сўзлар, от, тезроқ от, деб қичқиради. Лилия унинг бошига нам латта келтириб босди. Унинг ҳаракатлари самимий эди.

– Нега тез маст бўлди? – деди у ҳайрон бўлиб.

– Билмадим. Бу ерга келишдан олдин чеккан бўлиши керак.

– А-а-а! – Лилия тушундим, дегандай бошини силкиди.

Ринат уйқуга кетди. Лилия иккимиз ёлғиз қолдик.

Тун жозибали, аллақандай фараҳли эди. Биз тағин оз-оздан ичдик. Лилия тумбасидан яримлаган ароқ келтирди. Хона ичи тутунга тўлганди. Деразанинг бир қанотини очиб қўйдим. Ичкарига тоза ҳаво, ёмғир хиди урилди. Тасаввурим тиниқлашди. Ўзимни анча тетик ҳис қила бошладим. Лилия дунёдаги энг чиройли аёлга айлануб бораётганди. Мен унга ошкора суқланиб қаардим. У буни пайқади. Юзига кулгу инди.

– Аёлдан узоқлашиб яшаш шунчалар оғирми? – деди у.

– Шундай шекилли?

– Уруш даҳшат. Сизларни севаман. Эшитяпсанми, ҳаммангизни бағримга босиб, эркалигим келади. Сизларга ачинаман. Сизлар бугун борсизлар, эртага йўқ. Бироқ мен Ринат иккалангни тирик қолишиларингни истаяпман. Очифи, бу ерга пул ишлагани келувдим, аммо тўйиб кетдим, пушаймон еяпман. Ҳар куни ваҳима, ҳар куни ўлим. Ҳар куни бир хил ҳаёт. Биласанми, мен

аскарларнинг барини бағримга босиб, уларнинг омон-эсон қайтиши учун илтижо қилгим келади. Сизлар жангра чиққанингизда қисм ҳувиллаб қолади. Шунда кимдир ўлаётгани, кимдир жон олиб-жон бераётгани, кимдир ўқлар орасида жанг қилаётганини кўз ўнгимга келтираман. Ўзимдан жирканиб кетаман. Шу ерларга, ҳар куни бесаноқ аскарларини йўқотадиган, жанг майдонларида ажал билан тўқнашадиган қисмга келиб, пул ишлаётганимдан нафратланаман. Бироқ нима қиласай, айт. Россияда ҳозир мен одамлардай яшай олмайман. Ҳеч кимим йўқ. Яқин одамим ташлаб кетган. Кўчаларда фоҳишалик қилиб ҳам кун кўролмайман. Ҳеч нарсамга етмайди. Ҳар қадамда талончилар, ўғри, безорилар, киссавурлар тиқилиб ётибди. Сен ёки Ринат бу ерларда хору зорсизлар. У ёқда ресторонлар, барлар, кафеларда бойвачча тенгдошларинг майшат қилишмоқда. Зўрлашмоқда, ўлдиришмоқда. Ҳаёт ваҳшийлашиб бораяпти. Мен ўзимни оқламайман. Бироқ яшашга ҳақлиманин-ку! Тонмайман. Шу пайтгача фоҳишалик қилиб яшадим. 10-синфни тугатмасимдан синф раҳбарим ўзига илакишитирди. Уйланмаганди, бирга яшадик. Тўй бўлмасдан олдин ҳомиладор бўлдим. У мени ташлаб кетди. Дадамни билмайман. Ойим 14 ёшимда машина ҳалокатидан ҳалок бўлган. Бувимнинг қўлида улғайдим. Бошимга оғир кун тушганда бувим ҳам қазо қилди. Сўнгра фабрикага ишга кирдим. У ерда ҳам ишим юришиб кетмади. Таниш-билишлар орттиридим. Хуллас, бир шиша виноми, бир кути сигаретми узатиб, кўнглимни овлаш пайида бўлишди. Тўйиб кетдим. Кун кўриш, яшаш учун нимадир қилиш керак-ку, ахир.

Лекин мен Афғонда гарчанд Россиядагидан юз бара-вар кўп ишласам ҳам, бу ерга келиб хато қилганимни пайқадим.

Биласанми, қисмдаги аёлларнинг деярли ҳаммаси кўнгилхушлик, бойлик йигиши илинжида келишган. Ҳар кеча

улар зобитлар күчөгіда ётишади, керак бўлса, сен етти ухлаб тушингда кўрмаган буюмларни Кобулдан сотиб олишади. Урушда ҳам аёллар керак бўлади, бизни атайин юборишади, биз офицерларга керакмиз. Улар бизсиз чи- долмайдилар.

Лилия гапини йўқотаётган бўлса ҳам, ҳақиқатни айт- таётганди. Мен қадаҳларга тағин тўлдириб куйдим. Биз урушдан омон қайтиш учун кўтардик. У бир нуқтага ғамгин тикиларди. Бошини оҳиста кўтариб, менга тер- мулди.

– Яқинда яна жангга чиқасизлар. Бу сафаргисидаям бутун армия қатнашади. Гарdez томондаги постлар кур- шовда экан.

– Сен қаердан биласан? Ҳали биз тайёргарлик кўраёт- ганимиз йўқ.

– Штабдаги офицерлардан бири айтди.

– Қачон?

– Кеча. Армия штабидан топшириқ келибди. Меним- ча, узоққа чўзилмаса керак.

Мен қисм ичкарисидагилар ҳамма гапдан воқиф бў- лишларини олдин эшигандим. Ҳали взвод командирлари билмаган бу сир шу аёлнинг қулоқига етиб келгани ҳай- ратимни оширади.

– Офицер алдаган. Ҳали-бери жанг бўлмайди, – де- дим. Мен бу гапни нега айтаётганимни ўзим ҳам ту- шунмасдим. Очифи, жанг бўлишини сирам истамай қолгандим.

Назаримда, аёл буни сезди:

– Сен жуда кўп урушларда қатнашгансан. Кўркмай- сан-а, тўғрими?

– Биласанми, барибири бехуда ўлиб кетиш, мақсадсиз тентираш, азият чекишнинг нима кераги бор?

– Тушунаман. Шу ерда англадим. Бу уруш ҳеч қачон Совет армиясини оқламайди.

– Лилия, биз расво бўлганмиз. Аянчлиси, шу ерда ўлиб кетсак, эртага бизни эсламайдилар. Балки номимизни қарғиши билан тилга олишади.

– Сизларни ҳеч ким қарғамайди. Фақат бу урушнинг моҳият-мақсадини чуқур таҳлил қиласидилар. Э, ўйлама, жонинг омон қолса бас.

– Барибир кўзинг етмаса қийин. Ҳали олдинда нима бор, ким билади, дейсан.

– Сен биринчи батальондансан-а?

– Ҳа.

– Комбатларинг яхши одам. Куён юрак эмас. Яхши одам. Аскарни тушунади, ақли-хуши жойида. Офицерларнинг ичидаги шунаقا 4-5 та эркаги бор. Қолганлари унчаликмас.

– Нега?

– Майда-чуйда гапларга ўралашиб қолишган.

– Бизнинг рота командири ҳам анча довюрак, фаҳмли офицер.

– Стоногингми? Ҳа, биламан. Умуман, пиёдалардаги офицерлар ичидаги чин эркаклари кўп.

Мен сигарет олиб, тутатдим. Ҳаёлим анча чалғиганди. Назаримда, мен Лилия билан кўп йиллардан бери суҳбатлашаётгандим. У ҳам лабига сигарет қистириб, гугурт чақди. Орага бироз жимлик чўкди. Хона совий бошлаган эди. Лилия деразани ёпди. Ташқаридан оқиб кираётган сирли ваҳм йўли беркитилгандай бўлди. Хонада ўзимни эркинроқ ҳис қила бошладим. Ринат диванда тош қотиб ухларди. Мен уни ҳозир олиб кетолмасдим.

– Ринатни нима қилсан экан-а? – дедим, ўрнимдан кўзгалиб.

– Тегишма унга. Сен ҳам кетмайсан, шу ерда ётиб қоласан, – деди у дераза пардасини тортаётуб. У чироқни ўчирди. Кайфим аллақачон тарқаганди.

Мен ўша кеч ўзимни ёш боладай ҳис қилиб ётдим. Дунёда энг гўзал эркаланиш лаззатидан маст эдим. Мен сирам тонг отишини истамас, бир умр шундай қолиши ни жуда-жуда хоҳлардим. Ўша лаънати казармалар, танк ва БМП-2 лар, офицерларни сира-сира кўрмасам дердим. Мен шунча йиллардан бери фақатгина бир кеча яшаётгандим, бу кеча тирилгандим.

Биз тонггача ухламадик. Лилия менга кўп нарсаларни айтиб берди. Ҳар ҳолда у аёл эди. Ҳаёт эди. Дунёнинг шундай чиркин ўйинларини оралаб юрган йигит учун ягона овунчоқ эди.

У бўйнимдан қучиб қулоғимга шивирлади:

– Менинг аскарчам. Сўз берасан-а?..

– Нима деб?

– Менинг аскарчам, айт, сўз бер, мен тирик қоламан, де, мен ўлмайман де, сени бундан кейин ҳар доим эслаб юраман де. Сен яхвисан, ўлмагин. Хўпми, сен тирик қол. У ўксиб-ўксиб йигларди. Кўз ёшлари дувиллаб оқарди. Юрагим шунчалик вайрон бўлдики, мен уни бағримга босдим. Томоғимга нимадир тиқилди. У кўзимга шунчалик яхши кўриниб кетдики, бу ерда мен учун ҳали ҳеч ким мана шу аёл каби қайғурмаган эди.

– Тирик қоламан, Лилия. Мен бу лаънати жойда ўлиб кетмайман. Ҳафа бўлма. Мен омон қоламан, – кўзимдан иссиқ ёш қуйилди.

Тонг оқара бошлаганда туриб ювиндим. Ювиниш хонаси йўлакнинг охирида эди. Лилия орқамдан сочиқ, совун, шампун олиб келди. Уни янада яхши кўриб кетдим.

Ўзимизни тартибга солгач, Ринатни уйғотдик. Лилия унга ҳам сочиқ, совун ва шампун тутди. У ҳозир қаерга келганлигини элас-элас англаётганди, чамамда.

Лилия бизни самимий муносабат билан кузатди. Ташқари анча ёришиб қолганди. Айрим казармалар эшиги олдида навбатчилар донг қотиб ухлашарди. Бизнинг

«чижик»чамиз автоматига суянган күйи бутун рота ҳәёти-ни ўз ҳаловатига алиштириб, хуррак отарди. Биз билдир-май эшик олдига келдик. Менинг кайфиятим баланд эди. Ҳеч нарсани ўйламасдим. Модулдан миқ этмай келаётган Ринат навбатчини чунонам тепиб юбордики, у гупиллаб ииқилди-да, эсанкираб қолди.

– Ҳой, ит. Ротани дух сўйиб кетди-ку. Ҳа, онангни.

Аскар гангиб ўрнидан турди. Биз унга эътибор бер-май, казармага кирдик. Аскарлар дунёнинг гўзаллигидан бехабар, тирик юрганларига шукrona айтган каби тош қо-тиб ухлашарди. Казарма жудаям аянчли ва совук кўрин-ди. Кечаси билан кўз юммаган бўлсам ҳам, чарчоқ сез-масдим. Ринат ечинмасдан ўзини каравотига отди. Ёмғир тинганди. Рота уйқудан уйғонгач, паркка борилса керак, деб ўйладим. Пиёдалар қуролларини тозаласа керак. Мен каравотимда чалқанчасига шифтга тикилиб ётардим. Руҳим анча тетик бўлса ҳамки, оёқларим бироз оғирла-шиб, бўғинларим бўшашиб қолгандай эди. Мен Лилияни ўйладим. Хаёлимга чароғонлик инди.

II

Рота казарма олдида саф тортди. Одатдагидай рота командири ҳарбий салом-аликдан сўнг бугун бажарила-диган топшириқлар билан таништириди. Пиёдалар эрталабки нонуштадан сўнг қурол тозаларкан, броня-механик ва операторлар техникаларни жангта тайёрлайди, алоқа-лар текширилади, отув миллари кўздан кечирилади, тас-маларга снарядлар солинади, машиналарга ёғ куйилади. Яқин ўртада урушга чиқишимиз аниқ эди.

Эрталабки нонуштага қайнатилган балиқ ва бўтқа тайёр-ланганди. Бирорта столда овқатга қўл урилмади. Фақат оққанд ва кофе ичилди. Бир суртим сарёғ билан нон едик. Афғонда эсини танигандар сира бўтқа ва қайнатилган ба-

лик емасдилар. Чунки бу овқатни тановул қылғанлар удум бўйича энг паст аскар саналарди. Кимки бўтқа еса ўзига ЧМО деган уятли лақаб ортирар, кўпчиликдан ажралиб қоларди. Ўз қадрини билган жангчи очдан ўлаётган бўлса ҳам, ошхонанинг бундай «ювиндиси»ни оғзига олмасди.

Ринат билан ошхонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб тургандик, бошдаги столда ўтирган Мўмин чақириб қолди. Бизнинг улфатлар – Нурмахон билан Юра ҳам ўша ерда эди.

– Ҳа, овқат ўтмадими? – деди Мўмин сурилиб жой бўштаркан.

– Иштаҳа йўқ, – дедим мен.

– Кўтaringлар, бир кружкадан кофе ичайлик, кейин бирор нарсани ўйлаб кўрармиз.

– Ҳозир паркка борамиз-ку. Ўша ёқда овқат пиширамиз. Фақат омборхонадан у-бу нарса олволайлик, – деди Нурмахон.

Биз апил-тапил тамадди қилиб, ротадан олдин чиқдик.

Мўмин билан Нурмахон қисмнинг озиқ-овқат омборхонасига, Юра дўконга кетди. Ринат иккаламиз аскарларни жанг тўрвалари, эски-туски қишки кийимлар, қопкўрпалар сақланадиган омборхона – «холодный колтёрка»га бориб, жой ҳозирладик. Бугун шу ерни кун бўйи макон қилишга келишдик.

Нурмахон ротадаги энг яхши отувчи, аммо ўлгудай содда эди. Мўмин БМП-2да механик. Русчага анча нўноқ эди, бироқ машинани қўнгилдагидай бошқарарди. Юранинг айёrlигини ҳисобламаганда, довюрак жангчи, пиёдалар бўлинмасининг командири эди. У ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўймаганди. Бешовимиз ҳам Афғондаги «кеекса» аскарлар сирасига кирадик. Бу ернинг паст-баланди, ҳаёт оқимини анча-мунча сезиб ултургандик. Бизнинг омборхонада қолганимизни рота командири билиб қолмаса бас, бошқа зобитларни алдаб-сулдаб

тинчитардик. Улар ҳам «қария» аскарларнинг қўнглини оғритгиси келмас, кўплаб жангларда кўзи қотган аскарлар иш беришини яхши билишарди. Умуман Афғонистонда зобитлар жангчилар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилардилар. Урушда ўлим зобит ва аскар танлаб ўтиrmайди-да; барибир кимдир кимнингдир жасадини судраб чиқади, бошқа бирор шеригининг ярасига малҳам бўлади, ҳаётини сақлаб қолади. Faқатгина сен яшаб турган кунлар, тириклигинг ғаниматдир. Қолган икир-чикирларга туфлаш керак.

Йигитлар ҳамма нарсани муҳайё қилишди. Омборхонанинг бир бурчини тозалаб, эски шинелларни тўшадик. Мўмин ош пиширишга киришди. Юра у ёқ-бу ёқдан латифа айтиб турди. Мен жанг тўрвани бошимга болиш қилиб, ухлашга ҳозирлик кўрдим. Ринат Юра келтирган юзга суртиладиган «Атиргул суви» деган атирдан икки ҳўплам ичди. Изидан сигарет тутатди. Нурмахон жанг тўрвадан хандақ курак олиб, ўқ-дори яшикларини ўтин қилиб, ош тагига олов ёқиб турди.

Омборхонада ҳамма нарса айқаш-уйқаш сочилиб ётарди. Гранатадан тортиб, дутмушак, сувдонларгача то-пиларди. Пийма ва этиклар, сичқон еган қоп-кўрпалар, бари-бариси. Жангга нимаки зарур бўлса, шу ерда сақланарди.

Хона ичи тутунга тўлди. Эшикни бироз қия очиб қўйдик. Омборхонадан йигирма-ўттиз қадамлар нарида, казарма олдидағи йўлакда аскарлар курол тозалаяпти. Оператор ва механиклар саф тортиб турарди. Рота техники прапоршчик Довгий бизнинг гўримизга ғишт қалаб, аламини бошқалардан олаётганди. Мен прапоршчикнинг жаҳл билан у ёқдан-бу ёқка бориб келаётганини кузатиб турардим.

Довгий улфати одам эди. Лов этиб ёнарди-ю, бир пастда ўчарди. Аскарни тушунарди. Бугун бирорта айб

қилиб, күзига күрингемай юрсанг, эртасига эсидан чикариб юборарди. У бизни беш дақиқалар чамаси кутди. Йўқолиб қолганимизга ишонч ҳосил қилгач, броняни паркка бошлаб кетди.

Мен яхши ухлай олмадим. Шерикларимнинг ғала-ғовури тинчимни бузди. Битта «Донский»ни тутатиб, Юрадан бирорта латифа айтиб беришни илтимос қилдим. Ўзиям шуни кутиб турганмикин, Юра ўзи тўкиган латифалардан айта бошлади. Менга унинг «Мияси ишламайдиган зобит», «Автомат ҳамда чиройли қиз» хақидаги латифаси ёкиб қолди. Бошқалар ҳам роса кулишди. Мўмин ошни дам едириб қўйди. Ҳаммамиз бир хўпламдан «Атиргул суви» ичдик. Ичимликдан чиндан ҳам атиргул ҳиди келар, бироқ ичак-чавафингни кўйдирив юборарди. Ринат чўнтагидан ўроғлик қофоз чикариб, ичини очди. Печенье шаклидаги қоп-қора чарсдан ушатиб, «Донский» тамакиси билан аралаштириди-да, қайтадан сигарет қофозига жойлади. Чарс роса ўткир экан. Иккинчи бор айлангач, миямга бир нарса тўқиллаб урилгандай бўлди. Мен ўз мувозанатимни йўқотаёзгандим. Учинчи бор айлантиришни ошдан кейинга қолдирдик. Мўмин паловни қозони билан ўртага қўйди. Чарс чеккан одам жуда кўп овқат ейди. Биз дарҳол бир қозон паловни еб бўлдик. Изидан иккита хонни ҳам тугатдик. Сўнгра атиргул сувидан бир хўпламдан ичдик. Чарс билан аралашган ичимлик ўз кучини кўрсата бошлади. Негадир жангда ўлган жўраларимни эслаб, гапиргим келарди. Кўзимдан ёш сиза бошлади. Ринатни бағримга босиб, йигладим. Хаёлимда ўтган галги Чорикор жанги қотиб қолганди. Ринат икковимизни ҳам душман қўлига асир тушиб қолишимиз ҳеч гап эмасди, ўшанда.

— Бизни танқчилар куткарди, Ринат! Йўқса, дабдаламиз чиқиб, Покистонда банди бўлиб юардик.

Ринатнинг кўзларида ёш ғилтиллади. Нурмахон, Мўмин, Юра – ҳаммамиз йиғлаётгандик.

– Ўтган гал Андрейни ўзим кўтариб чиқдим. Зўр йигит эди-я. Кўкси ёрилиб кетганди. Қони устимга, қўлларимга тегди, – Мўмин бармоқларига тикилиб сўзларди.– Мен қисмимиздан энди ҳеч ким ўлишини истамайман, тушунаյпизларми, жангга боришдан қўрқиб қолибман. Тайёргарлик кўринглар дейишиша, юрагим увишади. Тезроқ туғасайди. Жонимга тегиб кетди. Сувдан ол буёққа, Ринат,— у сувдонни ютоқиб симириди.

– Жўралар, менинг отам йўқ. Қари энам бор. Ўлиб кетсам, шўрлик энам жинни бўлиб қолади. Тушунаյпизларми, энам тентак бўлиб қолади. Мен энамдан кўп яшадим, аммо яна яашшим керак, тирик қайтишим керак. Менинг ўлишга ҳаққим йўқ.

– Нурмахон, мениям отам йўқ. Онамнинг суюнганиман. Бечора онамнинг ёзган хатларини ўқисанглар эди. Юрагим эзилиб кетади. Урушга кираверсам, кўз олдимдан онам лишилаб ўтаверади. Онам мендан оғир кунларни бошидан ўтказаяпти. Она. Онажон, ўғлингиз, наша чекди, умрида кўрмаган нарсаларни ичаяпти, Онажон. Сизни соғиндим. – Телпагини оёғи остига ташлади. Чирт этказиб туфларди дам-бадам.

Биз ақлдан озган, алаҳсираётган одамларга ўхшардик. Яна чарс тутатдик. Бир мартадан тортдик. Менинг юзим совиётганди. Батамом ўзимни йўқотиб қўйдим. Қўл-оёкларим ўзимга бўйсунмай қўйди. Гўё ердан баландлашаётгандай, учайтгандай эдим. Олислардан йиғи эшитилар, аллақандай жимир-жимир тўлкинлар кўринарди. Сувсизликдан лабларим тобора қуруқшарди. Мен ҳеч нарсани идрок қилолмасдим. Мен ўлик-тириклигимни билмай қолдим. Фақат йиғи товуши эшитиларди. Мен йўқ эдим, ҳаётда яшамагандим. Урушни ҳам кўрмандим.

III

Менга нима бўлганлигини англай олмай уйғондим. Бoshimda Rинат ўтирибди. Кўзи қизаринқираган, қовоқлари уйқусизликдан анча салқи тортган. Boшим карахт аҳволда хувилларди, худди гурзи тушгандай лўқиллаб оғирди. Tanамда куч қолмаганди, гўё. Қорним роса очиққан, лабларим қуриб қовжиарди.

– Rинат, ановилар қаерга кетишди? – дедим ўрнимдан базўр жангтўрвага суюниб қўзгаларканман.

– Егулик олиб келгани кетишди, тезда қайтишади. Биз ҳам ҳозир турдик. Ҳаммамиз қотиб қолибмиз. Яхшиям бирорта шақол билиб қолмабди.

– Сувдонни бер.

Rинат камарига осилган темир сувдонни ечиб, узатди. Ичим ёнаётганди. Bir кўтаришда сувдонни қуритдим. Tanамга бироз жон кириб, бошимнинг хувиллаши бо силгандай бўлди. Omборхона эшигини қиялатиб очдик. Tашқаридан намиққан тупроқ ҳиди урилди. Мен тезроқ овқат топиб келишларини сабрсизлик билан кутардим. Қоринни тўйғазиб, бу ердан қўзғалиш, ротага бориш зарур эди. Agar кун бўйи қочиб юрганимизни рота командири сезиб қолса, ротанинг олдида шарманда қилиб, бир ҳафта навбатчиликка қўйиши аниқ.

Boшим карахт эди. Omборхонанинг захлиги билина бошлади. Мен совуқ қотдим. Kўл-оёғим уюшиб, қалтирай бошладим. Ҳалиям туман ичидагандайман. Haёлимдан кечётган ўйларим узук-юлук, бир нарса ҳақида тўлиқ фикрлай олмасдим, тасаввуримда намоён бўлаётган воқеалар чалкаш-чулкаш, бир-бирига уланиб кетаяпти. Назаримда, номозшомгача ухлагандайдим. Ичимни ит таталаяпти. Rosha очиқдим. Эски шинель ҳамда ашқол-дашқолларнинг димогим кўниккан бўйи энди кўнглимни айнита бошлади. Mуздай сув сипкориб, тинчроқ, хушманзара бирор

жой бўлса тағин мизғиб олишни жон-жоним билан хоҳлаётгандим. Рўпарамда чайқалиб турган, кўзлари қизариб кетган, юзидан маъно ўқиши маҳол Ринатни ҳам кўргим келмаётганди. Қанийди, күёш чараклаб турса, қишлоғимнинг адодидаги Хазарбоғ ариғи бўйлаб ястанган бедазорда оёқ узатиб ётсам. Осмон тип-тиник, даланинг поёни йўқ. Ҳа, айтмоқчи, ҳозир беда авжи гуркираган маҳал-а, бригадир ким экан бедазорда, э, нима фарқи бор.

Тапиллаган овоздан чўчиб тушдим. Эшикка бораётган Ринат жанг тўрвага урилиб йиқилди. Одамзод бошини йўқотса, қаерга юришини билмай қоларкан. Менинг назаримда, биз кўршапалакка ўхшаб қолгандик. Ринат нимадир деб тўнгиллади.

– Ҳа, қаттиқ йиқилдингми?

– Э онасини. Ўзимни тутолмаяпман.

– Иложи бўлса шу лаънатини, жўра, камроқ чекайлик.

– Ўрганиб қолганмиз, шекилли, барибир эмасми. Чекиши яхши. Расво бўляйпмиз. Бунақа йўл билан кун ўтказиб бўлмайди. Урушга чиққанимиз яхшийди қайтанга. Кунлар жуда тез ўтади. Менимча, қанчалик тўс-тўполонли жанг бўлса, ўша пайтда ҳеч нарсани англай олмайсан. Жангда ваҳимали бўлмаскан унча. Фақат урушдан кейин эслаб эсинг чиқиб кетади. Аллергиянг тошади.

– Агар тирик қолсанг, эслаш насиб қилса.

Ринат анчагина чиниқсан, эпчил йигит. Бироқ ёш болагаем ўхшайди. Баъзан аразлаб ҳам қолади. Ринатнинг уйда эрка ўсганини, ёлғиз фарзандлигини пайқаб олса бўларди. У гапга чечан, ишнинг кўзини биларди. Шу пайтгача уни кўрқоқлик қилганини сезмаганман. Жангда ҳеч қачон қиёфасидан қўрқув ё эсанкираш аломатини сезмасдим. У аёллар ҳақида гапиришни хуш кўрарди. Армияга чақирилгунга қадар қилган қилмишларини эшитиб ёқамни ушладим. Ўзиям мазза қилган-да. Гоҳида йигитлар унга сен қўп аёл билан бўлгансан – ўлиб

кетсанг унчалик қайғули эмас. Биз қишлоқилар ҳали бирортасига тузукроқ гап ҳам отмаганмиз, хизматдан қайтгач, жононларинг билан таништириб қўясан-а, дейишарди. Ротада Валерий ҳамда Валис деган аскар йигитлар хотинидан мактуб оларди. Назаримда, улар қўп нарсани кўриб ултургандай эдилар. Ҳамма шу икковига ҳавас қиласарди. Бошқалар гўёки ёш бола эди ҳали, бошқалар ёрдан олдин куролни кўкрагига босишганди. Умуман, ўн саккиз-йигирма ёшли йигитчалар учун ҳаёт ўз шакли-шамойилини кўрсатиб ултурмаганди, қисмат шўрликларнинг манглайларига қора чизик тортганди. Пешонаси қора эди уларнинг.

– Ринат, жангда нимани ўйлайсан, тўғрисини айт.

– Очифи, қаллам ишламай қолади. Ҳеч нарсани тушиунмайман. Ўзимни кутилмаган бир мўъжиза туфайли бошқараман. Агар снаряд учса ёки отилса қандай қилиб, тезлик билан ётиб олганимни билмайман. Мени нимадир бошқаради.

– Гапинг тўғри. Йўқса снаряд товуши билан биргаликда одам ўзини ҳимояга ҷоғлаши ғалати. Одам снаряддан тезроқ ҳаракат қиласади, одам ўқдан тез учади.

– Жанг пайтидаги аҳволингни ҳеч қачон тушунтириб беролмайсан, – деди Ринат.

Биз биттадан «Донские» тутатдик. Мен ухлаб турганим учун совуқ қотяпман деб ўйловдим. Аслида иссиғим кўтарилаётгандай эди. Мен ёқимсиз ҳид ўрнашиб қолган шинеллардан бирини олиб, устимга ёпдим-да, яна узала тушдим. Қандай қилиб бўлса ҳам куннинг ўтишини истардим. Бадбўй омборхонанинг нимқоронғу бурчагида шинелга ўралиб олиб, Лилия ҳақида ўйладим. Мен кечаги воқеаларнинг содир бўлганини тасаввур қилолмадим. Негадир бу туш деб ўйладим ва бунга ишондим.

Эшик очилиб, Нурмахоннинг шанғиллаган овози эшистилди.

– Опкелдим, биродарлар. Тушликни ҳам шу ерда қи-
либ, кейин чиқамиз.

У қўйнидан битта буханка нон чиқарди. Чўнтағидан
уч-тўртта оққанд олиб қўйди. Ринат бўшаган сувдонни
олиб ташқарига чиқди. Энди омборхонанинг қоронғу
бурчакларига ҳам кўзим кўнидди. Нурмахон нонни бўлак-
лаб эски тўшакча устига қўйди.

– Рота қуролларини тозалаб бўлди. Броня паркдан
қайтибди. Тушдан кейин бу ердан тўрваларни олгани ке-
лишаркан.

– Жангга чиқарканмизми? Сенга ким айтди?..

– Ротада шундай гап. Ҳали номаълум. Тайёргарлик
куришмоқчи, шекилли. Механик-операторлар ўқ-дори
омборига бориб, снаряд, граната олишади дейишашапти, –
Нурхон гўё ўзини бепарво тутиб гапираётган бўлсаям,
ваҳимага тушаётганини билиб туардим. Мен ўзимни ҳеч
нарсага эътибор бермаётганга олдим.

– Полкдаги бир хил кунам одамнинг меъдасига тега-
ди. Айланиб туриш керак. Казарма, ошхона, қоровулхона,
парк. Жуда зерикарли-ку бу. Бизам у-бу нарсани тайёрлаб
қўяйлик. Ким билади дейсан, бу кечаёқ йўлга тушишимиз
мумкин. Овқатлангач, шу ерда тўрваларни тайёрлаб, ка-
зармага олиб борамиз. Кийим-кечакнинг янгисидан ажра-
тиш керак. Иложи бўлса, ошхонадан сабзи-пиёз, ёғ олво-
лайлик. Бизга беришадиган кунлик овқати етмай қолиши
мумкин. Неча кунга кетаётганимиз номаълум. Ҳамиша
икки-уч кун дейишади, кейин ойлаб қолиб кетамиз.

– Шу ердаям қорнингни ўйлайсан, Бойбиш. Худди
очдан ўладиган одамга ўхшайсан. Назаримда, овқат учун
туғилгансан.

– Э, бу ерда одам ғалати бўлиб қоларкан.

– Ҳеч нарсадан ҳазар ҳам қилмаскан.

– Нима демоқчисан?

– Айтмоқчиманки, биз ҳайвонга ўхшаймиз.

- Бўлди, донолигинг қўзимасин, энди.
- Ҳа, майли. фақат анови тўрвани олиб оёғимнинг та-
гига қўй, илтимос, жуда совуқ қотаяпман. У менинг чўзи-
либ олиб иш буюришимга парво ҳам қилмади.
- Сенга бир гап. Шундай қилиб ошна, Афғондан ке-
йин ўқиши давом эттирасанми?
- Албатта. Хўш, нима демоқчисан?
- Малим бўлиб чиқасанми?
- Балким.
- Сен пединститутни битириб, офицер бўлмайсан-ку,
бунинг устига, сал ҳардамхаёлроқсан.
- Менга қара, Бойбиш. Сендан тузукроқ экандирман-
ки, ўқишига кирганман. Институтда ўқиганман. Озми-кўп-
ми тушунчам бор, оғайнини. Болакайларни ўқитиб юраве-
раман-да.
- Ўрис тили малими бўламан де?
- Нимага шама қиляпсан, ҳой.
- Ҳа, энди ўрисчани сувдай симириб юборгансан,
алоқада комбатга берган ахборотингни эшитиб, роса кул-
дим. Кимки алоқада турган бўлса ичаги узилди. Сенинг
ковушмаган гапингни шўрлик комбат зўрға англади-ёв,
ўзиям роса уялиб кетди. Ротний сени «ўрис адабиёти инс-
ти тути» да ўқийди, зиёли, деб оператор қилиб қўйувди.
- Ўрисчага сал йўқман, барибир институтда биринчи
курсни бешга битирдим. Ҳарҳолда ўрис адабиётини оз-
моз биламан. Тил билмаслик илмсизлик дегани эмас. Сен
тушунармидинг буни.
- Ҳа, бўпти. Бироқ, сал нервиннироқсан. Болаларни
уриб-сўкиб ташлама, деяпман-да.
- Ҳов, менга қара. Жағинг очилдими? Сенга ким ай-
таяпти, болаларни ўқитаман деб.
- Ўзинг.
- Ҳазилингни қўй, Бойбиш. Афғондан кейин, ишла-
шимга қўзим етмаяпти, ошна. Тўғриси, мен у-бу нарса

ёзмоқчиман. Ўқиши журналистикага айлантираман. Насиб қылса, ёзувчи бўламан, умуман одамлар ҳақида, сен тўғрингда ёзаман.

– Армиядан олдин ҳам ёзганмисан. Тўғриси, айрим гапларинг чолларникига ўхшаб кетади, сени ғалатироқ деб ўйлаб юрардим.

– Бойбиш, бизнинг ёшлигимиз қолмади, ошна. Болалик, навқиронлик, дарёнинг нариги томонида қолиб кетди. Бу ерда ўлим ва сен борсан. Уруш. Манави қоронғу дунё бор. Билдингми. Сен ўзингни ўн тўққиз ёшдаман деб ўйлайсанми ҳалиям. Одамзод танаси навқирон бўлиши мумкин, бироқ кўзидан қариыйди. Бизнинг кўзларимиз кўп нарсани кўрди. Бойбиш, агар кўзига ёш келса одам шу лаҳзанинг ўзида беш йил яшаб қўйган бўлади. Ёш кела-вериб, бизнинг дийдамиз қотиб кетди, ошна. Мен шундай темир бўлиб қолганлигимиз, кўксимиизда муштдек тош қотиб қолгани ҳақида ёзмоқчиман.

– Уруш фақат қаҳрамонлик эмаслиги ҳақида ёз.

– Уруш ҳеч нарса эмаслиги, бу ҳақда ёзиш нақадар оғир эканлигини одамларга тушунтирум бўлди.

– Уруш – қўркув. Кўркув – эсингни йўқотиш. Эсингни йўқотганингда эса сенга барибир. Мен жангда тириклигимниям, ўликлигимниям унутиб кўяман. Чорикордаги жангни эсла, ҳамма тентакка ўхшаб, югуриб қолувди, одам қутуриб кетаркан. Жангдан кейин кўпчилик, ярадор бўлмаса-да госпиталга жўнатилди. Ўзини эплаганлар ҳам анча кунгача аслига қайтолмай юрди. Шундан бери урушга чиқамиз, деса оёқ-қўлим бўшашиб, юрагим увишади.

– Бойбиш, сен бизчалик ҳеч ким хору сарсон бўлмаслигини ўйлаганмисан?

– Оз-моз.

– Биз бу ерда беҳуда дабдаламиз чиқиб юрганимизни ҳис қилоласанми? Бойбиш, биз расволар ва нодонлармиз.

– Нима қилиш керак? Урушга чиқмай қолишни йўлини тополасанми?

– Йўқ. Урушда ўликларгина урушга чиқмайди.

– Буни яхши биламан. Мана сенинг ўзингнинг ҳам Афонга ўтгандан кейин кўзинг очилди. Ҳарбий ўқув пайти ҳеч нарсани тушунмасдинг. Афонистонни – қаҳрамонлик майдони дердинг. Мана сенга жасурлик кўрсатишнинг вақти келди. Эртага урушга чиқамиз, отамиз. Танклар, БМПлар, БТРлар, портлашларни кўрасан, шундайми? Бизни роса алдашган-да, энағарлар.

– Бу давлатнинг ўйини. Қўй, э, онасини.

– Ўйиннинг бунақасини нима деб аташ мумкин? Ниманинг ҳазили бўлмайди, ёзувчи бола, биласанми?

Нурмахон жим бўлиб қолди. Бошим лўқиллаб оғирди. Қовоғим оғирлашди. Ринат яримлатиб ташлаб кетган сигаретни олиб лабимга қистирдим. Гугурт чақмоқчи бўлгандим, қўлларим қалтираётгани баттар хўрлигимни келтирди. Энди ичмасликка, исқоти чарсни чекмасликка аҳд қилдим. Шуни чекиб олсанг кўп нарсани унутасан, муҳими қўрқув хисси йўқолади, урушда шу қўл келади. Зобитлар чекиб олганингни билишади, бироқ ҳеч нарса демайди. Уларга ҳам сенинг жасур бўлиб қолишинг керак. Умуман, сен ўзингдан йироқлашмай туриб, ёвуз ишларни бажаролмайсан. Урушда ақлинг жойида туриши – бўлмаган гап.

Ташқаридан қадам товушлари эшитилди. Дарҳол бурчакда уюлиб ётган ашқол-дашқоллар орасига беркиниб олдик. Эшик бир зарбда очилиб, Мўмин билан Юра кириб келди. Кўйинлари дўппайиб турибди. Биз ўрнимиздан туриб, уларни роса сангиганидан койидик. Ошхонадан овқат олиб келишибди. Биз шинель устига қозонни қўйиб, Ринатни кутдик. Зах қоплаган омборхонани шўрва ҳиди тутди. Менинг иштаҳам очилди. Бироздан сўнг Ринат темир қутида қуюлтирилган ширин сут, печенье ва сув олиб келди. Биз роса очиққандик. Дарҳол, чурқ этмай, овқатни

туширдик. Қорин ғами кетгач, омборхонани титкилаб, ҳар биримиз ўзимиз учун жанг тўрвасини тайёрладик. Жанг тўрвага учтадан сувдон, олтита ўқдон, пийма, қоп кўрпа, хандақкурак жойладик. Ўқ дори, хабармушак ва озиқовқат казармада тарқатилади. Умуман олганда, техникалар паркидаги темир-терсак омборхонасидан қолган-кутган камчиликларни тўғрилаб қўйсак бўларди. Жанг тўрвалар ҳозирлангач, бурчакка яшириб, ташқарига чиқдик.

Ҳаво тоза эди. Ёмғирда чайилган тоғ-адирлар гўё қўл узатсанг етгудай яқинлашиб қолган. Атроф тип-тиник. Қисм ҳудудига ҳам аллақандай файз кирган. Казармалар кечагидай ғариб ахволда эмас. Осмонда паға-паға нур ичириб эркалаётгандай – гоҳ борлиқни чароғон этади, гоҳ сурув булатлар ортида паналайди.

Казармада ҳамма ўз иши билан банд. Аскарлар уруш тадоригини кўришмоқда. Ичкарида ўқ-дори, қисмларга ажратилган яроғлар сочилиб ётибди. Жангчилар тўп-тўп бўлиб, яроғини тозалашмоқда. Мен қуролхонадан автоматимни олиб, текшириб кўрдим. Қуролимнинг жангда панд бермаслигига ишонч ҳосил қилдим. Эрталаб йўлга тушишимиз аниқ бўлгач, омборхонага яшириб қўйган жангтўрвани олиб келдим. Каравотим тагига жойлаштириб, навбатчидан кўз-қулоқ бўлиб туришини илтимос қилдим. Механик ва операторлар ҳали техника паркидан қайтмаган эди. Мен Ринатдан машина жангга шайми, деб сўрадим. У менга шубҳа қилма, ўзинг снарядларни тўлиқ юклаган бўлсанг бас, отув милини тозалаганмисан, деди. Умуман олганда, машинани ўтган куни урушга ҳозирлаб қўйгандик. Мен кечки овқатгача ухлаб олишга қарор қилдим. Ечинишга ҳам эриниб, ўзимни каравотга отдим. Нурмахон билан Мўмин техника паркига кетишиди. Ринат ҳам ухлайман, деди. Юра қурол тозалашга киришди. Казармада авжига чиқсан бақир-чақир оғушида уйқуга кетдим.

Кечки нонушта пайти уйғондим. Ротанинг тенг ярми ҳовлида саф тортган эди. Казармада взвод командири Ермилен қолғанларни тезроқ ҳовлига чиқиб, қаторга туриш учун қисталанг қиласапти.

— Ҳе, онангни фалон қиласай! Тезроқ бўл, қимирла!

Телпагини қўлига олиб, айримлари гимнастёркасининг бир енгини кийишга ҳам улгурмаган ёш аскарлар тапур-тупур қилиб кўчага отилишиди. Бундан руҳланган Ермилен овозини тағин бир парда баландлатди.

— Тезроқ қимирлангар. Нима онангни курортида дам оляйсанларми? Озгина имкон берсак, бошимиздан туриб, ҳамма ёқни булғатасанлар, ҳамма кўчага. Учгача санайман. Бир, икки... икки яrim...

Мен ўрнимдан шошилмасдан туриб, ювингани чиқдим. Ермилен менга бир қараб қўйди-да, тағин, яқинда келган аскарларга ўшқира кетди, ҳали айрим «кари аскарлар» каравотда донг қотиб ухларди. Ермилен ўчини ҳам «чижик»лардан олаётганди. Мен юви ниб келиб, Ринатни тутиб уйғотдим. Бу пайт ҳамма «қария»лар казармани тарк этаётганди. Кечки овқатга бориш учун сафга туришимиз шарт эди, чунки рота командирининг ўзи назорат қиласарди. Рота энг охирги аскар келиб сафга қўшилмагунча кўчада турди. Бошқа роталар аллақачон ошхонага кириб бўлган, биз командирнинг инжиқлиги учун эмас, тартиб интизомни мутлақо бўшаштириб юборганимиз учун «жазоланаётган» эдик, гўё. Рота нонуштага яrim соат кечикиб кирди. Овқатланаётганимизда ҳам командир кузатиб турди. Ҳеч ким бошқа столга кўз олайтирмади. Ҳеч ким ҳеч кимнинг бошига чўмич ё ликопча билан туширмади... Назари очларни командир-

нинг салобати босиб турди... Кечки нонуштадан сўнг рота казарма олдида яна саф торти. Командир эртага жангга кетишимизни маълум қилди. Керакли асбоб-ускуна, анжом-аслаҳаларни шай қилиши, йўқса бутун рота бу кеча ухламаслигини айтди. Кўпчиликнинг ғазабини қўзитса ҳам у, албатта, айтганини бажартирас, бир сўзли, самимий, довюрак инсон эди... Барибир аскарлар рота командирини яхши кўрардилар. Урушда юраги бор, иродаси мустаҳкам зобитлар қанчалик қаттиқкул ва бешафқат бўлмасин, уларга ҳамма ҳавас қилади, кўпчиликнинг эътиборида бўлади. Зобит учун эса энг муҳими қўл остидагилар назарига тушишдан ўзга юксак шухрат ва мукофот йўқ...

Казарма ичи тўс-тўполон... Аскарлар тезроқ жангга тайёргарлигини кўриб, эрталабгача ухлаб олиш пайдада. Ҳамма нарсасини тахлаб улгурганлар темир совут, автомат ва каскасини каравоти ёнига қўйиб, уйқуга кетишган. Мен ташқарига чиқиб, сигарет чекдим. Кўкда юлдузлар ғужгон. Ой оҳиста сузади, гоҳо пар булатлар орасида кўринмай кетади, бироздан сўнг яна қалқиб чиқади, тун бошидан шовуллаб ой сути – тиник нурлар тўклилади. Менинг назаримда, зулмат билан ёруғлик жанг қилаётганга ўхшайди. Бирпасда зим-зиё тун чўкади, тагин ойдинлик инади, ой ёғду сочади. Олисада, тоғ томонда кўкка ёнувчи ўқлар тизмаси санчилади. Пулемёт ё автоматларнинг тариллагани элас-элас қулоққа чалинади. Ёнувчи ўқлар тизмаси энди ҳар томондан учади. Душман отаётибдими, бизникларми, билиб бўлмайди. Бундай тиник кечалари уйқунг келмайди, руҳинг тетиклашади. Кенгликларни айлансанг, анови кенгликлар бағрини ёриб кўкка узлуксиз ўқлар учяпти, одамларнинг ич-ташини хавотир емираяпти. Қанчалаб кишилар қирилиб кетаяпти.

Мен кайфиятимни күтаришга, имкон қадар бўлмағур хаёлларга чалғимасликка ҳаракат қилардим. Кайфиятимни туширмай дам олишим зарур эди. Эртага барвақт туриб, йўлга тушамиз. Бошим чароғон бўлиши керак. Ҳеч қандай ваҳимага ўрин бермайман. Пешонада борини кўраман. Ахир биринчи марта эмас-ку. Э, одам қанчалик эътибор берса, шунча ваҳимага тушади. Қарасанг-чи, ойдин кеча, атроф нурли, осмон сирли. Баҳор ҳавоси кўнгилни яйратади-я. Мен яна битта чекаман-да, бориб ухлайман, эрталаб эса азонда туришим зарур, йўлга тушамиз. Нима қипти, икки-уч кун айланиб келамиз-да. Ҳозир унчалик отишма бўлмаса керак. Гардез Чорикордай хавфли жоймас. Эй, қўй, шунга ўзингни қўярга жой тополмай қолдингми. Ўзингни бос, ҳеч қандай қўркув бўлмаслиги керак юрагингда. Биринчи гал рейдга чиққанингдаги ҳолни эсла. Шер эдинг, гўё. Қизиқ, хаёлингга ҳеч нарса келмабди-я. Тезроқ душманга дуч келсам деб ошиқибман. Мана битта чекаман. О, ўзиям «Охотничий» – яхши сигарет. «Донские» бошни тамом қиласди. Рота ҳали ухламайди. Қисмни айлансанмикан?.. Нима кераги бор. Бундай кечаларда қишлоғингнинг кўчаларида юрсанг, атрофингдаги қишлоқларнинг чироқлари ғужгон кўринади. Мормин, Хўжасоат, Обшир, Чеп. Худди, юлдузлар ўша қишлоқлар тепасида муаллақ туриб қолганга ўхшайди, аслида улар уйларда порлаган чироқлар бўлиб чиқади. Итлар тинмай хуради. Ҳамма ширин уйқуда. Майин шабада эсади. Сен эса сайр қилаверасан. Ҳозиргидай ҳузур-ҳаловатни гўзал кечা оғушида фақатгина қишлоғинг, ота-онанг оғушида ухласанг мазза-да. Бизнинг уйдагилар ҳозир нима қилишаяптийкин? Отам ухлаб қолган. Бечора ишдан роса чарчаб қайтган. Онам, укаларим, катта энам уйғоқ. Нима ҳақида гаплашишайптийкин? Балки, мени эслашаётгандир. Ахир мен ҳам уларни ёдга оляяпман-ку. Улар мендан хавотирланиша-

ди. Бу ерда уруш. Ўлиб кетишинг мумкин. Мен ўлишни ҳеч қачон истамайман. Мен сизларни ташлаб кетмайман, ҳали учрашамиз, жигарларим. Эй, худо, ўлмайин, бу сафарги жангдан ҳам омон қайтай. Ўлмайлик, ярадор бўлмайлик. Худойим, ўзинг паноҳингда асра!

Мен хаёл билан бўлиб, аёллар модулига яқинлашиб қолибман. Бироз қимир этмай турдим. Яна сигарет тутатдим. Модул эшиги олдидаги қоровулни аниқ қўрдим. Аёлларни кўриб туриш жангга боришдан минг марта оғирлигини сезаётганмикин у. Бундай ойдинликда беркиниб бўлмайди. Уни беш-олти қадам наридан туриб қайси ротадан эканлигини таниш мумкин. Аффонда қанча хизмат қилдийкин? Агар «қария» бўлса, аёллар модулига қоровулликка туришдан ҳазар қиласарди. Ўлдириб ташласанг, кечаси билан бу жойни «боқиб» чиқмайди. Чижиклардан бирортасини қўйишгандир. Ҳали бирор марта бизнинг ротадан аёллар модули навбатчиликка туришмаган. Йўқ, урушга чиқадиганлар, жангга яроқлиларни ҳеч қачон хотинлар қоровули этиб тайинламайдилар. Штабдан бошқа жойни қўрмаган, югурдак ёзарлардан бўлса керак. Уларга барибир, ўлдирсанг ўлдир, ичимга тепма деб ётиб олишади, урушга чиқмасалар бас, қисмдаги ҳар қандай юмушни бажаришни ор билмайдиган бу тахлит кимсаларни «штаб товуклари» деб тўғри айтишади. Йўқса, штабга ёзар бўлишармиди, думба бойлаб, тўйиб ухлаб, озода кийиниб юришармиди. Бу оқбилаклар умрида автомат отиб қўрмаган, жанг деса иштонини ҳўллаб қўйишади. Бироқ қисмга келадиган жами маҳфий буйруқ ва топширикларни энг аввал шулар эшитишади. Улар ўзларини қора аскарларга нисбатан баландрок тутиб урушда уруш қўрмай юрганларига шукrona айтишади. Жангчилар уларнинг айримларидан қаттиқ нафратланишарди, чунки штабдан чиқмай кўксига «Қизил Юлдуз» ёки «Жасорати учун»ни тақиб олган ёзарлар, жангда ўлиб-тирилган аскарларга аталган

мукофотни ўзларига ёзиб юборишади. Ҳеч ким ҳеч нарсаны суриштириб ўтирмайди, аффонда жанг қиласяптыми, демак, қахрамон бўлишлари керак. Э-э, ҳамма томоннинг дабдаласи чиқиб кетган. Ҳатто ҳарбийда ҳам ҳақиқат йўқ. Урушда ҳам бир-бирини алдайди булар.

Модулга киришга негадир ҳафсалам йўқ эди. Кўнглимга қил сиғмаяпти. Ўзимни шунчалик абгорҳол сезардимки, ҳеч кимга дуч келишни истамасдим. Қанийди, ҳозир ҳеч кимса йўқ кенгликка тушиб қолсанг. Ўзидан-ўзи хўрлиги келаётган одамнинг кўнглига ҳеч нарса малҳам бўлолмайди. Агар ҳозир мендан кўнглинг нимани истаётир деб сўрашса, лом-мим деёлмасдим. Чунки мен караҳат эдим. Мен ҳаммадан – ҳаётдан, ўзимдан нафратла наётгандим, тўйиб кетгандим. Лилияning олдига бориш учун мен ўзимни қадрлай олишим, ўзимда шу нарсага маънавий тайёргарлик кўришим керак эди. Одам ўзини тамоман йўқ деб ҳис қилса ва бунга ишонса, у кўп нарсадан маҳрум бўлганлигини пайқаб қолади. Хўш, нима дейман? Қийшанглаб, Лилия мен эртага урушга чиқаяпман дейманми? Тағин ундан мурувват тилайманми, эркаланаманми? Қандай қилиб? Ахир мен ич-ичимдан идраб, тутдай тўкилиб бораяпман-ку?!

Қайтиш оғир эди, аммо мен казармада дам олишим кепрак, эртага йўлга чиқамиз.

Казармада шовқин-сурон тинмаганди. Аскарлар бурчак-бурчакда ўтирволиб овқатланишяпти, чекишмоқда. Бошқалар жангга тайёрланишмоқда. Янги келган жангчиларнинг тарафдуди ҳалиям битмаган. Нимаики дуч келса, жангтўрвага солишимоқда. Жангчиларнинг ҳазил-хузили, «онангниси» эшитилади, гоҳида бир томондан бошқа тарафга кирза этик учиб қолади. Кимдирвой-войлаб, ғазаб билан сўкинади, кулгу кўтарилади. Кўпчилик тумба устига энгашиб олиб уйга мактуб ёзишмоқда. Жанг олдидан одат бўйича, ҳамма яқинларига хат жўнатади. Мен онамга

мактуб ёзиб, каравотга чўзилдим. Эртанги кун ҳаяжони юрагимни ғаш қила бошлади. Кўзимга уйку келмади. Мен ўлим ва тириклик оралиғидаги масофада тебранаётган кимсага айлангандим. Хаёл суриш, азобланишга маҳкум этилгандим. Шу ерда, мана шу казарма ичидан мен билан бирга нафас олаётган, эртага мен билан бирга жанг қиласиган, эҳтимол, эҳтимол мен билан бирга ярадор бўладиган ёки ўладиган қуролдошлар ҳам менчалик эзилаяптимикин, улар ҳам мен каби ўзларини тушунмаяптимикин? Ёки одам ўлими яқинлашиб, ё бирор фалокатни сезса, худди менинг аҳволимга тушиб қолармикин? Ахир менда илгарилари бундай ҳолат бўлмаган-ку сира? Мен ўрнимдан туриб, қуролхонадан қалин темир нимчани танлаб, бошимга келтириб кўйдим. Ҳар эҳтимолга қарши олтита ўқдон олиб, жангтўрвамга жойладим. Ўқ-дори машинамда етарли эди. Старшинадан ўн кути сигарет олиб тўрвага солдим. Тағин нимадир қилишим керакдай эди. «Чижик»лардан бирини чақириб, гимнастёркамга оқ ёқа тикишни буюрдим. Ўзим мажбурлаб бўлса-да, ухлашим керак эди.

Инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг баҳтли эканлигини, гарчанд баҳт сўзи нисбий эрса-да, баҳтиёргилигини сезиб қолади, демакки, олдинда бундан-да кемтироқ, но-тугал, ғамгин кунлар бор. Назаримда, бу кечалик баҳтим – менинг тириклигимда эди. Бутун инсоният баҳт ва баҳтсизлик тушунчаларини ўзини овутиш учун ўйлаб топгандир. Ҳаёт ва ўлим оралиғидаги кўркув қанчалик улфайган сари, инсон ўзини ҳалокатга шунчалик тез тайёрлайди ва кўнишиб боради. Биз айтган «тириклик – баҳт!» деган зўракилик эса жудаям кулгили бўлиб қолади.

Барибир ухлай олмадим. Казармада энди у ёқдан-бу ёққа беҳуда ўтавериб, асабни егувчилик камайиб қолганди. Тўртинчи взвод ётоғида овқатланиб бўлган Ринат ёнимга келди. Кайфияти тетик. Тағин тортишибди.

– Нега бизнинг олдимизга бормадинг? – деди у каравотига ўтириб. Ринатнинг юзидан қон қочган, кўзлари қизаринқираган эди.

Иштаҳам йўқ.

– Зўр дори бор экан. Бир тортсанг вообще, тахта қилади.

– Ҳамма нарсангни тайёрлаб кўйдингми?

– Фам ема. Аллақачон тўғрилаганман. Мени биласан-ку. Биринчи сафар чиқаётганимиз йўқ-ку. Яхши томони, бутун армия қатнашаркан бу сафар ҳам.

– Бутун армия қатнашса байрам бўладими-а, – дедим фижиниб.

– Ҳар ҳолда шунча дабдаба – техника-ю бесаноқ одамнинг ичидан бир сенга ўқ келиб тегмас. Тағин ким билади, пешонангдан кўрасан. Душман ҳозир анойи эмас. Тўрттаси бир полкни ётқизиб турғизади.

– Шу ерда туғилиб-ўсгандан сўнг, паст-баланд, ўнкир-чўнқирини яхши билгач, албатта, Афғоннинг кўли устун бўлади-да.

– Э, булар тоғнинг ичига кирволиб, ҳар замон-ҳар замон бир отиб қўяди, шундаям кимнингдир ёстигини куритади. Биз бўлсак дарров артиллерия билан соатлаб ўқка тутамиз, сўнгра самолётларни юборамиз, охири пиёдалар чиқади. Шунда тутдай тўкиб ташлайдилар.

– Ринат, шу сафар жангга сирайм чиққим келмаяпти. Сен барибир мен билан бўласан-ку, бир фалокат рўй бермаса гўргайди.

– Э, ҳаммада бўлади бу кайфият. Биз ҳозир нега чекдик, нега. Э онасини! Чекамизми?

– Яхшилаб ўра, майли.

Ринат бир зумда «Донские» сигарети тамакисини кафтага тўкиб, чарс билан қўшиб эзғилади. Зобитлардан бирортаси кўриб қолмаслиги учун мен эшик томонга қараб турдим. Чарс тайёр бўлгач, икковимиз ташқарига чиқдик.

– Бу кўплик қилади. Роса кўп қўшдим. Сен анови бурчакда кутиб тур. Мўмин билан Юрани бошлаб чикаман, – деди Ринат ва ичкарига қайтиб кирди. Мен ой ёруғида, казарма бурчагида паналаб турдим. Учаласи келишгач, модул тарафга ўтиб, чарс тутатдик. Ҳавони бирдан чарснинг ўткир ҳиди қоплади. Чарс чинданам ўткир эди. Бир тортишимдаёқ миям карахтлашиб, юзим совуққотди. Мен лаҳза сайин мутлақо бошқа одамга айлана бошладим. Иккинчи галги тортиш мени тамом гангитиб қўйди. Кўзим юмилиб, атроф чириллаб айлана бошлади. Ютисам, қулоқларим битиб қолаверди. Мен ёнимдагиларга ҳам эътибор бермай, казармага қараб югурдим. Қушдай енгил, назаримда, учайтгандай эдим. Кўнглимда ҳеч қандай ғам-андуҳнинг сояси қолмади. Негадир кулдим. Казармага кирганимда томоғим бўғилди. Бир амаллаб жойимга бориб куладим.

V

Саҳарлаб техникалар сайилгоҳ ёнидаги ялангликда тизилди. Даствлаб саф бошига танклар кўйилди. Сапёрлар ротасига тегишли БТРлар йўл текширувчи тухумли¹ танклардан кейин турарди. Сўнгра разведкачиларнинг БМПлари йўлга тушади. Кейин мотоўқчи батальоннинг роталарига тегишли БМПлар ҳаракатланади.

Алоқалар келишилган санага мосланиб текширилди. Ҳар бир рота ўз атамасига эга эди. Деярли ҳар бир ҳаракат рақамлар орқали ё бирор нарсага нисбат бериб айтилар, алоқада сир сақлашга қатъян эътибор қаратиларди. Дейлик, олдга юришга буйруқ берилса, 73 дейиларди, 61 тўхташ ишораси. Хуллас, алоқада мутлақо сирли гаплашиларди. Рота командирларига юриш харитасидан ташқари, алоқада қўлланиладиган, сўз ўрнини босувчи турли хил рақамлар ёзилган қофоз ва уларнинг изохи берилган эди.

Бундан ҳар бир аскар, асосан БМП-2 операторлари хабардор бўлишлари керак эди. Чунки оператор ҳамиша алоқада туриши, механикка йўл кўрсатиши, керак пайти буйруқ асосида машинани бошқара билиши шарт эди.

Қисм тонг пайти йўлга тушди. Мен шлемофоннинг кий-чувидан асабим бузилиб мудраб борардим. Колонна полк худудидан чиққач, «операторлар ҳушёр турсин», деган буйруқ бўлди.

Мен сигарет тутатиб, бамайлихотир борардим. Бариги бир то Кобулдан чиққунча бизни ҳеч ким отмасди. 5-6 километрдан сўнг Кобул шахри бошланади. Сўнг шаҳарни кесиб ўтардик-да, жануб томон – Гарdez тарафга бурилардик. Пиёда аскарлар машина устида мудраб боришарди. Аҳён-аҳёнда Юра кўзи уйқуга кетган аскарларнинг бошига автомат кўндоғи билан тушириб қоларди. Нима тўполнонлигидан бехабар жангчи шўрликнинг кўзи ола-кула бўлиб кетарди.

– Нега ухлайсан-а! Ҳе, онангни. Ҳозир машинадан кулавб тушсанг, заводингга қайтиб кириб кетасан.

Аскар чурқ этмай, бошқа томонга қараб, сигарет тутатарди. Бу ерда қоровулликда туриб ё жангга кетаётib, машина устида ухлаш уят саналарди.

Кобул шахри аҳли дунёни ларзага солиб ўтаётган шўро қўшинларига даҳшату хавотир билан қараб қоларди. Йўлда ҳар қандай машина биз ўтиб кетгунимизга қадар ҳаракат қилмай четда турарди. Дўкондорлар совуқ ва ясама табассум билан, кўркқанидан жилмайиб, таъзим қилиб қўярди. Савдо-сотиқ деса томдан ташлайдиган бу қавмдан кўра кўрқокроқ зотлар йўқ эди дунёда.

Лекин бир нарсасини сотиб олмоқчи бўлсангиз, сизни авраб ташлардилар. Ҳар ҳолда Кобул тинч шаҳар эди. Ҳар муюлишда Совет аскарлари ва маслаҳатчиларини кўриш мумкин эди. Элчихона атрофида эса ўрис аёллари bemalol юришарди.

Колонна шаҳардан чиқиб, жанубга қайрилгач, атрофи тоғлар билан ўралган текис йўлга тушиб олди. Баҳор ҳавоси кишига тетиклик бахшида этарди. Осмон пасайиб қолгандай, тип-тиник. Тоғлар жуда чиройли қўринади. Йўл нишабликка кўтарилиган сари қуида ястанган кўмкўк яланглик, тезоқар дарё, пастқам-пастқам уйларни кўмиб юборган яшилланган дараҳтлар тугал бир гўзал манзарани намоён этмоқда. Шундоқ пойимизда табиат деган улкан мусаввир мангу гўзаллик сувратини чизаётганди. Табиатнинг сариқ чақалик иши йўқ, сен билан. Қўлингда куролинг борми, отаяпсанми, ўлаяпсанми. Самолёт ва артиллериянг билан дағдаға қиласыпсанми, унга асло аҳамияти йўқ эди. Ён-атрофни истаса, мановиндай яшилликка бўяди, истаса, оққа ё сарғишга, хоҳласа, борлиқни шир яланғоч қилиб тасвирлайди. Шундай бир мўъжизакор куч борлигини тасаввур қилолмаган, талмовсираган сўқирдил инсонлар тириклик илдизини қирқиши, бир-бирини ўлдириш, кўзларини ўйиш, юрагини еб, хузурланиш пайида эдилар. Урушда одамлар бир-бирини эмас, тирикликни йўқотаётган эдилар.

Биз нишабликнинг энг баланд чўққисига кўтарилигани миздан сўнг, Гардезгача тагин 15 чақирим йўл қолган эди. Бу йўлдан кечадан бери 5-6 та қисм ўтиб бўлганди. Дастрраб юрган қисмлар йўлда мудофаада турарди. То Гардезгача ўша олдин келган қисмлар йўлни қўриқлаётганди. Биз тушдан сўнг Гардезга етиб келдик. Кенг майдонда икки соат дам олишга рухсат берилди.

БМП-2 ва танклар доира шаклида жойлаштирилди. Отув миллари ҳар томонга тўғриланди. Жангчилар техникалар панасида олов ёқишиб, картошка ва гўшт солинган идишларни очиб, қиздирдилар. Ҳавони димокни қитиқловчи ҳид тутди. Тўрт томонга қоровул қўйилди. Овқат еб тугатилган идишларда ҳар ким ўзи учун чой қайнатди. Биз жуда тез тамадди қилдик. Олдиндаги йўлда

хеч қайси қисм ёки батальон ҳимояда турмасди. Бизнинг полкка Лангар деган жойга кириб бориш ва вазиятга қараб иш тутиш юклатилди. Шундай экан, ҳали Лангарда қандай томоша бўлиши на бизга, на штабдаги йирик юлдузларга маълум эди.

Вазиятга қараб иш тут дегани, ҳар ким ўзини эпласин, қайси йўл билан бўлса-да топшириқни бажарсин, ҳам жони омон қолсин, дегани эди.

Колонна оғир силтанди. Беш-олти чақирим ялангликдан сўнг қишлоқ бошланди. Йўл яқинида уйлар кўринмас, атроф дараҳтзор эди. Кўча бўйлаб портлаган ҳарбий техникалар, ўқ гилзалари уюлиб ётарди. Қишлоқнинг бошланишиданоқ ваҳима сезиларди. Техникалар тезлашди. Ўтирилган уй ва қулаган деворлар, хўмрайган кўрғонларга қараб, этинг жунжикиб кетади. Армияни кўз илғамас бир шарпа таъқиб қилиб келаётганга ўхшарди.

Колонна ичкарига кириб бўлди. Бизнинг батальон сайҳонликда томлари кўринган уйлар рўпарасидан анча берироқда, дараҳтлар панасида ўрнашди. БМПлар аниқ масофадаги оралиқда қишлоққа қаратиб қўйилди. Пиёдалар машиналар атрофида хандак қаздилар. Отув милларининг оғзи нураб улгурмаган уйларга тўғриланди. Мен атрофни дикқат билан кузатдим. Пастликда уйлар ва дараҳтларнигина кўриш мумкин эди. Агар отишма бошланса, тўғридан-тўғри сайҳонликка снаряд ёғдириш мумкин. Алоқада батальон командири жангга шай туришимизни, агар бирорта ҳаракатни сезсан, ҳеч бир сўровсиз отишмани бошлишимизга рухсат берди. Қишлоқда бир шарпа қимиirlамаслиги, уни ўлик ҳолда ушлаб туриш биз учун зарурат эди.

Осмон ерни босиб қоладигандай. Жимлик. Дараҳтларнинг учи қилт этмайди. Совуқ сукунат. Шлемофонни ечиб, алоқани узиб қўйдим. Ҳавонинг тафти иссиқ. Мен ўзимни бўғилаётгандай ҳис қилдим. Рота командири ма-

шина ичкарисида ўтириб, кузатув ойнаси орқали атрофни томоша қиласыпты. Менга шундай туюлди. У жанг күрмagan, қизиқади. Афғонга яқында келган. Үнга қараб кулгим қистади, очиги, ачиндим. Шүринг курғур, ҳали чинакам жанг қандай бўлишини тасаввуринга ҳам келтиролмаса керак. У бор-йўғи бошлик, зобит, бироқ жангчи эмас. Қанақа жангчи эканлигини эса жангда кўрамиз. Урушда асаби мустаҳкамлар, ичидан тўкилиб, адо бўлмайдиганлар ўзларининг расво бўлганликларини, бироқ бунга чидаш зарурлигини тушуниб етадилар. Кўрқоқлик ва жасурлик борасида жанг кўрмаган жангчига бир нарса деб сифат бериш адолатдан эмас.

Яна бир даҳшатли ҳақиқат шуки, жанггоҳда кўрқоқлик қилганларни, ўзини йўқотиб қўйганларни тушуниш мумкин. Инсон асло темир эмас. Агар уруш даҳшатини англай билиш, фаҳмлаш ҳисси мавжуд экан, уларга қўл силташни ҳакорат деб тушунаман. Кимdir даҳшатни шу захоти, кимdir кечикиб, бошқалар йиллар давомида англаб, юрагини фижимлаб яшайверадилар.

Одамзод урушда икки тоифага ажралади: иродаси мустаҳкамлар қаҳрамон бўлиб, асаби дарз кетганлар эса кўрқоқ деб ном чиқаришади.

Рота командири алоқада бошликларга биз жойлашган нуқтада осойишталик эканлиги ҳамда жангчиларнинг хушёр туришгани ҳақида маълумот берди. Мен машинани отишга шайлаб қўйдим. Ўқдори етарли эди. Агар қаршимиздаги уйлардан эмас, ёнбошимиздаги кўрғонлардан ўт очишса, дамимизни чиқармай қўйишиди. Мен Ринатга агар қўрғонлардан ҳужум қилишса, ҳеч иккиланмай машинани орқага олишни ва ортимизга, катта йўл томонга ҳайдашни уқтиридим. Бунақа вазиятда жангчилар ўз тараддуларини ўзлари кўришлари керак. Ринат буни яхши билади. Нима қипти, жонни сақлаб қолиш керак – қочиб чиқамиз. Битта граната туфайли мо-

шина-пошинамиз билан нариги дунёга зинғиллаб қолмасак бўлгани.

Мен отишима бўлишини жудаям хоҳлаётгандим. Манови командир бўлмишнинг жанг пайтидаги ахволини бир кўриб кўйиш орзуйим эди. У чинакам урушни кўрмаган, барибир довдираб қолса керак. Балки абжирроқдир, қаҳрамонона жанг қилас, кўркув парвойига ҳам келмас. Агар чинданам юраги бакувват бўлса, аскарлар ичида дарров хурмат топади. Гапига қулоқ солишади. Мабодо, куённинг юрагини олиб юрган бўлса, унда расвоси чиқади. Бутун ротадагилар олдида шармандали ном орттиради – ЧМО. Ҳозир Евдокимов улкан бир синов олдида турганини ҳис қиласяптимиқин? Балким у ҳеч ким мени кўрмайди-ку, менинг ахволимни ҳатто сезишмайдиям, кўрқоқ, ботир эканлигимни қаердан билишади, деб ўйлаётгандир. Ҳали у бу ернинг ўзига яраша гап-сўзлари борлигидан бехабар. Барибир ротадаги аскарлар унинг мавқенини бугунги жангда ўзини қандай тутишига қараб белгилашади. Аффондаги зобитларнинг кўпчилиги жангдан кейингина ўз қўл остидагилар билан тил топишади. Агар улардан бирортаси кўрқоқлик қиласа ёки ўзини йўқотиб қўйса, аскарларнинг назаридан четда қолади.

Мен Евдокимовни шу жангдаёқ синашни хоҳлардим. Ҳозир айни пайти эди. Агар чинданам довюрак бўлса, сиртига сув юқтирмайди, оддий бир аскар олдида ер билан яксон бўлмайди, ҳурмати ошади. Мабодо, кўрқоқлик қиласа, уни кўтарга кўзим қолмаса керак. Даҳшат! Эгнида юлдузчasi бўлгани учун ҳам унга шунчалик ёпишиб олиш шартмикан. Ахир зобит одам эмасми? Йўқ, урушда зобит ва оддий аскар, ботирлар ё юраксизлар бўлади. Агар инсон ўзини тамомила йўқотиб қўйса, гарангсиб, ўлимга тик боқса, жасоратми?

Жимлик дараҳтларнинг учига довур ваҳм кўнғироғини осган эди. Қаршимиздан кўринмас хавф дараҳтлар,

пастқам уйлар, сайхонликни құтариб, яқинлашиб кела-ётгандай эди. Ринат механик хонасининг тела эшигини ичкарисидан қулфлаб, миқ этмай ўтирибди. Ёнимда командир ўриндиғидаги кузатув ойнаси орқали теваракка қараётган Евдокимовнинг юзидан бирор ҳолатни пайқаш амримаҳол. Қизиғи, у ҳали бирортаям сигарет чекмади. Асаби жойида. Чинакамига отишма бошланиб кетса, чидаш берса керак. Шу билан бекор урушга чиқдик. Унинг тош қотган қиёфаси ғашимни қўзғатарди. Шу ротадаги-ларгаям ҳайронман. Жангда зобитнинг қадамини пойлайдилар. Кўркоклик қилган аскарни тушунадилар, зобитни лаънатладилар.

Евдокимов нимадир деб ғулдираб қўйди. Кузатув ойнагидан қўзини узмай мени турткилади. У безовта эди. Мен ойнакдан тўғрига қарадим. Қаршимиздаги сайхонликдан бир тўда қўй кўринди. Бироздан сўнг жониворлар ариқ бўйлаб ёйиладилар. Сўнгра қўй ҳайдаб чиқаётган болакайни аник кўрдим. У бошига гулдўзи дўппи кийиб олган. Кўлидаги таёғи учи билан аҳён-аҳёнда ерга уриб қўяди. Бола атрофга бепарво эди. Бутун қўшиннинг нигоҳи болага қадалганди. Замбараклар, БМПлар, танклар тумшуғи болага тўғрилаб қўйилган эди.

Орадан чорак дақиқа вакт ўтди. Дунё шу миттигина болакай олдида тиз чўкса, урушни тўхтат деб ёлворса, чинқирса арзирди. Қўй боқаётган болани мен укамга ўхшатдим. Жулдургина кийиниб олибди боёкиш. У ҳозир тақдирга тан бериб чиқсан. Бола чинданам ўлим ҳақида ўйлаб кўрдимикин? Боланинг ёши еттидами? Менинг на заримда, болакай ҳаммамиздан кексароқ эди.

Бу кишлоқда душман йўклигига, одамлари хайрихоҳлигига ишона бошлаган қўшинни, ўнг томондаги кўрғонлардан бирида гумбурлаб эшитилган оловли портлаш эсанкиратиб қўйди, сўнгра кетма-кет гранатамётлар ишлаб, борлик ўқларнинг чийиллаши ичиди қолиб кет-

ди. Душман иккала томондаги құрғонларда жойлашиб олиб, бизни ўққа тутаётганди. Ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетди. Танк ва БМПлар ишга тушди. Қўрғонларга қаратат тўхтовсиз ўт очик. Автоматлар узлуксиз тариллади. Рўпарадаги қишлоқ устидан ҳам снарядлар ёғила бошлади. Мен отув мили ойнаги орқали бола қўй боқиб турган жойга қарадим. Ердан олов аралаш портлаган снаряд парчалари кўтарилади. Қишлоқ тараф эса чанг-тўзон ичидаги қолганди.

Душман ҳам жон-жаҳди билан бизга қаратат зарба беряпти. Машина тепасига темир парчалари келиб тушар, еру кўк зирилларди. Мен беихтиёр отув милига қўл юбордим. Машина силтаниб бесаноқ снарядлар учди. Ичкарига порох ҳиди урилди. Сўлдаги қўрғонлардан бирининг олов пуркаётган дарчасини нишонга олиб отдим. Бироз жимлик чўкди. Сўнгра тағин олов кўтарилди. Мен яна отдим. Бироздан сўнг ўша дарчадан тағин олов отилди. Машина олдида кучли портлаш содир бўлди. Душман бизни мўлжалга олаётганди. Евдокимов алоқа орқали комбатга аҳвол жиддий тус олгани, душман бизни сиқиб келаётгани ҳақида ҳовлиқиб хабар бера бошлади. У командир хонасида титраб-қақшар, ён-веримизда портлаш содир бўлганда менга кескин бурилиб қарап, от деб қичқи-рарди. Кўзлари косасига сиғмай, у ёқ-бу ёққа алангларди. Қўрғонни танклар ишғол қилдилар. Деворлар кулай берди. Мен Ринатга ички алоқа орқали машинани орқага юргизишни, то йўлгача чекинишни буюрдим. Евдокимов қунишиб олганди. Энди алоқа билан ҳам иши йўқ, ломлим демасди. Ўлик-тиригим бир пул, деб ўтириб олгани ғашимни қўзитди.

Машина орқага силжиди. Пиёдалар ҳам шундай бўлишини кутиб ўтиришганди, дарҳол чекина бошладилар. Биз ҳимояда туришимиз керак бўлган жойни ташлаб чиқдик. Катта йўлга етгунга қадар сайҳонликка қаратат

отиб турдим. Биз тарафга қаердан туриб отишаётганини билолмасдик. Қўргонлардан наридаги нуқталарда жанг бу ердаги каби авжга чиқмаётганди. Арининг уясига қўл тикиб, улушини тўлиқ олмасдан қочиб қолиш ҳам ҳаммага насиб қиласвермайди. Агар биз ўрнимиздан қимирламай, отишмани давом эттираверсак, дабдала қилишарди. Ақлни оларли даражадаги душман қаршилиги олдида бизнинг техникамиз, куролларимиз ҳеч нарса эмас, йўқ ҳисоби эди.

Қишлоқни артиллерия элақдан ўтказди. Қуюқ туман узра ғарқ бўлган сайҳонликда киёмат қўпти. Ваҳмли гумбурлашлардан сўнг томларнинг ўпирилиши, юракни лоҳас қиладиган бақириқ остида юрган одамлар кўзга чалинади. Еру-кўкни титратиб самолётларимиз қишлоқ устидан бомба ташлай бошлишди. Ҳар бомба тушганда борлиқ лопиллаб кетар, қулоқни тешгудай қарсиллашдан гангиб қолардим. Ахён-ахёнда ҳавода оқ тутун пайдо бўлар, қарсилаган овоз эшитиларди. Артиллерия замбараклардан шрапнел отаётганди. Қишлоқ игналар ёмғири ичидаги қолди. Бундан бир неча соат гуркираб турган дов-дараҳтлар ўртасидан қарс-қарс бўлинган, таналари қорайиб тутаб ётарди. Қишлоқ уюлган гўр каби совук кўринарди. Ҳаводан ачитки ҳид келарди. Ҳаво иссиқ эди. Аллақандай лоҳасликдан кўнглим безовталанаарди. Мажолсизланиб бораардим.

Машинани йўл яқинига қўйдик. Атрофда қўргонлар йўқ, яланглик. Отишмадан йироқ жой. Танг аҳволда қолсак, барибир қочиши учун йўлга чиқишимиз керак. Бунинг устига, душман гранатамёт билан бизни мўлжалга олган тақдирда ҳам унчалик хавфли эмас. Гранатамёт билан фақат яқиндан, паналаб келиб уриш мумкин. Ҳамма ёқ кафтдагидай кўриниб турибди. Йўлдан қишлоқнинг кунботар томонидан чиқсан БМП-2 ва саушкалар ғизиллаб ўтишмоқда. Техникалар миллиарининг учи қорайиб кет-

ган. Механик ва отувчиларнинг афт-ангори чанг-тўзон, фақат кўзларигина ёниб туради. Шундан билса бўладики, ичкарида бу ердагидан ҳам даҳшатлироқ жанг кетаяпти.

Ялангликка миномёт снарядлари келиб тушди. Ўнгинамиизда портлаш содир бўлди. Мен қўрғон томондаги масофани белгилаб ўт очдим. Евдокимов шлемофонни ҳам ечиб ташлаган. Ҳар замонда «ух сука», «ух билат» деб қўяди. Кўллари қалтираб, ғужанак бўлиб олган. Юзи тунд. Машина тагида ётиб, ўт очаётган пиёдаларни ҳимоялаш учун ҳам мен узлуксиз отиб туришм керак эди. Назаримда, узоқ йиллардан бери жанг қилаётганга ўхшардим. Ачитки ҳид, ўқдори иси мени элитиб қўяётганди. Кўзларим тиниб кетди. Кўлимда дармон қолмади. Зобитнинг эса ўлик-тириги бир пул эди. Каракт бўлиб қолган. Тили калимага келмаяпти. Мен чанқай бошладим. Томоғим қақраб кетганди. Бoshim зил-замбил бўлиб оғирлашди. Назаримда, машина чирпирак бўлиб айланадаётгандай. Бутун жанггоҳ қийчув, ваҳимали гумбурлашлари билан биргаликда, ҳавога кўтарилаётгандай эди. Мен ўзимни заминдан узилиб қолаётгандай ҳис қилдим. Кўнглим алағда эди. Шлимофондан эшитилиб турган алоқадаги бақир-чақирлар миямга арра солаяпти. Ички алоқа нуқтасини босиб Ринатга уландим:

- Ринат, сув бер, сувдонни узат.
- Ҳозир, бир минут. Яшикнинг тагида эди.
- Ринат, нафасим бўғилаяпти, люкни очаман.
- Калланг борми, тўғри тепангдан тушмасин.
- Сувни ол, тез бўл, ошна, ҳозир димиқиб ўламиз.
- Ма, юзингниям чайиб ол.

Ринат механик хонасидан чўзилиб, темир сувдончани узатди. Мен бир кўтаришда сипқордим. Сувдонни снаряд кутисига ташладим. Бироз ичим яхлади. Бўғзимда аччиқ таъм туйдим. Бошимни отув нуқтасига тираб, кўзимни

юмдим. Мени лоҳаслик қийнарди. Манглайимдан муздай тер оқди. Шлимофонни ечиб ташладим. Ташқарига чиқиб, ерга чўзилишни, қўлларимни ёзиб ухлашни жуда-жуда кўмсаётгандим. Ҳеч нимани англай олмай қолдим. Биқинимдан нимадир қаттиқ ботди – Евдокимов туртаяпти. Ўликникидай юзига боқиб, баттар ғижиндим.

– Нима гап, ўртоқ катта лейтенант?

– Ухляяпсанми?.. Нега отмаяпсан?.. Сенга нима бўлди? От, От. Нега ухлайсан? Ҳозир нариги дунёга жўнатишади. От, солдат, – у бор овози билан қичқирарди. Худди эсдан оғган одамга ўхшаб аланглайди.

– Мен чарчадим. Иложим йўқ, отолмайман.

– От. Аҳмоқ. Отсанг-чи? Мен сенга кўрсатиб қўяман ҳали. Ой, худойим-ей. От. Мен сенга кўрсатиб қўяман, ҳе, онангни.

– Ўзингни онангни фалон қилай, қанжиқ. Нима, сен отолмайсанми. Қўрқоқ, шақол.

Яна отув нуқтасига бошимни қўйдим. Агар яна бир марта Евдокимов шанғилласа, люкни очиб, ташқарига чиқаман, деб ўйладим. Индама, бир энасини кўрсинг.

У яна туртди. Ялинган оҳангда гапира бошлади:

– Ахир, солдат. Чида. Бу уруш-ку. Биринчи марта жанг қилаётганинг йўқ-ку. Ўзингни тут. Эркаксан-ку, дўст.

– Чарчадим. Бўғилајпман.

– Шлимофонни кий. Буюраман.

У ғазабланган кўйи, қўлларини мушт қилиб, ғужанак бўлиб олди. Мен шлемофонни кийиб, алоқада комбат билан боғландим.

– Билет, билет, мен бункерман, бункер – ўн учинчиман, қабулга ўтаман.

– Бункер, ўн уч, мен билет, қабулга ўтаман.

– Билет, менинг қутичамга серсоқоллар бодринг ташлашаяпти. Таёқ кўтариб олган серсоқоллар ҳам кўринаяпти.

– Бункер, ўн уч. Вазият оғирлашаётган бўлса ҳозир тортиладиган ип ортидан етмиш уч. Мен турган нуқтанинг шимолида олтмиш бир.

– Сизни тушундим, Бункер.

– Ишга туш. Қаламлар зинҳор қутича устига чиқмасин, улар учун қутича панасида етмиш уч.

– Сизни тушундим.

– Катта қаламга айт, қутичада эмас, қаламлар билан бирга бўлсин.

– Сизни тушундим. Ҳозир қаламчалар олдига тушади.

– Ишга туш, ўғлим, ишга туш.

– Тушундим, Бункер, тушундим.

Батальон командири ҳеч қачон ўзини йўқотиб кўймасди. Ҳар қандай вазиятда ҳам чора топа оларди. Мен бироз тетиклашдим. Ишқилиб, лаънати отишма ичидан чиқадиган бўлдик. Ички алоқа орқали Ринатга ҳозир батальон штаби турган жойга қайтишимизни айтдим. У қувонганидан «Худога шукр, яшасин комбат», деб қўйди. Мен Евдокимов пиёдалар билан бирга машина орқасидан ҳаллослаб югурап экан, деганимда Ринат қувониб кетди.

Командир ҳамон караҳт эди. Ҳар бир портлашдан кейин сўкинади. Унга нафрат аралаш ачиниш билан дедим:

– Ўртоқ, катта лейтенант. Машинадан ташқарига чиқаркансиз. Комбат буюраяпти. Ҳозир орқага қайтамиз.

– Нега? – деди у жовдираб.

– Мен қаердан билай? Орқага чекинамиз, буйруқ шунаقا. Сиз пиёдалар билан машина панасида борасиз. Жангчилар бешикаст олиб чиқилиши шарт, деяпти комбат. Тезроқ тушинг, ўртоқ катта лейтенант. Буйруқ, буйруқ ё машинада кетасизми?

Евдокимов эсанкираб қолди. Аланг-жаланг бўлиб бир менга, бир люкка қарайди.

– Жин урсин. Менга ўқдонларни узатасан.

У қалтираб-салтираб люкни очди. Энди бошини чиқаргандиямки, чийиллаган товуш эшилди. Машина ёнида кучли портлаш рүй берди. У жон ҳолатда ўзини ичкарига урди.

– Эх, қанжиқлар. Роса боплашаяпти. Бу даҳшат, даҳшат!

– Ўртоқ катта лейтенант, бу ердан тезроқ кетмасак, бу галгиси тўғри машинанинг устига тушади. Кейин, кейин...

Менинг кўзим тиниб, бошим ғувуллай бошлади. Евдокимовнинг қандай қилиб ташқарига чиққанини билмайман. Қулоғим шанғиллаб қолди. Ер чайқалиб кетаяпти. Олислардан гувуллаган овоз келади. Элас-элас қуролларнингми, ниманидир шарақлаганини эшиштаяпман. Атроф ғира-шира. Худди тонгги туман қоплагандай. Узоқда, хув анови тоғлар томонда англаб бўлмас овозлар. Мен эрталабки нам ажриқзор устида чўзилиб ётибман. Танамда чарчоқ ўрнини оғриқ эгаллагандай. Баданим зирқирайди. Кўзимни очолмайман. Баъзан ер тебранаётгандай бўлади, баъзан тинчиб қолади – мен нам ажриқзор устида ухляяпман.

Мен кушдай енгиллашдим. Осмон қирмизи тусда. Шафакранг кенглик ичида бир аёл имлаяпти. Кўйлаклари оппоқ. Мен қўлимни узатдим. У ҳавода учаяпти. Чорлайн дедим, овозим чиқмади, қўл силкидим. У қўлларини ёзиб, мен томон пастлай бошлади. Танидим – Лилия. Юзларидан қип-қизил ёғду тарагайлашдим. Нур товланаётган танасини фақатгина оқ ҳарир либос билан ўраб олган. Сочлари елкасида шовуллаяпти. Кўкраклари, бутун аъзойи бадани кўриниб турибди. Қанот – енглибоси ҳилпираб ёнимга тушди. Бармоқлари, билаклари танамни куйдираяпти. Унинг ҳарорати мени тамоман жодуляяпти. Уни бағримга тортдим. Вужудим пардай тўзғиди.

– Келдингми?

– Келдим. Тур, кетамиз.

- Лилия, одамлар қани. Мен қаердаман?
- Фақат мен б-о-о-р.
- Лилия. Сен яххисан. Сени узоқ кутдим.
- Сен ухладинг, ухла-а-адинг.
- Барибир тушунмаяпман. Биз қаердамиз? Нега ҳамма нарса учаяпти?
- Ҳеч нарса учмаяпти.
- Ахир.
- Фа-а-қат. Мен. Се-е-н. Ту-у-у-р.
- Мени олиб кетасан-а.
- Би-и-з би-и-рга-а кета-а-миз. Биз бирга кета-а-м-и-и-из. Туур.

Мен Лилияни тағин қучоғимга тортдим. Борлиғим олов ичида қолди. У бир қызғыш нурга айланиб танимга сингиб кетди. Ботиний шууримда оғир энтикишни түйдим. Нимадир қарсиллаб кетди. Қабоғим тортилиб, күзимни аранг очдим. Шафақ қонига чайилган паға-паға оловтус булутларни күрдим. Кулокларим залворли қасирлашдан том битаёзди. Ён-веримда бесаранжом аскарлар түда-түда бўлиб ўтириб олишган. Жангдан чикқан БМП-2 ва танклар устида ҳам чалқанча ётиб сигарет тутатаётган аскарларни күрдим. Ўрнимдан қўзғалмоқчи бўлгандим, бошим оғирлик қилди. Қўл-оёғимни ҳаракатлантириб күрдим. Бирор жойимга ўқ тегмабди. Факат бошим ўзимники эмасди.

Кўшин тўпланган жойдан нарида ҳамон артиллерия ишляпти. Бизнилар бетиним отишмоқда. Ураган ва градларнинг ҳавони йиртиб, ўт очишига дош бериш қийин. Мен чанқаган эдим. Тагимга тўшалган қоп кўрпа четида сувдон турарди. Ютоқиб сув ичдим. Бироз тетиклашдим. Мени ерга ким ётқиздийкин? Ринат қани? Машинага нима бўлди? Ўрнимдан қўзғолиб, турмоқчидим, бошим гириллаб айлана бошлади. Ўзимни зўрға тутдим. Кимдир келиб, елкамдан ушлаб ётқизди. Кўзимни очиб, юз-кўзи қоп-қора тутун бўлиб кетган Ринатни кўрдим.

— Ўзингга келиб қолдингми? Қандайсан? Батальон фельдшери бироз дамини олсин. Тузалмаса, санчастга жўнатамиз, деди. Очифи, ўзим сени санчастга кетишингни хоҳламадим. Ўтиб кетади-а? Чарчагансан.

Ринат пешонамдан ушлаб, иссиғимни ўлчаган бўлди.

— Бошим оғрияпти. Ҳозир полкка қайтамизми?

— Ҳа, бир-икки соатдан кейин. Нонушта қилволиш керак. Агар кечаси бу ерда қоладиган бўлсак, ҳаммамизни сўйиб кетади. Лаънатилар, қутургандай отишаяпти. Қорин қалай, оғайни?

— Оч, шекилли.

— Эҳ, ёмон бўлди-да. Ротадан саккиз киши яраланди. Евдокимовниям госпиталга олиб кетишиди.

— Нима? Нима бўлди унга?

— Қорнига осколка тегибди. Бечора дунёни бузиб додлади. Кўп қон йўқотди. Ишқилиб, тирик қолсин. Биринчи жангдаёқ ўлимни ўйлаб, хавотирланишнинг оқибати. Ўзиям турган-битгани фалокат экан-да. Шу билан уни қайтариб юборишади, яроқсиз деявер.

— Яна кимлар яраланди?

— Тўрттаси, янги келганлардан. Бири украин, қолгандари ўрис. Сасин бор-ку, тўртинчи взводдаги, ўша билан Михайловнинг яраси енгил экан. Бурсук контузия бўлиб қолибди. БМП минага тушибди. Қоракулоқлардан ҳеч ким жароҳатланмаган. Бир сени ҳисобга олмаганда, — Ринат елкамга қоқиб қўйди.

— Ринат, сигаретингдан бер. Бошим ғувуллаб кетаяпти.

— Бариси асабдан. Ҳозир ўтиб кетади. Сигарет Мўминнинг машинасида тиқилиб ётибди. Олиб келади. Егулик тайёрладик. Биргаликда овқатланамиз.

Жиндак мизғиган эканман, Ринат уйғотди. Темир нимчаларни тўшаб чордана куриб ўтирган Мўмин, Нурмахон ҳамда Юра менинг туришимни кутишаётган экан. Темир кутичаларда қиздирилган гўшт, картошка ҳамда сухари

едик. Алмисоқдан қолган чойнақда чой ҳам қайнатишибди. Қорин қайғуси чекингач, биттадан сигарет тутатдик. Мен дўстларим даврасида ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Юра қўшиқ айтиб юракни эзди. Ҳарбийга чақирилгунга қадар анча олифта бўлганлиги кўриниб турибди. Елкасига гитарани осволиб, кўчаларда қизлар билан мазза қилиб яйраган. Гапларниям гоҳида кифтини келтириб, қийиб қўяди.

Жангдан кейин аскарлар ҳорғин кайфиятда бўладилар, қиёфаси тундлашади. Ҳеч ким худа-бехуда вайсамайди. Худди ўласи қилиб калтакланган ит каби сулайиб қолишади. Ҳамманинг қадам олиши оғирлашади. Бунақа пайтлар рухингга фақатгина қўшиқ сингийди. Йиғлагинг келади. Ҳеч нима ҳақида берилиб хаёл суролмайсан. Дунё бир мискин қоронғулик ичидаги ғарқ бўлганга ўхшайди. Сен ҳаётинг давомида фақатгина мана шу зим-зиё бўшлиқ давригача яшаб бўлганингни ҳис қиласан. Урушми уруш – энг тоза кунларингни соғиниши, деган хulosага келасан ва ҳеч қандай маънини англатмовчи ўйингнинг бир четида милтиллаган таскин чироғи ёғду сочиб туради. Яъни мен тирикман, дейсан, паришонхотирлик билан. Сенинг миянгда тирик қолиш учун қайғуриш оғриғи зирқирайверади.

Мен узок йиллардан бери жангда юрган каби кўникма ҳосил қилаётганимдан ҳайрон эдим. Бугунги икки ярим соатлик тўқнашув, назаримда, ўн кунлаб давом этганга ўхшарди. Ҳар доим ўлим ҳақида ўйлаш ва гапириш шунчалар зерикарли ва қайғули эдики, назаримда, умрим ошиқчалик қилиб борар, кунларим тобора узаярди.

Қуёш кўкка санчилган чўққилар узра қон сачратиб ботди. Йўлга тушиш учун буйруқ берилишини кутаяпмиз. Пиёдалар машиналар устига ўрнашиб олишди. Биз тағин биттадан тутатдик. Юра гитарасини машинага ташлаб келгани жўнади. Ринат механик хонасига ухлаб олгани

тушди. Темир совутларни йиғишириб, энди ўрнимиздан туришга чоғлангандик ҳамки, ёнимизга разведкачилар взводига қарашли БМП-2 шиддат билан келиб тұхтади. Машинанинг тумшуғи худди түлкін зарбига учраган кемадай тебранди. Қуюқ чанг күтарилди. Люкдан бошини чиқарған оператор абжирлик билан сакраб тушди. Түғри бизнинг қаршимизга келиб деди:

- Йигитлар, чекишдан топилмайдими?
- Истаганингча бор, – деди Мўмин.
- О, яшавор, дўст. Бир кути бергин. Ўлаёздим. Хумори бошни еб кетаяпти.

Мўмин чўнтағидан бир кути «Донские» узатди.

– Ма, ол. Қачон йўлга тушамиз? Ҳеч гап йўқми? – деб сўрадим.

– Эй, биласан-ку, биз – разведкачиларнинг ҳамма нарсадан хабаримиз бўлади. Чорак соатдан кейин йўлдан алоқачилар полки ўтади. Сўнгра бизга етмиш уч.

- Биздан кейин қайси полк чиқади?
- Бир юз саксон биринчи. Кўрқма, охирида калтакни бошқалар ейди.

Разведкачи шошиб-пишиб сигарет тутатаркан, машинага қараб қўйди. Машина устида каска кийиб, куролларига суюниб ўтирган, темир нимчали аскарларнинг кўпчилиги унга мўлтираб қараб туришибди. «Аскар учун урушда энг зўр курол – тамаки», деб бекорга айтишмаган. Унинг хумори ҳар қандай чиройли аёлнинг ўрнини ҳам босиб кетади, деб ўйладим.

– Ҳа, ҳайратланаяпсанми, зўр иш бўптими? – деди у машина томонга боши билан ишора қилиб.

- Нега ҳайратланай? Тушунмадим.

– Ие, ҳали кўрмадингми, разведкачи эмассан-да, барабири? Қойилман-э. Сенам ҳеч нарсага эътибор бермадингми? – у ёнбошлаб олиб, чой ичаётган Мўминдан сўради.

Бу орада унинг бу чоғлиқ энтикиши маъносини тушуниб бўлгандим. Чиндан ҳайратлангандим.

– Менга қара, ҳой, разведкачи! Сигаретни олдинг. Энди қисиб кетавер. Бир кружка чой ичсанми? – деди ўзини ухлаганга олиб ётган Нурмахон.

Ўрнидан туриб кетган Мўмин ҳам машинага тикилган кўйи анграйиб қолганди.

– Нима бало, умрларингда душман кўрмаганмисанлар? Онангни фалон қилайнни қишлоқдан ушладик. Мушукдай чаққон экан ўзиям.

Машинада пиёдалар орасида қўкиш яктак иштон киийб, қора салла ўраган, қўл-оёқлари чандиб боғланган, бўйнига гранатамёт осилган кимса бошини ҳам қилиб ўтирарди. Мен негадир сесканиб кетдим. Шу билан бирга, унга қизиқсиниб қарадим.

– Қаёққа олиб бормоқчисизлар, – деди Мўмин.

– Тўғри полкка. Бир-икки кун қамаб қўйилади. Кейин бирор чорасини қилишар. Очиги, комбат қисмга олиб борамиз демаганида, машина тагида эзғилардим.

– Гапга тушунадими? Бирор нарса дедими? – сўрадим.

– Лом-мим демайди. Қанжиқни асбобини кесиб ташлаш керак эди, машинага ортиб юрмай.

– Дўстим, бир гаплашсак бўларди у билан, – деди Мўмин.

– Майли. Бу атрофда шақолларинг йўқми?

– Шақол нима дерди? Чақиртири, – дедим.

Разведкачи бўпти ишорасида қўл силтади ва машинага қараб украинча талаффузда қичқирди:

– Игорь! Бахшишни иргитвор.

БМП-2даги аскарлардан бири ўрнидан тура солиб банди духни елкасидан судраб, машина четига олиб келди-да, зарб билан тепиб юборди. Дух гупиллаб ерга ағанди. Разведкачи унинг ёқасидан ушлаб, ўтиргизиб қўйди. Душман ҳансираф нафас олар, кўзи косасидан чиқкудай

алфозда алангларди. У аянчли ахволда эди. Соқоллари куйдирилган, оғзидан қон сизарди. Яктаги жикқа хўл эди. Бошининг орқа томони ёрилиб кетган, озғин ва чайир қўлларининг томирлари қон ўтмай қолганидан бўртиб чиққанди. У муштдек бўлиб, қунишиб олганидан боши елкалари орасига кириб бораётганга ўхшарди. Танаси дағ-дағ титрарди. Менинг унга яқинроқ боришга юрагим бетламади.

– Ҳой ит! Сигарет чекмайсанми? – разведкачи оёғи билан унинг иягидан кўтарди, – буни қаранглар-а! Бу кишим гранатамёт билан жанг қиладилар. О-о-о! Нақадар жасурлик. Ҳе, онангни фалон қилай! Гапир! Гапир-чи, нечта БМП, нечта танк, нечта БТР ва қанча шўравийни гумдон қилдинг. Гапир! Гапир, ит! Онангни фалон қилай. Гапирмайсан-а? Мана сенга. Мана.

Разведкачи ғазаб билан унинг бўйнида осилиб турган гранатамётга тумшуғи аралаш зарб билан икки марта тепди. Банди ванғиллаб қулади. Оғзидан оққан қон яктагини бўяди. Устки лабининг йиртилиб кетгани ва тишларининг ўпирилганига қараб тоқат қилолмадим.

– Бас қил. Тезроқ йўқот буни, – дедим ғижиниб.

Мўмин маъносиз термулиб, сигарет тортарди.

Нурмаҳон орқага бурилиб кетди.

Мен ўзимда ҳеч қандай ачинишни сезмадим.

Разведкачи бепарво эди.

– Ҳа, раҳминг келдими? Балки қўйворишимни хоҳларсан. Эртага манглайнгдан тешиб қўяди бу абраҳ. Буларнинг уруғи билан қуритиш керак. Ҳеч қачон яхшилик қилмайди бизга.

– Менга деса ҳозироқ гўштини емайсанми? Фақат ёқмаяпти менга. Тезроқ кетсанг бўларди, – дедим.

Пиёдалардан иккитаси духни яна машинага тортиб олишди. Разведкачи норизо бўлиб, ерга чирт этқизиб туфлади-да, БМП-2га чиқди. У башняга ўтириб, ҳамма

пиёдаларга сигарет улашди-да, шлемофонни кийиб олди. Машина тезлик билан ҳаракатга келди, қисм томонга рavanaugh.

– Биласанми, – деди анча пайтгача чурқ этмай турган Мүмин, – бизнинг ҳеч қанақа ҳаққимиз йўқ, – унинг кўзи ёниб туради.

– Нимага бундай деяпсан?

– Ҳаммасига. Ҳа, ҳаммасига бизнинг ҳаққимиз йўқ. Бировнинг қишлоғини куйдириш, асир олиш, итдай қийнаш. Жонга тегди, ошна. Мен қумурсқага озор бермасдим. Ёвуз бўлиб кетдик.

– Барибир уруш сенинг ройи-хоҳишинг билан ҳисоблашмайди-да. Менга қолса, қисмдан чиқмасдим, сира. Асабим тамом бўлган. Бугун жангда бошим айланиб, ўла-ёздим. Ринатдан сўра, чекинганимиздан кейин то сизлар келгунча ўзимни билмай қолибман. Бу ҳолда жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

– Анави, энағар разведкачи шафқатсиз экан. Асаби ҳам темирдан, шекилли.

– У ҳам сенга ўҳшаб болалигида мусичаи беозор бўлган. Асабига келсақ, аллақачон «анақароқ» бўлиб қолган, кўриниб турибди. Фақат у ўзининг ваҳшийлашиб кетганинги сену мендан яхши билади.

– Сен оз-моз фаҳмлай оласан. Бу уруш яна қанча давом этади деб ўйлайсан?

– Юз йил. Афғон уруши бу кетишида тўхтамайди. Халқи ҳеч қанақа инқилобни тушунмайди.

– Унда биз бу ерга нима учун кириб келдик?

– Бунисини билмадим. Ўзингни айёрликка солма. Афғондаги вазиятни мендан яхшироқ тушуниб қолгансан.

– Афғонлар биз билан энди ҳеч қачон чиқишилмаса керак.

– Тўғри айтасан, энди буларнинг шўрави билан у дунёю бу дунё суви тинмайди, – дедим.

Мўмин темир нимчасини елкасига ташлаб, ўз машинасига кетди. Мен машина ичида, механик хонасида дам олаётган Ринатни уйғотдим. Қисмнинг боши йўлга чиқарилган эди. Биз алоқачилар полкининг ўтиб бўлишини кутаётгандик. Мен шлемофонни узатгичга улаб, кийиб олдим. Алоқада батальон командири ҳаракатга шай туришни уқтирди.

Орадан бир сигарет чекиб бўлгулик вақт ўтгач, батальон командирининг буйруғи эшитилди.

– Мен Бункер, буюраман: етмиш уч.

Қисм номозшомда ортга қайтди. Кимларгадир шу йўл бўйлаб ястанган баландлик пойида буюк мусаввир – табиат чизган эрталабки манзара ларнинг кечки кўринишидан ҳам завқ туйиш насиб қилмаган эди. Энди улар йўқ эдилар. Колонна оғир силжирди. Баъзан йўлда соатлаб туриб қоларди.

VI

Кўшин ярим кечаси Кобул шахри ҳудудига яқин жойдаги атрофи тоғлар билан ўралган текисликда тўхтади. Жанголидан тайёргарлик кўриладиган пайтларда техникаларга «дам бериларди». Машиналар доира шаклида жойлаштирилди. Бизга гулхан ёқиб овқат иситишга рухсат беришди. Икки соатдан кейин яна йўлга тушишимиз маълум бўлди. Биз ҳеч қачон жангдан қайтаётиб, Кобул майдонида дам олиб, нонушта қилмовдик.

Зим-зиё тун қўйнида гулханлар ёнди. Ўлик сукут измидаги тоғ ёнбағригача чўзилган теп-текис майдонда аскарий ҳаёт жонланди. Жангчиларнинг бақир-чақирлари, дами баланд зобитларнинг буйруқлари, қурол-аслаҳаларнинг тарақ-туруғи, машиналарнинг гуруллашидан бу ердаги синоатли жимлик чекиниб бўлганди. Мана шу текисликка бундан кейин, бутун умримиз давомида тағин

бирор кеч қайтиб келишимиз ёки умуман қадам босмаслигимиз ҳақида ўйлаб кўрмасдик. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Мен шу кечаси, шу ерда нонушта қилиш, бироз мизғиб олиш ёзиғимга битилганини ҳис қилдим. Тақдир менинг кунларимни дақиқаларга бўлиб, етти ухлаб тушимга кирмаган жойларга сочиб юборганига ҳайрон эдим. Аслида урушнинг ўзига яраша қонунларини ҳисобга олсак, ҳозирги дам олишлар, қоронғу кеча, ўн чақирим наридаги Кобул, қисмга қайтмай яна жангга кетиш, юзлаб таниш ва нотаниш аскарлар, дунёнинг бир бурчидаги туғилиб улғайган, сен шу пайтгача унинг кимлигиниям билмаган, ўзинг каби бу ерларда ўлимга дуч келиб юрган, бир қозондан овқат еб, бир хил мусибатга юзма-юз келаётган аскар орасидаги боғлиқлик, тақдирин азалнинг битиги ҳақида ўй суриш кулгулидай туюларди.

Мен ўзим ҳақимда қанчалик ўйламайин, барibir аллақандай ўкинч аралаш таскин ахтара бошлиётганимни тан оладиган бўлиб қолдим. Овуниш учун, ўзимни алдайман – ўлиб кетмаганингта шукр кил, ҳозирча тўрт мучанг соғ. Сен жуда кўп одамларга насиб қилмаган тирик дунёни кўриб турибсан. Ўлишдан осони, яшаб қолишдан кийини йўқ. Мен минг афсуски, ўзимга терс қараган ҳолда бу тахлит юпанчнинг ичига бекиниб олган эдим. Мен тушуниб етган ҳақиқат шулки, урушда иштирок этаётган ҳар бир жангчи фақат тирикликни пеш килиб, ичидаги етилган йиғидан ҳам оғир дардни енгиб яшайди. Хунрезликнинг мусибатлари беадоғлиги каби, бу оғриқнинг азоби ҳам бедаводир.

Инсоннинг бутун умри давомидаги ўйлари, хатти-ҳаракати кўзга кўринмас самовий бир қудрат билан боғлиқлигига шубҳа қилмайман. Ҳозир менинг сигарет чекиши учун чўнтак ковлашим ёки бошимдаги шлемофонни алмаштириш учун машина устидаги кутини очиб тимирскиланишими ҳам беҳудага содир бўлмайди. Мен ҳозир қоронғуда, машина устида сигарет чекаяпман. Душман

снайперда кузатиб тургандир. Ринат машинани нега айнан шу ерга олиб келди, бир қадам олға ёки орқага олиб тұхтатмади. Полк нима учун фақат шу ерда, шу маҳалда дам оляяпти. Нега мен айнан шу машинанинг оператор – отувчисиман ёки Ринат билан бирга юришга, бир машина жана жанг қилишга мақкумман. Бизнинг машина балки сира минага тушмас, шунинг учун Ринат икковимиз бир экипажда жанг қилаётгандирмиз. Евдокимов агар бошқа БМП-2да урушга чиққанида ярадор бўлмаслиги мумкин эди-ку. Уруш ҳам, манови машиналар ҳам, аскарлар ҳам бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Менга бошқа БМПда операторлик қилсан ёки сигарет чекмасам ҳалок бўлишим мумкин, деган мантиқни тушунтириш нечоғлик оғир бўлмасин, барибир инсон ҳаёти ўзидан ташқарида улкан, мўъжизавий таъсир йўриғида давом этиши ёхуд тўхташи мумкин деган тушунча хаёлимга қачон ўрнашиб қолганига ҳайрон эдим. Кўркув ва ваҳима туйғусигина эҳтиёткорлик заруратини ҳамда ўлимни эслатиб туради. Мен тирик қоламан деган одамдан кўра, мен ўлмайман деган одамнинг юрагини ваҳм кўпроқ емиради, унда қўрқоқлик жазаваси бир поғона баландроқ қўтарилади. Ҳар сония ўлим ҳақида хаёлга ботиш силлангни куритиб юборишини билсанг-да, урушда ба-рибир ўлимни ўйлайсан, ич-ичингдан қурий бошлайсан. Яшашни истаган, кўкка талпинган ниҳолдан фарқли ўла-роқ, қуёш, ҳаво, сувга зориқмаган инсоннинг тирик қо-лиши, бевакт сўлмаслиги учун яна бир зарурат – ички осоииш керак бўлади.

Ринат машина ёнидан жой ҳозирлайди. Мен оператор хонасидан гўшт ва картошкали темир кутичани олиб, оғзини очдим. Машина ортида темир нимчаларини тўшаб овқатланаётган пиёдалар ёқсан гулханга тутдим. Овқат қизигунча одатдагидай Мўмин билан Нурмахон меҳмонга келишди. Биз қоп кўрпа устида чўзилиб, овқатлана бош-

лаган эдик ҳамки, тўртинчи взвод томондан Юра келиб қолди. Кўлида икки литрли резина сувдон. Гоҳо ҳавога отиб-отиб қўяди.

– Ҳа, шалпангқулоқлар, менсиз йиғилибсанларми?

– Ке, ўтири, – деди Мўмин, – иззатингни оширмай кела-вермайсанми ўзинг.

– Энди минг қилсаям пиёдалар сержантни. Обрўси бор. Тўғри айтаяпти, бизга ўхшаб оддий аскар бўлса бошқа гап. Сержант зобитга яқин одам. Буйруқ бериши мумкин. Мўмин, сен барибир овсарлигингга борасан-да. Тартиб-қоидани ўрганиб қўй.

– Хўп, Бойбиш, эзмаланма. Сенга бир нарсанни гапир-маслик керак. Нима қиласиз энди? – деди Юра сувдонни тўқиллатиб ерга қўяркан чўккалаб.

– Нима қилардинг. Овқатлангани келганингдан кейин қорнингни тўйғазиб кетасан-да, – Нурмахон кайфияти кўтарила ҳазилни ўрнига қўярди.

– Мен демоқчиманки, заҳарларингга манови зормандадан бир татиб кўрсаларинг. Анча ўткир экан. Разведкачи юртдошларим тайёрлашибди. Ўзиям брашкамисан брашка экан. Зўр ачиған.

– Ў-ӯ, яшавор, Юра. Ажойибсан қадрдон. – Ринат ёнбошлаган кўйи сувдонни олиб, силкиб қўйди.

– Юра, бу зўр иш бўлди, дўст, – деди ўрнидан туриб чордана қурган Мўмин, – қани, бир хўплаб кўрай-чи.

Мўмин сувдонни даст кўтариб, икки ютум ичди. Босини чайқаб, «қойил», деб қўйди.

– Ишқилиб, топиб келган нарсанг ошқозонда қотиб қолиб, ичимиизда нон пишмайдими? – Нурмахон тағин паст келмади.

– Бойбиш, сен ичмайсан, – деди Юра. – Сен ниманинг фаҳмига бораардинг.

– Ичаман деб ўлиб турганим йўқ, фақат менинг қарзларимни узишинг керак. Бир ўзбек билсанг, «пулим куй-

ган», деб гармдорини еган экан. Ўша ўзбек менинг бобом бўлади.

Ичимлик чинданам зўр эди. Бир хўплагандим, томоғимни қириб кетди. Биз брашкани сувдоннинг оғзига кўйиб, галма-галига ича бошладик. Ярим хўплам қилиб ичаётган бўлсак-да, сувдоннинг оғзи даврани жуда кўп айлангани боис, кайфимиз кўтарила бошлади. Менга брашка таъсир қилди. Бошқалар ҳам мен каби дақиқа сайин сигарет тутатишар, ҳар гугурт чакилганда юзлардаги сўлғинлик, нигоҳларнинг ўйчанлик беркитган тун пардаси сидирилар, қайғу ва мунг қотган сиймолар бир сония қизқиши ёруғликда қўриниб, қоронғулик ичра ғарқ бўлиб кетарди. Сувдон бўшади. Биз чурқ этмай тутатардик.

– Хўш, ўртоқ сержант, энди қаёққа юриш қиласиз? Тўғри полкка қайтарканмизми? – деди Нурмахон жимликни бузиб.

Ҳаммамиз бутун бошли армиянинг қисматини ҳал қиласидиган генерал каби Юранинг оғзини пойлардик. Юра полкка борамиз, бошқа ёққа кетмаймиз, дейишини жуда-жуда истардик, бироқ у ҳам биздан ҳеч қанака фарқи йўқ, оддий бир жангчи эди.

– Мен қаердан билай. Нима, ўзинг фаҳмламаяпсанми? Кўриб турибсан-ку. Бу ерда беҳуда дам олмаяпмиз. Кобул ўн чақирим келади. Агар полкка кетадиган бўлсак, вақтни беҳуда ўтказиб, нонушта қилармидик. Разведкачилар техникаларга ёқилғи солиб бўлишди. Улар аввалроқ йўлга тушишади.

– Ҳе онасини, яна кирамиз дегин. Очифи, шу лаънати жойга тўхтаганимиздан кўнглим сезувди, – деди Мўмин.

– Бўлди қилинглар. Фақат сўкинишдан, ўзларингни ейверишдан нима фойда? Эй, онасини эмсин! Бир гап бўлар, ўлсак ўлармиз. Шунчалик ваҳманинг нима кераги бор?! Сизлар bemalol эзилишиб ўтираверинглар. Мен

машинага кириб мизғиб олай. Ҳали худо билади, Панжшерга қараб жўнаймизми?

Ринат ўзини бепарволикка олиб, машинага чиқди. Мўмин Панжшерният, Афғониният, армиясиният, ҳам масини бўралаб сўқди. Нурмахон чурқ этмай ўрнидан турди-да, автоматини елкалаб машинаси томон кетди. Мен кўрпани йигиштиromoқчи бўлганимни сезишгач, Юра билан Мўмин ҳам ўрнидан турдилар. Пиёдалар машина устида донг қотиб ухлашар, техникалар атрофида фақат қоровуллар у ёқдан-бу ёққа юришибди. Аҳён-аҳёнда уларнинг «Тўхта, пароль» деб бақиргани эшитилади, текширувчи зобит ёки ёзилгани чиққан солдат тўнғиллаб «Пароль олти» деб кўяди. Мен оператор хонасига тушиб ўриндиклар оралиғига автоматимни қўйиб, устидан темир нимчамни ташладим. Оёқни чўзиб ухлашга жой ҳозирладим. Бошимга шлемофонни кийиб, узатгични алоқа қутисига уладим-да, чўзилиб ётдим. Кўзимга анча пайтгача уйқу келмади. Ташқарида юрган қоровулларнинг темир нимчасига қурол кўндоғи урилиб тақиллаган овоз чиқаради. Худди узоклардан отлар келаётганга ўхшайди. Ҳар замонда механик хонасида ўриндиқ қийқиллаб қўяди. Ринатнинг ҳам уйқуси қочганини фаҳмлайпман. Гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга ағдарилиб бир нарсалар деб тўнғиллайди.

Ринатга менга қараганда анча қийин. У баъзан тун бўйи машина бошқаради. Олти юз чақиримлаб масоғани кечалари босиб ўтишга тўғри келган кезлари, у белим тахта бўлиб қолди, деб нолирди. Колоннанинг чанг-тўзони ичидан кабинадан бошини чиқариб юрмаса бўлмайди. Ўшанда юзида чанг-тўзон қотиб қолар, кўзлари қип-қизарип кетарди. Баъзиде биз каби ёш болага каттакон БМП-2ни топшириб қўйишганига ҳайрон бўлардим. Ринат машинани барибир яхши тушунарди. Мен дастлаб отишдан қанчалик чўчимайин, кейинчалик бу мушкул иш шунчаки бир юмушга айланиб қолди. Мен ҳатто машина ичи-

даёқ снарядларни лентаси тиқилиб қолгудай бўлса тузата олиш ёки пулемёт ленталарини қисқа фурсат ичида ўқлаш даражасига етдим. Отишма бошланиши биланоқ Ринатга ички алоқада йўналиш бера олардим. Отув милини душман ҳамла қилган томонга тўғрилашим учун ярим дақиқа вақт кифоя эди.

Хуллас, биз жангнинг ҳадисини олиб ўргангандик. Ҳар қандай вазиятда ҳам Ринатнинг машинани бешикаст олиб чиқишига, эсанкираб қолмаслигига ишонардим. БМП-2 Афғон урушида энг ишончли ва қулай техникалардан бири бўлиш билан биргаликда, уни бошқаришни ўрганиш кийин эмасди. БМП-2 жангчининг қўлидаги автоматдан кўра ихчам ҳамда ваҳимали қурол эди. Бу қурол билан энди ўн тўққизга ҳатлаган икки йигит катта-катта қишлоқларни вайрон қилиб, одамларини тир тизғитиб, қириши мумкин.

Ринат қопқани очди. Ичкари баҳорнинг енгил ҳавосига тўлди. У машинадан ташқарига чиқиб, ерга сакраган эди ҳамки, қоровул қичқириб қолди:

– Тўхта, пароль!

– Олти. Ҳе итдан айниган. Кўзинг кўрми? Гаврилов!..

Мен роса кулдим. Ринат темир кутичаларни тарақлатиб тепди-да, яна сўқинди. Мен оператор хонасининг қопқасини очиб, машинадан беш-олти қадам нарида турган қоровулдан сўрадим:

– Қачон йўлга тушарканмиз, Гаврилов!

– Замполит батальон штабига бориб келди. Ярим соатдан кейин ротани уйғотасан, деди.

– Қаерга борамиз, деб сўрамадингми?

– Айй, Баграмга дейишибди. Постларимизни дабдала қилишаяпти экан. Ўн тўртингчи қуршовда қолибди.

– Баграм худо урган жой. Бугунги эрталабки томошадан баттарроғини кўрасан. Сен биринчи марта жангга чиқаяпсан-а, қалай, қизиқмикин?

– Умуман, кўрқинчли. Очигини айтсам, чинакам уруш бошқача бўларкан. Агар ҳаммаси шунаقا бўлса, даҳшат! Қаерга отишингният билмай қоласан.

– Отиб нима қиласан. Жонингни асрасанг бас. Агар ўлишинг аниқ бўлса, отсанг-отмасанг барибир. Сен ҳали кўп жангларни кўрасан. Хизматингни энди бошлаяпсан-да. Ҳар ҳолда зийракроқ туришинг керак. Йўқса, ажалинг оёғингнинг остидан чиқиб, асфаласофилинга жўнатворади.

– Ҳа, тўғри, ҳали сизлар каби кўп нарсани кўришга мажбурмиз. Сизларга оз қолди. Яқинда кетасизлар.

– Мен ҳам сендайлигимда «қария»ларга ҳавас қилардим.

– Афғоннинг ҳамма жойида бўлганмисан?

– Деярли. Буёғи Панжшердан тортиб то Салангча, Чорикор, Пагман, Жалолобод, Қундуз – юзлаб қишлоқларни айтавер.

– Жангдан бизникилардан ҳам кўп киши ўладими?

– Бу топшириққа боғлик. Баъзи ҳолларда роса қиришади.

– Уларда-чи, улардаям ўликлар бўладими?

– Духларни камдан-кам ҳолларда кўрасан.

– Нега?

– Э, ҳали тушунмайсан барибир. Улар кўринмай отади. Тешикми, ғорми ҳаммасини беш бармоқдай билишади. Шу ерда яшагандан кейин сени истаган ўйинга солишлари мумкин-ку.

– Бизнинг тўпларимиз, ракеталаримиз, шунча кўп техникаларимиз бор. Наҳотки, духлар шундай куч олдида енгилмаса?

– Улар бўйин эгиши мумкин эмас. Ахир Ватан, манави тупрок, ер уларники-ку! Техникаларинг эса, ошнам, фақат тинч аҳолини хонавайрон қиласди, хотин-халаж, етим-есир, бола-чақани қиради. Духсиз қолган қишлоққа отаверади.

— Ўша ерда барыбир биттә яримта душман қолади-ку.

Гаврилов машинага суюниб олди. Унга уруш ҳақида гаплашиш кизиқ туюлаётганди. Афғонга келганига бор-йүғи икки ой бўлган бу йигитчанинг ҳар нарсага саросима аралаш қараси, қизиқсиниши табиий эди. У ҳали жангни жасорат майдони, деб ўйлади, совет армиясининг куч-қуввати, ақл-заковатига ишонади. Дунёдаги энг зўр армия – бизники деб тушунади. Мен ҳам Гаврилов каби уруш нималигини англамай туриб, ҳарбий ўқув тайёргарлигидан сўнг, шу туйғу эҳтиросида Афғонга шошилганман. Афсус, минг афсуски, ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Энди чидаш керак. Бу ерда ягона мақсад омон қолиш, бошқалар учун эса ўлик-тиригинг бир пул.

Афғонда ҳалок бўлган совет солдатини бир куни «қилмишига яраша жазо олди», деб изоҳлайдилар. Бундан ортироқ ҳақорат бўлмайди.

Гаврилов тағин нималарнидир сўрамоқчи бўлиб энтиди. Менинг кайфиятим бузилди. Кўнгилга гап сиғмай қолди. Унга озгина бўлса-да, мизғиб олай дедим. Шу пайт ўн беш қадам наридан биз тарафга бир шарпа яқинлашиб келарди. Пайқадим, Ринат бўшанглашиб келаяпти. Гаврилов шарпа томонга зудлик билан ўгрилиб, автоматини тўғрилади ва қичқирди:

– Тўхта, пароль!

Шарпа эшитмаганга олиб яқинлашаверди.

Гавриловнинг овози тағин баландроқ чиқди:

– Тўхта, пароль! Тўхта! Отаман.

Шарпа хуштак чалиб келаверди.

Менинг кулгим қистади, ўзимни зўрға тутиб турдим.

– Тўхта, отаман!

Гаврилов қуролини шараклатиб, отишга ҳозирлади.

Шарпа бироз тўхтаб турди:

– Пароль олти. Олти, Гаврил! Мен Ринатман. Отиб қўйма тағин, чижик.

Мен Ринатнинг юзи қаҳрли тус олиб, лабларини пир-пиратганини қоронғуда күрмаган бўлсам-да, кўз олдимга келтиридим. Кулиб юбордим. Гаврилов ҳеч нарса бўлмагандай штаб томонга юрди. Ринат машина олдига келиб менга ўшқирди:

– Нега бунча куласан?

– Тўғриси, сени душман деб ўйлабмиз, – ҳазилга бурдим.

У беш-олти қадам олислаган Гавриловдан аламини олмаса ҳовуридан тушмайдиганга ўхшайди. Ерга чирт эт-кизиб тупурди. Бошини қашлаб кўйди. Менинг олдимда изза бўлгани оғир ботди. Ҳамияти қўзиганини ҳуштак чалганиданоқ сезувдим.

– Ҳой, Гаврил! Қани бу ёқقا кел, – у ғазаб билан қичқирди.

– Ринат, нима қилмоқчисан?

– Сенинг ишинг бўлмасин.

– Индама, урма уни, ахир чижик-да, ҳамиша уставга риоя қилиш керак деб ўйлади. Ҳали урушни кўрмаган, қоровулда турганда чўчийди, – дедим уни юмшатиш учун.

Гаврилов Ринатга яқинлашди.

– Ҳей, ит. Онангни. Гаврил, кўрмисан? Ё атайин мени мазах қилдингми, чижик? Мен сенга кўрсатиб қўяман, ҳайвон! Мана! – У Гавриловнинг бошига қўйиб юборди. Қоровул силтаниб, темир нимча ва автомати тақиллаб кетди.

– Ринат, нима учун, Ринат, қайси гуноҳим учун?

Гаврилов орқага тисланаверди.

– Тўхта, ит. Сен ифлос, машинадан чиқиб кетганимни кўрувдинг-ку! Нега мени ўйнатдинг. Мана сенга пароль, манови, отаман деганинг учун! – у тепди.

– Ахир мен қоровулман-ку! Ринат, комбат қаттиқ тайинлаганди. Мен сергак туриш керак, деб тушунаман.

– Ҳе, сендей сергакдан ўргилдим. Бор, йўқол. Онағар, индамаса отиб қўй деди, – Ринат ғазабланганидан Гавриловга ўзбекчалаб гапириб юборди.

– Бекор урдинг-да, ҳали кўп нарсага кўниkmаган. Душман келаяпти деб ўйлаган, – дедим Ринат механик хонасига тушгач.

– Сен бас қил!

VII

Тонгги ғира-шира. Катта йўл ёқасидаги қишлоқни талофатсиз оралаб ўтган қўшин Баграм ҳудудидаги кенг узумзорда тўхтади. Пушталарда тарвақайлаган токларнинг новдаси машиналарнинг занжири остида эзғиланди. Танклар кўндалангига кесиб ўтган жўяклар тупроққа тўлди. Бесаноқ техникалар ини бузилган чумолидай тарқалиб, киндик ота бошлаган новдаларни ер билан битта қилди. Кимларнингдир ризқи боғланган боғ таг-туғи билан қуриди ҳисоб. Баҳорда қуриган бу токлар қайтиб ўзини ўнглай олмайди. Қаршимиздаги қулбалари тифиз солинган қишлоқ аҳли ҳар жой-ҳар жойдан одам беличалик дувол билан сарҳадлаб ажратишган боғларини ҳеч бир сабабсиз вайрон қилиб ташлаганимиз боис, биздан нечоғлик нафратланишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Биз ҳаммасини тушунган ҳолда ўта бемаъни хатти-ҳараткат қилаётган тутуриқсиз ёш болаларга ўхшардик. Айнан узумзорда тўхташ зарурмиди, деган хаёлга борсак, ҳеч қандай важ-карсоннинг ҳожати йўқ. Қишлоққа кириш учун шу узумзор орқали ўтилса қулай бўларди. Агар қисм катта йўл орқали юрса қишлоқнинг орқа томонидан айланниб киришга тўғри келарди. Шу боисдан, биз токзор ичидан кесиб ўтишни мўлжаллагандик.

Қишлоққа разведкачилар взводи юборилгандан сўнг техникаларни жанговар ҳолатда шайлаб ҳаракат қилдик.

Олдинда танкчилар батальони, сўнгра пиёдалар борарди. Миномётчилар ва оғир артиллерия токзорда қолди.

Қишлоқ тор кўча бўйлаб чўзилган кўримсиз кулбалар, ҳовлилардаги мевали дараҳтлар панасидан кимдир курол ўқталиб тургандай вахимали эди. Уйларда хеч ким кўринмас, одамлар ғойиб бўлишганди. Эшик-орада фақатгина уй эгаларининг мол-ҳоли, товуқлари кўзга ташланади. Ҳатто деворлар оша қизиксиниб қаровчи болакайларнинг ҳам қораси кўринмайди. Халқ қишлоқни ташлаб, тоқقا чиқиб кетганди. Агарки, душман бола-чақаси, аёлларини хилват жойга кўчирибдими, демак, қиёматли жанг бўлиши муқаррар. Нега унда бизни қаршиликсиз ўтказиб юборишаётпти ё постларга мададга келишимизни олдиндан билишгани учун индашмаяптимикин? Балки қайтаётганимизда хужум қилишар?

Механик ва операторлар машиналар ичкарисида жанговар ҳолатда ўрнашиб олишганди. БМП-2 устидаги пиёдалар жонларини ҳовучлаб, атрофга олазарак қараб боришарди. Ўқ овози эшитилиши билан улар ерга сакрайдилар, машиналар панасида хужумга ўтишади.

Қисм қишлоқнинг қоқ ўртасига кириб бўлгач, колонна ортидан ўқ отилди. Олд томонда портлаш содир бўлди, бир зумда ҳар тарафдан гранатамётлар ишлаб қолди. Бирор шарпа сезилмаган қишлоқ жон-жаҳди билан бизга зарба берди. Колонна таққа тўхтаб, БМП-2 ва танклар йўлнинг иккала томонига, қишлоққа қаратса ўт очди. Кутилмагандан душманинг еру кўқдан ўқ ёғдириши қўшинни эсанкиратиб қўйди. Оқим бўйлаб бемалол сузаётган, туйкус гирдобга тушиб, чирпирак бўлиб айланаётган қайиқ ва унинг ичидаги сайёҳлар каби гандираклаб қолдик. Биз куршовга олинганимизни пайқадик. Танкларнинг қишлоқни ёриб ўтган йўлда ҳимояга зўр беришдан бошқа чораси йўқ эди. Пиёдалар машиналар тагида ётиб, қишлоқни ўққа тутди. Асосий кучни қайси томонга йўналтиришни билолмас-

дик. Йўлда туриб қолган колоннага душман ўнгу сўлдан қақшатқич зарба берар, автоматларнинг тариллаши ва гумбирлаган портлашлар ичида қолиб кетдик. Атрофни бир зумда чанг-тўзон, қуюқ туман қоплади. Аскарлар жаҳаннам ичида қолгандай жон талвасасида югуришар, ўзларини дуч келган жойга уришар, бирор тош панасими ёки чукурликни дарҳол панараб олишар, айримлари ерга юзтубан ёпишиб, бўйинларини елкалари орасига қисишиган кўйи қимир этмасдилар. Улар жанг пайтида машинадан беш-олти қадам узоқда бўлишлари керак эди. Чунки душман биринчى галда техникаларни нишонга оларди.

Алоқани бақир-чақир, саросимали қичқириқлар тутди. Ўлганлар ва ярадорлар ҳақида зобитлар тинимсиз алоқада қисм командирини огоҳ этишар, БМП-2 ва танклар бехато уришаётганини хабар қилишарди. Айниқса, пиёдалар ўт-олов ичида қолиб кетганди. Ҳаводан шанғиллаб учган снарядларнинг саноғи йўқ эди. Мен отув милини тўғридаги уйлардан бирига мўлжаллаб узлуксиз отавердим. Ким қаерга, нимани нишонга оляяпти, билиб бўлмайди. Алоқадан бирор нарсани англаш шунчалик қийинки, турли хил овозлар бир-бирига қўшилиб кетгани камлик қилгандай, ҳатто ўқ овози ва портлашлар ҳам эштиларди. Машина ён-верига снарядлар келиб тушар, ҳар портлашдан сўни атрофни тутун ва чанг қоплар, кузатув ойнасидан ҳеч нарсани кўрмай қолардим. Назаримда, деворлар ва дараҳтлар, уйларга жон битиб, биздан беаёв ўч олаётгандай эди.

Мен бу жойдан тирик чиқишимизга ишонмадим. Қайтиш йўли ҳам беркилиб қолган эди. Портлаган техникаларни йўлдан суриб ташлаш учун ҳали узоқ вақт керак эди. Пиёдалар қирилиб кетади. Машина сиртига чангиллаб тегаётган ўқлар ваҳмасидан ичимда титроқ уйғонади, бўшашиб қоламан. Мен беихтиёр ўзимни йўқотиб қўйгандим, қандай ҳаракат қилаётганимни ҳам сезмасдим. Кўлларим отув нуқтасига ёпишиб қолгандай эди, гўё. Кет-

ма-кет отавердим, снарядлар учганда машина силтанар, ичкарини аччик дуд – порох хиди тутиб кетганди. Мен отув милини гоҳ чапга, гоҳ сўлга, гоҳ тўғрига қаратиб ўт очардим. Снарядлар теккан жой ёришиб кетарди. Отишма менга ёқиб қолаётганига ҳайрон эдим. Гўёки мен лаззатли бир ўйинни бажараётгандайман. Ким билсин, балки одам ақлдан озса шундай ҳолни бошидан кечирап, балки куни битган одам учун курбон бўлиш асло даҳшатли туюлмас. Мен ўлим ҳакида сирам ўйламай қўйдим, қўркувнинг энг олий даражаси карахтлик боис ақлим кирди-чиқди бўлиб қолганига ажабланмасдим. Қизик, одам ўлимга шунчалик қисқа вақт ичida чоғланиши мумкинми? Мен умуман, ҳеч нарсани хаёлимга келтирмасдим. Фақат отишдан, снарядлар мен қўзлаган нуқталарга тушаётганидан хузурланардим.

Дарчаларига чўпдан тўсин қилинган қўримсиз кулбаларнинг деворлари анча мустаҳкам тикланган. Уйлардан бирини қанчалик мўлжаллаб отмай, барибир тўкилиб бўлиши осон кечмади. Снаряд теккан жой ўйилиб қолар, девор қилт этмасди. Мен даричаларни кўзлаб ўт очардим. Бехато бориб етган снарядларнинг кўпчилиги ичкарида портларди. Аҳён-аҳёнда ўша кулбага танқ снарядлари ҳам келиб тушар, ортидан ҳавода қизил чизиқ тортиб автоматларнинг ёнувчи ўқлари зувуллаб учар, кулба деворларига тегиб, ўз йўналишини ўзгартирап, сўнgra, кўкда, икки одам бўйи баландликка санчилган ёнувчан ўқ ғойиб бўлиб қоларди. Бу манзара шунчалик қисқа вақт ичida бир киприк қоқгулик фурсатда содир бўларди.

Дараҳтлар панасида олов пуркаб гранатамётлар ишлар, ўпирилган кулбалардан АКМ лар бизни чийиллаб ўқса тутар, қишлоқ ичкарисидан миномётлар отиларди. Гоҳо «Ер-Ер» ва «РС»лар учарди. Душман ўзини кўрсатмай, ҳаддан зиёд эпчиллик билан ҳаракат қилаяпти. Йўл ўртасида тиқилиб қолган колоннанинг ҳар тарафдан зар-

бага учраши, яраланган арслоннинг итларга таланишига ўхшарди. Отишма тобора авжига чиқсан сайин, оппок яктак-иштонини селбиратиб, мушукдай сакраб, дарахт ёки девор орқасига беркиниб, бизга қаратса қаршилик қилаётган душманни кўриб қолардим. Мен дух паналаган жойга ўқ отиб улгурмасимдан, машина кескин силтанди, қулоқни йиртар даражадаги гумбурлашдан ўзимни йўқотиб кўйдим. Машина ичкариси аччиқ куйинди – дудга тўлди. Нафас олиш мумкин бўлмай қолди. Бунинг устига, кўзим ҳеч нарсани илғамас, бошим чирпирак бўлиб айланётганди. Хаёлимни машина портлади, уриб ташладилар, деган ўй чакмоқдай тиғлаб ўтди. Мен жон ҳолатда қопқани итариб ташқарига отилдим. Машина устида бош кўтармай ётдим. Тепамдан визиллаб ўқ ўтар, қимир этишнинг имкони йўқ эди. Ичкаридан очиқ қопқа орқали тутун ўрлаяпти. Мен Ринатга нима бўлганини аниқлаш мақсадида тағин ичкарига тушмоқчи бўлиб, башняда эмгакланган эдим ҳамки, бармоқларим тутган кузатув ойнасидан бир қарич пастга чангиллаб ўқ тегди. Душман мени кузатиб турганини ҳис қилдим. Кўлларим беихтиёр танамдан отилиб кетгудай даражада силтанар, мен ўзимни йиғолмай қолгандим. Бор овозим билан Ринат деб қичқирдим. Атрофни тутган қиёматли шовқин-сурон менинг овозими ни ямлаб кетиши хаёлимга келмасди. Мен механикнинг хонасига эмаклаб бордим-да, қопқани очдим. Ичкарида машина чамбарагини тутган Ринат без бўлиб ўтирибди. У тош каби қотиб қолгандай эди. Юзи докадай оқарган, кўзлари косасидан чиқкудай бўлиб каттариб кетган, қимир этмасди. Гўёки музлаб қолганди. Ичкарига бошимни суқиб тағин Ринатлаб бақирдим. У қимирламади. Мен механик хонасига тепадан қўлимни суқиб, ҳайкалга айланган Ринатнинг бошига муштладим. У бошини илкис чайқаб, тепага, менга қаради-да, бақириб юборди. Одам боласининг кўркувдан бунчалик аянчли аҳволга тушиб

қолишини, қичкирганда юзлари буришиб кетишини асло күрмагандим. Ринат қалтираган құлларининг панжаларини очиб, менга «кет» ишорасида кескин силтаб қичқирапди. Атрофда рўй берәётган аянчли жангдан кўра, Ринатнинг тентакнамо чинқиргани ваҳималироқ эди. Негадир унга қараб туриб, мен ҳам бақириб йиглаб юбордим. Ўрнимдан даст туриб, душманга қўксимни тутгим ёки бизга шунчалик қўрқув солган қишлоққа қараб юргургим келди. Мен ортиқча чидай олмасдим. Теграмдаги даҳшатли манзарани бошқа қабул қилолмасдим, очиғи, миям зўриқиб, ўзим англамаган қандайдир куч таъсирида харакат қилаётгандим. Мен бошимни кўтариб, олдинга қарадим – колоннанинг ярми аллақачон, йўлнинг сўл томонидаги сувсиз канал бўйлаб орқага қайтган, портлаган машиналарни судраган танклар ўтаётганди. Биздан учта машина олдиндаги БМП-2 ловуллаб ёнаяпти. Машинамиз атрофида ерга ёпишган қўйи икки пиёда қишлоққа қаратса ўқ отаяпти. Улардан нарида яна биттаси эмаклаб биз томон келаяпти. Мен биздан кейинги БМП-2нинг ҳам орқага қайтаётганини кўрдим. Чекинишга буйруқ берилганини фаҳмладим. Ринат ичкарида ғужанак бўлиб қалтирарди. Машина рўпарасидаги харобазордан чиқкан бир тўда душман, бизнинг оғир талафот кўрганимизни, БМП-2 ишдан чиққанини англағанди. Улар биз томонга гоҳ энкайиб, гоҳ эмаклаб яқинлай бошлади. Баданим чўғдай қизиб кетди. Ичимдан аллақандай нафрат тошди. Фазабдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Ановиларнинг ҳаммасини тирқиратиб қонини тўкким келаётганди. Қандай қилиб механик хонасига тушганимни билмайман, шлемофонни алоқа узатгичга улаб, башняни ҳаракатлантирумокчи бўлдим. Бироқ ток билан ишлайдиган нукталар ишдан чиқкан эди. Мен башняни механик айлантиргич орқали кўл билан буриб, отув милини пасайтиридим. Кузатгичдан хароба биноларни топдим ва отув милини ўша томонга тўғрилаб, бироз

пасайтириб, эмаклаб келаётган душманни кўрдим. Улар тўртта эди. Ўртадагисининг қўлида гранатамёт. Негадир тўхтаб қолиши. Отув мили билан биргалиқда пулемётни ҳам босишга қарор қилдим. Душман икки юз қадамлар чамаси яқин қолганди. Пулемёт тепкисига сўл қўлимни, отув мили тортмасига ўнг қўлимни теккизиб, пайт пойладим. Ўртадагиси бироз қаддини кўтариб, гранатамётни бизнинг машинага тўғрилади, бошқалари автоматларини рўпара қилишган. Мен отув милининг масофа белгиси кўрсаткичини бир юз эллик метрга кўйиб, нишон кўрсатгични унинг қорнига мўлжалладим. Пулемётнинг нишон кўрсаткичи ҳам грантамётли душманга тўғриланганди. У гранатамёт осилган ўнг елкасини ичкарига олиб, бироз ёнбош ҳолатга келиб отишга шайланди. Мен қўлларимга қарадим. Шовуллаб тер оқаётганди. Кўзимни чирт юмиб, отув мили ҳамда пулимёт тепкисини иккала қўлим билан ёпишдим. Снаряд узлуксиз отилар, пулемёт тариллаб, бўшаган гилзалар ичкаридаги маҳсус темир кутига тушарди. Қўлларим тепкига ёпишиб қолган эди.

Кейин, кейин орқага, алоқа қурилмасига бошимни тираб, уйкуга кетдим. Ҳавода самолётларнинг вангиллагани, еру кўкни ваҳимага солиб, гумбурлаган портлашлар эшитилди. Мен қишлоқнинг ўртасида югураяпман. Нафасим қайтмаяпти. Осмондан гупиллаб бошлар ёғилаяпти. Ер тили чиқиб қолган, кесилган каллаларга тўлиб кетган. Мен каллалар бошимга тушмаслиги учун қўлим билан бошимни тўсиб олдим. Бошларнинг соқоллари қип-қизил қон. Кўзлари чақчайган. Ерга тушган калла тупроққа қоришиб ғилдирайди-да, тўхтаб қолади. Теварак осмондан тушган бошларга тўлиб кетди. Мен қаёққа қараб чекинишмни билмайман. Оёғим ўзимга бўйсунмайди. Жойимдан қимиirlай олмай қолдим. Югуришга ҳолим етмайди. Бир маҳал оёқларим остига Лилияning кесилган боши ке-

либ тушди. Бош бироз думалаб тўхтади. Қон аралаш сочлари тупроққа қоришган, кўзлари ичидан чивинлар учиб чиқар, тили бир қарич бўлиб осилиб ётарди. Менинг аъзойи баданимдан мадор қуриб, ичим куйиб кетди, бақирай десам қулоқларим шанғиллаб, овозим чиқмасди. Ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Мен Лилиянинг бошини ердан кўтариб олдим. У коптот каби енгил, бироқ аъзойи баданимни кўйдиради. Бошим нимагадир урилиб, бўғилиб кўзимни очдим. Машинани қандайдир куч олдинга судраяпти. Тепадан дўпиллаб калла тушаяпти. Агар қопқа ёпилмаса, машина ичи кесилган бошга тўлиб кетади, деган ўй бир лаҳзада миямга ўрнашиб қолди. Нима бўлаяпти ўзи? Машина ичкарисига қандай қилиб кириб қолдим. Ҳозиргина мен қаерда эдим? Бошим лўқиллаб музлай бошлади. Қовоқларим оғирлашиб борар, кўзимни юмиб очиш азоб эди.

Бир маҳал машина ташқарисидан нимадир дукурлаб, қопқа очилди. Мен бир сесканиб, тепага қарадим – Мўминнинг боши кўринди. Этим жимирилаб бақириб юбордим. Чинданам осмондан бош ёғаётганди. Баданим жиққа хўл бўлиб кетди. Елкамдан кимдир туртар, мен очик қопқа томонга юзлана олмасдим. Кимнингдир чақиргани қулоқимга чалинди. Юзимга муздай сув куйилди. Мен кўзимни очиб, яна елкам оша тепага қарадим. Башнядан туриб ичкарига бошини суққан Мўмин қўлидаги темир сувдондан менга сув сепаётганди. Унинг боши елкасида эди. Машина олдинга силтаниб-силтаниб юраётганди.

– Ҳа, нима бўлди? Ҳамма жойинг соғми? Озгина чида, хозир етиб оламиз.

- ...
- Эй, роса қуршовда қолдик.
- Ринат қани?
- У анча яхши. Ана, механикда ўтирибди.
- Сен нега бу ердасан?

Мүмин башнядан ичкарига тушди-да, қопқани ёпиб олди.

- Менинг машинамни рота техники Давид ҳайдаяпти.
- Машинант қани?
- Ана, олдинда. Сенинг машинангни судраяпти.
- ...
- Машинант ишдан чиқибди. Түғри двигателдан уришибди, онағарлар.
- Мүмин, энди тугадими? – Мен қаттиқ чарчагандим, зүрға гапирадим, ҳатто күзларим беихтиёр юмилиб қолганди.
- Тамом. Полкнинг шармандаси чиқди. Постларга етиб боролмадик. Энди Кобулга қайтамиз. Тугади. Бунақаси бўлган эмас ҳеч қачон. Биласанми, нечта машина ни уриб ташлади. Пиёдалар жудаям кўп.

Мен Мүминнинг бошқа гапларини эшитмадим. Жанг тутагани, бизнинг машинани уриб ташлашгани ва судраб боришаётганини билиб туардим, холос.

Полк эрталабки узумзорга қайтиб чиққан эди. Мен оператор хонасидан қоп тўрвани олиб машина устига тўшадим. Ҳар жой-ҳар жойда қиёфаси эзғин пиёдалар беруҳ, бошлари ҳам ўтиришар, уларнинг афт-ангори кир бўлиб кетган, кўзларида сўнгсиз ҳасрат қотиб қолган эди. Улар дунёнинг жамики аламлари, бошларига тушган мусибат ўчини тамакидан олишаётганди. Айни дам ҳеч ким ўзининг тирик қолганидан фахрланиши, кўнглига таскин беришни хаёлига ҳам келтирмас, даҳшатли жанг манзарасини кўз ўнгидан сидириб ташлай олмасди. Мен жангдан сўнг кўз ёшларини оқизмай йиғлаш, ўзининг тирик қолганига ҳам кўнглида шукrona айтишга ор қилиш аскар учун ўлимдан ҳам ёмонроқ эканлигини ҳис қилдим. Чинакам жангдан кейин одам ўлим ҳақида ўйламайди, балки урушнинг чегараси йўқ бедаво азобини ҳис қилади. Чунки бу азобнинг оғриги уни бир умр тарк этмайди.

Кун киялаб қолганда полк ортга, Кобул сари йўл олди. Йўл четида танграйиб ўлиб ётган эшак, ит, моллару қўй-эчкилар тепасида чивинлар ғужғон ўйнар, аллақачон ўлимтик хидини олган қарғалар атрофда олазарак бўлиб туришарди. Баъзи ҳовлиларнинг деворлар билан ўралган ичкарисидан оқимтири қуюқ тутун ўрлар, айрим уйларнинг томлари ўпирилиб тушганди. Қулаган деворлар панасида аҳён-аҳёнда ўлиб ётган одамлар кўзга чалинади. Қишлоқ ўлик сукунат уммонида ғарқ бўлган кемага ўхшайди. Биз эрталаб ўтганимиздаги қишлоқ манзараси харобага айланганди. Даричалардан қизиқсиниб қарган, томларда мусичадай тизилиб олган беозор болаларнинг қорасиям кўринмайди. Ахир бу қишлоқда жанг бўлмовди-ку, Баграм ичкарисига шу йўлдан ўтганимизда ҳамма нарса бошқача эди-ку? Қишлоқни ким вайрон килди? Қайси аскар, қайси қўшин, қайси армия?.. Ахир бу қишлоқни ўтга солмадик-ку? Демак, Баграм ичкарисига ўтаётганимизда, армия ўзини тинчликпарвар қилиб кўрсатган, чўпга ҳам зиён етказмади. Қайтиб чиқаётганимизда эса олдидаги қишлоқларни артиллерия душмандан тозалаб қўйган. Уйларнинг деразасига, томлар устига оқ байроқлар илинган, қишлоқ яловлар қадалган қабристонга ўхшарди. Бу қабристонга тириклар қамалганди.

Колоннанинг қоқ белида портлаш юз берди. Кетма-кет ўқлар учди. Кутимаган хужумдан сўнг пиёдалар ерга сакрашди. Сўл томондан гранатамёт отилганди. Қўшин ёппасига хужумга ўтди. Деворлар ўпирилди, дараҳтларнинг шохлари қарсиллаб сина бошлади, уйларнинг ойналари зириллаб тўкилди. Қишлоқ олақуюн – оқтайлоқ ичидаги кетди, танклар гумбурлади, БМП-2лар донг-донглаб ишга тушди. Гранатамёт қайси тешикдан, қайси хона-дондан отилганининг аҳамияти йўқ эди. Душман ҳамла килганди. Душманнинг қанчалиги, кимлар эканига ҳам қизиқмасдик, қишлоқ қаршилик кўрсатаётганди. Уйлар-

нинг устидаги оқ яловлар қулар, неки кўринган нарса борки, ҳавас билан отаётган совет армияси солдатининг нишонига айланди. Ҳовлиларда хотин-халаж бош яланг, тентакнамо ув солиб югурап, айримлари гўдакларини кўксига босиб, ташқарига отиларди. Ёш болалар томлар устига ўрмалаб чиқишар, қўлларини отманглар ишорасида силкишар, айримлари ўққа учиб кабутардай ўмбалоқ ошиб куларди. Қишлоқнинг эркаклари кўринмайди, тоққа чиқиб кетишган.

Колонна тезликни ошириб, олдинга ҳаракат қилас, қишлоқни зўр бериб ўққа тутарди. Танклар тумшуғи тинимсиз олов пуркаган кўйи, хароба кулбаларни ортда қолдирав, сўнгра олдиндаги ҳовлиларнинг тепасидан ажал ёғдирар, орқадаги БМП-2 ва оғир техникалар эса олддагилар пай-хонлаган жойга етиб келгунча, қолган-қутган кулбаларни илма-тешик қилиб келарди. Дуч келган жонзот борки, беаёв отилмоқда.

Колонна бурилишга етганда йўлга яқин ҳовлилардан бирининг девори оша тўнкарилган катта сават ортига югуриб ўтган ёш жувонни кўрдим. У бош-оёқ зангор кийинганди. Қомати адл. Мен саватдан кўзимни узмай қараб турдим. Машина олдига ҳаракатланар, сават орқасига беркинган қизнинг жон-жоним билан омон қолишини, бизнилар пайқамаслигини хоҳлардим. Назаримда, ҳали охири кўринмайдиган колоннадаги қайсиdir танк ёки БМП-2 саватни ҳам нишонга олаётгандай, йўқ, қизга эмас, отув милини менга тўғрилаб туришгандай эди. Ичимда оғриқ қўзғолди. Колоннанинг кети кўринмасди. Мен жувонни отишлари сирам мумкин эмас, деган ўйни миямга сингдириб бўлдим. Билмайман, жувон менинг энг яқин одамимга айланиб қолганди. Мен кимнидир соғинган эдим. Мен кимнингдир оёғига бош қўйиб осуда уйкуга кетишни истагандим. Ҳарир зангор либос кийган афғон аёли бу кирга ботган дунёни зангор нурларга тўлдирувчи

мўъжизадай эди, гўё. Ахлат ва чиқиндилар орасида зангори гул очилиб турганди. Уни узишга, хазон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Ундан фақат кўзлар баҳра олиши керак. У бизнинг моғорлаган онгу шууримиз ҳамда хаёлотимизга чароғонлик баҳшида этади.

Ховли ортда қолаяпти. Менинг нигоҳларим саватга қадалган. Қий-чув, ура-ур, гулдур-гупда омон турган сават ичида жоним симилляпти. Менга ҳеч ниманинг зифирчалик аҳамияти йўқ, бутун Афғонистон ёниб кул бўлмайдими, бутун бошли Совет армиясини ер ўз комига тортиб кетмайдими, фақатгина, сават ортидаги жувон тирик қолса бас. Мен бу фикрга қандай келганимни англай олмасдим, зеро, бунинг сабабини ахтаришнинг ҳам ҳеч қандай қизиғи қолмаганди.

Мен саватдан кўзимни узмасдим. Қисм командирининг отишни бас қилишни буюриб, ўқ узмасликни қатъий талаб қилишини кутардим. Алоқада эса бунинг тескариси эшитиларди. Бир маҳал сават атрофида олов кўтарилиб, кўкка тўзон кўтарилди. Ортимиздаги танкнинг даҳшатли гумбурлаши эшитилди. Бу шунчалик қисқа вақт ичида содир бўлдики, сават ўрнига осмондан парча-парча қорамтири тошга ўхшаш нарсалар тушганини илғадим. Танк саватни, жувонни тўзғитиб юборди. Ўзимни машина ичкарисига уриб, қопқани ёпиб олдим.

VIII

Ернинг нами кетмаган. Чарақлаб чиққан қуёш тафти кишининг борлиғида бўшанглик пайдо қиласди, уйқуга элтади. Офтобураг палла бошланди. Ҳовури кўтарилаётган адирларга яшиллик югурди. Илик узилди палланинг ёп-ёруғ кунларида неки тирик жон бор, уйқусираётганга ўхшайди, ҳаловат истайди. Аскарлар пана-пастқам жойларни топиб, уйқуни уриш пайида бўлишади. Одамга ҳеч

нарса ёқмай қолади. Фақат муздек хилват жой топиб, оёқни узатиб, томирларингни яйратсанг. Табиат қўйнидаги лоҳасликни уйқу билан енгсанг.

Қисм тамакиси тугаган кашандадай гандиракларди. Жангчилар полк дўқонининг эшиги олдидан бер келиш масди. Сиси, Югослав мурабболари, «Атиргул суви» ҳарид қилишар, ҳаммасиданам дўқондаги тантик дўндиқ-чаларнинг жеркиб беришларидан ҳузурланишарди. Ҳамма ёкни эркак босган замонда аёлга гап отиш мазза-да. Аёлга тикилиб, оч нигоҳни тўйғизиш мумкинлигини ҳисбога олсанг, унга тўшакда етишишнинг нақадар оромбахш эканлигини айтмасанг ҳам бўлади. Урушда, ўлим остонасида изғиётган одамнинг юрагида ҳаёт ва гўзалликка ўчлик туйғуси кун ўтган сайин юксаклашиб боради. Полқдаги аёллар бизга тирик қолишимиз зарурлигини эслатиб туришарди. Хоҳ қисм тиббий пунктида, хоҳ ошхонада, хоҳ штабда ишлашмасин, хоҳ киборли таманнолари билан ғашимизни қўзғатишмасин, барибир улар полқда навозиш билан очилиб турган атиргуллардан фарқ қиласди. Фақат бу атиргулларни аскарлар ҳидлашдан мосуво эди. Улар ҳамиша этиклари ялтилаб тургувчи, қадамидан ўт чақнайдиган, кепкани иштиёқ билан бошига қўндириб юрувчи жасур зобитларнинг бағрида очилишарди. Шўрлик аскарлар учун кўзларни тўйдириб, хаёлий майшат қилишдан бошқа илож йўқ эди. Улар алами келганидан қисмдаги аёлларни хумори чиққунча сўкишарди. Одамзоднинг имкони етмаган ишдан қаттиқ нафратланиши унинг табиатига сингиб кетган хислатлардан биридир. Аскарлар урушда аёлларни жудаям кераклигини, улар вазиятни ушлаб турувчи ягона куч ва армиянинг ичидаги сезилмас «қўмондон»лар эканлигини англашса-да, тан олишга ғурурлари қайсарлик қиласди. Дараҳтнинг учida товланаётган кузги олманинг жилvasи кўнгилларни куйдириб, бошқа биров-

ларга насиб қиласы. Хуллас, бу боғнинг олмаларини дасты узунлар ушлардилар.

Бугун кун ярақлаб кетди, полк штаби томидаги карнайдан алла күйларди: «Прости, поверь, я тебе открою дверь. Прости, поверь, я тебе». Осмон нур акси қайтаётган зангори күзгуга монанд. Қисм худудидан нарида ястанган текислика күм-күк ранг инган. Қишлоқнинг бошланишидаги ўрикзор оппоқ гулга тўлган. Чароғон кун қучофида замин улкан оқ гулдаста ясад, фалакка тутаётгандай. Тоғлар қисм тепасидан энкайиб қараётгандай туюлар, улар биз томонга яқинлашиб қолгандай эди. Табиат оғир ҳолсизланиб, уйқудан уйфонаётган ўн саккиз яшар қиздайин назокатли эди. Ҳамма нарса мудраб уйфонаётган эди. Дунё тирилаяпти. Қурт-кумурсқа ризқ излаб, ёруғликка чикқан. Тошнинг ҳам, гулнинг ҳам, нима, нимаки бор, яшагиси келаяпти. Майсани боссанг чинқиради, новдани синдирсанг силтаниб беради. Неки тирик жон бор, нобуд бўймоққа ҳаққи йўқ. Бу кунларда фақат яшашинг керак, кўзинг очиқ турсин.

Мен қисм дўконига етгунча атрофнинг яшариб, яшнаб кетганини ҳис қилдим. Полк майдонида ғимиirlаб юрган аскарларнинг совуқ сўхталари ҳам ёхуд ҳарбий тартибга мўлжалланган казарма ва чекиш жойлари ҳам, кўзимиз кўнишиб кетган тунука девор, ошхона ва омборхона ҳам, бадга урган интизом, қоидага мос топшириқлар ва ҳарбийчасига юриш машқлари ўргатиладиган саф майдонлари ҳам табиатнинг хушманзара жилvasи қўйнида асабимга тегмади. Дўконнинг эшиги олдида автомат осган, темир нимча ва бошига каска кийиб олган икки қоровул туришибди. Аскарлар ташқарида қанчалик ур-тўполон қилишмасин, дўконнинг ичкарисидаги илгак шарақлаб, битта-иккитадан аскар киритилмоқда. Навбат кутиш жонига теккан жангчилар сочувчиларни сўкишади:

– Хе, нима, ичкарида, ҳалигидәқ қилишаяптими?

– Бошқалар ҳам күрса яхши бўларди, – деди узун бўйли тиббиёт белгисини таққан аскар.

– Сен, санчастда тўймадингми. Зўрлари ўша ёқда-ку. Жаннатда яшасанг ҳам, биз фақирларнинг ризқига қўл чўзаяпсан, дўст. Мен касал бўлайин, санчастда қизларни кўрайин деб ёлвораман. Эй, сени қара-ю, – деди танкчилар белгисини осган жангчи.

– Одамзоднинг шу нарсадан тўйганини эшитганмисан? – деди миномётчи, – бунинг устига, ичкарида бемалол деб туришибди.

– Эй, улардан нима кетди. Дўкондаям шу ишни қилишлари мумкин.

– Фақат сен билан менга қийин, қийналиб юраверамиз, – деди ҳалиги танкчи.

Эшик очилиб, ялтироқ кутида конфет, мураббо, вафли кўтариб олган иккита аскар чиқди.

– Ҳа, ҳаққига қўлларингдагини бердими? – миномётчининг гапидан ҳамма гуррос кулиб юборди.

– Ҳа, шуни берди, – деди кути кўтарган аскар, – сенга бошқа нарса тайёрлаб қўйибди. Бемалол киравер.

Тагин кулги бўлди.

– Агар миномётчилигингни айтсанг, оғирроқ қилиб беради. Кўтариб кетишингга ишонади, – деди ичкаридан чиққан иккинчи аскар.

– Чёрт побери! – миномётчи ерга чирт эткизиб туфлади.

Мен навбатим етгунча ошхонадан яrim кило қовурилган балиқ олиб келдим. Дўкондан уч қути конфет, югослав мураббоси, тўртта Сиси, уч қути печенье, «Ростов на Дону» сигарети, лабқалам ҳамда духи сотиб олдим. Ҳаммасини дўкончи жувондан эланиб олганим бўш қутига жойладим. Дўкончи Лилияning олдида кўримсиз эди. Бесўнақай семириб кетгани, қулоқининг тагига до-вур қизил бўёқ суртиб олгани, хумдай бошига сариқ жин-

галак соч паригини кийдириб қўйганга ўхшарди! Унинг аскарларга нисбатан ҳамиша беписандлиги аччиғимни чикарди. Сочини қиртишлаб, шир яланғоч қилиб, полкни айлантириб югуртирса яхши бўларди, деган ўйдан лаззатландим.

Дўкончи жувон беш чек уриб қолди. Пачакилашиб ўтирмай, казармага келдим. Ҳамишагидай ҳар ён остинустун, ғала-ғовур. Қутини тумба устига қўйиб, ёш аскарлардан бирини чақириб юз чек бердим. Фуқаролар модулидан бир шиша «Столичный» олиб келишга жўнатдим. Казарма бурчагида уятли карта томоша қилиб, хиринглашиб ўтирган Ринат билан Мўминни бироз кузатдим-да, ўзимни каравотга ташладим. Ринатнинг олдида хижолат чека бошладим. Гўёки, унга нисбатан номардлик қилаётгандай эдим. Хижиллик юрагимга чанг солаётганди. Ҳозир Ринатга айтишим керак, иккаламиз бирга борамиз, деган ўй кўнглимга таскин берар, айни дам Ринатнинг кўшилишини ҳам истамасдим.

Мен улар билан бирга шармисор карталарни қўриб бўлганимдан сўнг, Ринатнинг қулоқига мақсадимни айтдим.

– Бемалол, мен бормайман. Йўлини қилиб тўғрилайвер,— деди у дабдурустдан.

– Очиғи, бирга борсак, яхши бўларди.

– Йўқ, дедим-ку, сенга. Ҳозир жиним суймаяпти. Қўй ўзинг боравер. Ана, модул, бир қадам.

– О, жа овинг бароридан келаяпти-да. Ҳузурини сен кўриб, Ринат қурук қолаяпти-да, – кесатди Мўмин.

– Сен суқилма. Ринатга айтаяпман, ўзи хоҳламаяпти,— дедим бепарволик қилиб.

– Бизни таклиф қилинг. Мўмин акангиз қайтмайдиганлардан. Бирга борамиз, ёрдамлашамиз.

– Сен билан борсам уйига киритмайди. Кейин, ҳар бир ишнинг одами бор, ошнам.

- Бизам бир кўрайлик, оғайни. Таништириб қўй.
- Сенинг эртага навбатинг. Эртагача сал-пал одамба-шара бўлиб тур. Бугун ўзимни таништираман.
- Ҳозир иштаҳа бор эди.
- Унда ўзинг бор, боравер. Шунака деб айт.
- Мўмин ғозчасига ўтириб, ўмганини кериб бир энтикди.
- Ростданам ўзим борсам нима қиларкан-а? Иккинчи ротаданман, фалончилар билан бирга жангга чиқамиз, дейман.
- Медалингни ҳам тақиб олсанг зўр бўлади, – деди Ринат.
- У ёқ-бу ёғингга одеколон суртиш эсингдан чиқма-син, – дедим.
- Сенларга эзмалик бўлса бас. Мен тўғри маънода айтаяпман. Шу кунларда ўлиб юрибман. Қийин бўларкан. Тушларим ҳам айниган. Лоақал бир марта борсам ҳам майлигайди.
- Айтдим-ку сенга, ўзинг боравер, ўлиб юрибман, қийналдим, менга ёқасан дегин. Буни мушкул томони йўқ. Агар ўрисчада тутилсанг, ўзбекчасига гапиравер, йиғла-сиқта, додингни эшитади, – дедим.
- Сенларга қийшиқ гап бўлса бас, – Мўмин хўрсинди, – майли, ўзларинг биласанлар, биз томондаям офтоб чиқар.
- Ухлаб ётаверсанг офтобни кўрмайсан.
- Унда айт, йўлини кўрсат.
- Қандай йўл?
- Тузок қўйиш сирини-да. Шуни тушунтиранг бас.
- Бу осон. Тушлик маҳали битта «Столичный»ни чўн-такка уриб, дўжондан майда-чуйда оласан. Ҳар эҳтимолга қарши қўлига тутқазиш учун икки юз чекни калта иштоннинг липпасига қистириб қўясан. Кейин, зобитлар овқатга келгунга қадар ошхонага кириб, бор нарсангни унинг олдига қўясан, тамом. Тузоқингда кабутар питирлаб турибди.

Мүмин юзига тошган ҳаяжонни яшириш учун дераза томонга қаради. Тиззаларига шапатилаб, оёклари билан полни тақиллата бошлади. У хаёлида Лилия билан айш сурاءтганди. Бепарводай күринса-да, ўзини қўярга жой тополмай қолгани сезилиб турарди.

– Иложи бўлса, унинг олдига бораётганингда қўйнингга битта граната солиб ол, – деди Ринат.

Мүмин соддалик билан Ринатга қараб бироз яқинрок сурилди.

– Нега?

– У гранатани яхши кўради.

Мен ўзимни босолмадим, кулиб юбордим. Ҳазилидан наша қилган Ринат ҳам хохолади. Мүмин ерга туфлаб, ўрнидан туриб, Ринат ўтирган каравотни бир тепди.

– Сен ифлосларга одамни мазах қилишдан бошқа иш йўқ. Сен нега куляйпсан? Сенларниям, Лилияниям. Э, сенларни одам деб ўтирибман. Эх, чўрт.

У кўл силтаб, ўзини каравотга ташлади. Қаттиқ хафа бўлганди. Биз ловуллаб ёнган Мўминнинг тезда ўчишини билардик. Кўнглида кир саклаб, қовок-тумшук қилиб юрмасди. Қўлига конфет тутқазиб, бир кулчи десанг, йифини унутиб юборадиган ёш болага ўхшарди у.

– Мўмин, хафа бўлма, сенга яқин ошнамлигинг учун ҳазиллашаман. Ахир биз бир-биримизни яхши тушумиз-ку? Қани, тур, битта Лилия билан таништириш у ёқда турсин, жонимни сўрамайсанми, – деди Ринат.

– Кўй, ошна, ўзинг соддасан, ҳазилни тушунмайсан. Ке, арзимас нарса учун аразлама. Ахир сендай йигит учун бу нима дегани, – дедим мен.

Мўмин ўрнидан кўзғолди. Тумбасини очиб, сигарет олди-да, лабига қистирди. Казарма деразасини қия очиб, тутунни ташқарига пуфлади. Юзидаги қаҳр нишонини аввалги самимият қоплади. У босиб-босиб тортаркан, ўйга ботиброк деди:

– Шу десанглар, эртагаёқ Лиляни илинтираман.

Мен ароққа жүнатган аскар қўйни дўппайиб, казарма-га кириб келгач, қўлим билан «ўша ёқда тур», ишорасини қилдим. У тумбамга суяниб, мени кутди. Ҳамсуҳатлар билан гапни узиб, каравотим олдида турган «чижик»нинг ёнига келдим.

– Ҳа, топдингми?

– Мана.

– Шақоллар сезмадими?

– Йўқ.

– Раҳмат, дўстим. Чекасанми! Ма, манови чек сенга. Сигарет оласан.

– Раҳмат. Мен «Донские» чексам ҳам бўлаверади.

– Ҳечқиси йўқ. Самимий узатаяпман. Олавер. Хизматинг учун. «Чижик» бўлсанг ҳам анча пишиқ ишларкансан. Ол, оғайни.

– Йўқ. Мен «Донские» чекавераман. Фақат сиздан бир илтимос, сержантга айтинг, бугун мени «дневальный¹» қилиб тайнламасин.

– Қайси сержантга айтишим керак?

– Сизлар билан teng хизмат қилган Юра – бизнинг бўлинма командири.

– Анови, Юра Трусовми?

– Ҳа.

– Бўпти, боравер. Сен бир ҳафтагача навбатчи бўлмайсан. Фақат менинг ишим тушганда ими-жимида бажариб турасан.

– Хўп бўлади!

Аскар тоғдай қадланиб жўнаб қолди. Мен қоғозга ўралган бир литерлик «Столичный»ни дўкондан харид қилган егуликлар солинган кутичага жойладим. Казарма йўлаги бўйлаб зобитлар хонаси олдига кузатувчи қўйиб, кутичани унинг ишорасига биноан кўтариб ташқарига чиқдим. Ҳеч ким кўрмади. Аёллар модули томон югурдим.

Стол дид билан тузалган эди. Висоцкий күнгилни оқизиб куйлаяпти. Хонани муаттар ҳид тутган, атиргул бўйини олиб эсаётган майин шабада оғушида мастиона чайқалардим. Ҳамма нарса титраб турар, ҳамма нарса нафис ва гўзал эди. Лилия чиннидай чараклаган хонанинг деразаларини очиб юборди. Унинг эгнидаги ҳарир зангор кўйлак оҳиста, сезилиб-сезилмай қалтирарди. Либоси ортидан қордай тийнати, қуш банди қилинган кўкраклари, хипча бели, жодули оппоқ торсиллаган сонлари кўриниб турарди. Лилия атайлаб, яланғоч баданига юпқа зангор кўйлак илиб олганди. Тим қора кўзларини юракни ўйнатиб сузар, ёноқлари нақш олмадай товланар, сочи елкаси узра шовуллаб оғарди. Стол устида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса муҳайё эди. Ялтироқ қадаҳлар, ҳали мен номини билмайдиган шириналик ва таомлар, ажабтовур, қалпоқли буролқичи ёқутранг занжирча билан беркитилган шиша, фақат икки кишига мўлжалланиб қўйилган турли туман егулик ва газакларни кўриб, кўзим тингудай бўлди. Мен дўкондан харид қилган нарсаларни дастурхонга қўйишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Кутичани очиб «Столичный» ва «Ростов на Дону» сигаретини столга қўйдим. Лилия рўпарамага ўтирди. Мен дабдурустдан сигаретта тармашдим. У ҳалиги шишани очиб, иккита қадаҳни тўлатди. «Сиси» ичимлигини бошқа қадаҳларга қўйди. «Сиси» ароқдан сўнг зўр газак бўлади, дарров заҳрини қирқади. Ичимлик анча ўткир экан, бироқ таъми тахир эди, дабдабали кўринишини айтмагандан менга ёқмади. Мен бунчалик кўнгилхушлик ва ҳашамдан ўзимни ноқулай сезаётгандим. Лилияга қанчалик ўрганиб қолган бўлмайин, барибир шу дастурхон, шу хона ва гўзал аёлга номуносиб эканлигимни тан олганим сайин, ўзимни ҳаяжон домида ҳис қиласардим. Бу ҳолат тушга ўхшарди.

Мени Лилияning қаршисида титроқ босаверар, унинг гапларига узук юлук жавоб қайтарардим. Мен қаршимдаги зангор кабутарни учирив юборишдан чўчирдим, айни дам унинг ройиш-истагига мос ҳаракат қилиш йўлини излаб қийналаётгандим. Лилия бу сафар «Столичный»ни очди. Мен қадаҳларни тўлғиздим. Буниси ёқимлироқ эди. Си-гарадан биттадан тутатдик. Ўзимни анча эркин тута бошладим.

– Нега бунчалик тортинаяпсан? Олавер. Буларнинг барини сен учун тайёрладим. Сени яхши кўриб қолганга ўхшайман. Сени тез-тез кўргим келаверади.

– Лил, ке, ёнимга ке.

У ўрнидан енгил қўзғалиб, ёнбошимдаги стулга ўтириди. Қуюқ қора сочини қўллари билан тўзғитиб, бошини кўксимга қўйди. Ич-ичимдан ҳаяжон тошиб, унинг қизиллик урган юзини ўзимга қаратдим. Оппок бўйни, сехру-жоду билан сузилган қароғи мени тамоман сархуш этди. Нозик бармоқлари кўксимни силар, оловдай эҳтирос тафтидан борлиғим эриб кетаётгандай эди. У кенг ҳарир либосининг тўғноғичини ечиб юборди. Кумушдай бегубор танасидан кўйлаги белигача сирғалиб тушди. Мен дебразани беркитиб, пардани тушириб кўйдим.

Куннинг ярми ярим дақиқага teng бўлди. Лилия кўзгу қаршисида эгнига оппоқ чойшаб илиб, хўл соchlарини қуритаётгандан завқ билан томоша қилдим. Ювиниб қайтгандан сўнг, у узоқ пардозланди. Икковимиз кўзгу олдида тик турган кўйи ярим қадаҳдан «Столичный» ичдик. Майнинг таъмини унчалик сезмадим. Қорним роса очиқанди. Иштаҳа билан овқатландик. Кайфиятим анча тетик, ўзимни ҳаётимда илк бор яхши кўрдим, ҳали меҳр деган улуғ тушунча мендан юз ўғирмаганини, ёруғ ва чиройли лаҳзалар, нурга қоришиқ сониялар тамоман зулмат оғушига ғарқ бўлиб кетмаганини ҳис қилдим. Одам боласи барибир яшаши керак, инсон

умри ҳамиша қаро кунлардан иборат эмаслиги учун ҳам яшashi керак.

Лилия «Сиси»ли қадаҳни лабига теккизиб ўйга толди. Кўксимга бошини кўйиб, бироздан сўнг деди:

- Казармага кечкурун кетсанг ҳам бўлади-а?
- Нима эди, агар истасанг, шу ерда қолишим мумкин.
- Мен қолишингни истайман.
- Қоламан, сен зерикмасанг бас.
- Йўқ, ҳеч қачон зерикмайман.
- Казармага бормасанг, сени кидиришадими?
- Албатта. Кечкурун рота бўйича йўклама қилишади.

Агар бирорта аскар йўқолиб қолса, ҳеч кимга тинчлик йўқ. Ернинг тагидан бўлсаям ахтариб топишади.

- Командирингга тушунтириб қўйсанг бўлади-ку.
- Армиянинг ўзига яраша сири бор-да, Лил.
- Сири эмас, тартиб-интизоми, дегин.
- Фарқи нима?
- Албатта, фарқи бор. Сен ўрисчага баъзан қийналиб қоласан.

– Барибир фикримни уқтиrolяпман-ку. Қишлоқда яшаганман. Ўрислар йўқ биз томонда. Сен билан тил то-пишдик-ку!

– Бу борада тил топиш учун тил билиш шарт эмас. Мен сени ёқтириб қолдим, тамом. Соддасан, лекин ёқимтойгинасан. Бирорга озор бермайдиган боласан.

– Лил, очигини айт. Сенга ким билан бўлсанг ҳам ба-рибир-ку?

– Йўқ, илтимос қиласман, сен ундаи хаёлга бормасли-гинг керак. Тўғри, бу ердаги аёллар бузуклик қилишади, мен ҳам. Бироқ пул учун, лаънати майда-чуйда матоҳлар учун. Аммо кўнгилнинг измида кимнидир тусасанг, ни-маси ёмон.

Лилия ўйга ботган кўйи жим қотди. У бир нуқтага ти-килиб сўзларди. «Ростов на Дону»ни бармоқлари билан

айлантириб лабининг бир бурчига қистириб, гугурт чақди. Ҳорғинлик билан тутун пуркаб, менга тикилиб қолди. Юрагим увушиб кетди.

Унинг кўзларидан мени тамоман жодулайдиган меҳр қоришиқ қайғу сизарди. Уни бағримга босиб, соchlарини силадим. У титраб-титраб йиғларди. Менинг ҳам кўнглим бузилди. Тошга айланиб бўлган дунёнинг, зимистон дунёнинг даҳшатли ўйинларидан қалтираб ёнаётган бир ожизай нотавоннинг менинг кўксимдан паноҳ топгани боис ҳам бўғзимга ёш тиқилди. Жангда йўқотган дўстларимнинг бошидагина шундай ахволга тушардим, бўғзимни изтироб тиғлари тилкалаб ташларди. Бугун, айни дам, Лилияning айши-ишратга мойил хонасида, мен улуғ бир куч, аёл меҳридан қониқиш ҳар қандай қайғу сафодан лаззатлироқ эканини англадим.

– Йиғлама, мен сени...

– Сен яххисан.

– Айт, мен кимман?

– Менга ёқасан, ишон, сен бошқачасан.

– Яна бир нарса де, яна, – у бўйнимга чирмасиб олди.

Юзига кўз ёшлари сизганди.

– Чиройлисан. Лил, ўзингни бос.

У жимиб қолди. Туйқус кўзларимга қаради-да, лабларини тишлаб, ўзини орқага олди.

– Ичамиз, тўлатиб куй. Менинг йиғлаганимга эътибор берма. Менда ҳеч қандай ҳис-ҳаяжон қолмаган, эҳтиросим сўнган. Мен қуриб бўлган дараҳтман. Мен, мен севиши-севишишга асло нолойиқман, тушунаяпсанми. Сен ҳали нимани кўрдинг – гўдаксан. Йўқ, сен гўдак эмас, эрта хазон бўлдинг. Мен сени севиб қолганман. Аҳ, майли, бир фоҳишанинг севгисини тушунсанг бўлди.

У қадаҳни бир кўтаришда симирди. Мен бир хўплаш билан тугатдим. Яримлаган «Столичный»ни қадаҳларга тўлдириб қуидим. Лилия тобора сулувроқ кўринар,

очилиб борарди. У дунёнинг энг чиройли аёлига айланганди.

– Мен кечки йўқламадан сўнг сеникига келаман, – дедим.

– Албатта. Ўша казармангга бориб кўриниш бер. Кейин кечаси билан менинг ёнимда бўласан. Сени қўйиб юбормайман. Ола, ичамиз, аскарчам. Кўтар! Сенинг жангларда омон юришинг учун. Афғондан соғ қайтишинг учун. У ҳориган кўйи стулга келиб ўтириди.

Мен балиқ, салат еб, «Сиси» ичдим. Лилия югослав мураббоси тановул қилди. Кеч кириб қолганди. Қисмнинг саф майдонида «кечки овқат»га чорловчи карнай садоси янгради. Лилия менга қараб маъноли кулиб кўйди:

– Менинг қорни оч, аскарчам! Қани тезроқ, сени овқатга чақиришаяпти.

– Мени ошхонага бормаслигимга рухсат беринг, ўртоқ генерал!

– Йўқ, солдат! Армияда тартиб-интизом бор. Ҳамма нарса устав бўйича бўлиши керак. Сен бу ерда ўйнаб юрганинг йўқ! Қани, ошхонага «бегом марш!»

– Хўб бўләди, ўртоқ генерал!

Лилия шараклаб кулди.

Биз кечгача хайрлашдик.

Қисм овқатга сафланганди.

X

Аёллар модулидан чиққач, казармани айланиб ўтиб ичкарига кирдим. Ҳамма ёқ жимжит, сув қуйгандай. Ко-ридорда навбатчи мудраб ўтирибди. Бошқа пайтда бўлганда, уни сўкиб ўтардим. Кайфиятим аъло эди, эътибор бермадим. Каравотимга бориб, ўзимни таппа ташладим. Кўзимга уйқу келмади. Авваллари сайлгоҳдан чарчаб қайтгач ёки жангдан сўнг роҳатижон бўлиб туюлган ка-

зарма күзимга ғарип ва совуқ күринди. Икки қаватли каравотлар, сарғиши картон деворлар, ювилавериб, бүёғи күчиб кетган пол, ажабтовур ҳид ўрнашиб қолган казарма тип-тиниң анхор ичидан балчик ичиға тушиб қолғаним сингари ғижинимни келтирди. Ҳозир менга кимдир БМП-2ни ёғга ботиб тузатишими ёки жангга чиқишимни айтса, дод деб бақириб юборардим, дунё зимистанга айланарди. Мен ҳали то ҳарбий хизматга қадар аёл билан бўлмагандим, бунчалик кўнгилшодлик қилиб яйрамагандим.

Каравот силтаниб кетди. Тепамда рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Шерстюк чақчайиб турибди.

– Ухляяпсизми, оқсоқол?

Ўрнимдан сапчиб туриб, кийимимни тузатдим. Ўзими тутиб дедим:

– Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант. Тобим йўқ. Бошим айланаяпти. Овқатланишни хоҳламаяпман.

У менга яқинроқ келиб бош чайқади.

– Яхши! Қани айт-чи, қария аскар хизматга қўл силтаб, ҳамма нарсага қўйиб қўйиши керакми?

Мен индамай туравердим.

– Гапир, сендан сўрайапман.

– Нега энди, ўртоқ катта лейтенант.

У кўзимга термулиб тағин жазавага минди:

– Офицер солдатдан гап сўраса шундай жавоб бериладими?

– Ни как нет, ўртоқ катта лейтенант.

Унда айт-чи, қария аскар, уставга, интизомга қўйиб қўйилмаса, нега сен ошхонадамас, бу ердасан? Нега оғзинг сасияпти? Қаерда, қачон, ким билан ичдинг?

Мен жим турдим. Бошимни эгиб, чурқ этмадим.

– Тилингни ютдингми? Айт? Нега ичдинг? Йўқса, гаупвахтага жўнайсан. Ўргулдим сендай жангчидан.

– Биринчи ротада эдим, ўртоқ катта лейтенант. Юртдошимнинг туғилган куни экан, озгина-озгина ичдик. Бошқа қайтарилимайди энди.

– Сен ўзбеклар бир-бирингни ерни тагидан бўлсаям топиб оласанлар. Ошхонадаям сенлар, омборхонадаям сенлар – қаерда бўлма тўдалашасанлар. Нима, сенлардан бошқа халқ йўқми? Афғонистонга тўйга келганмиссанлар?

– Жанг қилгани, ўртоқ катта лейтенант ва жанг қиласяпмиз ҳам.

Замполит мендан бу жавобни кутмовди, бироз саросималанди. Ротадаги сержантларнинг деярли бари ўзбеклар эди, умуман, қисмда барча мушкул юмушларни Ўрта Осиёликлар эплашаётганди. Ошпаздан тортиб, нон кесувчигача, омборхоначиларнинг бари жангчилар таъбири билан айтсак, қорақулоқлар эди.

Зобит бироз паст тушса-да, сездирмай амирана деди:

– Бошқа такрорлама. Сен ёш аскарларга ўрнак бўл, ўргат, йўл кўрсат. Ҳозир дамингни ол.

«Мен ёш аскарларга отишни, ўлдиришни ўргатайинми», деб юборишимга оз қолди.

– Хўп бўлади, албатта, ўргатаман, ўртоқ катта лейтенант. Кечки йўқламага довур дам олишга рухсат беринг, ўртоқ катта лейтенант!

– Рухсат бераман. Бошқа аскарлар ичганингни билмасин, – деди у ва бурилиб кетаётиб тўнфиллади, – приста бардак!..

Мен эзма зобитдан осон кутулганимга шукр қилиб, ўрнимга чўзилдим. У ротадаги зобитлар ичидаги ёмони, ҳар нарсага аралашавериб одамнинг энсасини қотиради. Устав деса ўзини томдан ташлашдан ҳам қайтмас, армия қонунчилигини сувдай симирган, ўз касбига сид-қидилдан меҳр қўйганди. Икки гапнинг бирида уставдан келарди. Замполит ротанинг онаси бўлади, деганлари чин эди. У абжир, эпчил ва қайсар жангчилардан кўра

кўпроқ бўйни бўш, интизомли аскарларни яхши кўрапди. Урушда ўша телбафеъл, тўполончи аскарлар жасорат кўрсатишини билса-да, уларни бетартиблиги боис хушламасди. Бошқа зобитлар эса ундан фарқли ўлароқ жанг қила оладиганларга ишонардилар, кези келгач, уларни замполитнинг майда-чуйда танбехларидан ҳимоя қиласдилар.

Рота кечки овқатдан қайтгач, казарма вағир-вуғурга тўлди. Йўқламагача ётоқни тартибга келтирдик, Тўшаклар қайтадан текисланиб, тумбалардаги ашқол-дашқоллар тартибга солинди. Каравотлар тўғирланди. Деразалар очилди. Йўлакда ювиниб арtingач, аскарлар ташқарига чиқишиди. Эшик олдидағи чекиш жойида тўп-тўп бўлишиб, «Донские» тутатишиди. Мен Жалолободдаги нуқталардан бизга юборишган аскарлар ёнига сухбатлашиш учун бордим. Улар қурол тозалаш учун ўрнатилган ёғоч столга чиқиб чекишарди. Икки кундан бери ротага қўшилмай, қимтиниб юришибди. Бошқа жойдан келганликлари учун ўзларини бегона ҳисоблашишади чоғи, йўқса бунчалик одамови бўлиб ўтиришмасди. Мен нега энди ротада кўпчилик ўзбек бўла туриб, учинчи батальондан келган шу беш ўзбек йигитни ёлғизланиб юришини тушунолмасдим. Ҳали кўникиб кетишади, бироз тортинишаяпти, жангта чиқишишгач, минг йиллик кадрдонга айланадилар.

- Ишлар қалай, йигитлар. Ўрганиб қолдингларми?
- Ёмонмас, – деди қайишини қўлига айлантириб ўраб олган гавдали йигит, – факат бу ерда тартиб-интизом кучлироқ экан.
- Ўрганиб кетасан. Жангта чиқиб турсанг бунчалик қаттиқ режимнинг ҳам ўзига яраша лаззати борлигини биласан.
- Жалолободда уруш бўлмайди, демоқчимисан? – у тўнғиллаб шерикларига қараб қўйди.

– Ҳар ҳолда...

– Э, оғайни, у ерда ҳам хужум қилишади. Баъзан постга яқин келишади. Тумшуғингнинг тагида кўриниб қолишади. Полкка бостириб киришмайди, битта взвод ўрнашган постларни эса ҳар кечаси дабдала қиласидилар.

– Биз душманнинг уясига ўзимиз кириб борамиз, ўзимизга ўзимиз гўр қазиймиз. Полкда факат устав бўйича яшайдилар, деб ўйласанг янглишасан, Армиянинг энг жанговар қисми шу ер, шу батальон. «Тозаловчилар» деб эшигандирсан.

– Барibir бу ерда кун ўтиши қийин. Аскарни ўз ҳолига қўймайдилар. Бундан кўра жангда юрган яхши.

– Ким аскарни ўз ҳолига қўймайди?

– Зобитлар.

– Зобитлар сен ўйлаганчалик зуғимгар эмас. Улар тушунадилар.

Йигитлардан бири, новчаси оёқларини бир-бирига теккизиб тўпиллатди. Столдан тушиб казарма томон кетди. Қолганлар чурқ этмай ўтиришарди. Мен қисмдаги аҳвол ҳақида куйиб-пишиб гапирмайин, сирам уларга ёқмаётганини сездим. Улар аллақандай безовталик ва ҳадик билан тинглашар, умуман, Жалолободдан бу ерга жўнатилганиклари учун норизо эдилар.

– Сизларни нега бизга юбориши? – сўрадим ҳалиги аскардан.

– Э онасини. Ҳаммаси анови Сайдалининг касофати, – деди у казарма бурчагига ишора қилиб.

– Қайси Сайдали?

– Ана бурчакда, ротадошларинг олиб чиқиб уришаяпти. Ўлиб кетмайдими, менга деса. Шу онангни эмгурни деб бизни жойимиздан кўчирди. Ана энди унга қўшилиб тўртта қорақулоқ абжағимиз чиқади.

– Жанжал кўтардингларми?



– Йўқ, анови одам отиб қўйди, постда, ўзимизнинг взводдаги бир украинни ўлдирди. Ўлган бола мужик эди. Хизматиям охирлаб қолувди, шўрликнинг.

– Нега отади?

– Постда ухлаб ўтирган экан. Урган, шекилли.

– Ким ухлаб ўтирган? Ким кимни урган?

– Сайдали қоровуллик маҳали постда ухлаб қолган.

Сергей бориб қараса, жар томондаги постда ҳеч ким кўринмайди. Акамиз постдагиларнинг ҳаётини уйкуга алмаштириб, хуррак отаяптийкан. Кейин. Сергей уни тепади. Эсанкираб қолган Сайдали уни отиб ташлайди. Ишқилиб, ўзбекларни расво қилди. Сергейнинг юртдошлиари Сайдалини ёки бирорта ўзбекни отиб ўлдирдигиз деб онт ичган. Шунинг учун бизни шу ерга юборишиди. Сенинг хабаринг йўқмиди?

– Мен қаердан билай? Ҳозир эшишиб турибман. Демак, шарманда бўлдик, дегин.

– Бундан кўра жанжалкашлигимиз учун бошқа қисмга ёки «дизбат»га тушсак яхшийди. Эй лаънат бўлсин, барига.

– Сайдалини ҳозир бизникилар дабдала қиласди. Уларга бошқачароқ тушунтиранглар бўлмасмиди?

– Э, менга нима дейсан. Очиини айтдим, тўғриси, полкингизда ўзбекларнинг бунчалик ори кучлилигини қаердан билай.

– Билмаган бўлсанг энди биласан. Сайдалинг ўлди, деявер. Уни ҳозир сулайтириб ташлашгандир. Ўйлаш керак эди. Шунчалик аҳмоқ бўлмасанглар, шу гапни ташқарига чиқарармидинглар.

Мен казарманинг орқасига айланиб ўтдим. Бир тўда аскарлар Сайдалини деворга тираб, бири қўйиб бири саволга тутаяпти. Аҳён-аҳёнда нимадир деб тўнфиллаб қўйган Сайдалига кутилмаганда тепки ёки мушт тушади. У чўзиб инграйди. Аскарлар сўкиниб, тағин гапга солади-

лар. У жавоб қайтармай, бошқаси туширади. Ўзбек ўзбекни шунчалар қийнаётганига, важоҳат билан уришаётганига биргина ор тушунчаси эмас, балки урушда инсон дунёсини чалғитган мавхум бир туйғу, ҳар лаҳза одамни ўз-ўзидан нафратлантирувчи ҳиссиёт бугун Сайдалига қаратилганини ҳеч ким пайқамаётганди.

– Ўзбекни шарманда қипсанда-а? Мана сенга.

Аскар унинг биқинига туширди.

– Имм... – м... во она...

Кимдир энкайган Сайдалини ортига тепди. У гупиллаб қулади. Бошқалар ҳам тепкилай бошлишди. У ҳолсиз инқиллаб ётган жойида айланар, ҳар зарбдан сўнг кўтарилиб-кўтарилиб тушарди.

– Юзига белги қолдирманглар, ҳеч ким сезмасин, – деди учинчи взводдаги пулемётчи.

Сайдали коптот сингари тепкилар ичиди қолди. Мен аскарларга ҳеч нарса деёлмадим. Мен дунёда йўқдай эдим, гўё. Қоронғида тўмпайиб ётган Сайдалининг жуссасига қараб тош бўлиб туравердим.

Бироздан сўнг, Жалолободдан келган тўрт жангчи Сайдалини кўтариб кетишиди.

Казармада ҳеч нарса бўлмаган каби тўс-тўполон давом этарди.

Кечки йўқламада Жалолободдан келганлар орасида бир киши сафда йўқ эди. Рота командирига навбатчи сержант унинг касаллигини айтди. Сайдали казарма бурчагидаги охирги каравотда, тўшакка ўраб кўйилганди.

– Чёрт с ним – тузалиб қолар, – деди рота командири.

Казарма чироқлари ўчунга қадар «Фрунзе» газетасини варақлаб ўтиредим. Иттифокда бўлаётган майда-чуда ҳарбий воқеалар ғашимни келтирди. Турли-туман мусобақалар, ҳарбий тайёргарликлар, Совет аскарининг хулқ-атвори, жасоратли зобитлар ҳақидаги ҳаволангандан мақола, хабарларни ўқиш кулгули туюлса-да, мен вакт

үтказиш учун уларга кўз югуртирдим. Энағарлар, ҳеч қачон Афғон уруши ҳақидағи ҳақиқатнинг юздан бирини ҳам ёзишмайди. «Байналмилал» бурч деб, оғиз кўпиртиришади, тупурдим сенларнинг «байналмилал»лигингга. Ўзаро ёрдаминг шу бўлса, кирғин-баротинг, босқинчилигинг қандай бўлади. Армияни мақтаб, шон-шавкатга кўмиб ташлашибди. О, буларнинг айтишича, Совет аскари нақадар ҳавас қилгудек, кучли, иродали, ҳар нарсани енгиб ўтади. Мақта-я, онағарлар, мақта.

Мен газетани ғижимлаб тумба устига ташладим. Этигимни тозалаб, ўрнимда одам ухлаётган каби тўшакни дўмпайтиб қўйдим. Йўлакка чиқмоқчи бўлувдим, оппоқ ички кийимда югуриб келаётган Ринатга кўзим тушди. Казарма бурчагида, уч-тўрт аскар ғувур-ғувур қилиб гаплашишар, аллақандай саросимали вазият пайдо бўлганди. Мен эътибор бермасликка ҳаракат қилсан-да, кўнглим алланечук совуқ воқеани сезганди.

– Ҳа, нима бунча, арвоҳга ўхшаб қимиirlаб қолдинглар, – дедим Ринатга.

– Секинроқ гапир. Иш пачава. Анови, Сайдали бор-ку, Жалолободдан келган. Ўша ўлиб қолибди.

Ринат серрайиб турарди. Баданим музлаб кетди.

– Нега ўлади? Нима учун ўлади?

– Секинроқ. Ҳозир ҳеч жойга бормай тур. Навбатчи командир ротани хабардор қилгани кетди. Аҳвол чатоқ.

Бошимга оғир гурзи тушган каби зириллаб оғриди. Кутимаган хабар миямни зиркиратиб ўтди.

– Сенинг бу ишга дахлинг йўға, – дедим зўрга.

– Нима деяпсан? – Ринат орқага тисарилди.

– Нега кўрқаяпсан?..

– Бошқаларга жабр бўлади-да.

– Борини кўришади. Аҳ, жонга тегди.

Мен ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилсан ҳам, ҳолсизланиб ўрнимга чўзилдим. Казарма ичидаги ўлик

сукунатга ваҳм қўриқчилик қиласди. Ҳамма нарсадан хабардор ротанинг teng ярми нафасини ичига ютиб, энди буёғи нима бўлиши, қандай воқеа рўй беришини кутарди.

Ярим соат ўтар-ўтмас навбатчи келиб, ҳамма сержантларни турғизиб, йўлак охиридаги зобитлар хонасига бошлаб кетди. Казармага жимлик чўккан, тунгача ғала-ғовур босилмайдиган ётоқ, бу кеча тинчиди қолганди. Аскарлар ўзини ухлаганга солиб ётишарди.

Казармага замбил кўтарган икки аскар ва зобитлар кириб келишди. Мен бири қисм тиббиёт нуктасидаги врач зобит эканига шубҳа қилмадим. Бири рота командири, қолганлари штабдан келишган. Улар бурчакдаги каравотда ётган ўлик тепасида сўзсиз туришди. Аскарлар мурдани ортиқча шовқинсиз замбилга солиб олиб кетишди. Уларнинг изидан худди шундай ҳаракат билан зобитлар чиқдилар. Факат казармадан ташқарида, йўлакда рота командирининг ялинишга мойил овози эшитилди.

– Ўртоқ майор. Ахир эртага жангга чиқамиз. Бунинг йўлини қилиш керак. Мен аскарларнинг қайси бирини айблай оламан. Ротага ёмон таъсир қилади.

– Ахир одам ўлган-ку. Жангда ўлмаган, – деди дўриллоқ овоз.

– Ўртоқ майор, тушунинг. Жанг олдидан мен бу иш билан шуғуллана олмайман. Қолаверса, кимни.

– Буни сен ўзинг ҳал қиласан.

– Тушундим, ўртоқ майор, бу галги жангда энг қийин жойга менинг ротам боради. Кечаги гапга розиман.

– Бу бошқа гап. Ўзингга келдинг, энди. Ҳа, майли ҳаракат қиласиз. Буёғига эҳтиёт бўлинглар. Агар Иттифоқда бўлганда борми, ҳамманг кетардинг.

Эрталаб карнайнинг совуқ ванғиллаши аскарларни саф майдонига чорлади. Нонуштага ҳали анча бор эди. Тасир-тусур қилиб, қуролларни елкага осиб, казармадан ташқарига отилган аскарлар қандай воқеа содир бўлганидан бехабар эдилар. Миномётчилар, танкчилар, артиллериячилар аллақачон тизилган. Қисм жанубидан разведкачи ва сапёрлар ротаси ҳаллослаб югуриб келарди. Ҳар галгидай пиёдалар бошқалардан кейин сафга чиқди. Минбар олдида қисмнинг барча зобитлари лавозимига қараб тизилдилар. Қисм саф тортгач, командирлар штаб бошлиғига хисобот беришди.

Зобитлар юзида саросима пайдо бўлганди. Бу йифин на олдинда рўй берадиган жанг, на ҳарбий тайёргарлик, на эрталабки нонуштага ишора эмаслиги сезилиб турарди.

– Бир фалокат бўлганга ўхшайди, – деди менинг ортимда турган Ринат.

– Агар кечаги иш газак олган бўлса, худо урди, ошна.

– Йўғ-е. Бу иш учун эмасдир.

– Унда яна кимдир қўлга тушган ёки шўро аскарини сўйиб кетишган.

– Балки жангга чиқармиз.

– Агар жангга борсак, олдиндан хабар келарди. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор.

Қисмга «Смирно» таъкиди қайтадан берилди. Минбар томондан полк командири чиқиб келди. У бироз сукут сақлаб қаддини ростлади. Овозини авжга чиқариб, деди:

– Ўртоқ солдатлар, жангчилар. Кеча полкимизда энг мудхиш воқеа содир бўлди. Одам тилга олишга ҳам уялади. Совет аскарининг шаънини туширадиган бу иш сизу биз учун ҳақоратдир. Кеча разведкачилар ротасидан, ҳаҳа, разведкачилар командири ўртоқ Гендулин, эшитинг

сиз, бу сизга тааллуқли, бир солдат, қисмимизга яқин манови қишлоққа оралаб, савдо-сотиқ билан шуғулланмокчи бўлган. У штабдан автомат ўғирлаган ва сотиш учун бачалар билан тил бириктирган. Оқибат мана.

Минбар ортидан замбил кўтарган иккита дўхтир аскар ва бир зобит саф майдонига кириб келишди. Сафнинг сўл қаноти – разведкачилар томонга юришди ва тизилган аскарларга замбилни кўрасатиб кела бошлидилар. Улар бизнинг рота аскарлари олдига келишгач, мен замбилга чўзилиб қарадим. Замбильда манглайидан ўқ еган ва ўқ теккан жой ўйилиб кетган, ўққа “ўн афлони” бурчак шаклида қайтарилиб, тиқиб қўйилган эди. Аскарнинг кўзлари осмонга битиб, аянчли, хор аҳволда ётарди.

Замбил полкдаги ҳамма аскарларга кўрсатилди.

– Энди у ўқиган мактаб, яшаган шаҳар ижроқўми, комсомол қўмитасига хат ёзамиз. Оддий аскар Игнатев тартиб интизомга бўйсунмагани, армия уставини тан олмагани ҳамда ўз командирларининг буйруғига қулоқ тутмагани, жангчи дўстларини қадрламагани учун ҳалок бўлди, деб хабар қиласмиз. Агар бу солдат ўз онасини хурмат қилганда эди, шу ишга қўл урмасди. Ва ниҳоят, Шўро аскарининг шаънига иснод келтирди, лойик ўлим топди. Мен сизлардан интизомни бўшаштирмаслик, командирлар буйруғи ва уставга риоя қилишларингизни талаб қиласман.

Кисм командири ваъз ўқиб бўлгач, ҳар бир ротада нонуштага довур ярим соатлик сиёсий дарс ўтилиши белгиланди. Мен замполитнинг ачиган фалсафасини ўлгудай ёмон кўрардим. Сасиган оғиздан ириган гап чиқади, деганларидай у фақат ўлим ва фалокатдан гапиравди.

Рота казарма охиридаги хонага қамалди. Навбатчидан ташқари ҳамма замполитнинг нутқ ирод қилишига

күзи учиб ўтиарди. Мен хонанинг бурчагига Ринат билан ёнма-ён ўтириб олиб, уйга хат ёза бошладим. Замполит кириб келгач, ҳамма ўрнидан дувуллаб турди. Мен олдимдаги тик турган аскар панасида ўрнимдан күзғолмай ёзишни давом эттирдим. Рота қимир этмай тик туарди, хонага жимлик чўкди. Столга бағримни тираб, серрайган аскарлар орасидан замполитга кўз қиримни ташладим. У мени қир-ғий қараш қилиб кузатиб турганди. Ҳеч нарса бўлмагандай ёзавердим, ўрнимдан даст туриб тик қотишга бўйним ёр бермади, замполитни ижирғаниб, ёмон кўришимни яна бир бор хис қилдим. Ҳозир у менга эрмак учун қитмир гап айтишини, дакки беришини, устимга мағзава ағдариб, пичинг қилишини билиб туардим.

– Қани тур, ўрнингдан тур, солдат.

Мен эшитмаганга олиб, бошимни янада қуий эгдим. Ёзганларимни жўрттага пичирлаб ўқийвердим. Бошқалар музлаб оёқда тик туришар, ҳеч ким қимир этмас, «Вольно» таъкидини кутишарди. Замполит тутақиб такрорлади.

– Ўрнингдан тур, солдат! Ўртоқ, бу сенга тааллукли. Етар майнавозчилик.

Мен ўрнимдан турдим. Замполит бошини чайқаб, ўзича ранжиган киши бўлди. Юзига қаҳр туси бериб, менга тикилиб деди:

– Ҳа, солдат. Мунча шошмасанг. Хизмат охирлади деб, кўйиб кўйиш керак эканда-а?

– Нимани кўйиб кўйдим.

– Ротанинг офицерларига, қуролдошларинг, қолаверса, уставга кўндалангига кўйиб кўйдинг.

– Мен ҳали ҳеч нарсага кўймадим, ўртоқ катта лейтенант.

– Ну чёрт побери, ты уже слишком борзым стал. Ҳозир нима билан шуғулланиб ўтирибсан. Сен учун офицер сариқ чақага teng, шундайми?

- Никак нет, ўртоқ катта лейтенант. Уйга хат ёзиб олайин девдим.
- Менинг кирганимни кўрмадингми.
- Кўрдим, ўртоқ катта лейтенант.
- С этим мне положил-да, солдат?
- Никак нет!
- Айтдим-ку, уйга хат ёзаётувдим деб.
- Бўпти, машғулотдан сўнг гаплашамиз, ўртоқ солдат.

Ринат биқинимдан туртди. Замполит билан жағ уриштиргим келди. Негадир хумордан чиқиб, унинг аса бига тегишини жуда хоҳлаётгандим.

– Ўртоқ катта лейтенант, бу ердагилар учун сиёсий маъруза тинглашдан қўра, бирор фойдали иш билан шугулланиш яхшироқ, масалан, курол тозалаш ёки уст-бошини ювиш, уйга хат ёзиш. Бир хонага тиқилиб, эснаб ўтиришнинг нима кераги бор?

– Ҳа-а.., шундай денг, философ бўп кетинг, ўртоқ оддий аскар. Демак, сизга керак эмас.

– Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант.

Замполитнинг юзидан қони қочиб, ғазаби тошди.

– Ҳамма ўтирсин. Сен, ов, сенга рухсат бермадим. Тур ўрнингдан. Чиқ хонадан. Бор, йўқол. Мен сени. Мен сени!..

– Кетсам кетавераман.

Мен столдаги яримлаган хат ва ручкани олиб, эшикка томон юрдим.

– Тўхта, аскар, – деди замполит столга чертиб, ҳозир тўғри рота командирининг олдига бориб, мени катта лейтенант Шерстюк машғулотдан чиқазиб юборди, де. Тартиб-интизомни унутиб кўйганман, де.

– Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант. Шундай дейман.

– Катта лейтенант!

– Хўп бўлади, ўртоқ катта лейтенант, фарки нима?

Йўлакка чиқиб, ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Ринат-нинг тумбасидан «Сиси» олиб ичдим-да, бўш қутига сув тўлғазиб, жойига қўйдим. Замполит «оқа»сининг машғулотидан чанқаб чиқса ичади. Мени роса сўкса керак. Каравотда чўзилиб ётсам, тағин бирортаси мияда ёнғоқ чақмасин, деб ташқарига чиқдим. Навбатчи аскарга мени кўрганинг йўқ, деб уқтиридим.

Ташқарига чиқиб, бетон йўлак бўйлаб бурилгандим ҳамки, зобитлар хонасининг деразаси тақиллади. Бурилиб қарадим – ичкарида рота командири мени имлаяпти.

– Нега бўш юрибсан? – деди у стулда оёғини чалиштириб ўтирган кўйи қулдонга папиросини эзғилаб.

Мен димиққан хона ва бўшаган «Столичный» диккайган стол ва газаклар, балиқ қилтаноқларига кўз югуртирдим. Ичкарида кийим-кечак, ҳамма нарса пала-партиш сочилиб ётарди.

– Ўзим ташқарига чиқаётувдим. Ҳалиги, замполит машғулотидан чиқазиб юборди. Сизга доклад қилмоқчидим, навбатчи сизни хонасидамас деди.

– Ундей бўлса яхши. У бармоқларини нозик ҳаракат билан бир-бирига теккизиб, тирсагини столга тиради, – нималар қилаյсанлар ўзи? Шунчалик жонга тегдики, бу интизомсизликларинг. Тўғри, яхши жангчисанлар. Ҳамманг тушунасан кўп нарсани. Жангда ботирлик қиласанлар, лекин армиядасанлар, аскарсанлар. Қуюшқондан чиқиб кетмаслик керак. Ҳамманг ҳалигидан чекасан, ичасан, офицерни менсимай кўйгансанлар. Уруш одамини чарчатади, буни яхши тушунаман. Бироқ ҳар нарсани ўйлаганимиздай амалга ошириш хуқуқини бермайди бу. Атроф билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Жангчи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Тушундингми, ов?

У лабининг четига «Ростов на Дону» қистириб, олифтагарчилик билан орқага тирсалди. Уйқусизликдан

қизарган күзларини бир нұқтага қадади. Манглайи тиришди. Оғир ух тортди. Сигарет тутунини шифтга узун туфлаб, деди:

– Уйланмагансан-а?

– Бўйдоқман.

– Менинг болаларим бор. Хотиним қарайпти. Умуман, уларни ўиласам афсусланаман, урушда ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ одамгина бошқалардан кўра иродалироқ бўлади. Ота-онанг бордир?

Мен рота командирининг тез ўзгариб қолганини, мен билан кўнгилдан суҳбатлашиш иштиёқи туғилганига ҳайрон эдим.

– Ота-онам бор. Оиламиизда ўн жонмиз.

– Ўзбеклар болани яхши кўришади, биламан. Ғалати халқ. Сен хафа бўлма гапидан, лекин бунчалик ўз жонига жабр қилиш нимага керак?

– Бизда бола-чақаси кўп одам бадавлат ҳисобланади.

– Ҳа, майли. Менга қара, билдирамай бориб, битта «Столичный» топиб кел. Комбатга кўринма.

У чўнтағидан юз чек чиқариб, столга кўйди. Мен пулни олиб, ташқарига чиқдим-да, хона деразаси олдига келгач, сигарет тутатиб, секин юрдим. Аскарлар қафасга солинган кушлар каби жовдирабгина маъруза тинглашайпти.

Мен «Столичный» олиб келганимда, рота командири деразаларни очиб, каравотда ётиб китоб ўқирди. Ароқни столга қўйиб, кетишга руҳсат сўровдим, у қўли билан «ўтири» ишорасини қилди. Стулга чўкиб, идишларни тартибга солдим. Кулдон ва балиқ қолдиқлари уюлган ли-копчаларни тозаладим. Командир рўпарамга келиб, шишани очди.

– Шкафни кўр, қадаҳ бор, ол бу ёкқа.

У менга қадаҳ узатди. Сира кутмагандим. Ичмайман, дейишга ҳожат йўқ эди, командирнинг муносабати самимий эканлигини ҳис қилдим.

– Олдик, қани, уйга соғ-саломат қайтишимиз учун, олдиндаги жанг талафотсиз ўтсин.

Биз күттардик. Мен карам салатини газак қилиб, «Сиси» ичдим. Ҳаяжонланганимни сездирмаслик учун, хонанинг у ёқ-бу ёғига алангладим. Командир тағин күйди. Биз тағин ичдик.

– Эртага жанг қиламизми, дўстим, – деди командир шифтга тикилиб, сигарет тутунини пуфларкан.

– Қилаверамиз, биринчисимас-ку, ўртоқ катта лейтенант.

– Бу сафаргисининг фарқи шуки, фақат разведкачилар ва бизнинг рота боради. Бир ҳафтадан кейин Пағмонга юриш мўлжалланмоқда. Бутун армия рейдга чиқади. Бизга вазиятни билиб қайтиш, йўлларни текшириш топширилади.

Мен бор-йўғи иккита ротанинг жангга бориши хавфли демоқчи бўлдим, бироқ командир олдида бундай дейишга иймандим.

– Пағмон бўлса, Пағмон-да, ўртоқ катта лейтенант. Бораверамиз. Ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқ.

– Ҳа, кечаги нохуш воқеалар учун бизга бу оғир топшириқни беришди. Мен ҳозир тартибсизлиги учун ҳеч қандай аскарни жанг олдидан жазолай олмайман. Менга тўполончи бўлсаям, ботир, отишни биладиган, жасур жангчилар керак.

– Бизнинг ротадаги аскарларга ишонса бўлади, ўртоқ катта лейтенант.

– Одамларни оз оламиз. Ҳар битта машинага учтадан пиёда аскар етади. Ҳамма машина жангта чиқади. Пағмон текис жой. БМП-2 билан жанг қилсак қулай. Операторларга боғлиқ кўп нарса. Сенинг машинанг қалай. Камчилиги йўқ бўлса керак-а?

– Худди шундай. Машина зўр, ишонаман. Снарядлар тўлиқ юкланган, отув мили тозаланган, алоқа яхши ишлайди.

– Унда сенинг машинангда бораман. Ринатга айт, ёқилғи ва аккумуляторни текшириб кўрсин.

– Қачон жўнаймиз?

– Кечкурун учда. Нонуштадан сўнг пиёдалар, механик ва операторлар паркка боришади. Офицерлар назорат қилишади. Кун бўйи паркда ишлаймиз. Қани ол, икковимиз бир кемага тушамиз, омон қайтайлик, жангдан сўнг мановининг ярмини ичиш насиб қилсан иккаламизга, – рота командири қадаҳни бир кўтаришда симириб, яримлаган «Столичный»ни шкафга солиб қўйди.

Мен рухсат сўраб, ўрнимдан турдим. Ароқ яхшигина кайф берди. Бошим анчагина енгиллашиб қолганди.

– Қорнинг тўқми? – сўради рота командири эшик кесакисига қўл чўзганимда.

– Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант. Тушликкача bemalol юрсам бўлади.

– Унда соат ўн биргача дамингни ол. Рота нонуштадан қайтгач, паркка кетади. Эсингдан чиқмасин, соат аниқ ўн бирда паркда бўл.

– Хўп бўлади, ўртоқ катта лейтенант. Раҳмат сизга.

– Ҳечқиси йўқ. Бор энди, замполитга ўзим айтиб қўяман.

Казарма йўлагига «қафасдаги қушлар» – бетоқат аскарлар хонаданчувиллаб чиқдилар. Мен замполитга кўринмаслик учун эшик ортидан бекиниб турдим. У мени йўлакка чиққан заҳотим кўрган, шекилли, чийиллаб қичқирди:

– Оддий аскар Норқобилов! Қани, менинг олдимга кел!

Ҳеч нарсани билмаган каби замполитнинг рўпарасида турдим.

– Мурожаат қилишга рухсат беринг, ўртоқ катта лейтенант!

– Айтдингми командирга?..

- Нима деб?
- Мен сенга нима девдим, солдат! Замполит машғұлттан чиқарып юборди, деб.
- Эй, албатта-да.
- Түғри тур, нега майнавозчилик қиласан?
- Нимаси майнавозчилик, командир дамингни ол, деди. Ёқмаган бўлса, майли, машғулотга кирма деди, умуман у сизнинг маърузангизни тингламаганимдан хабардор. Кетаверайми?
- Қаёққа?..
- Ухлайман.
- Аҳмоқмисан?
- Ким аҳмоқ? Мен рота командирининг буйруғини бажараман. Сиз эса уни рад қилаяпсиз.
- Ах, чёрт побери. Ҳозир катта лейтенант Сидировдан сўрайман.
- Ихтиёргиз. Бу сизнинг вазифангизга киради, ўртоқ катта лейтенант.
- Ах, ҳақиқатанам калондимоқ бўлиб кетибсанлар, солдат. Тағин сени «Жасорати учун»га ёзиб ўтирибман. Шу хулқинг учун бекор қилишим мумкин.
- Мен уни жанг қилиб олдим.
- Замполит кўзларини чақчайтирди, бўйин томирлари бўртиб, юзи қип-қизариб кетди.
- Шунаقا де.
- Ҳа, умуман, мне не нужен ваш медаль.
- Замполит ғазаб билан менга қараб турди-да, шахдам қадам ташлаб, зобитлар хонаси томон юриб кетди. Бурчакда бизнинг айтишувимизни кузатиб турган Мўмин, Ринат, Юра хохолаб кулди. Хонадан энди чиқиб келган Нурмахон уларга қараб аланглаб турарди. Ротанинг ягона дарди эрталабки нонуштага олдинроқ бориш эди. Ҳамма карнайнинг овқатга чорлашини сабрсизлик билан кутяпти.

Замполитни күйдирганимдан сўнг, ташқарига димоғим чоғ бўлиб чиқдим. Ҳаво тоза, атроф чароғон. Осмон тип-тиниқ. Куёш дунёни эрталабки илиқ нурларга фарқ қилган. Сарғиш казармалар бесарҳад океан узра лоппилаётган кемаларга ўхшайди.

Лилияни зобитлар ошхонасидан топдим. У шинам емакхонадаги столларга овқат тақсимлаётганди. Мени кўриши билан қўлидаги патнисни столга қўйиб, бироз тик турди. Мен бевақт келганлигимни англасам-да, барibir чиқиб кетишни хаёлимга ҳам келтирмасдим.

– Нега келдинг, тинчликми? – деди у кўзлари пирпираб.

Унинг қўлидан ушладим. Ҳайратланиб қаради.

– Сен билан гаплашаман девдим. Яххиси, ўриндиқقا ўтирайлик.

У енгил ҳаракат билан ичкари хонадан шиша кўзачада апельсин шарбати олиб келди.

– Ҳозир вақти эмас. Полк командири ҳамда катта офицерлар овқатланади. Ўн дақиқадан сўнг бу ерда бўлишади. Ол, ич, мазали шарбат. Бунақасини аскарларга беришмайди. Сен аскар эмассан, генералсан. Ич.

Шарбатга тўла сирли кружкани унинг юзига теккиздим.

– Мен кечкурун жангга кетаяпман.

– Нега, ҳали вақт бор-ку, – у тикилиб қолди.

– Кечкурун разведкачилар билан борамиз.

– Ўша, сизларнинг ротани белгилашдими? Пағмон деган жойга-я? Айтишларича, икки ҳафтадан кейин армия йўлга тушаркан.

– Сен дивизия штабида ишлайсан, шекилли, – дедим сочини силаб.

– Ҳаммасидан хабарим бор. Сен қол! Мен сени олиб қоламан.

- Қандай қилиб?
 - Санчастдаги врач-офицер бор-ку, подполковник.
Үшанга айтаман. Унинг гапи гап, даволанасан, тамом.
 - Мен соғман.
 - Нима қипти. У сенинг соғ ёки бетоблигингни тек-ширмайди. Жангга жүнатмайди, тамом.
 - Йўқ, Лил, бораман. Тушун, рота командири билан бирга чиқаман. У менинг машинамда бўлади. Қолиш мумкин эмас.
 - Причём здесь твой ротний? У бошқалар билан бо-ради.
 - Лил, қўй, керакмас. Хайрлашамиз. Қайтиб келгу-нимча...
 - Жуда хоҳлаяпсанми кетишни, ахир у ерда...
 - Хоҳламасам-да, боришим шарт.
- У бошини қўксимга қўйди. Мен қўлларини сиқдим. Кўзлари чиройлидан-чиройли эди.
- Келасан. Сен келасан. Ол, яна битта ич. Истасанг, врачга.
 - Йўқ.
- Биз оғир хайрлашдик. Ташқари файзсиз ва ғариди кўринди. Назаримда, бир зумда зулмат чўккандай эди. Штаб тарафдан қисм командири ва бир тўда зобит та-мадди қилиш учун келишарди. Рота казарма олдида эр-талабки нонуштага саф тортганди. Билагига қизил латта боғлаган навбатчи сержант, аскарлар ошхонаси эшигини очиб қўйди. Бутун қисм емакхонага кўз тутганди. Мен ка-зармага кириб ухлашни хоҳлардим.

XIII

Кечаси йўл унумли бўлади. Белгиланган муддатдан хийла барвақт қўзғалган рота тонгги ғира-ширада Пағ-монга етиб келди. Қалин деворли қўрғонлар, пастқам ва

хароба уйлар, дов-дараҳтлар, адл қад тераклар узра ёйилған тун чодири құнғир тусга кира бошлаган эди. Қишлоққа аллақачон хабар етган, вахм оралаган күчалар узра тизилған кулбаларнинг эшиги очиқ ҳолда ётар, одатдагидай аҳоли тоққа қочиб кетған эди. Атрофи тоғлар билан түсилған Пағмон кимсасиз ва ғарип аҳволда кўринарди. Биз қишлоқнинг кўргонлардан холи, бехавотир текис жойида ўрнашдик. Разведкачилар биздан ичкарироқ, икки чақирим пастликка тушдилар. Сукунатнинг ваҳимага тўла кўйнида ҳар сония рўпарангда кутилмаган даҳшат соғир бўлишидан чўчийсан. Юрагинг сиқилиб, асабларинг зўриқади. Қишлоқ бизни эрмак қилиб ўтирган, истаган маҳали ютишга шай аждарҳога ўхшарди.

Тонг ёришгунга қадар пиёдалардан тўрут жангчи, разведкачилар билан биргаликда кузатишга юборилиши керак эди. БМП-2лар ҳар кеча ўт очишга шай қилинди. Ҳар бир машинага бор-йўғи иккитадан пиёда, биттадан зобит ва прaporшчик тақсимланган. Жанг бошланиши билан улар машиналарнинг десант бўлмасига кириб олишади ва маҳсус туйнуқчалардан ўт очишади. Ҳали номаълум вазиятда пиёдаларнинг техникалардан ташқарида туриши мумкин эмас, акс ҳолда, улар қирилиб кетишлари турган гап эди. Душманни оғир артиллерия ва самолётларсиз, фақат БМП-2- лар билан тўсишга мажбур эдик. Танк-чилар батальони колонна олдида юриш учун фақатгина битта танк берди. Бесарҳад қишлоқ ичкарисида иккита ротанинг тир тўзғиши, қириб ташланиши ҳеч гап эмасди. Хуллас, бу тонг бу жанг олдидан ҳар ким ўз ўлимини бўйнига олиб қўйганди.

Рота бир дақиқага бизнинг машина панасида йифилди. Командир аскарларга чўккалаб ўтиришга буйруқ берди. Бешовқин, ими-жимида қандай ҳаракат қилишимизни келишиб олдик. Замполит, сержант Юра, тағин икки аскарга қишлоқ ичкарисидаги кўргонларни кузатиб келиш топ-



ширилди. Улар хавф туғилса күкка яшил мушак отишлари керак эди. Күкда қизил мушак ёниши, биз қайтиб боролмаймиз, деган маңони англатишини беизох тушундик.

Мен Юорани кучоклашиб кузатдим. У ҳеч нарса демади, фақат елкаларимни сиқиб қўйди.

Рота кузатувга кетаётганлар билан бирма-бир бағирлашди.

Атроф ёруғлашиб, қишлоқ манзараси аниқ намоён бўлди. Биздан олдинда хира-ширада кўринмаган, паст-баландлик қабристон экан. Аскарлар машиналарга ўрнашиб, буйрукни кутишяпти. Кетганлардан дарак йўқ эди.

Мен оператор хонасида кузатув ойнаси орқали кўрғонга қарадим. Айланасига ўралган деворларга снаряд зиён етказолмаса керак, деб ўйладим. Ёнимда рота командири алоқани қулоғига тутиб ўтирибди. Мик этмайди. Ҳаяжонланганини яшириш учун менга бош силкиб, кўз қисиб қўяди. Бутун бошли ротанинг, жангга чиқкан кирқ инсоннинг қисмати елкасига юкланганини ҳис қилган зобит учун қирғинбарот уруш олдидан рўй берадиган жимлик нақадар даҳшатли эканини сезиш қийин эмас. У ўлимдан кўра, рота тақдири, бугунги жанг қандай якун топиши ҳамда бугуннинг қандай ўтишини ўйлаб қайғурарди. Ахён-ахёнда замполитни алоқага чакиради, жавоб бўлавермагач, сўкинар, разведкачиларнинг ҳимояда қолган қисми броня билан боғланарди.

Мен алоқа орқали ҳозирча тинчлик, ҳеч қандай воқеа содир бўлмаётганини билиб турардим. Кўрғон жимжит. Қишлоқ қотиб қолган, сеҳрлангандай эди, гўё. На ит хуради, на бошқа бир овоз бор.

Алоқада чўзиқ, қисқа-юлуқ товуш эшитилди. Мен замполитнинг овозини танидим. Рота командири дарҳол ундан вазиятни сўради.

— Розмах, Розмах, мен Рапира. Нуқтага келдим. Ноль, ўттиз етти... — деди замполит.

- Рапира, тушундим,— деди рота командири ҳовлиқиб.
- Ўзинг билан битта қаламни олиб нуқтага етмиш уч ёрдамчи қалам билан, тағин бир қалам ташқарида турсин. Агар осойишта бўлса, сендан кейин улар нуқтага етмиш уч.
- Тушундим, Розмах, – деди замполит.

Менинг замполитга меҳрим товланди. Ишқилиб, омон бўлсин.

- Яшавор, Сергей. Ўзингни эҳтиётла, Сергей. Илдамроқ харакат қил, мен билан алоқани узма, – деди рота командири.

Бир маҳал ўтиб қишлоқдан ўқ овози эши билди. Сўнгра отишма авжга чиқди, гумбурлаш содир бўлди.

Мен кузатув ойнаси орқали қўрғон томондан тутун ўрлаганини қўрдим. Бир зумда бошимиздан ўқлар уча бошлади. Миномёт снарядлари ёғилди. Қўрғоннинг ба-ланда деворларига урилган қизил мушак, бурчак шаклида йўналишини ўзгартириб, ҳавога чизик тортди. Рота командири ихраб юборди. Техникалардан дуч келган жойга ўқ отдиқ. Мен ён томондаги мачит деворларидан ошиб тушаётган куролли одамларни қўрдим.

– От,— деди командир, – тезроқ от. Механик машинани юрғиз. Тўғри, мачитга қараб ҳайда. Сен тинимсиз отавер.

Мен мачитга қаратса ўқ отиб, биз томонга эмаклаб келәётганларни тўхтатиб турдим. Ринат машинани уларга қарши юрғизди.

– Ҳамма, ҳамма! Розмах кутиларга, мени эши тинг! Фақат харакатда бўлинглар, тинимсиз ўқ отинглар. Рапира, Рапира, мен Розмах. Сергей, жавоб бер, Сергей, – командир шошиб қолди.

– Розмах, мен – Розмах ўн олти. Операторим уч юз йигирма, кутичани синдиришди.

Учинчи взвод командири Анишин қуршовда қолган-лигини хабар қилди. Мен қалтираб кетдим. Уч юз йигирма – демак, Нурмахонни ўлдиришибди. Беихтиёр отув

нуқтасини күч билан итардим. Пулемётни ишга солдим. Қабр панасига беркингән душман чекина бошлади.

– Розмах ўн олти, ўзингни ҳимояла. Механик тирикми?

– Тирик. Машина ишдан чиқди.

– Тушундим. Яқин атрофингдаги қутичани ёрдамга чақир. Панароқ жойда тур.

Душман ҳар томондан сиқувга олар, разведкачилар томонда эса вазият бундан баттар эди. Биз қуршовда қолдик. Душман билан рўпарама-рўпара олишардик. Машиналар ини бузилган чумолидай тўзгиб кетди. Тўхтовсиз ҳаракат қилар, биз бир амаллаб қишлоқ ичкариси – қалъага боришимиз керак эди. Кузатувга кетганлар дом-дараксиз, биз уларни ташлаб чиқишни хаёлга ҳам келтирмасдик.

– Ҳамма, ҳамма Розмах қутиларга. Мен Розмах – ўн уч. Мачит томон етмиш уч. Қаламлар кетган нуқтагача етмиш уч. Буюраман.

Душман орқа томондан зарб берар, биз жин кўча орқали, ўқ ёмғирини оралаб қалъа тарафга юрдик. Йўлнинг иккала томонидан душман ўт очар, учта БМП-2 ни уриб ташлашди. Бирининг механиги ўлди, иккитасининг оператори яраланди.

Кўрғонга яқинлашишимиз ҳамон қиёмат қўпди. Душман бизни кутиб турарди. Девор устига чиқиб олиб, грантамётдан бизга ҳамла қилди. Уларнинг бақириклари эшитилиб турарди. Қишлоқда душман тўдалари жойлашиб олгани аниқ эди. Сўл тарафдан разведкачилар ҳужумга ўтди. Кўрғонга тинимсиз снаряд тушар, ёпирилиб келаётган техникаларга қаратса душман жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаяпти. Бу ердан қайтиб чиқишига кўзим етмади. Мен тезроқ машинага снаряд тушиши ёки портлаб кетишимизни, ҳаммасидан қутилишни истардим, ичим куйиб, қалтирай бошладим, танамда мадор қолмади.

Ҳавода вертолётлар күринди. Мен йиғлаб юбордим. Тимсоҳсавлат темир күшлар қўрғон тепасига келганда тезлик билан пастга шўнғиб, тумшуғидан ўт очар эди. Қишлоқ устида вертолётлар кўпайиб кетди. Ҳар қайсиси биздан холи, душман жойлашган нуқталарга ҳужум қила-верди. Уларнинг ҳимоясида қўрғондагиларни олиб чиқиш учун разведкачилар ичкарига киришли.

Разведкачилар қўрғонга тушганда вертолётлар атрофни шиддат билан ўққа тутди. БМП-2лар тинимсиз ҳаракат қиласи, қўрғон теварагини айланар, отув милларидан бесаноқ снарядлар учарди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас, разведкачиларнинг қўрғонга кирган БМП-2си ўқдай отилиб чиқди. Биз орқага ҳаракат қила бошладик. Ишдан чиқсан тўртта машина портлатиб юборилди. Ярадорлар ва ўликлар машиналарга жойланди, рота тезлик билан орқага чекинди. Вертолётлар қишлоқни ҳамон ўққа тутар, борлиқни гумбурлашлар, даҳшатли портлашлар тутиб кетганди. Биз разведкачилар билан қишлоқ четидаги яланг жойда туташдик.

Мен Нурмахоннинг мурдаси тепасида йиғлай олмадим. Кузатувга кетган замполит, Юра ҳамда икки аскарнинг қонга бўялган бошсиз танаасига қараб гангиб турардим. Вертолётга чиқарилаётган мурдалар ичидан замбилда ётган Мўминни қучоқлаб, ўкириб йиғладим. Унинг қонсиз юзи ҳамда оғриқ сезган кўзлари юрак бағримни тиғлаб юборди.

Ринат шлемофон билан юзини тўсиб олган, елкалари силкинаяпти. Машина тепасида турган рота командири, тирик қолган ҳамма аскарларнинг тиришган юzlари ва кўзларига қараш маҳол эди. Ҳеч ким чурқ этмасди. Тириклар ҳам ўлган эди, ўша кун. Ўша кун биз жангдан қайтмагандик.

Колонна йўлга тушди. БМП-2 оғир силтанаяпти. Рота командири мум тишилагандай миқ этмайди. Кўз олдим-

дан узун ва кенг күйлак-иштон кийиб, қурол күтарган одамлар липиллаб ўтаяпти. Гоҳо Мўмин, Нурмахон, Юра қуюқ туман ичига ғарқ бўлиб кетади. Сўнгра замполит пайдо бўлади.

Мен чўнтағимдан тугмадай қилиб қотирилган наша олиб, командирга кўрсатдим.

– Чекамизми?..

– Яхшилаб ўра.

XVI

Колонна кечкурун полкка қайтиб келди. Қисмдошлар бизни ачиниш билан кутиб олишди. Полк командири ҳар бир аскар билан қучоқлашиб кўришди.

Казармада олтита каравот бўш қолди.

Рота командири бизни зобитлар хонасига таклиф қилди. Шкафдаги яримлаган «Столичный»ни биз сўзсиз симирдик.

– Мен энди жангга чиқмайман. Уйга кетишга оз қолди, ўртоқ катта лейтенант.

– Бу менга боғлиқмас-да!

– Санчастга ётаман.

У ўйга ботиб ўтирас, овози анча ҳорғин эди.

– Ўзинг биласан.

Ярим кечаси кимнингдир турткилашидан уйғониб кетдим. Тепамда навбатчи йигит серрайиб турибди.

– Нима дейсан?

– Сени казарма олдида бир аёл сўраяпти.

Донг қотиб ухлаётган, алаҳсираётган казармадан бешовқин ташқарига чиқдим. Казарманинг чироқ нурлари тушмайдиган, қоронғу бурчида Лилия деворга суюниб турибди. У бошига қора рўмол ташлаб олган, уст-боши қора эди. У менинг қора кунимга аталган либосларини бугун кийишига журъат этганди.

– Лилия. Нега шундай бўлди, Лилия! Нима учун? –
Мен овозсиз йиғлардим.

У менга қўлини чўзди. Бошимни бағрига босиб, силай
бошлади. Кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди.

– Энди нима қиласан? – деди у негадир.

– Билмайман Лил, ҳеч нарсани билмайман.

– Эртага санчастга ётасанми? Бир марта хўп де. Бор-
йўғи бир ойдан сўнг уйингга жавоб беришади. Оз қолди,
у йиғи аралаш ялинар, қўлларимни юзига суртарди. – Ох,
худойим, одам ҳам шунча қайсар бўладими?

– Истасанг, – дедим мен.

У бироз жим турди ва енгил тин олди.

Сўнг оҳиста бурилиб, ётоғи томон юра бошлади.

Мен ўзимни хўрлангандай сезардим, силкиниб-силки-
ниб йиғлардим. Қоронғуда оғир қадамлар билан бир кора
шарпа кетиб бораради. Назаримда, менинг ҳаётим мана
шу, мен учун қайғуриб яшаётган аёлга боғланиб қолган-
га ўхшарди. Бу тош қотган дунёда музлаган юрагимни
фақатгина у уйғота бошлаган эди.

2004 йил

ХИКОЯЛАР





БОСИНҚИРАШ

Мен тағин қанча яшайман, билмадим, бироқ жуда күп яшадим. Йигирма түрт йил умр кечирганим ёлғон, бир ёки иккى асрдан ўтдим. Ҳануз юрагимда болалаётган мусибатнинг моҳиятини англай олмай карахтман. Кўнглимни остин-устун қилиб ташлаган фожианинг таг-тубига қачон етаман. Мен ўзимни қачон тушунаман? Менга нима бўлган ўзи?

Ҳаётда ортиқчалик қилиб яшаш оғир. Йўқ, ҳаётда эмас, ўзинг учун кераксизлигингни ҳис этиб туриш, нақадар... (ёзолмадим).

Кўзларимда қотиб қолгани шу; мен – жангчи, қуролимни кўксимга босиб эмаклайвераман, теграмдан ўқлар учади... Ҳориганман – юзларим кир-чир, аллақа-ёкларга жангга кетаяпман, жангдан қайтаяпман, тоғлар, гумбирлашлар, қонлар, яралар, ўликлар, нигоҳлари тошга айланиб қолган, юракларида ваҳима ўрчиган тириклар...

- Кўчқор, сен ёшсан?
- Ўн тўққизга кирдим, ўртоқ майор.
- Мен уч боламга ачинаман.
- Мен онамни соғиндим, ўлишдан қўрқаман.
- Онанг кексайиб қолганми?
- Ўттиз етти ёшда...
- Даҳшат...
- Бизни ушлаб олсалар, нима қиласиз?
- Бунақаси кетмайди. Ўлиш ё қолиш... Ўзингни отасан, тамом...

...Уруш азоблари хотирага айланмайди, аксинча, ҳар куни давом этаверади. Мен ҳали урушдан қайтиб келмадим. Онажон, неча ёшдасиз? Ўнта ўн тўққиздан ошикроқ яшадим. Яна қанча йилдан кейин ҳаммаси интиҳо топади? Юрагим оғрияпти. Онажон, уруш тугамаяпти, Сизни соғинаяпман. Ёшингиз ўттиз еттидами, ҳалиям, Онажон?

...Хотинимга гул совға қиласман ва яна ёлғон табассум, шеър ўқийман, ошналар даврасида май сипқириб сўз айтаман, тамаки тутатаман... бироқ менга нима бўлган, руҳиятимни туманлар қоплаган... Урушларга кетиб қолавераман. Йўқ, жанг тугамаган. Эртага биз отишгани кетаяпмиз. Бу гал ўламан, ҳеч бўлмагандা яраланиб қайтсан керак. Кеча Шуҳрат билан Аваз ҳалок бўлди, олдингиси Вася ҳамда Зайцевнинг бошига етди.

Ҳамиша фожианинг ичида юрсанг, без бўлиб бораверар экансан. Ҳеч нарса қўрқинчли бўлмай туюлади. Жамики ваҳмларнинг сўнгги манзили – ўлим эканлигини англассанг мушкулинг осонлашади. Нима қипти, бир бошга битта ўлим. Бугун ё эртага, нари борса индин... ўламан. Мен урушда одам эмас эдим: бемаъно, бемақсад ивирисанг, инсоний туйғулардан жудо, томирида қони музлаб бораётган маҳлуқ эдим, холос. Агар XX аср фожиасига ҳайкал изласалар, менинг симбатим ҳар қандай рамзийликни ўн чандон босиб кетади. Уруш... фожиа... мен... унчалик ваҳимали туюлмаган... қурбонлик...

18 ёш..., ҳали нигоҳлари дунё рангларини фаҳмлаб улгурмаган маъсумликда, туғилганига пушаймонлар еб, ич-ичига титроқ тушган, тентакнамо бўлиб қолган йигит... чекаётган нашангдан бир тортарлик қолдир. Бу зил-залворли дунёдан бироз баландлайлик,, парвоз қилайлик. Мен сенга сувдонимдан қолган сўнгги қултумни бераман. Ўзимми? Тишимни лабларимга қаттиқроқ боссам ҳам сизади... ичаман.

Онажон... ёшингиз ҳануз ўттиз еттидами? Сочларингиз ўша куни мен олисларда ажал билан олишган, фақат гина Сиздан мадад сўраган кезлари оқариб кетдими? Мен йигирма тўрт ёшда эмасман, мен жаҳаннам чангалидан тасодиф туфайли, Сизнинг баҳтингиз ва ўзимнинг баҳтисизлигим учун тирик қолганман. Тақдирнинг қалтис ўйини – ўлиш машқини бажараётганимда ҳётнинг ҳар бир лаҳзаси нақадар узунлигини, ер юзида барча одамларнинг умрини қўшганда ҳам, улардан кўпроқ яшаб қўйганимни англадим.

Баъзида урушни соғинаман... Ишонинглар, одамлар, тоғларга чиқиб кимларнидир отгим келади. Тасаввур қилолмайсиз, жангдан ҳорғин қиёфада, соғ-омон қайтиш, қўркув, даҳшат билан ўлим сари интилиш, ҳеч нарсани англаш маҳол бемаъно, сўниқ қиёфаларни кўз олдимга келтириш менга ҳузур бағишлайди.

Мен қуролни яхши кўриб қолганман. Портлашларни бемалол тур-турига ажратса оламан, бомба, мина, ми намёт, “эрэс” снаряди, АГСлар. Улар ҳар куни руҳимда портлайди.

– Ичамизми?

– Қуй, Иқбол.

– Нимага индамайсан?

Иқбол, мен гапирмайин, қуй-да, жим ўтири. Ҳаммаси кўз олдимга келаяпти... Фақат ўзим билан сўзлашибни хоҳлайман. Ҳа, ошнам, чарчадим... Одам боласини хотира эзғиларкан... Биласанми, урушда қатнашганлар бир-бирига дуч келиб қолишиса, ботинан оғринадилар, юрагини тата-лаётган ўқинчдан кўзларига мунг тошади. Улар таҳқирла-нишгани, хўрлик азобини тортишгани учун ҳам бу дунёга сигмай қолишганини билишади. Уруш инсонни ҳар қайси жамиятда ҳам чиқиндига айлантириб ташлайди.

Мен ортиқчаман, сенинг қўлларинг тоза – қуй, Иқбол, тахир майдан қуй, кўнгил мени зулматдан олиб чиқсин.

II

УРУШ

(баллада)

Хуши учар заминнинг
Зириллаб тўзгир ҳаво.
Кулар ярадор тоғлар
Замбил ахтарар дунё.
Чинқирайди майсалар –
Тўйиб кетар жонидан.
Бир ҳўплам қон... томади
Осмоннинг сувдонидан.

III

Кеча Хемингуэй келди уйимга. Тонггача гаплашдик. Мен айтдим, урушда тирик қайтиш билан урушда ўлишнинг фарқи йўқ, дедим. У уруш даҳшатини англаб улгурганлар ақлдан озадилар, деди. (Бу содир бўлиши муқаррар ҳақиқатлигига ишонаман).

Урушдан омон қолган кишининг яшashi азобдир, дедим. Бундан нима қилиб кутулса бўлади, наҳотки?..

У, сира ҳам иложи йўқ. Уруш ҳақиқатни ёзиш, айтиш мушкул бўлган энг оғир мавзу, деди.

– “Алвидо, курол” уруш фожиасини ҳамда азобла-наётган инсон юрагини очиб ташлаган шоҳ асар.

– Мен уни ёзаётганимда ҳаётимда кўп мусибатларни кўрдим: Отам ўзини отди, хотиним ўлди, бироқ шунчалик оғир изтиробларга ҳам чалгий олмадим.

– Уруш ларзага солган кўнгил фожиаси олдида барча оғриғу кўргуликлар ҳасрати чекинади, демоқчисиз.

– Ҳа, шундай. Одамни енгиб бўлмайди.

— Мен урушда ҳеч ким ғалаба қилмайди, уруш одам-зод устидан ҳар доим ғолиб келган деб ўйлайман...

Хемингуэй “Алвидо, курол”ни ташлаб кетди. Мен китобни “Ассалом, курол” деб очдим.

IV

Уруш ҳақидаги ягона қиссамни қачон тугатаман, билмадим. Роса қийналаяпман. Кечалари тушларим ҳам айниди, бунинг устига. Хаёлим ўзимда эмас, чамамда, атрофимдагиларни унтиб қўйяпман. Сўнгги бўлими тугасайди, бирор жойга кетардим. Дам оламан, ҳеч ким менга халал бермайди. Чалғиш учун дўхтирда маслаҳат беришса, ёмон бўлмасди.

Урушни тасвиirlаш ўлимдан ҳам бешбаттарроқ. Оёқ-қўлим бўшашиб, ичимни нимадир беаёв кемираవеради. Мен ҳақиқатни, мусибатни бор бўйи билан кўрсатиб беролмай қийналаяпман. Ўз кўзим билан кўрган воқеаларни бошқаларнинг кўзи, юраги, кўнглига сингдирив юбориш, ҳеч бўлмаса ўзинг ҳис қилган оғриқнинг ярмини англашлари учун жонингни қиймалашинг зарур экан.

Кўзим олдида тўхтаб қолган совуқ манзара, лоҳас сукунат. Чайқалаётган замину осмон тобора бир-бирига яқинлашаверади – ҳозир қапишиб кетади. Ўлик жимлик бағридан ажал ҳиди анқийди. Қораҷўғинг тортишиб оғрийди. Кўзларинг бу совуқ ва дилни сесканитирувчи борлиқдан қўрқади. Иродангнинг қириндилари тўкила бошлайди. Кўрқувдан кафандай оқарган юзингдан ҳеч қандай ҳолни англаб бўлмайди. Ўзингни қўярга жой тополмай қоласан, ичингдан тўкила бошлайсан.

Бироз ўтади – ҳавони зириллатиб снаряд учади. Дунёни остин-устун қилган портлашдан бақириб юбора-

сан. Одамзоднинг қўркувдан чинкирган кезлари юзлари тиришиб, соchlари сонияда оқариб кетади. Қонлари тўхтаган томирингдан совуқ тер отилиб, баданинг шилимшиқлашиб қолади – Сен – тирик мурдасан. Ўлим шунчалик қўрқинчлими? Яна ванғиллаб снаряд учаяпти. Назарингда ҳавони йиртиб ташлаётгандай. Шу снаряд худди сенга келиб тегадигандай ерга ётиб олиб, бошингни бекитасан.

Жанг бошланади. Бечора заминнинг кўксини пайҳонлаб оғир техникалар илдамлайди. Қий-чув, кўкка учган чанг-тўзон, қуюқ ва ачимтири турун, визиллаган ўқлар, оҳ-воҳлар – бари-баридан эсинг оғгудай бўлиб, ўзингни урушнинг ихтиёрига топширасан.

...Ҳеч нарсани идрок қилолмай ўзимни дараҳт панасиға отдим. Тепадан шалдур-шулдор қилиб шоҳлар синиб тушаяпти. Пўсти титилиб ичидан оқ ўзаги кўриниб қолган синиқ новдаларга юзингни яқинроқ келтирсанг пороҳ ҳидини туясан. Агар одамнинг қўл-оёғини ҳам темир парчаси чўрт узиб кетса нима бўларкин? Томирлари кўриниб, ичидан суяқ бўртиб чиққан, узилган оёқнинг қони тепага сачраса керак.

Мен нима деяпман ўзи? Худди шундай бўлувди-ку? Ўқдан бошимни ерга паналатиб “ўлмайн”лаб тиловатлар қилиб ётгандим. Хаёлимда агар юзимга ўқ тегса, ўрни ковак бўлиб қолади ёки ўқ кирган жойда кичкина тешик пайдо бўлиб чиққан жойни ўпириб, суякларим пайраҳадай сочилиб кетса керак деган ўй ўрнашиб қолганди. Чаккамдан ўқ тешиб ўтса калламнинг бир томони қўпорилиб, кўзим косасидан чиқиб кетади. Оғриқни сезмаёқ бир силтаниб ўлсам керак. Йўқ, бошимда жуда-жуда қисқа сонияда нимадир қарсиллаб, атроф ёришиб, кўзимдан олов отилиб чиқади. Дунё оппоқ туман ичига ғарқ бўлади. Бир пастьда ҳаммаси тугайди. Хаёлимни тиғлаб ўтган лаҳзалик ўй-

лар шунчалик кўрқинчли эдики, мен ўлимни кутаверидб چарчадим. Бир маҳал дараҳт танасининг ердан иккі-уч қарич баланддаги қисмидан пўстлоқлари сараб кетди. Ўқ танага мих каби ёриб кирди. Мен ваҳима ичида ерни шунчалик чанглаб олдимки, бармоқларим зирқираб оғриди. Ёнимда чанг кўтарилиб даҳшатли гумбурлашда беихтиёр отилиб кетдим. Чалқанча ётардим, осмон чириллаб айланаяпти. Қорнимда нимадир босиб турибди. Қулоқни ёргудай чинқириқдан ён-веримга алангладим. Ҳамротам Зайцев тупроққа беланиб тўлғониб ётибди. Унинг чинқириги ҳар қандай гумбурлаш ва портлашни босиб кетган. Жанггоҳда Зайцевнинг ҳайратли даражада ўкириши ҳоким. Ўрнимдан қўзғалиш учун бошимни кўтардим. Қорнимни босиб турган нарса ёнбошимга оғди. Юзимга иссиқ ва шилимшиқ, этни жунжиктирадиган суюқлик саҷради. Сапчиб ўрнимдан турдим. Олдимда сонидан узилиб кетган оёқ ётарди. Унинг ҳилвираб гўшти чиқиб турган жойдан тизиллаб қон отилаяпти. Ранги дока тусига кирган Зайцевнинг кўзи осмонга битиб қолган. Узилиб кетган оёқ ўрнида кўрсаткич бармоқ узунлигидаги суяқ оқариб чиқиб турибди. Унинг иштони ва гимнастёркаси шалвираб кетган эди. Тупроқ қип-қизил қон билан қоришган. Мен танадан айрилиб қолган оёқни мурда ёнига қўйдим. Оёқ зил-замбил оғир эди. Отишма бўлаётганини мутлақо унудим. Дараҳтлар қасирлар, осмондан темир парчалари ёғарди.

V

Кечаси ташқарига чиқишдан кўрқаман. Зинапоядан учинчи қаватга бир оёқ дурсиллаб чиқиб келаётгандай бўлади. У мени гоҳида таъқиб қиласди. Остонада пойабзал

кияётсам баъзан тумшугим тагида пайдо бўлиб қолади. Тик турган кўйи тебранаверади. Кўзларим тиниб кетади, бақириб юбораман. Оёқ ҳамиша қўнжи қонга ботган этик ҳамда Зайцевнинг ўша жигарранг шимининг бир томонини кийиб келади.

Соат неча бўлдийкин. 12 дан ўтгандир... Бир нима дурсиллаяпти. Иккинчи қаватга етди... Мана учинчи қават зиналарига қўтарилди... ҳозир, ҳозир... менинг эшигимга ўзини уради. А-а-а-а-аа!

VI

Бугун шоир Эшқобил Шукур билан инсон ва адабиёт ҳақида гаплашдик. У шеър ўқиди. Мен ҳеч нарса ёзолмаяпман дедим. Буни шоир руҳиятга йўйди. Баъзан одамда шундай ҳол кечаркан. Ойлаб бир мисра ҳам битолмай юрасиз, деди. Мен нега бундай аҳволга тушганимни билмадим, бироқ қўнглим хижил, умуман қаерларгадир бош олиб кетишни истайман, қаерга, ўзим тушунмайман, дедим. Ниманингdir таъсирида қолгансиз, хаёлингизни чалғитинг деди шоир. Мен урушда кўрган воқеаларни тез-тез эслайдиган бўлиб қолганман, очиги, жанггоҳларни қўмсаяпман, одам ўзига мунчалик мусибатлар келтирган кунларга қайтишни хоҳлаб қолиши мумкинми, деб сўрадим. У менга анграйиб қаради, сўнгра нигоҳини олиб қочди. Айтдики, фожиалар ўтиб кетгандан кейин, бир куни ардоқли хотирага айланиши ҳам мумкин. Мен оғриқдан лаззатланиш – азоб, инсон учун бундан ортиқ кўргулик бўлмаса керак, УРУШ барибир башарият устидан ғалаба қилишига имон келтираяпман дедим. Эшқобил Шукур эшитмаганга олди.

VII

Тақдир, менинг қўлимга ўн саккиз ёшда қурол тутқазганингдаёқ, ёзигимга уруш исканжасида қолиб кетиш битилган экан. Мен қанча кишини отган бўлсам, шунча марта отилганман. Қўлим қон, кўзим қон, оғзим қон... асрим сен ҳам қонсан. Бизлар қотилмиз.

Юрагим санчияпти. Ҳали кўксимдаги отилмай қолган ўқлар хуруж қиласаяпти. Уларни барибир отишими керак. Кимга, қаерга?

VIII

– Қўчкор, уйимизни соғиндим, тезроқ қутулсайдик. Охиригача омон қололамизми?

– Менам чарчадим, баридан. Бошда борини кўрамиз, дўст.

– Бу лаънати урушдан бирга қайтсақ, Тошкентга тушибоқ оёқдан қолгунча ичардик.

– Қанийди, дўст... ҳаммамиз тус-тугал борсак.

– Агар орамиздан ҳеч ким ўлиб кетмаса: биргаллашиб ресторанга кираардик-а?

– Ҳа.

– Сенинг шоирлигинг қўзиб шеър айтардинг.

– Албатта, чекишдан қолдир.

– Насиб қиласармикин?

– Совуқ ният қилма, Шуҳрат! Кўрасан. Ҳаммаси тугайди.

– Мен бор овоз билан шеър айтаман. Одамлар ҳайрон қолишиса керак?

– Қизиги йўқ менга. Сенлар истасанглар стол устига чиқиб шеър ўқийман. Фақатгина омон қолсак, бас.

– Ростданми?

– Рост, ошналар, рост. Ресторану барлар, кинотеатрлар, чиройли нигохлар бари бариси – бизники бўлади?

– Айтганинг келсин? Эҳ-ҳа...

Йўқ, Шухрат, йўқ, айтганинг келмади. Бизнинг тенг ярмимиз у ерларда қолиб кетдик. Менинг кўнглим яrim бўлиб колди. Дунёнинг бир томони қўпорилган энди, дўст. Гўримга, очиқ мозоримга шеър айтайнми, Шухрат. Шеър айтгилигим қолдими мени, Шухрат. Юрак дардга, қасидага эмас – марсияга тўла, Шухрат. Сўнгги бор кўзларинг юмилаётган пайт нега менинг қўлларимни бунчалик қаттиқ қисдинг, қадрдон. Юрак бағрим зирқираб, кўзларимдан ёш тиркиради, бўғзимга тиф санчилди. Сенинг ўлгинг келмаётганди, сенга насиб қилмаган ҳаётда мен тирик қолаётгандим. Шухрат, дўст, сен манови осмону булувлар билан лаҳза ичидা видолашаётиб, лабларинг қалтиради: “СЕН БАРИБИР ШЕЪР АЙТГИН”. Айтаман, дўст, айтаман, ёниблар айтаман; куйиблар айтаман, тўзғиблар айтаман. Алвидо, дўст, алвидо!!!

IX

– Хўш, нима истайсиз, йигитча.

– Яхши қиз, олтита графин пиво.

– Битта ўзингизгами..?

– Ҳа, нима қипти. Мен бугун майхонангизни ёндираман.

– ...

Дастёр қизнинг кўзлари олайиб кетади... У мени озрок этишмаса керак, деб ўйлади. Барibir столга олти графин пиво олиб келди. Ёв қувгандай пулинни ҳисоб-китоб қилди. Дунё чайқалаяпти. Дунё гўё океан қаърига чўкишга маҳкум кемадай омонат. Одамлар оёқлари осмонда, бошлари билан юришмоқда... Одам-лаааррр, бошлааариии билаанн юришмоқда-да. Бош-ш-лаа-рии билааннн-нуҳҳ! Күффф!

X

Бўғзимда қирқ жоним потирлаётир,
Қарогим-ла осмон, тоғу-тош ёнар.
Онам мени шу дам хотирлаётир,
Хайр, онам учун йиғланг, ошналар.

Дунё тирноғимга арзигани йўқ
Не кўрдим.
Дунёси қиласверди қасд.
Менинг кўкрагимга қадалган шу ўқ
Онамнинг кўксини тилкалар бехос.

Розийдим, шу ерда чириблар ётсам,
Бир лаҳза бошимга келса Ватаним.
Ўлайпман,
онамнинг бағрини қўмсар
Қонимга чайилиб хор бўлган таним,
Хайр, онам учун йиғланг, ошналар!!!

XI

Кема бир чайқалиб, стол билан кўшилиб қуладим.
Устимга бўм-бўш графинлар чангирлаб тушди. Шифт ги-
риллаб айланаяпти. Тепамда шифт билан бирга кимлар-
нингдир симбати гирилляяпти. Миршабларга ўхшайди.
Ҳа, худди ўшалар. Тошдай оғир бошимга бир парса урил-
ди, кўзимда ўт чақнади, бироз хушимга келдим. Уртўқ-
моқ ушлаган икки миршабни аниқ кўриб турибман. Улар
мени тепкилаб-сепкилаб эшикка судрашаяпти. Иккаласи-
дан бири қўйиб бири силкалаяпти.
— Кетганича ич-да, аҳмоқ.
— Э, бу журналист экан-ку?

- Құявер, ўзини билмай ётибди, ахмоқ бўлиб қолган.
- Опанинг журналида ишларкан.
- Чўнтағидаги нарсаларни қайтариб сол.

XII

Бу кеча сира ҳам уйқум келмаяпти. Баданимда сувараклар ўрмалаб уйқу бермаяпти. Бурга талаб ташлади. Юзимга нима томаяптийкин? Нега бунча иссиқ – Шифтда осилиб турган нарса нега тебранаяпти? Нима ўзи у... А-а-а-а?! Одамнинг қўлими, одамнинг қўлииши. Она-жоооннн!

XIII

Қўшин Али-ҳилидан қайтаётиб бир қишлоқни вайронага айлантириб ташлади. Уйлар, деворлар ўпирилиб қолди. Танклар ҳовли экинларини ғажилаб ўтди. Мол-ҳолларни отиб кетавердик. Боғлардаги меваларни ўзимизники сингари ўйнаб тердик. Биз киришимиздан аввал артиллерия ва самолётлар, тик учарлар ўққа тутган қишлоқда одам зоти қолмаганди. Взвод деразала-ри чил-чил синиб тўкилган кулба олдидан ўтаётганда Бочкарёв менга ярми ўпирилган девор томонни қўли билан кўрсатиб, бақрайиб тураверди. Унинг гапиришга мажоли йўқ эди. Мен Бочкарев имо қилаётган томонга қарадим. Девор тагида уч яшарлар чамасидаги қипяланғоч болача, ичак-чаваги чиқиб ўлиб ётарди. Мен юзимни беркитиб олдим. Оёқларим қалтираб, бошим айланиб кетди. Дам-бадам ўхчирдим. Жағим тақиллаб, баданимдан совуқ тер оқа бошлади. Мен бутун бошли взвод, бутун бошли армиямизни ер ўз комига тортиб кетишини жуда-жуда хоҳлардим. Менга тирикликнинг қизиги қолмаганди.

Кўзларимда қотиб қолган бу манзарани ҳеч нарса йўқота олмайди. Мен уни ўзим билан олиб кетаман. Кулаган девор ва...

....Тўшагимни нимадир ўзига тортаяпти. Оёқларимга аллақандай юмшоқ нарса тегиб турибди. Мана, энди тиззаларимга довур эмаклаб келди. Баданим музлаб бораяпти. Қарашга қўрқаман. У қорнимга ўрмалаб келади, ёнбошимга ағанаб, мен билан ётаверади. Этим дургиб, сескана-сескана қарайман. Шунда... ириб-シリб ётган, тимсоҳ терисига ўхшаш баданларидан суюқлик сизаётган, қоп-қорайиб кетган чақалоқ иккала қўли билан юзимга чанг солади. Бўғилиб кетаман. Овозим чиқмайди...

– ...Нима бўлди Сизга?

– Сув опке, хотин, сув, – босинқирадим. Хотиним уйкусираб ошхонага югуради. Ёнимда ётган ўғилчам чинқириб йиғлайди. Мен ҳануз ўзимга келолмай боламни юпатаман.

– Уха қил, ўғлим. Қани, уха қил, энди...

– Мана, сув, ичиб олинг. Э худо, юрагимни чиқариб юбордингиз... Бугунам қўрқдингизми?

Мен жимман. Тонгтча ўғлим ва хотинимнинг бошида ўтириб чиқаман. Кўзим илинишидан қўрқаман.

XIV

Урушнинг яна бир мусибати бор. Фожиа шундаки уруш инсон қони орқали ўтиб авлодлар ирқида ҳам у асоратини қолдиради. Ҳар лаҳзаси йиллардай чўзилиб ўтган уруш манзараси инсонни ҳайвоний қиёфага айлантириб, қарам қилиб ташлайди. Жанг кўрганлар бир умр урушнинг исканжасида яшайдилар.

Ҳали икки ёшга тўлмаган ўғлимнинг ўйинчоқ автоматларга ёпишиб олишига ҳайрон қоламап. У камазлар,

юразлар, турли машиналардан кўра, ҳозирдан қурол билан ўйнашни яхши кўради. Ўғлимнинг кўнглидаги қизиқиши, менинг қонимда гоҳ-гоҳида хуруж қилаётган асовғалаён орқали ўтмадимикин?

— Болам, ташла, қўлингдагини. Ахир қурол... Бу билан мен, сен, ойингга ўхшаш одамларни отадилар (Йўқ, мен отганман).

XV

Мен афғон уруши ҳакида нима ёзган бўлмайин, ўзимни босқинчи армиянинг, гуноҳи беадад сиёсатнинг қўли қон аскари деб ҳисоблаганман. Биз босқинчимиз. Тамом. Бошқа ҳеч қанақа шарҳу изоҳни хоҳламайман. Фақат афғон уруши қатнашчиларини тағин хўрламанглар — байналмидал жангчилар деманглар. Сенларга давлат мурувват кўрсатаяпти, деб майдалашманглар.

Афғонда жанг қилган шоир Наби Жалолиддин, одамлар бизга раҳм қилинг, ҳар нарса деб оптимизда гапирманг, агар биз оптиқчалик қилаётган бўлсак Мустақиллик майдонига тўплаб, отиб ташланглар, деб ёзди. Йўқ, Наби, бизни отолмайдилар. Агар афғон урушининг ҳакиқий гуноҳкорлари керак экан, Наби, Сену менга ўқ етмай қолади. Қанчалаб министрлар, генераллар, ақлли бошлар отилиши керак. Мен охирида ўзимни ўққа тутиб бераман. Шундаям, ҳали дунёning разиллекларидан бехабар ўғлимнинг тинч ва осуда ҳаёти учун, боланг ҳеч қандай урушни кўрмайди, деган мамлакат учун.

Наби Жалолиддин! Бу урушнинг гуноҳкорлари бехисоб, жўра!

XVI

Ёмғир эзіб ёғаяпти. Шом чоғи. Сакичок лойтепаликка чиқаяпман. Одам боласининг қораси күринмайды. Негадир елкамда қуролим, ёнимда үғилчам ҳам бор. Совет нимча ҳам кийиб олганман. Бир маҳал рўпарамда қурол тутган, соқолли кишилар пайдо бўлди. Уларга қаратса ўқ отай десам, автоматим ишламайди. Ўғлимни кўтариб, гандираклаб пастликка югурдим. Улар бизни қувиб келишарди.



АСОРАТ

Ёзиш – азоб. Ёзиш ҳам ўйлаш
каби жонимга тегди.

Муаллиф

I

Үйқум келаяпти, кўзимни юмишга қўрқаяпман. Сукуннатнинг қўйнида ваҳм. Тун ором олишимни пойляяпти, чамаси, бўғиб ташлашга шай тургандай. Чироқни ўчирмайман, мен ухламаслигим керак... Онажон, бу азобнинг чеки-чегараси бормикин? Ҳозир ҳамма одамларнинг жонларига тун оро кирган маҳал, яъни кундузни ғурбат деб билгувчилар мана шу жимликнииг қоп-қора қучогидан хузур-ҳаловат кўришмоқда. Нега улар кундуздан безиб қолишган, шомни пойлашади?.. Мен доимо кундуз бўлишини, кишилар бир-бирига дуч келиб юришларини хоҳлайман. Кўчаларда ҳаёт қайнасин. Ҳамма ухлаб қолганда тун қўйнида, ер юзидаги барча жонзодлардан кўпроқ шарпалар пайдо бўлади. Улар истаган маҳали, деразангдан мўралаб қарайдилар, эшигингнинг ўн жойидан қулф урсанг-да, товуш чиқармай ичкарига кириб оладилар, тўшагингни оҳиста кўтариб, темир панжалари билан бўға бошлишади... Овозинг чиқмай тўлғонасан. Сенга ҳеч ким ёрдам беролмайди... Нафасинг қайтиб, зўриқасан, шарпалар кўзларинг олдида липиллаб ўтиб туришади... улар жуда кўп.

II

Бу кеча чироқни ўчирмадим...

Тиқиллаётган нима? Эшик очилгандай бўлди... Соат учдан ўтаяпти. Хонада кимнингдир оёқ товуши эшитил-

ди. Дарпарда ўз-ўзидан йиғилиб қолмайды. Эшик тағин очилди... Күзларим уйқухона остонасида. Балким деразадан тушар. Йўқ, деразага бурилиб қарасам, чалғийман... Уйқухона эшигидан қайтсин-да, ишқилиб... у нима бўлса ҳам. Дарвоза ғийқиллаб очилаяпти... Кўркувдан кўзларим юмилиб кетди... Шу аснода юзимга совуқ, шилимшиқ бир нарса шапиллаб тушди. Жон уҳмида қўлимни юзимга босдим, қотиб турган аъзойи баданимни музлатиб юборган шилимшиқ бир лаҳзада қимирлаб, юз-қўлим орасида питиллай бошлади. Накадар даҳшат. Беихтиёр уни баттар юзларимда эзғилаб ташладим. Қаншаримдан бўйнимгача илмилик қуюқ сув тирқираб сочилди. Жон талвасасида бақириб уйғондим... Тўшагимда эзғиланган, оғзи очилиб ўлиб қолган калтакесак чалқанча ётарди. Томирларим бўртиб кетди, мен бунчалик ожиз аҳволда ўзимни йўқотиб чинқирмагандим. Хона чирпирак бўлиб айланаетганди. Хона ёп-ёруғ эди. Мен чироқни ўчирмай ухлагандим.

III

Ташқарида тун ютмоқقا шайлигини унутиш учун ҳамма хоналарнинг чироқини ёқиб қўйдим. Ошхона деразасини ланг очиб тамаки чека бошладим. Туйқус эшик зарб билан очилиб увада, ирkit ҳарбий кийимда, қўлида автомат, афт-ангори таниб бўлмас даражада кир-чир бўлиб кетган Кўчкор кириб келди. Унинг уйқусизликдан қизариб кетган кўзларида мунг қотиб қолган. Ҳорғинлик аломатидан ёноғининг қоқ суяклари янада бўртиброк кўринади. Курол дастагини қисиб олган қўлларига яра-чака тошган. Хонани тер ва аллақандай ачитки ҳид қоплади. У аскарий кирза этигини ғижирлатиб бир-икки қадам ташлаб, кўл ювғичга суяниб сўради.

– Чекаяпсанми?

– Ҳа,

– Ол буёкқаям.

– ...

– ... Чарчабсан. Кириб ётавер.

– Сен сўрама, мен айтмайин... Жудам чарчадим..

Нарёғда роса ясашди. Отишмани кўрсанг эди... Даҳшат. Еру-кўк зириллаб кетди. Ҳамма нарса тир тўзғиди.

– Биламан. Аваз ўлди. Ермидин яраланди. Машинангни уриб ташлашди. Полк жангдан кочиб чиқди, Разведвзводнинг teng ярми қирилиб кетди. Асрга тушиб қолаёздинг...

– Сен қаердан биласан.

– Ахир мен...

– Тушунмаяпман...

– Сен менинг жангда қолган, урушларда юрган ўзимсан, жигар.

– Бўлиши мумкинмас... Наҳотки.... наҳотки? Мен тирик қайтаманми?

– Бунисини билмадим... Балки сен умуман урушда қолиб кетарсан, қайтмассан.

– Тушунмадим.

– Жигар, урушдан тирик қайтганимга ишонмайман. Мен ҳар куни жангда юраман. Мана бугун ҳам Сен – менинг ўзим урушда юрибман.

– Нега ухламаяпсан? Соат тўртга яқинлашди... Сенинг ўрнингда бўлганимдайди... Уф, чарчадим...

– Менга қара, Қўчкор, бугун число неча ўзи?

– 17 февраль.

– Уч кундан кейин яна жангга чиқаман. Колеватов ҳалок бўлади бу сафар. Валис яраланади. Сен ҳали бехабарсан, уруш ҳаётингда жуда узооқ давом этади, жигар. Яхшиси, бу кеча дамингни ол. Ўрнингга мен кетаман. Нима фарқи бор ахир, биз битта одаммиз. Фақат Жавоҳир

йиғлаб қолади, йўқлигимни билдиримай тур... Нариги хонада ухляяпти.

– Нималар деяпсан. Мен урушдаман-ку? Ким у Жавоҳир?

– У урушда юрган Менинг, яъни бир умр отишмалар ичида яшашдай мусибатга маҳкум баҳтиқаро инсоннинг қиёфаси бунчалик чиркинлигини тасаввур қилолмаган) бегуноҳ фарзанди. Кўнглинг тўқ бўлсин, у отасининг олисларда курол кўтариб юрганини билмайди, мурғак юраги билан менинг дарду дунём нотинчлигини бирозгина ҳис қиласди. Ўғлим орамиздаги бесарҳад жарликни бир куни, улғайгач, фаҳмлай олади. Мен фарзандимнинг ҳар доим курол эмас, қўлларида гул кўтариб юришини хоҳлайман. Унинг қўллари қон бўлишига сиräям чидайолмайман. Тушунаяпсанми, отасини уруш комига тортиб кетган болаларнинг гуноҳи йўқ. Улар тип-тиник, беғубор бўлиб қолишлари керак. Уруш кўрган одамларнинг гуноҳини ҳеч нарса юволмаса-да, такдир уларнинг бошига солган кунлардан болаларини асраши керак.

– Жуда ошириб юбораяпсан. Урушдан кейин тинч замонда яшаш ўйинчоқ бўлиб қолади. Ҳеч қандай қўркув юрагингни кемирмайди, ичингни ваҳима тилкаламайди. Кунларинг заҳар-закқум бўлиб ўтмайди. Сени ҳеч ким отмайди, бошқалар учун сен ҳам қурол ўқлаб ўтирумайсан. Душман деган гап ҳам хаёлингдан кўтарилиб кетади. Тозава озода юрасан. Ёруғ кунлар... кенг ва озода шаҳарлар. Сени ўлдирмайдилар... ихтиёринг ўзингда бўлади. Сен бошқаларнинг назарида қаҳрамон бўлиб қоласан.

– Йўқ, Кўчқор, йўқ... Аксинча, Сен ҳаётда одамлардан узилиб яшайсан. Урушдаги жасурликларинг бир кун сени шундай қийнайдики, атрофингдаги минглаб нигоҳлар қаршисида ўзингни қўярга жой тополмайсан. Сен ўзингдан ва ўша орзу қилган ҳаётингдан бегоналашиб

борасан. Ич-ичингда тошиб келаётган саволлар дастидан бекингани жой тополмайсан. Сен ўзингни-ўзинг яшира олмай кун кечирасан. Аслида энг даҳшатли кунлар урушдан кейин бошланади.

– Кўчкор, сен ақлли гапларингни кўятур, ошнам, айт, нима қилишим керак?.. Мен иложисизман. Ҳар сония ўлим чангалида яшайтганингни, билиб турсанг, факат ўз жонинг учун қайгураверсанг ҳам ақлдан озиб қолишинг ҳеч гап эмас. Биласанми, жанг олдидан шунчалар кўрқаманки, беихтиёр тиловатлар қилавераман. Уруш майдонига киргандан сўнг эса мутлақо бошқа одамга айланиб, карахт аҳволга тушаман. Юрагим ўрнида тош пайдо бўлади...

– Буни яхши биламан... жангда одамлар эмас, қонсираган йиртқич маҳлуклар бир-бирини ғажилайдилар. Ўлим билан ҳаётнинг ораси бир қадам бўлгани сингари, одамда йиртқичона қиёфа ҳамда кайфиятнинг тўсатдан пайдо бўлиши ҳам таажжубли ҳол эмас.

...У чап кўлидаги автоматни елкасига осди. Кифтимга қоқиб, эшик томон юрди. Қадди букчайиб кетаяпти. Боши ҳам. Эшик тутқичидан ушлаб мен томонга оҳиста бурилиб қаради. Кўзлари маҳзун... Қиёфасидан ҳеч қандай маъно уқолмадим.

– Майли, мен кетдим. Жавоҳирга эҳтиёт бўл... Сендан бир хабар олай девдим. Ҳа, айтгандай, онамдан хат олдим. Хавотирланма. Уйда ҳаммалари соғ экан. Мени кутишяптикан. Омон бўлсак қайтармиз... Хўп энди... Жавоҳирни эҳтиёт қил...

У аскарий этикларини ғижирлатиб қадам ташлаган кўйи ғойиб бўлди. Ҳали ўзи бехабар, бироқ ҳис килиб турган даҳшатли кунлар сари кетиб бораяпти. Олисда БМП-2 нинг гурсуллаган овози тун сукутини чилпарчин қилди. Борлик ҳарбий техникаларнинг тўс-тўполон килиб ҳаракатланиши, танк ва БМП-2 занжирининг шагирлаб айланиши домида қолиб кетди. Командирларнинг

бақир-чақири, аскарларнинг сўкинишлари эшитилаяпти... Ўша таниш, гоҳида мени ўзи томон чорлайдиган, юрагимнинг туб-тубида алланечук ҳаяжон уйғотувчи қадрли манзаралар сари кетаётган ўша менимни ҳам эргаштириб олди...

IV

1987 йилнинг 17 феврали, тонгги соат 5.00. БМП-2 оғир силтаниб бораяпти.

Ўнқир-чўнқирда машинанинг тумшуғи паствлаб юқорилайди. Уйқум ўчиб кетади. Башня ёнида жойлаштирилган, ичидаги ўқ-дорилари яримлаган яшиклар шараклаши асабга тегади. Кўзим ич-ичига тортилаяпти, тобора. Шлемофоннинг ахён-ахёнда фийқиллаши, командирларнинг алоқада бақириб-чақиришларидан бошим иккига бўлинниб кетишига оз қолаёттир. Тонги ҳавода этим жунжикаяпти. Кечаги жангда нималар бўлганини яхши англай олмаяпман. Очиги, эслаш имконида эмасман. Назаримда, елкамда бировнинг бошини кўтариб юргандайман.

Қизик, жанг олдида ҳеч ким бир-бирига гапирмай қўйди. Фақат кўзлар сўзлашдилар, видо айтдилар... Кейин-чи, кейин нима бўлди... ҳамма томонда қальалар қад кўтариб, яланғоч дараҳтлар тобора ваҳима уйғотган жанггоҳда қиёмат қўпти. Дараҳтлар қарсиллаб синди, деворлар қулади, ҳавонинг кўкси тилка-пора бўлиб кетди, борлиқни тутун қоплади. Портлашлардан, инграшлардан гангиг қолдим. Ҳа, ариқда беркиниб олдим. Тумшуғим олдидан снарядлар визиллаб ўтаверди. Рўпарамда душманни аниқ кўрдим... Қадрдон дўстлардан кимлардир йўқ эди...

Икки кун мижжа қоқмадим. Кўзим тиниб кетаяпти. Қобоғим оғирлашиб бораяпти. Ҳозир уйларида, яқинлари хузурида оёқ узатиб ётган одамлар нақадар бахтли. Уларни эрталаб осуда ва тинч ҳаёт қаршилайди. Улар одамга

үхшаб овқатланишади, ювинишади, кийинишади, күчаларда эмин-эркин юришиб ёлғондакам бўлса-да табассум қилишади бир-бирларига. Атроф тинч бўлади, атрофда ўқлар учмайди. Кўллари, юзлари, кийимлари топ-тоза одамлар кўчаларни тўлдириб ишга борадилар, ишдан қайтадилар... Бахтли-бахтли кунлар, тахтли-тахтли кунлар ҳақида қўшиқлар тўкишади. XX аср эса бир қултум сув сўраб, ҳали дунёда кун кўрмай қонига беланиб, хор бўлиб жон берәётган биз каби аскарликка мангу маҳкум этилтан болалари тепасида зор қақшаб кўзёш тўқаяпти. XX аср – Онажон, кўз ёшларингни асра. XX аср – Онажон, юраклари метинлашиб дил дунёси зимистон бўлган сўқир фарзандларингни кечир, майли, улар шону-шавкат, улуғ байрамлар мадҳини сел янглиғ тошиб куйлайверсин. XX аср – Онажон, биз каби кўллари баногоҳ қон бўлган қотил фарзандларингдан ҳеч нарсани сўрама. Онажон, вақти-соати келса рози-ризо бўлиб хайру-хушлашайлик.

V

...Икки кундирки, мижжа қоқмадим. Қобогим оғирлашиб бораяпти. Лаънати уруш нега менинг бошимда бунчалик ўралашиб қолди.

Чидаш керак, ҳозир тонг ёришади, кундуз, одамлар, иш... чалғиса бўлади. Бироқ анави Кўчкор шунчалик кўнишиб кетганки, урушда юриб ҳам менчалик азобланмаяпти. У ҳаммасини яхши билади, лекин идрок қилиш учун имкони йўқ. Уруш ҳаётлари бир умрга расво бўлган жангчиларга содир бўлаётган фожиани ҳис қилиш, фаҳмлаш учун сира ҳам вақт бермайди. Урушда дастлаб инсоний тафаккур деворлари қулаб, ботиний исён алангаси ўчирилади. Одамлар қуролга айланиб қолишади, яъни автомат қўндоғидан тутиб, тепкини босиш учун, ўлиш ва ўлдириш учун жангта сочиб юборилган қурол.

Мен ҳам курол эдимми?.. албатта... Мен курол эдим, урушнинг қўлидаги одамлар ясаган курол эдим, холос. Темир куроллар дош беролмаган жанглардан омон чикдим, кўзларим қотиб қолди, юрагимнинг борлигини унтиб қўйдим. Танклар ёнди, замбараклар портлади, самолётлар қулади – урушнинг юраги ачишди, аммо мен йиқилдим, мен йигладим, мен ўлиб-тирилдим – урушнинг раҳми келмади... Мен шунда ўзимнинг кўзларим, юрагим, кўл-оёқларим борлигига – одам эканлигимга, нафас ола-ётганимга ишонмай қўйдим.

Анави Кўчкор урушнинг қўлида эрмак бўлганини, таҳқирланганини, гуноҳлари оёғидан осмонга етиб қолганини фаҳмлай олмаяпти. У бир куни, худди мана шундай пайтлари ўз юрагини ўзи еб, тўлғонишидан бехабар. Ҳаммаси учун қийналиши, ўз ёғида қоврилишидан огох бўлганда эди, ўзини отиб ўлдиради ё эсидан оғиб коларди... Ҳеч ким ҳеч қачон урушдан қайтиб келмаган.

Мен чекаяпман, нариги хонада ўғлим, хотиним дам оляяпти. Улар мени ўша куни жангдан қайтаётиб баҳтли санаган, оёқ узатиб ухлаётган одамлар... Бошпанангиз баҳтсиз бўлган баҳтли одамлар, нега мен сиздан узилиб қолдим. Уруш менинг ҳаётимда қачон тугайди? Наҳотки...

VI

Шўравини роса савалашаяпти. Тоғ тепасида яхшилаб ўрнашиб олган душман сайҳонликда мўрмалаҳдай тизилган ҳарбий техникага қаратса тинимсиз ўт очмоқда. Танк, БМП-2 ва БТРларнинг олов пуркаб тинимсиз ишлаши ҳам уларнинг шаштини пасайтиrolмайди. Осмон қарсиллаб ёрилиб кетаётгандай. Ер ўз ўқидан чиққудек алпозда зириллайди. Беихтиёр ғужанак бўлиб оласан. Тишларинг гижирлайди. Кўркувдаи кимларнидир бўралаб сўкасан, ич-ичингдан мувозанатингни сақлаб турган кўринмас иплар таранглаша бошлайди. Ўзингни зўрға босиб тура-

сан бироздан сўнг аъзойи баданинг тир тўзғаб, манови кўкка совурилаётган тупроқ, тошлар синигига қўшилиб кетишинг ҳеч гап эмас. Сен тупроқдан ҳам юмшоқлигинг, тошлардан қаттикроқ ва яна тоғлардек собитроқлигингни унута бошлайсан. Гангиған алпозда дуч келган томонга ўт очасан. Харсанг панасида бекиниб, ёнаётган дунёга лаънатлар ўқийсан...

– Кўчкор, тур ўзингни тут. Сен барибир бу жангда ўлмайсан.

– Қаердан келдинг, яххиси кет. Кўриб турибсан-ку! Ҳамма ёқни дабдала қилишаяпти...

– Ҳозир қуёш чиқади, ухлай, олмаяпман, жигар. Баривир сенинг олдингга қайтишдан бўлак чорам колмади.

– Оилам ширин уйкуда. Бу ерда кун ботаяпти. Сен қайтишинг керак. Мен ўзимни зўрға эплай олсам гўргайди. Қара, ҳар ким ўзига ўзи ортиқчалик қиласаяпти.

Нариги, иккинчи ротадан бир аскар оғир яраланди. Ерга ётиб олди, дод солаяпти... Осмондан юракни тарс ёриб снарядлар ёрилаётпти. Атрофда бақир-чакир. Кўчкор ўқинч билан жароҳатланган аскарга қараб қўйди. Унинг манглайидаги ажинларни бемалол сана-са бўларди. Юзи негадир кўкариб кетган. Техникалар аскарлар ўлаётган, яраланаётган нишабликдан 100–150 қадам пастда жойлашган. Тепадан бемалол нишон олаётган ҳимоячилар шўравининг кунига маймунлар йиғлаётганидан тобора авжга чиқишишмоқда. Кўчкор янада тош панасига қапишиб олди, у ҳар гал ёнидан ўқ учеб ўтса, тўлғониб кўярди. Ҳар бир ўқ, ҳар бир портлаш даставвал унга тегиб, уни тилкалайди. Лахзалар йиллардан кўпроқ чўзилиб ўтаяпти. Шунинг учун ҳам урушнинг бир куни инсон умридан ўн баробар узунроқ, узокроқ давом этади. Кўчкорнинг ҳаётида, ҳали 19 баҳорни қаршилаш илинжида турган шўрпешона йигит ҳаётида эса корайиб ўтган бундай кундузларни олдинда яна қанчаси

кутиб тургани ёлғиз худога маълум эди. Уруш юқумли касалликка ўхшайди, инсон ирқида оқаётган қонни бузади, унинг кейинги кунларининг барини зимиstonга айлантиради. Қон кўрган, ўлдирган, курол тутган одамнинг фарзанди томирида ҳам урушнинг даҳшатли воқеалар асорати туфайли қолган ёвузлик оқиши мукаррар. Урушга кирган кишиларнинг авлодлари руҳида йиллар ўтиб кирғин-баротга мойиллик сезилади. Шафқатсизлик қон суриши ҳақиқат.

Агар одамзод ҳайвон ўлдирмаганда, қушларни отмаганда, балик тутмаганда, гўшт емаганда эди (қонни кўрмаганда эди) бунчалик бир-бирини ғажимаган бўлар эди. Табиатан одамнинг қотилликка ўтиши унинг жониворлар гўштини истеъмол қилган кунидан бошланган.

Манови лаънати қонга ўч урушларнинг ҳам бошига кун туғмасди, агар шундай бўлмаганда.

...Мен яна хаёлга чалғиб кетдим. Нималар бўляяпти ўзи? Ҳозир Қўчқор взвод командири Ермилиннинг темир парчаси юлиб кетган қўлига қараб, эсанкираб қолгандир. Ермилин тоғу тошни ларзага солиб чинқирганди, ўзини жон талпида ҳар ёққа урганди. Бирпастда тинчиidi боёқиши. Гимнастёркаси қип-қизил қонга бўялган, тирсагининг юқорисидан чўрт узилган озғин қўли иккига бўлиш учун синдирилган, аммо қайсиидир пайрахаси тутиб турган бурчак шаклидаги заранг таёққа ўхшаб қолганди...

...Қўчқор эгилиб унинг танасини замбилда кўтариб бораётганда, бу бемаксад жанг ниҳоясига етдими ё ҳали ҳам давом этаяптими, англай олмай гарангсир эди. Дарвоқе, Ермилин ёруғ олам билан хайрлашганда, у жон талвасасида харсангга бекиниб ётганди. Ярим соатлар (ярим аср)дан сўнг, барибир уриниш бехудалигини англаған, боши елкасида турган ҳарб арконларидан бири буйруқ берган, шекилли, жангчилар оғир

техника олдига туша бошлашди. Бу жанг тугаганидан дарак эди. Кўчкор Ермилинни пастда, тиббиёт бўлин-маси жойлашган нуқтада кўрди, Уни замбилда оқ чой-шабга ўраб қўйишибди. Факатгина юзи очик... Худди устидан оқ чойшаб тортиб ухлаётган одамга ўхшайди. Кўчкор, жигар, кун ботаяпти. Сен ўз командиринг ўлигини кўтариб, унсиз йиглаб бораяпсан. Тиззалинг қалтираб қадам ташляяпсан. Сен ўзингни тирик қолганлигингга ишонч ҳосил қилиш учун танангга оғирлик қилаётган бошингни кўтариб, атрофга зўрға қараб қўясан. Салобатли тоғлар, осмон ва яна худди ўзинг каби ўлик-тиригини англай олмай чайқалиб бораётган аскарлар, қуролларнинг темир нимчаларга тегиб тақиллаши, сувдонларнинг чайқалиши кўнглингда баттар лоҳаслик уйғотади. Атрофдаги совук манзарани идрок қилаётганинг сари жангдагидан кўра аянчлироқ аҳволга тушаяпсан... Яхшиямки, жанг пайти ҳеч нарсанни идрок қилмайсан... Йўқса, сен ўзингни ич-ичингдан талаб еб-битирадинг. Азобларнинг бари урушдан кейин бошланади... Бир соат, бир кун, бир йил, ўн йил ва бутун ҳаётинг давомида, ҳатто қабргача ярим қадам қолганда ҳам Сен ҳозиргина ўққа учган кимнингдир ўлигини кўтариб кетаётган бўласан.

Кўчкор, жигар, сен ҳали менга қараганда баҳтлироқ одамсан. Гарчанд олов ичидан, даҳшат комидан минг бир азоблар чиғириғидан вайрон бўлиб чиқсанг-да, сен ҳозир менга ачинсанг арзийди. Урушда юрган одамдан кўра урушдан қайтган одамга қийин бўлади. Ичкиликка муқкасидан кетган одам кўнгли тусаган кезлар нақадар аянчли аҳволга тушади. У барибир, бу дунёни ўша бир шишага алмаштириб юборади. Фаҳшни ёқтирган одамдан жиркангандан кўра, ўша фаҳшнинг домидан чиқиб кетиш азоблигини англасак кифоя. Уруш ҳам худди шунақа, унинг қопқонига тушганлар бир умр ўлжага айланиб қо-

лади. Урушдан ярадор, соғ-омон, асир бўлиб қайтмайдилар, балки бир умр азоб чекиб юрадилар.

VII

Тонг ёришди. Учинчи қават деразасини ланг очиб охирги сигаретани чекаяпман. Заминнинг туглари – тераклар кўкка санчилган куйи, шитирлаб турибди. Олис осмоннинг бурчи қип-қизил. Қон тирқираф отилган. Худди у ёқларда жанг бўлаётгандай. Осмон яраланган. Салқин шабада олислардан уруш хидини – ўлакса сукунатнинг бағрида яширган кўрқувни олиб келади... Орадан жуда кўплаб тонглар отгандай... Мен яна аввалдек бўлиб ўтган ёки ҳали яна кўп тонглар отиши билан юз бериши мумкин урушга борганман, ё қачон урушга бораман. Нега вакт ўтган, тонглар отган сайин мен учун уруш бошланаверади? Умуман, мен ўзимни қаердан топишим керак? Уруш тугаганига фалон йил бўлдими, ё бошланишига шунча вакт қолдими?

Ўғлим йиглаяпти. Уйғонди. Эшик очилди. Хотиним ётоқхонани йиғиширияпти. У ҳам менинг бу савдоий кайфиятим, аҳволимдан тўйиб кетган кўринади. Тўғриси, мен уларга қандай шароит яратиб бераяпман. Ўз дардим гирдобида уларни ҳам бир куни ғарқ қилиб юбормасайдим. Уруш энди менинг тонгларимни ҳам юлқиб олаяпти. Кечаларим, кундузларим аллақачон урушники бўлиб кетган.

VIII

Тоғ ортидан кўтарилиган қуюқ қирмизтус манзара осмонга ёйилиб кетаяпти. Кенглик бағрида қизғиш ранг тобора хира тортиб, мовийлашиб бормоқда... Чайқалиб

бораётган усти ёпик “Урал” машинам Кобул шаҳрининг тор кўчаларидан бирида унга бурилди. Мен брезент матодаги туйнукдан бошимни чиқариб атрофга қарадим... Кўчада одамлар сийрак. Айрим дўконларнинг очиқ эшиклари олдида мудраб ўтирган, бир-бириникидан айтарли фарқ қилмайдиган кийим кийган одамлар бизни совуқ нигоҳ билан кузатишади... Машина бирор тасининг дўкони ёнидан ўтаётиб секинлашса, шўрлик дўкондор талвасага тушиб қолади. Қўрқиб кетганидан тавозе билан таъзим қиласди. Тонгу шом ваҳима ичидага яшаётган халқнинг шўравини кўтарга кўзи йўқ эди. Мана бугун ҳам, эрта тонгдан шаҳардан ўтаётган машинани кўрган афғонларнинг ботинан нафратлар ўқиётгани, имконини топиб гумдон қилиш пайида туришганини билиб турардик. Менинг назаримда, афғонлар чап қўлидаги болтани орқасига яшириб, ўнг қўлини саломга чўзишарди. Улар бурилишингни пойлаб туришади, бурилдингми, тамом – тос-тубангдан болта тушади. Лекин бундай усулни қўлласалар, уларни мунофик, манфур, хиёнаткор, хоин деб аташ ноўрин. Умуман, биз – ҳаммамиз, шўро армияси Афғонистонда ҳар қандай ўлимга лойикмиз. Бизни худо кечирмайди. Бу гуноҳлар бежавоб қолмайди...

Машина Кобул четидаги хароба уйларни оралаб ўтаётганда кўнглим алланечук бўлиб кетди. Бу кулбаларнинг эгалари қаерларга кетишдийкин?.. Қўпорилган уйлар, кулаган деворлар... Ҳатто баъзи харобаларда кўрпа-тўшак, сандиқ, жавонлар, девор синиклари остидан кўриниб турибди. Аёлларнинг кийим кечаклари кўзга ташланади... Айрим деворларнинг ўпирилган қисмида дераза ва эшиклар бус бутун қолган... Қишлоқ яқинда вайрон қилинганга ўхшайди. Артиллерия ўқка тутган. Йўқса, бунчалик афдар-тўнтар бўлиб кетмасди... Уйларнинг айримлари ҳали ҳам тутаб ётибди...

Кўчкор, сен хаёлингга ҳам келтирмовдинг. Ўша хароба уйлардан бири Сеники эди... Ўтган куни Сенинг болалигинг кечган тупроқли кўчалар, Сенга қадрдон, юрагинга сингиб кетган энг гўзал манзарапар, қишлоғингнинг пахсадан тикланган пастқам уйлари, толлар, тераклар, боғлар ҳаммаси яксон қилинди. Бомбалар остида қолди... Энди бор-йўғи – хувиллаган хароба. Яхшилаб қара, нақадар аянчили. Боққанинг сайин юзларинг тиришиб бораяпти. Кўраяпсанми, анови Сенинг уйинг, тутаяпти, анави ярим қулаб, ичкарисидан тутун кўтарилаётган уй – қўшнинг Ўтаган муаллимингники, берироқдаги оғилхона – Раҳмонқул бобонгники.

– Бу ердагилар... қаёққа кетишди? Қани... одамлар... қани... даҳшат... йўқ, бу менинг уйим эмас, менинг қишлоғимга ўхшаркан... факат...

Худди сенинг уйинг бу. Қара, ана, харобалар ичидан олти укангни эргаштириб ота-онанг чиқиб келаяпти. Уввос солиб йифлаётганлар – ҳамқишлоқларинг. Фақат уларни кўрмаяпсан. Йиғи овозини эшитаяпсанми?

– Ҳа, эшитаяпман.

– Ота-онанг, уларга эргашиб келаётган укаларингни-чи...

– Энди кўраяпман, танияпман, Кўчкор...

– Ўзингни тут, жигар, ҳали бундан даҳшатлироқ воқеалар содир бўлади.

– Айт, наҳотки уларни...

– Ҳа, уларни ўзинг, мен, ҳаммамиз хонавайрои қилдик.

Отам мени ҳарбийга кузатаётгандаги кийимда... Эски куйлак, оддий шим... оёғида бир томонга қийшайган ботинка... Боши ҳам... Энг кенжা укам Азимjonни опичлаб олган... Отамнинг гавдасидан барибир куч ёғилади... Одамларнинг деворини тиклаб, мардикорлик билан бола

бοқаётган Отамга мен болалигимдан ачиниб улғайғанман. Отамга ҳамиша менинг раҳмим келган.

Кўз олдимда қуюқ туман пайдо бўляяпти. Энди ҳеч нарсани қўрмаяпман. Отам қани, қани онам... дилдираған жигарларим каерда? Уларни ким хонавайрон қилди... Ким?! Ким?! Ким?! Эй худо, бу қандай қўргулик?! Менинг ўтлар ичидаган оғаларим, тиртўзғиган, чангдай учган жигаргўшаларим, бевақт ёнғанларим – зор қақшаган, чирқиллаган полапонларим, бунча менга термулмасангиз, бунча мени таъқиб этмасангиз... кўзларингиз бунча ўткир... мени қийнаманглар, мени бунча азобламанглар...

Кунлар ўтаверди... Мен ўша, хароба бўлиб кетган қишлоқдан ўтганимдан сўнг энг оғир азоб – оёқда тик турган куйи, кўзларим очиқ ҳолда юрсам-да, алаҳсираш касалига йўлиқдим. Агар қўшин бир қишлоқни вайрон қилса ёхуд олдиндан яксонланган қишлоқларни оралаб ўтаётсак, ичкаридан, қўпорилган бинолар, вайрона иморатлар орасидан ота-онам укаларимни эргаштириб чиқиб кела-верарди. Атрофдан юракни лоҳас қилувчи йифи – қий-чув эшитиларди. Уруш – бу менинг кўз ўнгимда култепага айланган қишлоқ ва хонавайрон бўлган ота-онам, укаларим ва ҳамқишлоқларимнинг ўз-ўзига гиря айтвидир, йўқловидир. Урушда мен хонавайрон бўлдим. Бутун инсоният сингари ўзимни йўқотиб қўйдим... Мен бир пайтлардаги Кўчкорни жангга ташлаб келдим. Тамом, энди у ҳеч қачон қайтиб келмайди... Энди у бугунги Кўчкорга тинчлик бермайди, ўз ёнига чорлайверади, баъзан уни ўзи билан олиб кетади. Кунларим айқаш-уйқаш гоҳ хотира, гоҳ бугуннинг измида кечеётган Кўчкорнинг юраги – бутун танаси иккига бўлиниб кетган. У Сизнинг орангизда, айни пайтда урушда яشاши мумкин. Агар уни бирор кун ахтариб тополмасангиз у урушда жанг қилаётган ё карахт аҳволда, ажал ва ҳаёт оралиғида гарангсиб, ўзини ўлимга чоғлаётган бўлади...

IX

Ишхонада шоир Рустам Мусурмон билан сұхбатлашыпмиз. У менинг кечә қораланғанларимни ўқиб, у ербу ерига хулоса ясади... Мен ёш шоир ва ва адабиётчига ёзғанларим маъқул келғанлигини пайқадим. Рустам афғон урушида қатнашғанларнинг ҳаммаси унинг фожиасини англаганларида эди, дунёни уларнинг оҳ-вохла-ри тутиб кетарди, деди.

– Дўст сизга чинданам қийин, – деди у.

– Ҳамма қатори... бир мен урушга борғанманми?

– Сизга шунинг учун ҳам қийинки, фожиаки сиз ёза биласиз... Уруш ҳақида ёзишга маҳкумсиз. Энди Сизни бошқа бирор мавзу чалғитолмайди. Ёзib овunasиз. Бу ўша урушга кирган пайтдагидан ўн баробар оғирроқдир. Эслаш даҳшат нарсаларнинг яралари юракдан сира ҳам кетмайди.

Мен дўстимнинг гапларида сунъий тантанаворлик кўрмадим. У менинг юрагимдаги оғриқли ҳақиқатни гапираётibiди.

– Рустам...

– Эшитаман, дўст...

– Ёзиш азоб... ёзмаслик ундан ҳам азоб.

Рустам жим қолди. Қўлёzmанинг давомини кўздан ке-чира бошлади. – Ора-сира жириңлаган қўнғироқларга ҳам эътибор бермайди... Бир маҳал, орадан ҳеч вақт ўтмай у кириб келди. Худди эрталабкидай куролини елкасига осиб олган, бошида шлемофон... уст-боши кир-чир. Эзғин аҳволда босиб-босиб тутатаяпти. Кўзлари мунгли. У ҳозир Файзибодга урушга кетаяпти. Бугун число... 1987 йил. Ҳа, худди шу пайт у Файзибод йўлида куршовда қолади. Унга қараб туриб йиғлагим келаяпти. Э менинг жигарим, ёш бошинг билан ҳали шундай мусибатларни кўрасан. Эҳ менинг қадрдоним... Сен топ-тоза эдинг. Ке,

бағримга босай, жигар... Мен Сени тез-тез соғиниб қолаяпман... жигар, чида энди, сенга раҳмим келгани учун бироз йиғлаяпман, сен... яхши боласан, Қўчкор... Уруш бизни шу куйга солиб ташлади... Ҳаммасига минг лаънат, Қўчкор. Ҳа, урушнинг...

– У қўзларидан ҳам тошиб менга термулиб турибди. Бориб бағримга тортай десам, ич-ичимдан тўкилаяпман. Мадорим йўқ. Мен уни шунчалик соғинаяпманки, боти-нимдан олов хуруж қилиб, юрагим гурсуллаб кетаяпти. Мен ҳозир ҳеч жойга сиғмай қолаяпман.

– Жигар, ўзингга эҳтиёт бўл. Мени десанг ўзингни асра...

– Ҳечқиси йўқ. Пешонада борини кўрамиз. Қўчкор, биз кеч соат учда Файзиободда бўламиз. Ҳозир йўлдамиз. Баъзида отиб туришибди. Мен нима қўрган бўлсан, кундаликка ёзиб кетаяпман.

– Ҳаммасининг қайтадан бошланиши, бир куни яна бари такрорланиши, сарғайиб қолган тамакиранг қоғоздаги хотираларни китоб қилиб ёзишинг учун керак бўлади... Ўзингни ўзинг азоблашинг учун заруратдир бу.

– Мен кетаяпман... Сени соғингандим. Майли, омон-эсон юр.

– Майли жигар... Кўп чекмагин... Урушдан кейин ҳам “яшашинг” керак...

– ...

У хона ичида пайдо бўлган оқ туман ичида кўринмай қолди. Гўё ҳозир оппоқ нурга айланди-ю, хонадаги ҳамма нарса – шкаф, стол-стул, эшик, девор, китоб жовони ва қоғозларга сингиб кетгандай... Унинг қўзлари, ғамгин юзи қароқларимда ўрнашиб қолди...

– Дуруст, дўст... Файзиободдаги жанг лавҳасини даҳшатли тасвирлабсиз. Уруш азоби вақт ўтган сайин инсон руҳиятида қучайиб боради... бу – ҳақиқатни барча уруш ҳақида ёзадиган ёзувчилар исботлашган, – деди Рустам сокин қиёфада.

– Сиз ўқиган бўлимни мен жанг пайти ёзганман. Нимани кўрган, қандай ҳолатда турган бўлсам, шундай қилиб қоғозга туширганман.

Рустам жим, қоғозга тикилиб сигарет тортаяпти. Рустам барибир қархисида мен йўқлигимдан бехабар. Рустам, Сенинг хузурингда мана шу хотира дафтар қолган, холос. Қаршингдаги Мен, ўриндиқда ўтириб сигарет тутатаётганим ёлғон. Мен урушдаман, дўст. Сенинг адабиётдаги ҳеч қанақа изоҳингнинг зарурати бўлмайди, менинг урушдан қайтиб келмаётганимга... Мен ўзимнинг ичимдаман, дўст, Қўй, яххиси менинг ёзганларим, тасвирларим ҳақида гапирма!..

Рустам ўрнидан қўзғалди. Мен – айни дам Файзиобода, атрофи тоғлар билан ўралган қишлоққа кираверишдаги кўчаларнинг бирида, қўрқувдан титраб ўлимимни кутаяпман. Ҳар тарафдан чийиллаб снарядлар учаяпти. Йўл тақалган олдидағи тепаликка қочиб чиқаётган тинч аҳолини катта сержант Ахумик пулемёт билан битталаб ертишлатаяпти. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетган. Боғлар ёнаяпти, уйлар қуляяпти, тинч халқ қирилаяпти. Самолётлар бомба ташлашдан эринмайди. Шундай ваҳимали қарсиллашу портлашлардан тентаксираб қоласан. Назаримда, рўпарамдаги юксак тоғлар уруш яна озгина давом этса ўрнидан қўзғалиб кетадигандай, кулайдигандай. Ҳаво ўқ ва бомбалар тафтидан қизиб кетган. Пороҳ хиди димоқни ёради... Мен бошимни кўтаролмайман.

Кўзим олдида онам пайдо бўлди... Бошида гарди рўмол. Онам менга мададга келди. Онам мени асрайди... Онажон, мени кечиринг. Сизни кўп қийнадим. Кунларингиз заҳар-закқум бўлиб кечаётганига мен айборман. Онажон, ёрдам беринг, асрangan мени, жон Она...

...Мени ҳамиша, ҳар бир жангда муnis, жигарпора Онам асраган. Агар менга Онам олислардан кўл кўрсатмагандан, тепамга келиб турмагандан, менга отилган ҳар бир

ўққа күксини тутмаганда, ёлворишларим, чорлашларим-ни эшитмаганда ўлиб кетардим. Бирок волидаи улугим-нинг урушларга чорлаган, овораи сарсон қилган мен мана шу мисраларни ёзаётган кун қадрдон халоскоримнинг, онамнинг неча ёшга киргандарини билолмайман. Мен 19-20 да уруш кўргандим. Ўшанда онам 37 ёшда эди. Бугун менинг ёшим номаълум, онам эса неча бор 37 дан ўтди, фақат ўзи билади. Фарзандлардан олдин оналар кексаядилар...

Она соchlарингизга қиров тушибди. Менинг ҳам бошимга оқ оралади. Она, мен ҳамма одамлардан кўра кўпроқ яшадим. Она, бирок Сиз мендан кўра юз баробар кўп нарсани кўрдингиз, Она – Сиз эрта кексайдингиз. Она, Сизни урушларга эргаштириб кетган, доим ўзи билан бирга олиб юрган ўғлингизни кечиринг...

X

Бу кеча ҳам хона чироқларини ўчирамадим... Уйкум келмаяпти. Умуман, мен ҳеч қачон ухламаганман. Бу кеча ўзим жангдан келаман... Эртага ҳам, индинга ҳам, ҳар кун менинг ҳаётим бир зайлда ўтади. Мен ўзимни Сизнинг орангизда юрғанимга, ҳаммангиз қатори ҳаётингиздағи ташвишлар билан ўралашиб, умр кечираётганимгада ишонмайман. Мен йўқман, фақат битта Кўчкор бор. Урушларда қолиб кетган Кўчкор. У ҳар куни хузуримга келади.

Мен ўзимни Сизнинг орангизда юрғанимга, ҳаммангиз қатори ҳаётингиздағи ташвишлар билан ўралашиб, умр кечираётганимгада ишонмайман. Мен йўқман, фақат битта Кўчкор бор. Урушларда қолиб кетган Кўчкор. У ҳар куни хузуримга келади.



ХУН

*Менинг уйимга ҳар кеча танк кириб келади...
... Сенинг уйиннга ҳар доим мен кириб бораман.*

Мен ёзишга чоғланганимда соат тунги бирдан йигирма дақиқа ўтганди. Одатдагидай у ташқаридан қайтиб келди. Ҳаво анча совук эди. Куз ёмғири эзиз ёғади. Айрим уйғоқ хонадонлар даричасидан тараплан хира ёғду, ҳаводан чирик хазон ҳидининг анқиши унинг юрагини баттар ғаш қилди. У шаҳарнинг марказий құчаси бўйлаб кетган йўлакда узоқ тентигач, ёзиш керак деган ўйга борди. Ёмғирпўши ёқасини кўтариб, чўнтагидан папирос чиқазиб чарсиллатиб гугурт ёқди... Шаҳдам қадамлар билан “артистлар ётоқхонаси” (ўзи яшаётган жойни шундай дейди)га қайтди. Ётоқ гуноҳу савобини бўйнига олиб донг қотиб ухларди. Саккизинчи қават йўлагидан тасур-тусур қилиб хонага кирди. Соат тунги бирдан йигирма дақиқа ўтганди. У ёзишга чоғланди... Майли, у ёзаверсин. Унинг кўзида тонг отади энди... Биз эса, азизим, бугунги бўлиб ўтган воқеага қайтамиз.

...Соат ўн бирда келдинг...
Сен сўзсиз қараб турдинг...
Мен сўзсиз қотиб турдим...
Сен журналинглар яхши чиқаяпти дединг
Мен балким дедим.

- Ишлар қалай?
- Кетаяпти.
- Нималар қиласыпсиз?
- Ҳеч нарса.

– Мана, олиб келдим, қиссангизни – елим халта-чангдан қўлёзмаларни олиб узатдинг.

Мен ҳеч нарса демадим. Сен давом этдинг.

– Умуман, яхши. Яхши ёзилган.

– ...

– Сизга чинданам қийин, – дединг ерга қараб.

– ...Уйдагилар яхшими?

– Ёмонмас... Мен Сизга бир нарса айтмоқчидим, агар кўнглингизга олмасангиз.., – бироз жим турдинг, кейин – энди бошқа мавзуда ҳам ёзишга уриниб кўринг. Ишонаман, Сиз бошқа нарсалар ҳақида ҳам чиройли ёзоласиз. Масалан, муҳаббат, болалик... шунга ўхшаш тушунчалар ҳам бор-ку ҳаётда. Ҳа, шунақа гаплар...

– Мен гўзал ҳаёт тўғрисида ёзib кўрмаганман-да. Келинг адабиётдан четлашайлик.

– Э, йў-ўқ. Мен фикримни тугатай. Фақат зулмат, йўқ зулмат эмас, нима десамийкин, ҳа, ҳалиги, фожиа, ўлим, даҳшат, уруш, кўркинчли воқеалар ҳақида ҳикоя қиласавириш, дунёни фақат совуқ қилиб тасвирлаш билан ҳеч нарса ютиб бўлмайди.

– Кимдир ютқазса нимаси ёмон.

– Мана кўрдингизми, Сизнинг миянгизда пессимистик қараш ўрнашиб қолган. Бу ҳамма ёзганларингизда сезилаб туради.

– Мен оптимистман.

– Тўғридир, лекин совуқ манзаралар, ўлим кишининг этини музлатадиган қўполдан қўпол диологлар, хуллас, мусибатниpg сувратини беришга интилиш, кечирасиз, ўқувчининг асабига тегиши мумкин.

– Бўпти, бундан кейин ёзмайман.

– Ёзинг. Фақат уруш ҳақидамас.

– Одам ўзини алдай оладими?

– Йўқ.

– Демак, бошқаларни ҳам ғирт... кечирасиз нокулай-ку!

- Адабиёт – бу санъат!
- Шу билан бирга ҳаёт. Мен ўзим ҳақимда ёзаётиб бошқалар ҳақида ёзган бўлишим керак. Хемингуэйни ўқигансиз-ку.
- Хемингуэй унчалик ёқмайди. Қанақадир совукроқ...
- Мен Сенга бошқа ҳеч нарса демадим... Сен узоқ гапирдинг. Гапларини тушунмадим. Мен ўзимни зулумотда чоҳга қулаган йўловчидаи ҳис қилдим. Қизик, нега шу пайтгача Сенинг ёзувчилигинг, руҳиятинг мени қизиқтирумади? Умуман, Сени нега кутдим, ўзи? Мен бугун мутлоқ иккита қутб эканлигимизни тушундим – биз бошқа одамлармиз.
- Очиғи, менга раҳминг келиши, оналар каби бошимни силаб эркалатишга мойиллигинг борлиги боис шундай муносабатда бўлишингни пайқагач, ўзимни шу қадар ожиз сездимки, ҳатто ички бир ғашлик уйғонди. Нима, мен ёш боламанми?.. Яхши ёки ёмон ёзишим сени қизиқтиришини истамасдим. Мен энага эмас, туну кун руҳиятимни банд этган, танк ва самолёт, портлашларни четга суриб хәёлимга бостириб кирган бир санамни сабрсизлик билан кутаётгандим. Икки йилдан бери мен Сенга қаттиқ боғланиб қолгандим.
- Тушунинг, факат мен Сизга ёрдам беролайман. Ҳаётни бунчалик фожиага айлантирманг. Ишонинг, Сиз иродалисиз. Агар бунга ишонмаганимдайди ўзимни қийнаб ўтирасдим.
- Нега ўзингни қийнаяпсан?..
- Сиз карахтсиз. Одамлар ичига қайтинг. Бу кетиша кўп нарсани йўқотасиз.
- Тушунмадим.
- Мени кечиринг... дилингизни оғритдим. Бугун барибир айтишим керак эди. Мен яхши кўраман Сизни... Одамларнинг шафқатига зормассиз Сиз.., – овозинг қалтираб чиқди. – Одамлар Сизни тасвирлаётган, ўзингиз

иштирок этган даҳшатлардан ижирганишади. Эй худо-йим, бунчалик жирканч ўйинлари бор-а, ҳаётнинг. Мен ҳар ҳолда адабиётни тушунаман... Лекин, лекин одам ўлдирганингиз, ваҳшийликлар ҳақида ҳикоя қилишининг нима кераги бор... Одам ўз қотиллигини ёзиши мумкинми?

– Ҳа.

Бош чайқаб, орқага тирсалдинг. Юзингда афсус-надомат белгиси зоҳир эди.

– Энди шу кетишда ёзавериб, ҳаётни давом эттираман деб ўйлайсизми?

– Ҳа, нима, ҳаёт тўхтаб қоладими?..

Оғир уф тортиб, бўшащдинг. Назаримда, мунғайиб қолгандай эдинг.

– Кўрасиз, ёзганларингиз шуҳрат топмайди...

Мен нечоғлик ўзимни босишга урунмай, гапларингни назарга илмасликка ҳаракат қилмай, бу бемаъни суҳбатга чек қўйиш керак эди.

...Сен кетдинг. Ташқарида ёмғир ёғарди... Хазон тўшалган йўлакдан тез-тез қадам ташлаб кетишингни сак-кизинчи қават деразасидан кузатиб турардим... Мен ўзимни тутолмай йиғлардим. Мен тағин бир ўрганиб қолган одамимни йўқотганим учун хўрлигим келиб йиғлаяпман.

...Ташқарида ёмғир шитирлайди. У устма-уст папирос тортиб столга мук тушган кўйи ёзиб ўтирибди. Гоҳ сўниқ кўзларини деворга қадаб жим қолади, гоҳ қунишиб олиб ёзишга тушади. Хона ичкарисини тамаки тутуни қопланган. Бундай эзгинди қиёфада ўтириб ишлаш ўзига мароқли туюлаяпти чамаси, бармоқлари орасидаги “Прима”ни лабига тез-тез олиб боради, чўзиб тутун чиқаради. Кулдон вазифасини ўтовчи пиёла тамаки қолдиқларига тўлган. Хонада ҳамма нарса тартибсиз, коса-товоқ, кийим-кечаклар аралаш-куралаш бўлиб сочилиб ётиби. Фақатгина девордаги уч қават қилиб осилган узун осма жавонда китоблар дид билан терилган.

Унинг кўзларида ёш ғилтиллади. Сўл кўлини чекка-сига тираб, телбанамо бўлиб ўтирибди. Девордан ёшли кўзларини ололмай, қўли билан стол устидаги сигаретни пайпаслаб топди-да, лабига қистирди. Хазин нигохини тагин қофозга тикди.

...Ойдин тун қўйнида қорайиб кўринган тепаликда икки шарпа лишиллаб ўтди. Кейин яна иккитаси... Бироздан сўнг тагин икки шарпа енгил ҳаракат билан хандақقا тушди. Ихраган овоз эштилди. Қоровуллар хандақда уй-куга кетганини сезган душман уларни овозсиз, абжирлик билан қўлга олди. Оёқ-қўли танғилган иккала аскарни хандақдан судраб чиқиши-да, тепаликнинг орқа тарафи-га олиб ўтишди. Тепаликнинг хандақ жойлашган томонида – сайҳонликда биринчи ўқчи взводи орқага қайтишга тайёрланаётган эди. Яшил мушак кўкка отилиши билан қоровуллар тушиб боришлари керак эди... Энди қоровуллар тушолмайдилар...

Душман Жалол билан Виталийни сўқмоқ бўйлаб қишлоқнинг бошланишидаги харобалардан бирига олиб кирди. Қўл-оёғини ечишди, Жалолнинг темир нимчасига осилган каскани олиб, шу яқин ўртадан сув келтирди. Галма-гал иккаласининг бошидан қўйди. Қўрқувдан нафасларини ичига ютиб тахта бўлиб қолган иккала аскар ҳансирар, беихтиёр инғиллаб қўйишарди. Улар тепасида турган узун кўйлак-иштон кийиб олган олтита дух¹-ни кўргач, талвасага тушиб қолишиди. Виталий деворни пайпаслаб эмаклаб қоча бошлади. Орқасидан тушган оғир зарбдан бели қийшайиб кетди. Оғриқнинг зўридан инграб йиқилди. Жалол чўккалаб олиб қимир этмай ўти-рарди. Эси киравли-чиқарли, дармони қуриб борарди.

Кўкда тўлин ой туриб қолгандай. Атроф сутдай ёруғ. Душман алланималар деб ғудуллашди... Икковини ҳам

¹ Дух – душман.

деворга тираб қўл-оёгини яна танғиб боғладилар. Жалол жон уҳмида ерга таппа ташлади-да, йиғлаб бақира бошлади:

– Ўлдирманглар! Ўлдирманглар! Мен мусулмон! Мен мусулмон, – у душман оёғи остида тўлғонар, қалтираб зор қақшарди... – алҳамдуллоҳ мусулмон, аз.

Рўпарада автомат ушлаб турган душман унинг оғзи-га тепиб юборди. Чалқанча ўгирилган Жалол изиллаб йиғларди.

Онажон! Онажон... Ўлдирмасинлар. Ўлдирманглар!!!

Анчагача гунгу кар қотиб турган Виталий чўккалаб олиб ялиниб ёлворди.

Я не шурави, я дўст... Я бахшиш. Не убивайте... Не убивайте меня. Я некого нестрелял.

Икки душман уни елкасидан маҳкам тутди. Учинчи-си автомати милига ўрнатилган шомплни суғуриб унга яқинлашди. Оёқ-қўли танғиб боғланган Виталий харчанд уринмасин душманнинг чайир ва озғин қўлларидан юлқи-ниб чиқолмади. Ҳалиги дух унга яқинлашиб келди-да, шомплни унинг қулоғига тиқиб, автомат қўндоғи билан иккинчи учидан зарб билан урди. Виталий бир силтаниб ерга кундадай ағанади. Оғзидан қуюқ ва қора қон сизди. Сўнгра мурданинг шимини ечдилар-да, олотини кесиб олиб, ёнига қўйдилар. Бу ёвуз ижро ҳансираф, ўхчиётган Жалолнинг кўз ўнгига бажарилди.

Виталийни тинчитган учала дуҳдан бири – ялангбош ҳароба бурчига – тепалик тарафга кузатиш учун чаққон-лик билан чопиб борди. Қулаган девор панасида атрофга аланглаб, бирор ҳадик йўқлигига ишонди чоғи, шерикла-рига ўгрилди. Мурда тепасида чўққайиб олиб ер титаёт-ган икки душман бир зум унга қараб қолишли. Кузатувчи ҳеч ким йўқ, ишорасини қилиб қўлини ҳаволатди. Шериклар бараварига уни қўли билан имладилар. Ялангбош де-вор олдида энгашди. Нимадир тақирлади. У аллақандай қопни кўтариб шериклари олдига зипиллаб келди. Ше-

риклар қопни сабрсизлик билан очдилар-да, учта түнка-рилган товоқсимон нарсаны олдилар. Ҳатто “түнкарилган товоқ”нинг ўртасидан чиқиб турган тикин ҳам ой ёруғида айланы кўриниб туради... Ялангбош чўнқайиб олиб учала “товоқ”нинг ҳам “тиқин”ини бураб, нималардир қилди. Шериклар мурда атрофига учала “товоқ”ни ҳам кўмиб қўйдилар.

Жалол ҳолсизланиб йиқилди... Жалолнинг тепасида турган душманлардан бири уни ёнбош қилиб ётқизди-да, биқинидан пичоғини суғирди. Пичоқ тифи ярқираб кўринди. Кўркувдан йигитнинг кўзлари олайиб кетди.

Виталийни саранжом қилганлар девор панасидан тепаликни кузатиб туришди. Улардан бири бу ёқдагилар – хароба ўртасидагиларга “пишинг”¹ деб қўйди.

Пичоқ ялтилларди. Оёқ-кўли чандиб боғланган Жалол ҳарсиллаб тўлғонди. У ётган жойида бошини ўнгу сўлга ташлаб бақира бошлади. Тепасида энгашаётган духнинг совуқ тиржайиши жонини сугуриб олгандай бўлди. Дух бандининг манглайидан қаттиқ босиб орқага итарди. Шериклари эса оғир, лорсиллаб-лорсиллаб, талvasага тушаётган йигитнинг танасини маҳкамроқ ушладилар.

– Аллоҳу акбар! – душман пичоқни жуда қисқа лаҳзада ҳаволатиб омин ўқиди-да, Жалолнинг бўғзига тортиди. Пихиллаган овоз эшитилди. Духнинг билагига иссиқ кон сачради. Йигитнинг калласи сўлга оғди. Унинг тили чиқиб қолганди. Душман қорачиги орқага тортиб кетган каллага бироз қараб турди-да, чиқиб қолган тилни кесиб олди.

...Улар сўқмоқ бўйлаб қишлоқ томонга югуриб кетишаётган маҳал, кўкка яшил мушак отилди. Тепалик жим эди. Кўп ўтмади, сайхонликдан яна яшил мушак учди. Техникалар кетишга шай ҳолда саф тортган. Взвод икки

¹ Пишинг – тезроқ, тез бўл маъносида.

аскарнинг тепаликдан қайтишини кутаяпти. Қисм командири алоқа орқали йўлга тушишга рухсат берди – взвод белгиланган жойда разведкачилар билан учрашади, сўнг қишлоқнинг жануб томонидан айланиб қисмга қўшилади,

Тепалик сеҳрлангандай... жим эди. Пастдагилар “уй-куга чўмган” қоровулларни энасини ахтариб, кетма-кет огохлантирувчи ўқ уздилар.

– Бу қандай отишма бўлди, тағин? – сўради қишлоқ, четида разведкачилар билан бирга химояда турган комбат алоқа орқали.

– Ҳаммаси жойида. Ҳозир йўлга тушиш олдидан нуқтадаги қаламлар¹ни чакирайпмиз, – жавоб қилди взвод.

– Қаламларни таёқ² билан чакириш керакми? Балки улар ухлашаётгандир, – зардаси тошди батальон командирининг.

– Асло! Ҳозир тушишади, кейин.., – комбат алоқани узиб қўйди, бошқа эшитмади, – хо, онангни.., – сўқинди қулоғидан алоқа қурилмасини олаётиб взвод командири Ермилен.

Тепаликка юборилган олти аскар қоровулларни тошишолмади... Ермилен довдираб қолди... Взводга ваҳм оралади. Машиналар устига чиқиб мудраётган аскарлар тағин хандақларга беркинишди – химояда туришди. Ермилен “иккита қалам”нинг изсиз йўқолганини комбатга маълум қилди. Комбатнинг фифони фалакни тутди.

– Топасан! Беш минут вақт ичидан топасан! Йўқ-са...й тебе награда, – деди у чийиллаб.

Ермиленни ҳаяжон босди. Нима қилиш керак. Агар бирор нарса ундириш илинжида қишлоққа киришган бўлса, мушак отилди, кўришгандир... тез қайтишади.

¹ Нуқтадаги қаламлар – тепаликдаги қоровуллар.

² Таёқ – курол, куролдан ўқ отиб.

Қишлоқда душман зоти йўқ, ҳаммаси қари-қартанг, аёллар ва болалар... Бемалол юришгандир. Ермилен ўз ўйларини ҳақиқатга айланишини истарди.

– Мушак отинглар, – буюрди у.

Ҳавони кетма-кет шифиллаган овоз тутиб, кўкда яшил мушаклар порлади. Энди қишлоқ четида, комбат жойлашган тарафда ҳам мушаклар отилаверди. Орадан ўн дақиқа ўтди ҳамки, аскарлардан дарак бўлмади... Ермилен ҳеч бир ўзгариш йўқлигини айтди Комбатга. Майор унга заҳрини сочди, – шундай сўқдики, лейтенантнинг бадани жунжикиб кетди. Қисм командири алоқада Комбатнинг онасини фалон қилди. Охир-оқибат армия кўмондони дивизия командирига қишлоқни ўққа тутишни, қандай қилиб бўлмасин йўқолгандарни ўлик ётиргини топиб ҳисобот беришни буюрди.

Артиллерия ишга киришди. Қишлоқ аҳли кутилмаган бало-қазонинг ичида қолди. Гумбурлаган портлашлар, снарядларнинг олов пуркаб ёрилиши ҳамда локмондай темир парчаларининг ҳар томонга визиллаб учиши қиёмат-қойимнинг ўзгинаси эди. Пастқам кулбаларнинг том ва деворлари қулаб тушар, атрофни кий-чув, дод-фарёд тутганди. Одамлар даҳшат ёмғири ичида қолишганди, гўё. Пана-пастқамга беркиниб олишнинг сирам чораси йўқ. Қишлоқни артиллерия элакдан ўтказаётганди. Бироздан сўнг ҳар тарафдан мўлжалга олиб ўт очаётган тўплар ҳамда ураганларнинг уни ўчди. Одатдагидай қисмнинг разведкачи ва пиёдалари қишлоқقا оралади, беркинди...

...Взвод қишлоқ чеккасидан айланиб изга қайтаётганда Ермилен аскарларга харобани текшириб кўришни буюрди. Ичкаридан ҳаллослаб югуриб чиқсан аскарнинг жони бўғзига тиқилиб қолганди.

– Шу ерда! Икковиниям ўлиги ётибди, ўртоқ лейтенант, аскар ҳансирар эди, ўлдиришибди.

Взвод ичкарига кирди. Аянчли ахволда ётган мурдаларнинг ёнига ҳеч ким юрак ютиб яқинлашолмасди. Вазиятни сезган Ермилен “томошабин”ларга ўшқириди.

– Нима учун қараб турибсанлар. Олиб чиқинглар.

Жалолни уч ўзбек аскари бориб кўтариши. Лейтенант ёнига иккита аскарни олиб Виталийнинг тепасига келди. Улар мурдани кўтаришгани ҳамона атроф бирдан ёришиб ваҳимали портлаш эшишилди. Миналаштирилган жасад ҳамда уч жангчи одамбўйи баробар кўтарилиб тушди. Ичак-чавоги чикиб қолган Ермилен шу заҳоти жон таслим қилди. Аскарларнинг бирини икки оёғи узилиб тушган, қип-қизил қонга бўялган юзига қараб бўлмасди. У ахён-ахёнда оғзини очар, жон беролмай қийналарди. Қон унинг атрофида халқоб бўлиб қолганди. Учинчи жангчининг икки оёғи ажралиб кетган, шими почасидан шовуллаб қон сизарди. У тамом бўлган эди.

Тонг пайти... Жасадларни машинага жойлашди... Батальон тағин қишлоқни оралаб юриш қилди...

...У... бошини қўллари орасига олиб турди-да, кўзларини чирт юмди. Ваҳмли сукунат. Юрагинг тарс ёрилай дейди... Эзғинди алфозда ўрнидан қўзғолди. Ётоқ деразасида ёмғир сизарди. Ташқари зим-зиё тун. Чўнтағидан папирос олиб чекди. Хона ўртасида тик турар, бошининг зир қақшаб оғриётганига чидай олмасди. У... хонанинг сувоклари кўчаётган деворига фижиниб қаради. Шаҳд билан стол ёнига келиб, ҳалиги қўллэzmани майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Боши ғувуллаб, юзи чўғдай қизирди. Ухлашга қанчалик уринмасин барибир хаёлида турли хил манзаралар намоён бўлар, у турли-туман воқеаларнинг айқаш-уйқаш тасвирини ажратиб ололмасди.

Эшик тақиллагандай бўлди. У ўрнидан туришга қанча уринмасин зил-замбил бошини кўтаролмади. Нимадир гурулларди. Кўзларини очиб қаради. Кенг майдон...

Унга танк яқинлашиб келарди. У ўрнидан туриб қочмоқчи бўлди. Бироқ танк унга жудаям яқинлашиб қолди. У аниқ кўрди – танк устида оппоқ афғон аёли либосида Сен ўтирибсан. Қўлингда бир тутам қофоз – ҳозиргина йиртиб ташланган ҳикоянинг қўлётзмаси. У қимирлай олмасди. Танк ғилдирагига кийдирилган тимсоҳ терисига монанд занжирнинг даҳшатли айланиши уни эзғилаб ташлашини хис қилиб қўлларини кўтариб бақира бошлади.

...Танк унинг дастлаб оёғидан босди... кейин... У жони борича бақириб ўрнидан туриб кетди. Эшик устма-уст тақиллади... У эшикни очиши ҳамоно тахта бўлиб қолди. Остонада, Ермилен, Жалол, Виталий ҳамда минага учган икки йигит туришибди – аскарларнинг ички оқ кийимида... Қўл-оёғи увишиб кетди. Эшикка суяниб йиғлайберди. Уларнинг қарашлари сокин ва беозор, юзларидан нур ёғиларди, гўё. Улар бир зумда ғойиб бўлишди. Тағин гур-гурлаган овоз эштилди. Ётоқ йўлагида қип-қизил – қонга ботириб олинган кичкина танкчалар саф тортиб келишарди. Танкчалар – ўйин-чоққа ўхшамасди, ичида одамиям бор. У эшикни ёпиб, стол панасига бекиниб олди. Танкчалар эшикни ўчириб киришди... Ҳаммаси хона ўртасида тизилишди. Уларнинг миллари столга тўғирланган эди... У кўзларини чирт юмиди бақира бошлади... Ҳозир танкчалар ўт очишини, тилка-пораси чиқиб кетишини ўйлаб, баданини жиққа тер босди. У қанча пайт бақирганини билмайди, – кўзини очиб қараса, хонада қонга беланганд чақалоқлар эмаклаб юришарди...

Кейин у ўзига келолмади... Анчага довур ҳеч нимани англай олмай ётди...

...Кўрқа-писа кўзларини очганда эса дераза ойнасидан бир парча осмон кўриниб турарди. Худога шукр тонг отибди. Ёмғир ҳам тинибди. У ўрнидан тураётиб лабига учук тошиб кетганини сезди. Илкис столга қаради. Кеча

ёкиб юборган қўлёзма тахланиб турарди. У стол ёнига югуриб келди.

Кўлёzmанинг ўчирилган, чизилган, тузатилган жойла-ри ҳам аввалгидай. У ҳикояни кўлига олди – унинг тагида кечаги – ёниб тамом бўлган кўлёzmанинг кули ётарди. Кулга теккан бармоқлари қоп-кора доғ бўлди. У жигар-ранг плашини эгнига илиб, ҳикояни қўйнига солди.

Унга ҳаво етишмаётгандай эди. У кеча танкчалар ўр-малаган йўлак бўйлаб оёғи остига қарамай тез-тез юриб лифт тугмасини босди. Ҳаво намхуш ва тоза эди.

Тонгги кўчаларни тўлдириб кетаётган баҳтли одамлар орасида мен телбанамо бўлиб, кечаги рўй берган воқеа-лар исканжасидан кутулолмай борардим. Дастлаб Сен ишхонамга келдинг... кейин... кетдинг... Мен уйга қайтдим... Тунги соат биру йигирмада ёзишга тушдим... Кейин... кейин... Миямда оғриқ турди. Ҳазонларга қоришиқ йўлакларда тунги ёмғирдан сўнг кўлмакчалар пайдо бўлган эди. Мен то сенинг уйингга етгунга қадар ҳеч нарсани эслай олмадим. Фақат ҳикояни ёққанимни биламан. Унда манови қўйнимдаги нима? Мен кўлёzmани яна бир марта қўйнимга қўл солиб ушлаб кўрдим.

– Кўнфироқ тугмасини узоқ босдим.

– Ким у?

– Мен...

– Сиз?! – қия очилган остоноада ҳайрон қараб турар-динг, – киринг, ичкарига. Тинчликми?

– Мен кеча ҳикоя ёздим, – Сенга кўлёzmани узатдим, – олинг жуда чарчадим... Шуни бериб кетай девдим.

Ажибсиниб қарадинг.

– Шунинг учун... Уф, бу кетишда... ахир.., – юзингда ачиниш ҳисси зоҳир бўлди.

Мен ҳеч нима демай орқамга бурилдим. Зинапоядан пастга тушгунимча ортимдан қараб турганингни ҳис қилдим. Катта йўлга туташ йўлак четидаги ўриндиқقا бориб

ўтиридим. Негадир ҳолсизлигимданми ё бошқа бир сабаб бўлибми, бир қадам ҳам юргим келмасди – оёғим тортма-ётгандай ҳеч қаерга...

Бошқа чора йўқ, дедим, нима учун шу ўйга келганимни билмайман. Ниманинг чораси, қандай чора... Мен ўрнимдан турдим... зинапоядан, худди ўз уйимга бораётгандай кўтарилдим. Кўнгироғинг тугмасини босдим. Худди шуни кутиб ўтирган каби эшикни дарров очдинг.

– Келинг,.. –

– Қелдим... Энди Сизникида қоламан...

– Сен тош котиб турардинг... Тилинг калимага келмай қолди. Мен бош эгдим...

– Сизга нима бўлди, – дединг... нихоят.

– Қўрқаяпман!

Бироз довдирадинг,.. сўнг рангинг оқарди ва нихоят йиғлаб юбординг.



КЎЗЛАРИНГНИ КЎРГАНИ КЕЛДИМ

Ёз охирлаб, август оёқ узатди. Куз шамоллари эса бошлади. Тонг ҳавоси салқин тортди...

Камина меҳнат таътилига чиқдим. Аввалдан ўйлаб кўйган режани амалга оширишга фурсат етди. Хоразмга кетаман!

...Вокзал менда ҳамиша айрича таассурот уйғотади. Гавжум залнинг тирбанд ўриндиқларидаги йўловчиларни кутиш дақиқаларига туташган кўринмас бир ришта боғлаб туради, гўё. Темир изга поезд қўйилиши ҳамона вокзал сахнида бесаранжом оломон тўлқини пайдо бўлади. Ким-кимга уринган, ким-кимга суринган. Ҳамма ўзини вагонларга уради. Ҳамма манзилига шошилади. Ҳозиргина бўшаб қолган ўриндиқларни эса йўловчиларнинг бошқа оқими банд этади. Вокзалда ҳеч қачон ўриндиқлар бўшаб қолмайди – бирор кетади, бошқа бирор кетади. Инсон ҳаёти ҳам шундай; мақсад-муддаонгни аниқлаб манзилга интилмасанг, бир жойда узок қолиб кетасан, бошқаларга халал берасан. Вокзалнинг ҳаётдан афзал жиҳати бор; шоҳу гадо, бойу камбағал бир мақомда – йўловчи! Бор-йўғи улар поездни кутмоқда. Ҳаётда эса... ҳаётда кишилар табақалашади, улар вақти-соати етгач, умр поездни келиб олиб кетишларини сезсалар-да, ҳаёт вокзалидан одамийлик чипталарини харид қилишни унутадилар.

Кўп алжираб бошингизни оғритмайин. Мана, менинг поездим ҳам етиб келди. Биринчи йўлга, шундоқ вокзал сахнига тақаб кўйилди.

Пешинга оғаётган офтоб тафтиданми ёки вокзалга келиб тұхтаган вагонлар пайдо қилған эпкин таъсириданми темир из шиналарига ёпишиб-қотган мой ҳиди димокқа урилди.

Вокзалга келмаганимга ҳам анча йиллар бўлганини хис қилдим. Аникроғи, ғала-ғовур вокзalгагина хос бўлган ҳаёт талабалик йилларимни ёдимга солди. «Тошкент-Андижон» поезд... Шанбада кузатишлар, сешанбада кутиб олишлар, эҳ-хе қанча дарду-изтиробларимизга, кўз ёшларимизга гувоҳ бу вокзал. Ёшлик. Романтика. Севги!

Вокзалда йўловчи гавжум. Тест синовидан ўтган аксарият абитуриентлар уйга қайтишаепти. Вагон эшиги олдида одам камайишини кутиб анча четроқда турган назоратчига бир-икки йўловчи нималарнидир тушунтиришади. Кўнгли ийимагач, унга тавозе билан ялиниб ёлворишиади.

— Ана, пласкарт вагонга боринглар! Мумкинмас, мен ортиқча одам ололмайман.

Поезд жила бошлагач, эшикка тирмашдим.

— Чиптангиз бор экан, нега шу пайтгача анқайиб турибсиз, — назоратчи ўдағайлаб йўл берди. — Тўртинчи купега боринг.

Кия очиқ купе эшигидан бош суқиб, ичкарига разм солдим. Тақдирида мен ҳамроҳлик қилиш битилган купедошлар ҳам ялт этиб қарашди.

Лаҳзада мен ҳам уларга кўз югуртирдим. Тим қора сочини бир тутам қилиб боғлаган, катта-катта қуралай кўзлари порлаб, ой балқсан озгин юзидағи ёниқ жозиба ҳар қандай кишини сеҳрлаб кўядиган гўзал хилқат, унинг ёнида табиатнинг яна бир мукаммал ижоди — мовий кўз, олтин соч, ёйдай эгик қошлари чиройли чехрасига андак кибр ҳаво бахшида этган соҳибжамол ўтирибди. Бу икки мўъжиза қархисида ўзини нокулай сезаётган озғин,

қотмадан келган, қирра бурун, чувак юзини тошма безаган ўспирин вагон ойнаси томон сурилиб менга жой борди.

— Мумкин бўлса, укагинам, ўрнингиздан турсангиз Юкларимни ўриндиқ тагига қўйсам.

Новча йигитча ўрнидан турди. Юктўрвани жойлаб, у-бу егулик солинган елим халтани ўриндиқ устига қўйиб, унинг ёнига чўқдим.

Шовуллаб елкасига тушиб турган тилла сочларини ортга тараган мовий кўз жувоннинг кенг, силлик пешонасидаги пардоз-андоз кўмолмаган вақт чизикларига боқиб унинг ёши ўттиз бешнинг нари-берисида деб тусмолладим. Вагон деразасига чарос кўзларини қадаган, бизнинг бору-йўғимизга эътибор бермаган хушчирой қиз эса мен то манзилга қадар шу алфозда кетаман дегандай гўё бошқаларга парво ҳам қилмасди. Йигит кўлларини кўксига чалиштириб бошини деворга тираб кўзларини чирт юмиб олди.

Мовий кўз жувон зимдан кўз қирини ташлади. Бу табиий ҳолат. Ҳис-туйғуларини жиловлай билган, хусни-латофатига ишонган мағрур аёллар одатда шундай қилишади. Камина ҳам бирордан кам жойимиз йўқ; бўйинбоғ такиб, костюм-шим кийиб олганмиз. Савлатдан ҳам нолимасак бўлади. Бироқ фариштадай гўзал аёл қошида мум тишлаб, ияк кўтариб ўтиравериш ҳар ҳолда одобдан бўлмаса керак. Эркакчиликка ҳам тўғри келмасов. Шоиримиз айтадилар-ку! «Гўзалликнинг олдида чўкка тушган ҳатто худолар...» Ўзимизга бино қўйиб қаерга ҳам борардик.

— Рухсат берсангиз, ўзимни таништирсам, — дедим русчалаб ва аёлга дадил боқдим.

Деразадан кўз узмай кетаётган қиз туйкус елка қисиб пиқиллаб кулиб қўйди-да, аёлга қош учирди. Жувоннинг ҳам чехрасида табассум ёйилди.

— Бемалол. Қани танишайлик-чи?...

Жувон шу қадар сокин ва бемайлихотир гапирди, юзида самимий ифода қалқиганини сездим. Қиз ҳамон қизиқсиниб қараб турарди.

– Ёзувчиман. Урганчга, аникроғи, Қоракалпоғистонга кетаяпман. Дўстларим чақиришган. Сайри-саёҳат дегандай.

Аёл таажжубланиб лаб қимтиди, ҳозир кулиб юборадигандай. Кўзлари маъноли боқди:

– Ёзувчиман денг. Нима бало ёзувчилар исмини айтиб танишмайдиларми? Ҳа, майли, ўзим айтақолай: Исмим – Ирина. Ирина Николаевна! Манови менинг қизим – Мария. Москвада яшаймиз. Биз ҳам Урганчга, аникроғи, Хивага саёҳатга бораяпмиз.

Одамовироқ чоғи, қиз энсаси қотиб юзини тағин вагон деразасига бурди.

– Қизингиз талаба бўлса керак... Тўғри топдимми? – дедим атайлаб.

– Ҳа, талабаман. Жудаям тўғри топдингиз. Балки қайси мавзуда диплом иши ёзаётганимни ҳам биларсиз? – деди қиз кесатиб. Тили заҳаргина экан. Афтидан у мени хушламаётганди. Ким билсин, балки онаси билан сұҳбатлашишимни истамаётгандир.

Орага жимлик чўқди. Ёнимда мумиёлагандай қотган йигитга жон кирди, боплади-ку, дегандай чўзиб ҳуштак тортиб қўйди. У ҳам худди қиз каби гўё вагон деразасидан зипиллаб ўтаётган симёғочларни санаган кўйи ўз ўйига гарқ бўлиб ўтиради.

Аёл бош чайқаб қўйди. Қизнинг шартакилигидан хижолат чеккани шундок сезилиб турарди.

– Ҳафа бўлманг. Машанинг бугун кайфияти йўқ. Урганчга самолётда учмоқчи эдик. Кун бўйи овора бўлдик, чипта ололмадик. Жой йўқ дейишиди. Урганчга одам кўп учаркан, аксарияти сайёҳлар. Тошкентни яхши билмаймиз. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишимиз.

Поездда кетмаймиз, деб роса хархаша қилди. – Аёл кулиб қизига қаради, – бу ернинг одамлари ёмон, икки кунлаб поездда юриб бўларканми, деб оёқ тираб туриб олди.

– Нега бу ернинг одамларини ёмон дейди. Ундей эмас, бизнинг халқимиз меҳр-оқибатли, ювош, камтар-камсукум халқ. Мехмондўст халқ. Маша, сиз ўзбекларни яхши билмайсиз-ку, тўғрими? – Қизга савол назари билан қарадим.

Машанинг қошлари чимирилди. Қизнинг чехрасида нимадандир ҳадик, саросима зоҳирлигини, ботинида хавотир қалқиб турганини шундагина пайқадим. Мен бу ҳолатни бегона жойда айрим кишиларда рўй берадиган безовталика йўйдим. Қизнинг жавоби қисқа бўлди:

– Ойим менга ўзбеклар ҳақида жуда-жуда кўп гапириб берган...

– Ойингиз сизга биз ҳақимизда нималар деган?

Қиз базўр табассум қилди. Истеҳзо билан лаблари-ни қимтиб, қош учирди. Ўлай агар унинг бу қилифи ўзи-га жуда ярашикли, кўпроқ ёш қизалоқнинг аразига ҳам ўхшаб кетарди-ки, шу боис қизнинг пичингу-писандаси менга оғир ботмади.

– Ойимнинг ўзидан сўрай қолинг. Яхшиси мен ухлайман. Бугун роса чарчадим. – Қиз ўринидан туриб, юкори ўриндиқ тўшамчисини текислай бошлади. Худди хоразмлик ракқосалардай қора соч, қора қош, тим қора кўзлари порлок, ёник чехра, хипча бел бу қиз эпчиллик билан купенинг юкори ўринидига кўтарилди.

Шу пайтгача ёнимда миқ этмай кетаётган, бироқ аминманки, ўзини бепарволикка солиб жамики гап-сўзларни жон қулоги билан тинглаб ўтирган бесўнақай йигитни тирсагим билан туртдим. Йигит менга ўгирилиб қаради.

– Ново дейсиз?

– Исминг нима?

– Одамбой.

– Хоразмданмисан?

– Ҳовво.

– Одамбой, ука. Илтимос, чой дамлаб кел. Юртингга меҳмонлар бораяпти-ю, сен уйқусираб ўтирибсан...

Одамбой тушмагур ҳам қувгина экан, гапи шу бўлди:

– Чой бўлса, чой-да. Лекин мемонлар кофе ичажакка ўхшайди. Ёшули, мен сизни дониб дуруппан. Сиз телевизорда чиқасиз. Ёзувчисиз. Лекин мемонлар донишмади. Қисинманг. Москванинг телевизорида чиқсангиз дошишар балки...

Ўзимни кулгидан зўрға тийдим. Одамбой бесўнақай гавдасини соллантириб купедан чиқди. Марина сочларини узун, чиройли бармоқлари билан тузатган бўлди. Юрак ютиб унинг мовий нигоҳларига тик боқдим. Бу мовий кўзлар қаърида кишининг қалб торларини чертадиган мунгли бир оҳанг сингиб кетганини ҳис қилдим. Билмадим, менга шундай туюлди. Аёл ўзини бегам, беташвиш кўрсатишга уринди – юзига табассум ёйилди:

– Хўш, нега тикилиб қолдингиз, муҳтарам ёзувчи? Ҳанузгача исмингизни ҳам айтмадингиз... Майли айтмай қўя қолинг... Шуниси яхши – менга сизни Ёзувчи деб аташ ёқиб қолди.

– Сизга ёқкан бўлса, мен розиман. Демак, исмим – ёзувчи!

Икковимиз ҳам кулишдик. Мен ёнимдаги елим халтани очиб, ичидан у-бу егулик нон, бир бўлак қази ва колбаса олиб, емак тахтага қўйдим.

– Биргаликда тамадди қилсак. Сизни билмадиму – менинг қорним очди.

– Мен ҳам эрталабдан бери туз тотмадим. Бунинг устига, Машанинг хархашаси жонимдан ўтди. Сиз хафа бўлманг, у яхши қиз.

– Ҳечкиси йўқ, ёшлиқда бўлади. Ёшлиқни тушуниш керак. Ёшлиқни тан олиш керак. Кўз тегмасин қизингиз

чиройли экан. Лекин сизга ўхшамайди. Ўзимизнинг ўзбек қизларидай гўзал. Тўғри, сиз ундан ҳам гўзал, ёш, жудаям гўзалсиз. Икковингиз икки хил олам...

Мулозамат қиласман деб, хол кўймадиммикин, деган ҳадик билан аёлга қарадим. Хайрият, қиёфасида ўзгариш сезмадим, аксинча, Тургенев таъбири билан айтганда, руснинг мақтоворга мойил танти аёлларидай чараклаб кулди.

– Ирина Николаевна, ҳа-я, нима десам экан, камтарона дастурхонга қаранг... Менда ҳалигиндан бор эди... Элликта-элликтадан олсак нима дейсиз?

– Қандай бўларкин? Сиз ўзингиз ичмоқчимисиз?

Аёл ўзини эркин ҳис қилаётганидан қувондим.

– Албатта. Чарчоқни олади. Йўлда яхши кетади, – дедим ишонч билан. Елим халтадан «Қоратов» ароғидан олиб дастурхонга қўйдим. Аёл қизиқсиниб қаради.

– Ўзбек ароғими бу?

– Ҳа, Нукус ароғи. Зўр ароқ. Мен ҳамиша шундан ичаман. Сафарга чиқсан ёнимда олволаман.

– Майли, ўзбек ароғини ҳам татиб кўрайлик-чи.

Ирина ўринидан туриб ўринидик тагидан катта чарм сумкасини титкилади. Бежирим шиша идишни олиб дастурхонга қўйди.

– Манови қўлбола қилиб тайёрланган газакбоп қўзиқорин. Мазасини татиб кўринг.

Мен емак тахтада тўнкарилиб турган пахта гулли пиёлаларни ўнглаб, тўлатиб ароқ қўйдим. Ирина чиройли шиша идиш қопқоғини бураб очди.

– Айбга буюрмайсиз, санчқи йўқ. Шунинг учун қўзиқоринни қўл билан олишга тўғри келади.

У узун чиройли бармоқларини қайчи қилиб, оқ тугмадай қўзиқоринларни олиб, нон устига қўйди.

– Қани, олдик. Сизнинг соғлигингиз учун ичамиз, – дедим.

Ирина жилмайди. Биз пиёлаларни теппа-тeng күтариб күзиқоринни газак қилдик.

Шу тобда купе эшиги очилиб, Одамбой кириб келди. Күлида мис чойнак. Шишага кўзи тушиб, Ирина иккимизга анграйиб қаради.

– Чойнакни кўй. Ўтири, Одамбой, – дедим унга. – Ирина Николевна, танишинг, бу йигитнинг исми Одамбой, – Ирина бош ирғади.

Одамбой ёнимга чўкди.

– Ёшулли ташкил дим ажойиб-ку. Қойил сизга, – деди у.

– Дим ажойиб, дим ажойиб, – дедим мен ҳам кесатиб. – Одамбой манови қази ҳамда колбасани нима билан кесишни билмай бошимиз қотаяпти?

– Ҳов, шунга бош қотириб нетасиз. Проводникдан пиочқ келтираман, – деб ўрнидан турди. Ирина йигитнинг ортидан қаради:

Мен яна пиёлаларга қўйдим.

– У қаёққа кетди?

– Ҳозир келади. Қани олайлик.

– Нима учун ичамиз.

– Танишганимиз учун. Умуман, нима дейишга ҳам ҳайронман.

– Ахир ёзувчисиз? Бирор гап ўйлаб топинг, – аёл маъноли жилмайди.

– Инсон юраги уммон. Шу уммон қаърида қанчалаб сир-асрор, ундан ҳам кўпроқ орзу-истаклар чўкиб ётади. Юрак уммонида орзулар тўлқин урса, инсон ботинида куч-кудрат, яшашга иштиёқ олови ёнади. Шу оловнинг сўнмаслиги учун ичамиз.

– Ох-ох, қойил. Яъни муҳаббат оловининг сўнмаслиги учун ичамиз, демоқчисиз...

– Балки.

Яна каловландим. Аёл қўлимдаги пиёлага термулиб ўйга чўмди.

– Ҳа, муҳаббат олови, муҳаббат олови... У сүнмайди. Бирок инсонни ёқиб кул қилади. – Аёл ҳадик, шикаста оҳангда гўё ўзига-ўзи гапиради. Кўнгил ярасининг оғриқлари бир зумда юзига қалқиб чиқсан, бу азобга дош беролмай кўзларини чирт юмиб олганга ўхшарди. У пиёлани даст кўтариб бўшатди, қиёфасида лаҳзада содир бўлган ҳоргинлик ўрнини яна табассум эгаллади. Тунд осмонда булутларни ёриб қуёш чараклагани каби бу аёл ҳам ҳаётига кўланка ташлаган тақдир изтиробларини иродаси инъикоси бўлмиш ёниқ табассум билан маҳв эта олишини, шу фазилати билан кўпчилик маккор ва тулкисифат аёллардан фарқ қилишини пайқадим. Унинг самимиятида ғубор йўқ эди.

Купеда яна Одамбой пайдо бўлди. Кўлида пичоқ, иккита тақсимча.

– Яшавор, Одамбой, бу ишинг беш! Ке, ёнимга ўтири, иним.

Одамбой қази ҳамда колбасани парраклаб кесиб, тақсимларга жойлаб, тавозе билан Ирина Николаевнага яқин суреб кўйди. Аёл ташаккур билдирган бўлиб бош қимтиди.

– Бу нима? – деди қазига ишора қилиб.

– Буми, бу қази. – Қандай тушунтиурсам экан деган алфозда тараддуланди Одамбой. Сўнг менга қараб:

– Ёшулли ўрисчага нўноқман, ўзингиз гапланг, – деди.

– От гўшти бу, қази! От гўштидан маҳсус тайёрланади. Сизларнинг салангиздан зўр бу, – дедим Иринага. – Қани, Одамбой иним Ирина опанг билан яна битта олайлик. Сен ҳам ичасанми?

– Йўқ, ёшулли. Менга дуври кемайди... Ичмайман.

– Шундайми. Ҳа, майли. Ирина Николаевна Одамбой ҳам талаба, ичмайди. Уни мажбурламаймиз.

Пиёлаларга яна қўйдим. Ирина қазидан татингандай бўлди. Одамбойимиз нафақат одамохун, оёқ-қўли чаққон, балки фаҳм-фаросатли йигит чиқиб қолди.

– Ёшулли мен ухламасам бўлмас, агар бирор хизмат бўлса айтарсиз, – деб тепага кўтарилиди.

– Шундай қил, иним, шундай қил. Бемалол дамингни олавер.

Сўнгги қадаҳларни ҳам бўшатдик. Унинг чехраси янада ёришди. Сезаяпман. Иринанинг ҳам боши қизиди. Менга газак узатди. Сўнг оғир уф тортиб ўрнидан турди-да, ёнимга келиб ўтирди. Бирпас кўзимга термулиб турди. Мовий нигоҳидан тараалган ўт аъзойи-баданимни кўйдириб, юрагим чимиллаб оғриди. Елкамга бошини кўйиб дағ-дағ титраб йиғлаб юборди. Мен унинг оташ нафасини сезиб, ақли-хушимдан айрилиб, тош қотиб турардим.

– Биласанми, ёзувчи, мен... мен... биз, – унинг елкала-ри титради... – биз нега Хоразмга бораяпмиз?

У энди зир қақшаб йиғлар, мен эсим оғиб нима қилишмни билмасдим.

– Сен яхши одамсан, Ёзувчи... Мени кечир.

– Ўзингни бос, Ирина... Қизинг уйғониб қолади. Одамбой уйғонади. Ўзингни бос!

Ирина бироз жимиб қолди. Оғир тин олиб ўрнидан турди. Жойига бориб ўтирди.

Шу пайт тепа ўриндиқда нимадир дупирлади. Қиз ғу-жанак бўлиб ўриндиқни муштлаяпти.

– Айт, ойи, айт! Дадамнинг ўзбек эканлигини айт. Сен менга йигирма йилдан бери аллақайси ўзбек ҳақида эртак сўзлашингни айт. Сенинг йигирма йиллик армонинг, менинг йигирма йиллик азобимни айт! Бу одам сенга ўша ўзбекни топиб беради.

Қиз нафрат билан қичқирди. Сўнг тескари ўгирилиб чинқириб йиғлаб юборди. Ғудранган кўйи Одамбой ҳам уйғониб пастга тушди. Юрагимдан нимадир узилиб кетди. Ҳангуманг бўлиб қолдим.

Купеда серрайиб турган Одамбой дам менга ва дам Иринага, дам ётган жойида пиқиллаб йиғлаётган Машага ажабланиб қарайди.

– Ново түполон, ново бўлди?

Поезд навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Ташқаридағи симёғоч чироқларидан тараалган нур купе ичини ёритди.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Хавотир олма, ука, илтимос, ма, манови пулни олиб, бир шиша минерал сув олиб чиқ.

– Керакмайди. Пул керакмайди. Ҳозир опкеламан.

Ирина бошини кафтлари орасига олиб, мунгли алфозда ўтирибди. Қиз жимиб қолди. Одамбой сув олиб келди. Поезд жилди.

– Ёт, ётавер, ука. Умрингдан барака топ! Яхши йигит экансан...

Мен пиёлага сув қуйиб, Иринага узатдим. У бошини кўтарди. Пиёлага узатган қўли қалтиарди.

Вагон деразасидан хира ёғдуга чўмган купе ҳамда Ирина иккимизнинг аксимиз кўринарди. Поезд ортда қолдириб кетаётган нигоҳ илғамас кенгликларни тун пардаси қоплаган. Онда-сонда чироқлари ёниқ, симёғочлар ликиллаб ўтади. Даричаси нур таратиб турган уйлар, қишлоқлар ортда қолади. Поезд тун қаърида елдай учиб йўлнинг эмас, балки вақтнинг ҳам танобини тортиб, азалий қўшигини бир маромда куйлаб бораётганга ўхшайди.

Орага чўмган лаҳзалик сукутдан сўнг Ирина бошини кўтарди ва хаста овозда деди:

– Ёзувчи, ҳаво етишмаяпти, танбурга чиқа қолайлик.

Лопиллаб чайқалаётган вагонда унинг ортидан эргашдим. Тўзғин тилла соchlари очиқ елкасига ёйилган, адл қад, баланд бўйли, тиззасига етиб-етмаган оч-пуштиранг калта юбкаси,узун ва тирсиллаган бўлиқ сонлари, бақувват оёқларига ярашган сўнгти русумдаги баланд пошнали оппоқ туфлиси – бари-бариси мени батамом ўзига маҳлиё этиб бўлганди. Илиги тўқ. Савлатдор ва мафтункор Ири-

на ҳуда-бехуда дардини дастурхон қилавериб, кўнглингга қўл соладиган, алалоқибат чув тушириб сени лақиллатиб батамом устингдан хукмронлик қилишга мойиллиги баланд уддабурон ожизалардан мутлақо фарқ қиласди. У тақдир қиморида қартасини очиб ўйнайдиган аёллар хилидан эди. Бундай аёлларни Холмирзаевнинг романтик ҳикояларида учратиш мумкин, деб ўйладим. Поезд ўқдай учар, танбурнинг очиқ деразасидан урилган салқин шамол ёзниг батамом таслим бўлганлигини билдирап эди. Этим жунжикди. Аёл танбур эшигига суюниб, тун зулматига термулиб қолди.

– Чекишдан бер, – деди олис қоронғулиқдан кўз узмай.
– Марҳамат...

Ирина босиб-босиб чекар экан, кўзларида ёш ғилтиллади.

– Биласанми, вақт ўтган сайин юрагим тобора оғирлашиб боряпти, поезднинг ҳар бир тақ-туқи кўкрак қафасимга гурзи бўлиб урилаяпти. Унинг олдига бораётиб нотўғри қилаётгандирман, балки уни кўришга юрагим дош беролмас, бардошим етмас, балки юрагим тўхтаб қолар, ишонасанми, назаримда, поезд олдинга юрмаётгандай, поезднинг атрофида ер гуриллаб айланадайтган. Мен уни кўришни, унинг ёнига боришни тасавуруимга ҳам сифдиролмайман. Эҳ, худойим-ей, мени тушунаяпсанми, Ёзувчи?!

Ирина ҳиқиллаб йиглай бошлади. Уни нима деб овутишни билмасдим. Ортиқча гап-сўз шундоғам борлиғи ҳаяжон уммонида фарқ бўлаётган аёлнинг дарди-дунёсини остин-устун қилиши мумкинлигини ҳис қилдим. Мухими, мен аёлни тушуна бошлагандим, унинг қалб ҳиссиётлари чарсиллаб ёнаётган алантга каби вужудимни чўлгай бошлади. Айни тобда аёлни шу кўйга солган, унинг тақдирига сўнмас оғриқ ато этган кимса ҳақида ўйлардим.

– Уни ҳали ҳам севасанми?!

– Уф-уф... Севги нима эканлигини эҳтимол, билмасман... Лекин мен уни шунча йилдан бери юрагимда олиб юрибман. У тақдиримнинг бир бўлагига айланган. Юрагимнинг қаър-қаърига сингиб кетган. У мен учун хотира тимсолига, ўтмиш тимсолига, қолаверса, бугуним тимсолига, эртанги куним тимсолига, қизим, умримнинг давомчиси тимсолига айланган. Эҳтимол, севги деганлари шудир... Мен унинг ёнига оталик бурчини даъво қилиб, талаб қилиб бораётганим йўқ. Уни бир кўриш учун, у ҳаётимда чиндан ҳам борми, йўқми, шуни яна бир карра гўё исботлаш учун бораётгандайман.

– Уни кўрмаганингга неча йил бўлди?

– Йигирма йил. Роппа-роса йигирма йил.

– Хат-пат ёзиб турадими?

– Қаёқда. Ким билсин, балки эсидан ҳам чиқариб юборгандир.

– Шахсий ҳаётинг ҳакида сўраб-суриштираётганим учун узр... Сен у билан қачон топишгансан? Боядан бери У-У дейсан, Унинг исми нима, қаерда яшайди? Уни қандай топмоқчисан, балки ёрдамим тегиб қолар...

– Хоразмда, Хивада яшайди. Исми – Рома!. Йигирма йил илгари Москвадаги ҳарбий госпиталда танишганман. Жарроҳлик бўлими бошлиғи эдим. Уни олиб келишганда аҳволи жуда танг эди. Курагини ўқ ўпириб кетган, сўл оёғи болдири, бошининг орқа қисмини темир парчаси жароҳатлаганди. Замбилда ҳушсиз ётарди. Госпиталда бир йил даволанди. Рома яғриндор, бақувват, дароз йигит эди. Қалин қошлари остидан мағрур бокувчи кўзларида ҳаёт синовларига дош берган йигитнинг метин иродаси шульла сочиб туради. Мен унинг кўзларига қарашга дош беролмасдим. Кўнғирсоч, кенг пешона, қиррабурун, қалин мўйлаби ўзига ярашиб турган бу паҳлавон йигитни харгал кўриқдан ўтказгани палатага келсам оёкларим дағ-дағ титраб, ичимдан нимадир узилиб кетаётгангага ўхшарди.

Бир алфозда ётса-да, палатага киришим ҳамона ўзини ўнглашга тиришар, оғриқнинг зўридан афт-ангори оқариб кетса-да, жилмайишга уринарди. Ўлим жари ёқасидаги йигитнинг ҳаёти учун тунлари мижжа қоқмай ибодат қилиб чиқардим. Иродаси мустаҳкам, ҳаётга интилувчан йигит тасаввурга сифмайдиган азоб-уқубатларга, кетма-кет килинган жарроҳлик операцияларига дош берди. Танасининг кесилмаган жойи қолмади ҳисоб.

Орадан ойлар ўтиб йигит соғая бошлади. Жарроҳлик бўлими бошлиғи бўлишимга қарамай, кўпинча тунги навбатчиликни ўз зиммамда қолдирадим, тонггача унинг ёнида ўтирадим. Шу бир йил давомида мен унга боғланаб қолдим. Йигитнинг кекса онаси, иккита синглисидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Дадам автоҳалокатда ўлиб кетган дерди. Даҳшат-а, оиласда ёлғиз ўғил, ота йўқ, шундай бўлса-да, у ёқка ҳарбий хизматга олиб кетишган. Мен хизматим давомида кўп кузатганман у ёққа кўпинча отаси ё онаси йўқ ёки оиласда ёлғиз ўғил бўлишига қарамай камбағал, бева-бечораларнинг фарзандларини хизматга юборишган. Бой-бадавлат, ўзига тўқ оиласларнинг болалари, айниқса, раҳбарларнинг фарзандлари, у ёққа юборилмаган.

– Ирина мен тушунмаяпман. У ёққа деганда қаерни назарда тутаяпсан?

– Афғон урушига.

– А-а-а?

– Ҳа. Афғон урушига. Рома ҳам ёлғиз ўғил бўла туриб бош эгиб индамай афғонга кетаверган.

– У ўша ёқда хизматда бўлган дегин...

– Ўша ёқда яраланган. У ёқдан оғир ярадорларни тўғри Москвадаги мен хизмат қилаётган госпиталга жўнатишарди.

– Мен ҳам афғонда бўлганман, – дедим.

Ирина ялт этиб қаради. Танбур эшигининг очик кўзидан урилган шамолда тўзғиган соchlари унинг юз-кўзла-

рини беркитиб ўйнарди. Ирина бир зум менга термулиб жим қолди. Бош чайқаган бўлди.

– Шундай де... Беҳудага сенга кўнглимни ёрмаётган эканманда-а?

– Ким билсин... Сен Рома ҳақида гапираётгандинг.

– Ҳа, шунаقا... Рома соғайгач, бир йил Москва яқинидаги уйимда яшади. Мен унга турмушга чиқдим. Қизимиз Маша туғилди. Рома қурилиш бригадасига прораб бўлиб ишга кирди. Уни тушунардим, у ўз юртини соғинарди, юртига қайтишни хоҳларди, кечалари ухломай юриб чиқарди. Бироқ ориятли йигит эди, мени хафа қилишни ўзига эп кўрмади. Мени деб кекса онаси, сингиллари, азият чекишини эса истамадим. Бундай аҳволда бирга яшаб бўларми? Охири Рома ёрилди – онамни, уйимни, Хоразмни соғиндим деди. Қарасам лаблари пир-пир учаяпти, кўзида ёш қалқиган. Мени кечир. Сенинг олдингда қарздорман... Сен менга кўп яхшиликлар қилдинг. Мен сени яхши кўраман, бироқ нима қилай, онам, сингилларимни ўйлаб юрак бағрим эзилиб кетаяпти, деди. Унинг қаршисида ўтириб йиғлаб юборишдан қўрқдим. Индамай кўчага чиқиб кетдим. Уйга қайтиб келдим, диванда ғужанак бўлиб ётибди. Унга сездирмай тортмадан ҳужжатларини олдим. Тўғри аэропортга бордим. Ромага Тошкентга учиши учун авиаҷипта сотиб олдим. Рома тунги рейсда учиши керак эди. Қизимни опичлаб, аэропортга чиқдим. Хайрлашаётиб кўзлари жовдираб, ёш қуйилди. Мени, қизимизни бағрига босиб узоқ йиғлади. Уйдагиларимни бориб кўраман, бироз туриб, албатта қайтаман, деди. Бироқ мен унинг қайтмаслигини ички бир ҳиссиёт билан сезиб турардим.

– Демак, бошқа қорасини кўрсатмабди. Номард экан, – дедим чўрт кесиб.

– Нега ундан дейсан. Уни ҳам тушуниш керак.

– Нима бўлган тақдирдаям эркакнинг ишини қилмабди, сенинг Романг...

– Дабдурустдан бундай ҳукм чиқаришинг яхшимас.
– Нима дейишими хоҳлайсан?
– Ҳеч нима дема... Романи муҳокама қилмоқчи эмасман. Айтмоқчиманки, вақт ўтди, йиллар ўтди, ҳаёт ташвишлари, қувончлари ичида улғайиб ақлинг ҳам тўлишиб бораркан. Истакларимни жиловлай олишга куч тополдим. Бироқ қизимнинг хоҳиши, унинг қалбида тинчлик бермаётган ғалаён ўтини бостира олмадим.

– Қизинг...

– Ҳа, қизим... Дадасини кўриш, ақалли бир марта кўриш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Рома ҳақида сўраб-суриштиравериб ҳоли-жонимга қўймасди. Мен гоҳида аччиқланиб, уни топиш осонмас, Рома яшаётган жойга бориб бўлмайди, у ер жуда олисда, одамлари баджаҳл, ёввойи, деб кўрқитардим. У бу гапларимга гоҳида ишонарди ҳам. Ҳалигинда ўзбекларнинг нега ёмонлигини ойимдан сўранг, деб кесатганда шунга киноя қилаётганди. Москва Давлат Университетининг тарих факультетида учинчи курсда ўқияпти ҳозир. Кўнглининг тубида чўкиб ётган дадасини кўриш иштиёқини ҳеч нарса билан босолмаяпман. Бўй етган қизни алдаб бўлмас экан. Қизим ҳозир жиззаки бўлиб қолган. Унинг соғлиғини ўйлаб қайғураман. Жаҳли чиқса мен ёввойиман, мен ёввойининг қизиман дея чинқириб юборади. Тақдиримнинг қалтис ўйинидан ортган дардлар камлик қилгандай, қизимнинг юрагидаги оғриқдан ҳам азобланаман. У ахир инсон фарзанди, унинг ҳам қалби бор, юраги бор, орзу-армонлари бор, ахир ўз отасини кўришни истайди, унинг қиёфасини хаёлида ўзича гавдалантиради, кони тортади, томири тортади, уни кўргиси келади.

Ирина ўзига-ўзи гапиради. Ўзимни ноқулай аҳволда сездим. Тамаки тутатдим. Поезд аёлнинг дунё юкидан оғир дардини ортмалаб, чинқириб тун қаърида олға ин-

тилади. Ҳа, поезд одамларнинг дарду қувончини олиб интилади, самолётлар одамларни дарди-қувончини олиб учади, демак, ерда ҳам, кўкда ҳам одамлар қалбининг оғриклари, шодликлари... Одамлар эса мана шу тушунчалар бўлмаганида ҳеч ким, ҳеч нарса бўлиб қолаверардилар.

– Ирина...

– Нима дейсан?

– Сен жудаям чиройлисан.

– Кўйсангчи.. Мен тақдир зарбаларига чидаб, қора кунларга кириб, очик чехра билан қарашга ўрганган, сиртига сув юқтирумайдиган шўрлик аёлман.

– Йўқ, сен чин маънодаги муҳаббат тимсолисан. Нима бўлган тақдирда ҳам Романг, Раҳмат бўладими, Рўзимат бўладими, Рўзикул ё Рўзивойми, ким бўлганда ҳам баҳтли одам экан. Эҳ, эсиз...

– Нега ух, тортаяпсан?..

– Билмадим.

– Сен мени тўғри тушунган бўлсанг кифоя. Хуллас, бошингни оғритиб юбордим. Уҳ-ух, совуқ шамол урайпти. Ёмғир ёғадими дейман.

– Бизда кузнинг ўрталарида ёғингарчилик бошланади. Ҳали эрта.

– Барибир совқотаяпман. Қани, купега кетдик. Ётар пайти ҳам бўлиб қолгандир.

Мен унинг ортидан эргашдим. Купега киришимиз ҳамона қизи нимадир деб ғудранди. Уйғоқ экан, ойисини яна чақиб олди.

... Урганч вокзалида мени дўстларим Рейимбой оға, Нурилла кутиб олишди. Иккови ҳам қадрдоним, минг йиллик қадрдон дейишади-ку, шунақа инсонлар тоифасидан. Рейимбой оға воҳада таникли тадбиркор. Бой-бадавлат, бироқ ўта вазмин, босиқ, камтар киши. Бели бақувватлигини шундоқ юз ифодаси, ўзини ту-

тиши, гап-сўзидан билиб оласиз. Хоразмнинг машхур, бироқ ўзига бино қўймаган бойларидан. Нурилла шундоққина Урганчнинг сўл биқинида, Амударёнинг нариги қирғоғида жойлашган Беруний туманидан. Билсангиз керак, Қорақалпоғистон Республикаси худудида Урганч билан Берунийни Амударё қирғоқларини туташтирган потон кўприк боғлаб туради.

Хуллас, қадимги Кат водийсининг Аму соҳилида, улуғ аллома Абу Райҳон Беруний бобомиз таваллуд топган юрт бўйида туғилиб ўсаётганидан ҳамиша фахрланиб юрадиган Нуриллабой анча сўзамол, бир коп ёнғокдай шакир-шукур гоҳида ёш болалиги ҳали ҳам қолмабди, деган ўй билан феъли-рўйи очиқлиги учун унга ҳавасим ҳам келади. Нурилла туман халқ таълими бўлими раҳбари. Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, андаванинг обдовини қайси томондан олишни – вазиятни силлиқлашни, ўзидан катта раҳбарлар олдида сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасликни яхши билади, тавозе-тавбаси жойида.

Икки оғайним билан ҳам кучоқлашиб кўришдик. Уларни Ирина Николаевна ҳамда қизи Маша билан таништирдим. Дўстларим руснинг икки гўзалига маҳлиё бўлиб бирпас анграйиб туришди. Бир-бирига маъноли қарашли.

– Зўрсан-ку, буларни қаёққа олиб борамиз? – Нурилла пихиллаб кулиб, сўнг дўмбоқ кафтини узатиб ўзича танишган, ўз маданиятини изҳор қилган бўлди. Ирина кулиб қўйди. Маша, кечаги Маша бепарво, бормисан йўқмисан иши йўқ, худди бу дунёдан безиб бўлгандай ўз қўйида ўзи билан овора. Маша вокзалда мутлақо ўзгариб қолди, атрофга ҳаяжон билан аланглайди, Рейимбой оға билан Нуриллагага умид ва ишонч туйғулари порлаган ёниқ нигоҳ билан бокәди, гўё шулардан қайси бири менинг отам экан дегандай чиройли бармоқлари асабий ўйнаб, ҳаяжонини босолмайди, гўё.

Рейимбай оғанинг чўғдай қип-қизил, салобатли «Опел»ида шаҳардаги беобрў меҳмонхонага йўл олдик. Оға рулда. Нурилла олд ўриндиқда. Орқада биз – мен, Ирина, Маша. Манзилга етгунга қадар Нурилла меҳмонларга Урганчни таништириб борди. Улар Нурилланинг таърифларини жон қулоғи билан тинглашади, атрофга хаяжон билан олазарак боқишади.

Меҳмонларни «Жайхун» меҳмонхонасига, люкс хонага жойладик. Хайрлашаётуб Машадан ҳам ёруғлик чиқди – жудаям чиройли жилмайди:

– Хафа бўлманг, сиз яхши одамсиз. Мени кечиринг, – деди. Фалати бўлиб кетдим. Ирина эшик кесакасига суюниб:

– Ёзувчи, нима дейсан, уни тополармиканман? – деди оҳиста. Мен унинг кафтини сиқдим. Юзига термулдим – нигоҳимиз тўқнашди.

– Албатта топасан, уни топиш йўлини ўзинг яхши биласан, вилоят ҳарбий комиссариатидан сўроқлайсан. Фалон йиллари афғонда бўлган дейсан, вассалом, – уни юпатдим.

– Биламан, шундай қиласман, – деди у.

– Агар ёрдамим керак бўлса қўнғироқ қил... Ирина-га қўл телефоним рақамини қолдириб хонадан чиқдим. Орқамдан эргашган Нурилла:

– Шундай гўзал аёлни, анови фариштадай қизини ташлаб қаёққа борарадик? – деб тўнғиллади.

– Тез-тез юр. Қаердаги гапларни қўй. Дарё бўйига борамизми ё Ақчакўл соҳилида дам оламизми? – гапни чўрт кесиб мавзуни бошқа томонга бурдим.

– Бугун бизникида дам оламиз. Эртага тушдан сўнг Ақчакўл бўйига чиқамиз. Ҳамма нарса, тахта-қайиқ тайёрлаб қўйибмиз. Рейимбай аканг ов милтифи ҳам топиб қўйибди. Хоҳласанг балиқ овлайсан, хоҳласанг ўрдак, қирғовул, товушқон отасан.

Ташқарида, катта йўл четида Рейимбой оға турарди.

– Нега бунча тез қайтдинглар? – деди у маъноли кулиб.

– Эй манови халақит берди. Мақол бор-ку, ҳалиги... ўзи ҳам емайди, бироғга ҳам бермайди, деган, – Нурилла ўзигагина хос ҳолда елка учиреб, «хухулаб» кулди.

Потон кўприк орқали Амударёни кесиб нарги соҳил – Берунийга ўтдик. Йўл-йўлакай уларга Иринанинг тақдири ҳақида билганларимни сўзлаб бердим. Иккови ҳам жим бўлиб қолганди. Нурилла уйида зиёфат берди... Эртасига пешиндан сўнг Ақчакўл соҳилига чиқдик. Ох, нақадар кенглик. Уфқа туташ сахро. Жулғин, саксовул, уюмтиконлар ўсиб ётган бепоён қумликнинг адоги йўқ. «Увазик» сахрони қок ёриб қум уюмида кучаниб олдинга интилади. Сахронинг ўртасида нима қиларканмиз, деб ўйлайман. Чорак соатлар юриб сўлга бурилдик. Мўъжизага дуч келдик; шундоқ қумтепалар орасида гавҳардай товланиб, милдираб, мавж урган қўл пайдо бўлди. Кўл қирғоғи қуюқ қамишзор. Соҳилда чайла тикланган. Қозон осилган, ўчоқ олов гуриллаб ёнаяпти. Димокни қитқицаб қовурилаётган гўшт ҳиди таралмоқда. Ўчоқ бошида уч киши куймаланиб турибди. Бири қозон тагига ўтин ташляяпти, бири гўшт тўла қозонни узун капгир билан кўзғаяпти, нарироқдагиси эса човгумда чой қайнатаяпти. «Увазик» тўхтади. Мезбонлар бизга қараб тек қолишли. Қўлига капгир ушлагани югургиллаб келиб тавозе билан таъзим қилиб дастлаб Нуриллага қўл чўзди. Сўнг мен билан Рейимбой оғага илтифот кўрсатди.

– Дастурхонга марҳамат, меҳмонлар. Айни вақтида келдинглар. Қани, Нурилла оға меҳмонларни чайлага бoshланг.

Чайлада дастурхон ёзилди. Даствлаб «Қоратов» шиша-лари думалади. Изидан мева-чева, минерал сув идишлири келтирилди. Улкан ёғоч лаганда қовурдоқ тортилди.

Қирғовул гүшти газакбоп бўларкан, чанқаган эканмизми гап-гапга қовушиб уч-оғайни ботирлар иккита «Қоратов»ни думалатдик. Бош қизиди. Мана манзара, ана манзара. Чўл. Қумни ёриб чиқсан тиконлар тўдаси, саксовулзор, жулғинзор... Биқинимизда ястаниб ётган зумрад кўл сахронинг сирли ёввойилигига ўзига хос бир жозиба баҳш этиб турганга ўхшарди. Кўл томондан салқин шамол эсади, қамишзор шовуллайди, қирғоққа танғилган дамлама қайиқ сув сатҳида лапанглаб солланади. Қум зарралари учади. Тепалиқда қум тўзғийди. Кунботарда барча бу-путлар ботаётган қуёш нурида тилладай товланади, узоқ тикилиб турсангиз уфқ гуруллаб ёнаётган, кўқдан сахроға олов парчалари тушаётганга ўхшайди. Оқшомнинг қизғиши шуъласи кўл сатҳида ҳам акс бериб борлик сирли қирмизтус рангга чўлғанган.

Хушҳол қайфиятда қайиққа тушдик. Енгил шамол қайиқни кўл ичкарисига сурди. Сув юзида қалқиб кичик тўлқинлар пайдо бўлади. Яримигача сув босган қамишзор ичкарилаганимиз сайин сийраклашиб бормоқда. Олисдаги кўз илғамас тепаликларга тўш урган бепоён кўлга энди чиқиб эдик ҳамки қамишзор бурчида нимадир потирлагандай бўлди. Нурилла кўрсаткич бармоғини лабига теккизив «жим» ишорасини қилди. Эпчиллик билан қўшоғизни олиб ўқлади-да, милтиқ милини ўша ёққа тўғрилади. Лаҳзада нимадир қорайиб кўрингандай, сўнг ўзини қамишлар орасига ургандай бўлди. Нурилла тепкини босди, атроф гумбурлаб кетди, бир гала ўрдак потирлаб кўкка учди, ҳавога порох ҳиди ўрлади. Қамишзор бурчагида нимадир, сувда шалоплаб турди-да, жимиб қолди. Рейимбой оға қайиқни илдамлик билан ўша томонга ҳайдади. Сув сатҳи қип-қизил қон. Отилган ўқ сочма бўлса керак, учта ўрдак сув юзида қонга бўялиб ётибди, улардан бири ҳали жон таслим қилмаган – қанотларини ёзib жон уҳмида типирчилайди. Қамишлар орасини ёриб ичкари киришга, бер-

кинишга уринади. Юрагим увишди. Хушхолликдан ҳеч вақо қолмади. Нурилла ҳеч нарса бўлмаган каби энгашиб ўққа учган ўрдакларни олиб қайиққа ташлади, мен уларга қарамаслик учун юзимни бурдим. Ўқ солинган халтачани эса сувга ташлаб юбордим. Нурилла анграйиб турди-да, сўнг бобиллаб берди:

– Нега ундей қиласан, ақлинг жойидами? Эсиз, шунча ўқни расво қилдинг-ку...

– Бўлди. Отмайсан, ҳеч нарсани отмайсан. Ов-пов қилмайсан.

– Сени деб овга чиқдик. Ҳей, қизиқ одам экансан-ку... Кўлда ов қилишнинг гашти бор-ку.

– Жим бўл, оғайнини. Кўп гапираверсанг, бу сафар милиғингдан ҳам айриласан, – дедим.

Қизгиш ёғду оғушидаги соҳилга қайтдик. Ўчокда ўт гурулляяпти. Уч эркак ғимирлаб, яна нималарнидир тайёрлашмоқда. Оқшом чўкиш арафасида – табиатнинг талош палласига хос бўлган гўзалликни таърифлашга сўз ожиз, айниқса, кўл бўйида, айниқса, сахрода, айниқса, чин дўстлар даврасида.

Соҳилга оёқ қўйишим ҳамона қўл телефоним жиринглади. Аёл овози:

– Салом, ёзувчи. Бу менман, Ирина...

Телефонда хиқиллаб йиғлаяпти. Юрагим увишиб кетди.

– Нима бўлди? Уни топдингми? Нега йиғлаяпсан?..

– Қаёқда дейсан. Йўқ. Ҳарбий комиссариятда, вилюятда ҳам рўйхатда йўқ экан. Кун бўйи ҳамма туманларга сўровнома юборишди. Топилмади.

Ирина энтикиб гапирав, йиғидан ўзини тутолмасди.

– Шундай бўлиши ҳам мумкин эканми? Бутун бошли одам йўқ бўлиб кетаверадими?

– Ана, йўқ дейишаяпти-ку. Энди нима қиласан? Ёрдам бер, ёзувчи.

– Нима қил дейсан? Ҳозир қаердасан?
– Мехмонхонадаман. Роса чарчадим.
– Бошим қотиб қолди. Маша аза очиб юрагимни қон килворди. Ўзинг қаерда юрибсан? – Ирина зорланиб гапиради.

– Кўлдаман. Ов қилаяпман.

– Демак, келолмас экансан... Сиқилиб кетдим.

Ирина уф тортди. Овозида алланечук хазинлик, ғамгин ўтинч бор эди. У айни дам мен билан бу кеч неғадир кўришишни хоҳлаётганини, бегона юртда ёлғизлик азоби жон-жонидан ўтиб кетганлигини ҳис қилдим.

– Агар сен хоҳласанг машина юборишим мумкин. Кечки кўлни бирга томоша қиласардик.

– Жон-жон деб борардим-у, Маша кўнмайди. Тўшакка бурканиб ётиб олди. Унинг хархашалари ҳам жонимдан тўйдирди. Ё худо, айт, ёзувчи, нима қилай!.. Имконинг бўлса ўзинг келақол. Бирга нонушта қиласардик...

– Бўпти бораман, – дедим қатъий. Шу тобда юрагим гупиллаб урап, Иринанинг қархисида бўлиб қолишни ич-ичимдан истаётгандим.

Кенг саҳро ҳам, бепоён кўл ҳам, кенг дунё ҳам менга тор бўлиб қолди. Оқшом чўкди. Ҳавони қовурилаётган балиқ ҳиди тутди. Чайлада ёнбошлаб ётдик. Атрофда хизмат қилиб юрган йигитлардан бири шиша чироқнинг ичини очиб керосин қўйди. Сўнг пиликни ёқди. Чайла ёришди. Дастурхондаги ноз-неъматларни хира ёғду чулғади. Нурилла дастурхонда думалаб ётган «Қоратов»дан бирини олиб оғзини очди. Уч пиёла тўлдириб қўйиб, шишани бўшатди. Учовимиз ҳам бир кўтаришда охиригача олдик, сўнг пиёлаларни тўнкариб қўйдик.

– Демак, бормасанг бўлмайди, шундайми? – ўсмоқчилади Нурилла.

– Ҳа, шундай. У кутаяпти-ку, тушун ахир.

– Қандай қилиб борасан. Мен ҳам ичиб олганман...
Шундай дам олишнинг белига тепма, – деди норизо
оҳангда Рейимбой оға...

– Ваъда бердим. Катта йўлгача чиқариб қўйсанглар
бўлди.

– Қайтмайсанми? Нима бало, ўша ёқда қолмоқчими-
сан? – Нурилла таажжубини яшириб ўтирумади.

– Бунисини билмайман.

– Яхши, бирор йўлинни топармиз. Ана, балиқ ҳам тайёр
бўлди, – Нурилла ўчоқقا ишора қилди. Каттакон бир ла-
ганда қовурилган балиқ олиб келишди. Нурилла ўчоқ бо-
шида турган йигитлардан бирига қичкирди!

– Ҳов, Контуж, нега имилляяпсан. Дастурхоннинг
кўрки қани? Шишалардан олиб кел. Балиқнинг тагида
қолсин. Тез-тез бўл, ҳов, нега овозинг чиқмайди. Илдам
бўл. Мехмон кетаман деяпти. Хизмат қилаётганлардан
бири уч шиша «Қоратов» олиб келиб, дастурхонга қўйди.

– Қани, Контуж, оч буни. Ўзингга ҳам тўлдириб қўй.
Қани, бошни қотирма, ол, ўзингга яхшилаб қўй. Бизни ўй-
лама... Қани.

– Ёшулли, узр, мен ичмайман, – деди йигит мулзам
тортгандай.

Серсавлат, узун кўллари кенг елкасига мос, гавдасини
биroz букиб ўтирган йигит илжайди. Мойчироқнинг ним
ёруғида кенг, яполоқ юзидан тутиб чиқсан чакка суяги,
кирра бурни, ўзига ярашиқли қалин мўйлаби, катта-катта
ўткир кўзлари, ўсиқ кошлари, қиёфасига сингиган жид-
дийлик, кишиларни ўзига тортарди.

– Контуж, сенга хизмат бор. Мехмон аканг билан
Урганчга ўтиб келасан, праванг ёнингдами? Рейимбой
оғангни «Опели»да. Тайёр тур.

Йигит кўксига кўлини қўйиб таъзим қилгандай бўл-
ди. Бироқ миқ этмасди. Сўнг менга ижозатми дегандай ер
остидан Нуриллага қаради.

– Контуж, бир оздан сүнг йўлга чиқасан, аччиқ қилиб кўк чой дамла, – Рейимбой оға машина калитини йигитга узатди. Контуж деганлари ўрнидан туриб, лапанглаб ўчок томон кетди.

– Бунинг исми ким? Контуж деб чақирасизларми? – дедим Нуриллага.

– Исмини билмайман. Ҳамма Контуж деб чақиради. Кўлда коровул. Аммо қиёмат овчи. Учаётган қушни уради. Контуж деган отга ўзи ҳам кўникиб кетган.

– Ишқилиб эс-хуши...

– Кўрқма, контуж бўлса ҳам жуда эпчил. Зўр ҳайдовчи. Машина бошқаришда бунга тенг келадигани йўқ.

– Уни яхши танийсанми?

– Тўғрисини айтсам, бу ерларга қаердан келиб қолганини билмайман. Ёзда кўлда бўлади, қиши кунларида одамларнинг уйида хизматини қиласди. Ҳар ерда ётиб кун кечиради. Лекин ўта акли қурмағур, ичмайди, чекмайди.

– Қариндош-уруғлари ҳам йўқми?

– Йўқ, шекилли. Сўққабош. Қўйсангчи уни, қани, яхшиси, балиқдан ол. Ҳозир «Увазик»да Контуж икковингни бизниги олиб боришади. Сўнг «Опел»га ўтириб, Урганчга жўнайсан. У ёқда ётиб қолма, кеч бўлса ҳам уйга қайт. Рейимбой оғанг билан сени уйда кутамиз.

– Яхшиси, ҳаммамиз бирга кета қолайлик...

– Қаёққа?

– Сеникига, кейин Урганчга.

– Жиннимисан, ҳов, шундай майшатни ташлаб-а... Биз уйга ўзимиз борамиз. Унга қадар сен ҳам Урганчдан қайтасан. Тўғри уйга қайт. Бизнида тунаймиз. Қайтасанми ёки..., – Нурилла яна пихиллаб кулди.

– Бўйти, майдалашма. Контужни чақир... Бўлди, қўйма, бошқа ичмайман. – Мен ўрнимдан турдим. Ҳайдовчи «Увазик»ни ёндириди. Контуж иккимиз машинага чиқдик.

Чодир томли «Увазик» йўлга тушди. Чодирга ўрнатилган ойна орқали ортга қарадим. Гуриллаб ёнаётган гулхан, соҳилдаги чайла тобора олислаб борарди.

Нурилланинг уйига етиб келгач, «Увазик» бизни қолдириб, изига қайтиб кетди. Биз «Опел»га ўтириб Урганчга жўнадик. Рейимбой оғанинг ишониб калитни топширганича бор экан, Контуж машинани усталик билан бошқарар, кўнглимдагини пайқагандай елдириб борарди. Урганчга кириб келганимиздагина миқ этмай қовоғини уюб келаётган Контуж ниҳоят тилга кирди!

- Оға, қаерга борамиз?
- «Жайҳун» меҳмонхонасига ҳайда.

Ранг-баранг нур таратиб порлаган чироклар оғушида нақадар жозибали кўринган Урганчнинг қоқ марказида жойлашган салобатли меҳмонхона ёнида тўхтадик. Вужудимни ҳаяжон чулғар, ўзимни атайин сипо, бепарво тутишга уринмай, машинадан тушишга юрагим дош бермасди, агар шу тобда Контуж: «Оға кетдик, уйга қайтамиз», деса индамай рўйхушлик беришим ҳеч гап эмас эди. Нега шундай ҳолатга тушганимни ўзим ҳам билмайман денг.

- Оға, энди нима қиласми?
- Нима қиласардик, кетдик, меҳмонхонага кирамиз, – дедим базўр.

Оёкларим ўзимга бўйсунмайди. Вакт ўтказиш учун меҳмонхона ёнидаги дўконга бош сукдим.

- Оға, у-бу нарса оламизми?
- Албатта, албатта оламиз. Куруқ қўл билан бормаймиз-ку...

Контуж айтган «у-бу нарса» иккита елим халтага жойланди.

- Оға, менга беринг, мен кўтара қолай.
- Ихтиёринг.

Ичкарига кирдик. Мармар ётқизилган ойнаванд фойедан ўтиб, лифт орқали тўртинчи қаватга кўтарилидик.

Узун йўлак бўйлаб бораяпман. Ортимда Контуж. Елим халталарни икки қўнжиға қисиб олган. Бепарво. Дунёни сув босса тўпигига чиқмайди. Бунча дўкиллатиб қадам босмаса.

Ва ниҳоят мана, ўша хона эшиги. Икковимиз ҳам тўхтаб бир лаҳза жим қолдик. Контуж ишшайиб турибди. Эшикни тақиллатдим. Ичкаридан қадам товуши эшитилиб, остонада Маша пайдо бўлди.

– Киринг, сизни ойим кутаяпти. – У шеригимга қизиқсиниб қаради.

Кираверишдаги хонада бир-бирига қарши қўйилган айнан ўхшаш иккита диван ҳамда юмшоқ ўриндиқ, бир қаноти қия очилган дераза ёнида байрамона, дид билан безатилган стол. Чиндан ҳам кутаёттган экан, деган ўй ўтди хәёлимдан. Контуж эса пошнаси лой, чанг босган қийшиқ пойабзалини ҳам ечмасдан тасур-тусур қилиб кириб келди-да, хона ўртасида қаққайиб туриб қолди.

– Ойим ичкари хонада, ҳозир чиқади. Қани, столга марҳамат, – Маша қирқ йиллик қадрдонлардай бизни ўзига яқин олиб табассум қилди.

Ичкари хонадан эгнига баркут ҳалат ташлаб Ирина чиқиб келди. Олтин соchlари елкасида шовуллайди. Мовий кўзлари чақнаб-чарақлайди. Тиник, чиройли чехрасида кулги.

– Ёзувчи амаки, бугун ойимнинг туғилган куни. Ажойиб кунда ғаройиб саёҳат, – Машада кечаги тундлик, қайсарлик ва бетга чопарлиқдан асар ҳам қолмаганди.

Мен Иринага қарадим. Туйқус жойида тўхтаб орқага тисралди. Шу пайтда серрайиб турган Контужнинг кўлидаги иккала елим халта ҳам ерга тушиб кетди, шишалар чил-чил синди. Бу ғаройиб манзара лаҳзада содир бўлди. Мен караҳт бўлиб қолдим. Маша талмовсираганича деворга суюниб дам ойиси, дам менга, дам Контужга қарайди. Контуж ихради, юзи оқариб кейин лаблари

пирпираб нимадир демокчи бўлди, гапиролмади. Мен нима бўлаётганини англай олмасдим, Контуж тиззалаб ўтириб, бесўнақай қўллари билан бошини чангллаб олди. Ирина тик-турган кўйи телбавор, афтадоҳол қиёфада Контужга тикилиб турди-да, хаста, ихроқ овозда деди:

– Рома, бу сенмисан?... Рома, бу сенмисан?!

... Кейин уввос тортиб йифлаб юборди.



ҚОРДАГИ ЛОЛА

Деразанинг бир қанотини очиб, тўртинчи қаватдан ташқарига қарадим. Уҳ, совуқ. Қаҳратоннинг қаҳри юмшамаган. Кечаси қатрондай қотган йўлак ва кенг кўча, дов-дарахтлар – бутун борлиқ аёзга таслим бўлган. Қор десам корга ўхшамайди, нимадир чирсиллаб ёғяпти. Дे-раза ойналарига чирсиллаб уриляпти. Тошёмғир сим-симлаб, шигалаб, ёқимли ёғяпти. Ҳа, бу – тошёмғир. Қор ва ёмғир орасидаги қаҳру азоб бу.

Шамсия тутмаганимни ҳисобга олмагандан, рисолада-гидек кўчага чиқдим. Ёмғирли кунлар шамсия кўтариб юрмайман, негадир юрагим сиқиласди, ҳаво етишмайдими-ей, атрофим зимистон тортаверадими-ей, ишқилиб, менинг шу пайтгача ёғингарчиликда шамсиядан паноҳ топиб юрганимни бирор кўрмаган. Ҳатто уйимиз ёнида-ги бозорчада салат сотаётган корейс хотин ҳам шундай намгарчиликда шамсиясиз чиққаним учун бошимдаги қимматбаҳо товланма телпагимга ачиниб қараб қўйди. Эгнимдаги қалин, чарм пиджакдан эса ёмғир тугул, бошқа нарса ёғса сезилмас эди.

Ишга бугун ҳам кеч бордим.

– Қаерларда юрибсиз? Доим кечикасиз-а? – котиба-нинг одатий саволи шу бўлди.

– Тинчликми? Каллаи сахарлаб кимга керак бўлдим? Катта сўрайтими, ё?

– Қанақасига каллаи сахар бўлсин? Соат ўндан ошди. Катта эмас, сизни бир ўрис аёл пастда кутиб турибди. Шўрлик бир соатдан бери телефон қиласди. Юринг, ички

телефонни олинг. Нега қараб турибсиз?

Пича тарааддудланиб қолдим. Котибанинг қатъиятли иддаоси таъсирида қабулхонага югурдим.

– Эшитаман, – дедим одатий оҳангда.

– Алло, бу сенмисан, Толик – деди аёл лўнда қилиб.

– Ҳа, менман... Сиз ўзингиз кимсиз? – таажжубландим.

– Менман. Пастга туш. Туша оласанми? – Аёлнинг сенсираши, ўзига яқин олиши энсамни қотирди. Шу билан бирга, овозидаги сокинлик, алланечук титроқ кўнглимда оний лаҳзада илиқлик уйғотди.

– Кечирасиз, мен Сизни...

Гапим оғзимда қолди:

– Худойим-ей, мен Москвадан келдим... Мана, нихоят, сени топдим. Иринаман!

Аёл гўшакни қўйиб қўйди.

Эсанкирадим. Москвада менинг Ирина деган танишими йўқ эди. Ўйлаб қарасам, умуман, ҳеч кимим йўқ экан Москвада. Қаршимда котиба маъноли жилмайиб турибди. Ҳардамхаёл бўлиб пастга тушдим. Фойе ҳйила совуқ эди. Эгнимга пиджагимни илиш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Таниш-билиш ҳамкаслар билан йўл-йўлакай сўрашиб, ойнаванд эшик томон юрдим. Миршаб рўпарамидаги аёлга кўзим тушди. Эгнидаги мўйнаёқали пальтосининг бари ерга тегай-тегай деб турибди. Бошига қимматбаҳо оқ сур телпак кийиб, бўйнига яшил шарф ташлаб олган. Миршаб аёлга алланималар деб, мен томонга қўл чўзиб, имлади. Лаҳзада баланд бўйли аёлнинг ўзига ярашиқли уст-боши қадди-бастини назардан ўтказдим. У менга илкис қаради. Кўнглимда ғашлик аралаш қизиқиш уйғонди. Ойнаванд эшикка яқинлашдим. У менга кимнидир эслатарди.

Кўзлари катта-катта. Тим қора. Ёник. Порлаб турибди. Чехраси тип-тиник. Қора, қалин қошлари ёйдай эгилган.

Киррабурни юзига мос, қалин лабларига хиёл табассум инган. Оқ сур телпаги остидан чиқиб турган бир тутам сочи силлиқ манглайини түсгән, шундан бўлса керак, кўзлари янада чараклаб бокаётганга ўхшайди. Чехрасига нурли табассум ёйилган бу аёлни кавказликларнинг гўзал вакиласига ўхшатиш мумкин эди. Аёлга маҳлиё бўлиб қараб туравердим. Сукутни унинг ҳаяжонли овози бузди:

– Салом, мени танидингми?

У ўзини нечоғлик қувноқ тутишга уринмасин, юзидағи ифода қисқа сонияда ўзгариб, лаблари пирпираб учганини ҳис этдим. Ёниб турган қора кўзларидағи сир-асорор мени ўз комига тортиб кетаётганди. Сохта табассум билан ўзимни бепарвороқ тутишга уриниб, елка учирдим. Бош силкиб, «йўқ танимадим» ишорасини қилдим.

– Ана шунаقا!.. Мен эса сени унутмадим. – Аёл ўта вазмин, озгина гина-кудрат оҳангиде сўз қотди. Аммо, юзидағи табассум сўлиш олгани йўқ. – Ҳа, майли, эслаб кўр... 1987 йил. Ёз. Файзаобод. Ирина Михайловна. Энди ёдингга тушгандир?..

Миямга чақмоқ ургандай бўлди. Чайқалиб кетдим. Ичимда нимадир узилди, гўё. Беихтиёр ихраб юбордим. Тиззаларим қалтираб, мадорсизландим. Қаршимдаги сулув хилқат, ўша – бундан ўн олти йил аввалги Ирина Михайловна эканлигини ҳануз тасаввуримга сиғдиролмай гангиб турардим. Туйкус, оний бир қудрат кўмагида тасаввуримда ўн олти йил аввалги Ирина гавдаланди. Ҳа, бу ўша. Тим қора кўзларида сеҳрли бир маъно. Чехрасининг чароғонлиги, қараашлари, кулгилари ўша-ўша. Бирок тўлишибди, чиройи янада очилибди. Кўриниши анчагина салобатли. Устидаги қимматбаҳо кийим-бошлар янада жозибали кўрсатиб турибди.

Ўзимни йўқотиб қўяёздим. Қўлларини маҳкам сиқиб, юзимга яқин олиб келдим. Атрофдагилар, ён-веримдагиларни ҳам унутиб қўйдим... Дағ-дағ титраган кўйи дедим:

– Қандай топдинг? Бу сенми ахир?.. Ох, худойими-ей! Ҳозир, Ирина... Ҳозир... Шошма, ўйлаб олай... Ҳа-я, сен! Шу ерда туратур. Мен кийиниб тушаман... Кир, ичкарига кир, ана, бурчақдаги ўриндиңде ўтири. Мен ҳозир... Ярим дақиқада қайтаман.

Эсим кирди-чиқди бўлиб, лифтни ҳам кутмай, зина узра юқорига югурдим. Шоша-пиша пиджагимни кийиб, сейфдаги бор пулимни чўнтағимга урдим. Йўлакка чиқишим билан котибага йўлиқдим:

– Ким сўраса ҳам айтинг, мен йўқман... Бугун мен йўқман...

– Туу-шуун-аарли! – деди котиба киноя аралаш.

Мен унга эътибор бермай, оёғимни қўлимга олиб фойе-га қараб чопдим.

Назаримда, у кетиб қоладигандай, умуман, бу англешилмовчилик, у мени излаб келмагандай эди, гўё. Йўқ, ана у мени кутиб турибди.

– Кетдик, Ирина. Ташқарига чиқамиз, – қўлидан тутиб ташқарига бошладим. Юрагим дукиллаб урар, ҳалигача ўзимни қўлга ола билмаган эдим. Ёмғир қорга айланган. Совуқнинг захри бироз пасайган. Бироқ шамол аралаш ураётган қор кўз очирмасди.

Ишхона рўпарасидаги катта йўлда такси тўхтатдим. Биз орқа ўриндиққа ўтиридик. Шофёрга «Қаёққа бўлса ҳам ҳайданг. Шу ердан тезроқ кетайлик!...» дедим. У анграйиб қаради-да машинани юргизди.

– Хўш-хўш. Энг яхши ресторанга ҳайданг.

Шаҳардаги энг нуфузли ресторанларнинг бири... Залда деярли ҳеч ким йўқ. Хилватроқ бўлсин учун бурчақдан жой танладим. Шоҳона зал шифтининг бор-бўйига кўзгу тиркалган. Унга осилган айланма биллур қандиллардан таралган ёғдулар, стол-стулларда тахланган кумуш ликопчалар, қошиқ-санчқи, пичоқларга тегиб сарғимтири, оқиш тусда жилоланади. Деворларига қопланган қим-

матбаҳо кўқимтири матоҳ, юмшок, чарм креслолар, итальянча стол-стуллар, столлар устига терилган соф биллур қадаҳлар рестораннынг бир қадар замонавий ва ўзига хослигини билдиради. Табиийки, кишининг кайфиятига ҳам викор ва шукух, ажиб кўтаринкилик бахшида этади.

Қўлларим қалтираяпти. Қордай оппоқ шойи ва силлиқ ялтироқ мато тортилган столнинг бир четини черта бошладим. Ирина самимийгина, кўзи чақнаб-чарақлаб кулимсирайди, холос. Телпаги, шарфи, сарғиш чарм пальтосини ечганидан сўнг янайм гўзал бўлиб кетди. Тим қора соchlари эгнида ловуллаб турибди. Бўйнидаги тилла маржон, яшил кофтасининг икки кўксидаги ўрнатилган қип-қизил атиргулларнинг қоқ ўртаси, кулкосасига жойлаштирилган ям-яшил ёқуткўзлар қандилларнинг ўткир нурида ярақлаб нур сочади. Иринанинг қархисида ўзимни кичрайиб бораётгандай сезаман. Ёнимизга келиб қақрайиб турган навниҳолгина киз, ресторан хизматчи-си менга саволомуз қараб турибди. Стол четидаги қора ҳошияли жилдни очиб таомлар турига кўз ташладим-да, сўнгра таомномани Иринага узатдим.

Дастурхонга бир зумда файз кирди, таомлар, ичкиликлар тортилди. Қадаҳларга тўлатиб куйдим. Соғликомонлик тилаги бажо айлангач, бир кўтаришда тўлиб-тошиб турган «Тошкент» ароғини сипқордим. Ирина лаб теккизизб, винони бир хўплади. Бошим қизигандай бўлди, бироқ ҳануз ўзимга келолмай турардим, ҳаяжон ҳарорати бироз пасайгандай эди. Таомлар газакбоп, ўткир, иштаҳани очади. Иккинчи қадаҳни тўлатиб, Иринадан «баҳтли тасодиф» шарафига кўтаришимизни илтимос қилдим. Унинг чиройи янайм очилиб кетди. Юрагимдаги ваҳимага ўхшаш тугунлар ечила бошлади. Кўзларига тик қараб туравердим. Журъатим ошгандай бўлди.

— Шундай қилиб ёзувчиман, де, — у самимият билан сўради.

— Ҳа, шу... Бошқа нарса қўлдан келмайди, — тилимга келгани шу бўлди.

У кулиб юборди.

— Яхши одам бўлишингни, аникроғи, яхши бола экан-лигингни ўшандаёқ сезганман. Ҳа-я, сен мендан уч ёш кичкинасан-а?...

— Тўғриси, ғалати бўлиб кетаяпман. Ирина, мени қандай қилиб топдинг?

— Нимайди? Москвада яшаётган аёл қандай қилиб, кутилмаганда бу ерда пайдо бўлиб қолди демоқчимисан?

— Ҳа, балким. Эй йўқ, нима десам экан... — каловландим.

— Менда адресинг бор. Униб-ўсган жойингга қўнғироқ қилдим. Тошкентда дейишди. Нима, Москвадан қўнғироқ қилиш қийин эканми?

— Сен яшаш жойимни... Ҳалиги. Эй тўхта, уф. Нима десам экан?

— Топдим. Ҳа, шундай. Буни кейин билиб оласан. Мен сенга учрамай, топмасдан қийналиб яшашга қурбим ет-маслигини сездим. Тушуняпсанми? Мен ҳеч қачон тақдирнинг олдида, сенинг олдингда, ўз виждоним олдида қарздор бўлиб яшашга дош беролмас эканман.

— Бу нима деганинг, ахир?

— Кейин билиб оласан... Ол, е... Овқатинг совиб қолди, жаноб ёзувчи, — у кулди-да, қўлидаги яримланган қадаҳни ҳаволатди. Мен «нима бўлса бўлди», дегандай қилиб ўз қадаҳимни яна лиқ тўлдирганча, даст кўтариб ичиб юбордим. Чунки айни ҳолатда ўзимни туш ва хуш оралиғида қолгандай сезаётгандим.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсин... Лекин, Тошкентга қачон келдинг?

— Кеча. Мехмонхонага жойлашдим. Сенинг ишхонангга яқин экан. «Интерконтинентал». Яхши жой. Энди, сен ўзинг ҳақингда гапир. Менга шуниси қизик. Сен ўзинг,

ҳаётинг, яшаш тарзинг тўғрисида сўзласанг-чи... Худога шукр, соғ-омон экансан. Кўз тегмасин. Анча куч-қувватга тўлибсан, очиги, унчалик ҳам ўзгармагансан. Яхши-я, барибир ҳаёт, яшаш яхши-я? Дарвоқе, оиланг, фарзандларинг бордир?

– Бор... Ирина. Бор. Тўхта. Сен, нима десам экан, ўзинг қандай яшаяпсан? Москвада нима иш қиляпсан?

– Асосан савдо. Эрим Франция билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхонанинг бош директори. Ўзимнинг фирмам бор. Европа давлатлари билан савдо-сотиқ қиласман. Ҳозирча ишлар чаккимас. Икки нафар фарзандим бор. Очиги, сен билан бир йилдан бўён учрашмоқчи бўлгандим. Иш. Иш... Фурсат тополмадим. Охири кўзимни чирт юмиб, Тошкентга учдим. Вақти-соати келган экан, мана қаршингда турибман. Тўғри, қўнғироқ қилсам ҳам бўларди. Бироқ ўзим келишим керак эди. Ҳа, шундай...

Ичимлик менга таъсир қила бошлаганди. Мен унинг қўлларини ушладим. Нигоҳига термулиб, ёш қалқиганини пайқадим. Ичимда бир оғриқ кўтарилди. Ўпкам тўлиб, димоғим ачишди. Кўзларимдан ёш сизди. Ёнига ўтиб, соchlарини силадим. Юзини ўзимга қаратдим. У оппоқ узун-узун бармоқлари билан юзимни сийпалай бошлади. Эс-хушимни йўқотиб қўйдим. Биз ҳароратли эҳтирос измига ўзимизни топширдик. Тақдирнинг марҳамати билан олис йиллардан сўнг юз берган учрашувда ана шундай ҳодиса рўй бериши табиий эди, албатта.

Кўз олдимни туман қоплади. У менинг бўйнимдан, кулоқларимдан қаттиқ чимчилади.

– Бўлди-бўлди... Жойингга ўтири... илтимос... Кўй. Ўзингни қўлга ол. Эҳ, сен менинг... ўтмишимнинг ёрқин ва мунгли хотирасисан – у бирдан кулгига олди. – Ҳа, дарвоқе, ёзувчилар шунаقا гапиришади-я?

Мен ўз ўрнимдан жой олдим. Иринанинг юzlарида хорғинликми, ўйчанлик ифодасими қалқиб турарди.

У нигоҳини бир нұқтага тикди. Жимжит. Оғир ух тортди. Елкасидан нафас олди.

Билмадим, тилимга шу сүз қаёқданам келди:

– Бахтлимисан? – деб юбордим.

У бош силкиди. Түзғиган соchlарини текислаб, тирсагини столга қўйди-да, қўли билан пешонасини ушлади. Юм-юм йиғлаляпти.

– Йўқ, – деди яна бош чайқаб, – йўқ... Умуман, олганда, ким билсин, ҳаётни кўриб туришинг, тирикликнинг ўзи бир баҳтдир, шундай масми? Тўқлик, фаровонлик, бойлик, яхши яшаш баҳт бўлса, агар шундай деб тушунилса, мен баҳтлиман. Лекин инсонни доимо азоблаб тургувчи бошқа нарсалар ҳам кўп ҳаётда. Кимdir камбағал, базўр кунини кўради. Лекин қалби хотиржам. Хотира оғрифи йўқ унда. У назаримда, мендан кўра баҳтлироқдир. У эса ўз ўйича мени қайғу ҳасрати йўқ, баҳтиёр аёл деб ўйлади.

– Чиройлисан. Сен жудаям гўзалсан, – дедим гапни бошқа ёққа буриб.

У яна жилмайди.

– Ҳмм. Шундай де. Йўқ, сенинг кайфинг ошмаган. Атайлаб чалғитаяпсан. Майли, дийдиёни тўхтатамиз. Қўй шуни, яхши гаплардан сухбатлашайлик. Сўра, яна қандай саволинг бор?

Мен бу учрашув бундан кейин қандай давом этишини тасаввуримга ҳам сиғдиролмаётгандим. Хўп, кечгача бирга ўтиришимиз мумкин. Кейин-чи? Умуман, юрагимда оғрикли туйғуларни аланга олдирган, ҳаётимнинг оғир, қайғули чоғларида мен билан бирга, йўлдош бўлган аёлга, тақдирим йўлида учраган энг қадрдон инсонга айни дам нима дейишимни билмасдим. Баъзида нимадир демоқчи бўласану, сухбатдошинг, айниқса, у кўнглингга яқин бўлса, ҳеч нарса деёлмайсан, у эса нима демоқчи эканлигингни бир қараашдаёқ билиб олади. Ортиқча гап-сўзларга

ҳожат қолмайди. Ирина иккимизнинг орамизда ҳам бўлак гапларга ўрин қолмаганди. Биз дунёнинг икки бурчагида яшаётган икки хотирдош, орадан ўн олти йил ўтиб яна топишган эдик. Индамасдан, шундай – бир-биримизга қараб ҳам сўзиз сухбатлашишимиз мумкин эди.

Ирина жимликни бузди:

- Тоҳир, нимадир дегин... Майли ичайлик, ҳеч бўлмаса, қадаҳ сўзи айт...
- Кел, ҳаёт учун ичайлик. Тириклик учун ичайлик.
- Мен учун-чи?
- Сен учун. Сенинг гўзаллигинг учун, Ирина!
- Сен учун ҳам. Мана, қара мен ҳам ичаяпман, Тоҳир.
- Оҳ, ана, ўзбекча мусиқа янгради... Сенга ёқмаяптими? Бемалол, ҳеч нарсани ўйлама... Бугун сенга бутун Тошкентни томоша қилдирман.

У яйраб кулди. Чехраси яшнаб кетди.

- Шошма. Мен сенга бир гап айтаман...
- Айт.
- Соатинг неча бўлди?
- Бирга яқинлашди.
- О, демак... Мени меҳмонхонагача кузатиб қўй. Иккика эрим, Володя кўнғироқ қиласди. У Тошкентга атайлаб, сени излаб келганимни билади. Ҳаммасидан хабардор. Сен билан учрашишимни унга айтганман.

Мен нима дейишимни билмай қолдим. Иринанинг жиддий тус олган чехрасида самимият балқиб турибди.

- Нега энди соат иккигача?
- Мана, сен билан юз кўришдик. Сухбатлашдик... Ё сен бундан хафамисан?
- Йўқ. Ахир сен, bemalol ўтиrolмаяпсан...
- Вакт сен билан менга бўйсунмайди... Нима қиласи, иш. Ишибилармон аёлман, айтишади-ку, «янги рус»ларнинг ишибилармон вакиласи, – у энди атайлаб чехрасига жиддий тус бериб, қовоғини уйгандай бўлди. Кейин яна

ух тортиб, овози юмшади. – Ҳа, майли. Мен сенга бир гап айтайми?

– Айт, айтавер.

– Ишхонангда менинг ёнимга келаётганингда юришингга эътибор бердим. Кейин зинадан югуриб чиқаётганингни кўриб жуда кувониб кетдим. Ишонасанми, сен қайтиб тушгунингча йиғлаб ҳам олдим.

– Шуям сенинг эсингдами? – дедим. Томоғимга нимадир тикилди.

– Эҳ. Сен билмайсан. Балки, ишонмассан. Ўша жойни эсласам, энг аввало ёдимга сен тушасан. Афсуски, эсламсликнинг иложи йўқ.

Яна уф тортди. Кўлларимни сиқиб, кўзларимга тик қаради. Қароғларидан ёш думалади, ғалати бўлиб кетдим. Шу топда Иринанинг ўй-хаёлида қотган лаънати ўтмишни суғуриб ташлагим келар, лекин бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Мен ўрнимдан туриб, унинг ёнига ўтдим. Кўлинин яна кафтим орасига олиб, манглайидан ўпдим. Юрагим минг азобда коврилаётганди. Ялиндим.

– Қўй, Ирина. Ҳозир мавриди эмас. Қўй, шуни эслама, умуман эслама, қара, ахир сен чиройлисан, бошқа нарсадан гапир, Ирина. Воҳ, Худойим-еъ, лаънат бўлсин бундай ҳаётга. Кел, ахир сен менинг меҳмонимсан, олисдан келдинг. Йиғлама, йиғламагин!

Ирина мунгли қиёфада қотиб турди-да, тирсагимдан кўтарди. Ўрнимдан турдим. Тик туриб бошини қучдим. Ирина қўли билан сўл оёғимни ушлаб, шимим почасини кўтара бошлади.

– Тоҳир, хўп десанг оёғингни кўрсам. Тиззангнинг пасти, сўл оёғинг эди-а?

– Ҳа, сўл оёғим...

– Мана.. оҳ бечорагинам. Мана... чандиқ, чуқурча бўлиб қолибди-да? Қўлим билан ушлаб ҳам сезаяпман, анча жабр кўргансан... Ҳозир оғримайдими?

– Йўқ. Совуқда оз-моз билинади.

– Ундей бўлса, нега шимнинг ичидан қалин иштон киймадинг...

– Хўп, кияман. Ўйлама. Яхши бўлади. Ҳа, сен ўзинг нима билан савдо-сотик қилишингни айтмадинг-ку, – мен уни чалғитмоқчи бўлдим.

Ирина қатъиятли бир ҳолатда айтмоққа уринди, лекин эплай олмади.

– Буни сенга мутлақо қизифи йўқ-ку! Тўғрими? Ҳа, майли Москвадаги асосий супермаркетларнинг деярли барчаси, қаршингда турган ақлсиз аёлники. Шу ақлсиз аёлнинг эри Владимир Павлович Семёнов эса пойтахтнинг машхур саноатчиларидан. Яна нима дейин?

– Яхши. Мана билиб олдим.

– Азбаройи шунчаки сўрадинг. Қани энди, муҳтарам ёқимтой мезбон, мени меҳмонхонага кузатасанми?

Ташқари оппоқ. Қор майдалаб ёғар, ер сатҳидаги қорларни шамол тўзғитиб ўйнарди.

– Россиянинг совуғига ўҳшаяптими? – дедим зинапоядан Иринани етаклаб тушаётиб, – кўз очирмаяпти-ку!

– Йўқ, унчаликмас. Россиянинг қиши билан ҳазиллаша кўрма, – деди Ирина кулгига олиб.

Такси ушлаб, меҳмонхонага йўл олдик. Ирина орқа ойнага бош тираб ташқарини кузатиб бораяпти. Шамол дарахтларнинг яланғоч новдаларига ўрнашиб, музлай бошлаган қорни минг бора силкисин, барибир учирив, тўзғитолмайди. Машина деразаларига изиллаб изгирин урилади. Қор қуюн бўлиб ёғаяпти. Қаҳратон ҳамласида ўз ҳаётини давом этказаётган шаҳарнинг қоқ маркази Амир Темур хиёбонидаги курант соат мили ўн беш минут кам иккини кўрсатарди. Ирина ресторандан чиққанимиздан бери кўзини ташқаридан олгани йўқ, миқ этмайди, бошини ойнага тираб олган, қайрилиб ҳам қарамайди. Мен елкасидан қўлимни ўтказиб, уни ўзимга тортдим. У кес-

кин бурилиб, менга тикилди. Кўзларидан ёш шашқатор оқаяпти. Юзи жиққа хўл. Ютинади, қалтирайди. У ўзини бағримга ташлаб ўкириб йиғлаб юборди. Ҳайдовчи аланглаб бизга қараб, шартта тормоз берди. Ҳайдовчи рус эди.

– Нима бўлди? Ўзини ёмон ҳис этаяптими?

– Юринг, ана етиб келдик. Ҳаммаси, яхши, – дедим.

– Ҳа, мен ўзимни ҳамиша ёмон ҳис этганман, ҳамиша шундай бўлган, – деди Ирина ҳиқиллаб, елкалари силкиниб.

Машина меҳмонхона тўғрисида тўхтади. Ирина бироз ўзига келиши учун, шофёрдан озгина тўхтаб туришни илтимос қилди. Тилла тасмали чарм сумкасидан лаббёқ ва аллақандай крем-упалар олиб ўзига оро берди. Сўнг юзига жилмайиш бериб қўлимни қисди...

– Ана энди тушсак бўлади. Қани, юр.

Маҳобатли меҳмонхона эшигидан ҳатлашимиз билан, эшикбон Иринага тавозе-ю таъзим бажо айлаб, жилмайди. Фойеда чарм диванда ўтирган иккита барзанги йигит ўрнидан сапчиб туришди. Иккови ҳам бир хил кийинган. Узун ва ёқадор чарм пиджак, бошида чарм кепка, бўйнида оқ шарф. Оқ-сариқдан келган, бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш бу икки қоровул йигитнинг Ирина билан бирга келишганини пайқадим. Йигитлар биз томонга икки-уч қадам ташлашди-да, Ирина оҳиста бурилиб ёвқарашиб килгач, жойида такқа тўхташди. Бири қўл соатига қаради. Уларнинг юз ифодасидан ҳеч бир маъно уқмасам-да, кўнглимда ғашлик уйғонди.

Ирина биқинимдан туртиб, эркалаган кўйи майин оҳангда сўз қотди:

– Ҳеейй, болакай!.. Сен уларга эътибор берма. Сени маст деб ўйлашди, чоғи. Қани, қўлингни узат, хайрлашамиз.

– Сен қачон кетасан?

– Эртага, – унинг овози қалтиради. Қўллари ҳам титраяпти.

- Ҳозир нима қиласан?
 - Айтдим-ку, Москвадан телефон бўлади...
 - Кейин-чи?
 - Тоҳир, кечқуунгача энди менинг вақтим йўқ.
- Ирина ўқинч билан айни лаҳзада ялинган кўйи сўзлаётганини пайқашим қийин эмасди.
- Айт, мен қачон келай?.. Қайси хонадасан?
 - Кечқуун... Соат олтида. Эшикбонга учраш. Нима қилишинг лозимлигини айтади.
- Ирина эшикбон томонга бош иргаб кўйди. Сўнг шарт бурилиб ҳалиги барзангি йигитлар томон юрди, уларнинг куршовида лифтга кирди. Мен унинг ортидан музтар бўлиб қараб қолдим. Эшикка яқинлашиб, эшикбондан сўрадим.
- Ановилар ким?
 - Хонимнинг ёнидагиларми?
 - Ҳа, ўшалар.
 - Эй-е, сиз билан бирга келишди-ку... Сиз ва хонимдан икки дақиқа аввал кириб келишди. Эрталаб хоним билан бирга чиқиб кетишганди.
 - Тушунмадим?..
 - Улар хонимнинг қўриқчилари-ку...
 - Шундай денг...

Эшикбон «Шунчалар гўлмисан», – дегандай тикилди. Мен нималар бўлаётганини англаб-англамай ташқарига чиқдим. Демак, Ирина ишхонага ҳам қўриқчилари билан келган. Ресторанда мен билан овқатланаётганда ҳам қўриқчилар кузатувида бўлган. Мен уларни нега кўрмадим? Залда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку... Тушунарли, улар ресторан эшиги ёнида, ташқаридан кузатишган. Ташқаридан туришган. Энди кечқуунгача нима қиласан? Соат икки бўлди. У Москва билан гаплашяпти. Ҳар бир қадами назоратда экан...

Дарвоқе, ҳикоямни бирпас тўхтатсам: муҳтарам ўкув-чимизнинг бу соҳибжамол Ирина деганлари билан ёзув-

чимиз орасидаги илиқ муносабатларнинг сабаби не экан, деб ичи қизиб турганини сезаяпман. Майли, озгина ортга чекиниб, «ўтмиш»дан бир шингил сўзлайнин. Бир бошидан гапирсам, бемалол бир китоб бўлади, бунга сабр қайдада. Хуллас, Ирина хоним билан биз армияда, ҳа, тақдир тақозоси билан афғон урушида бирга бўлганмиз. У қисм тиббиёт бўлимида шифокор эди. Камина командирлик қилаётган бўлим билан доимо Ирина ҳам бирга жангга чикар эди. Эҳхе, бошдан кечирган азоб-уқубатларимизнинг чеки-чегараси йўқ. Ҳар кадамда ўлим, ҳар қадамда ярадорлар оҳ-воҳи... Ирина биз учун нажот элчиси, ҳаёт фариштаси эди.

Ҳарбий хизматим давомида, сўнгги жангда ҳам Ирина ёнимда эди. Взводга қирғин солған саллалилардан бирининг ортидан сиқувга олдик. У қочиб, бир кулбага ўзини урди. Кўзимга қон тўлиб, кулба эшигини тепиб кирдим... Тор ва ним қоронғу хонада ҳалиги қочқин ҳансираф тўлғонаяпти. Яраланган, хона бурчагида эса тош қотган кўйи ёш жувон гўдагини кўксига босиб тик турибди. У нималардир деб қичқира бошлади.

Сўнг кўк кўйлакли ёш жувон жимиб қолди. Менга қаҳрли нигоҳини тикди. Бир менга, бир ердаги ярадорга қараб, гўдаги оғзига сўл кўксини тутди. Кейин шоша-пеша чақалоқقا бу кўкрагини берди. Мен гарангсирадим, эсим кирди-чиқди эди... Аёл боласини ерга кўйди-да, ярадорнинг ёнига чўқди. Қўлларини кўкка чўзиб, нимадир деб пичирлай бошлади. Сўнг унинг қонли юзларини си-лаб, бағрига босди. Шунда билдим – ярадор жувоннинг эри эди. Эшик қарсиллаб очилди. Икки разведкачи ва Ирина кириб келди. Мен сапчиб туриб разведкачиларга отманглар, деб бақирдим. Ҳалиги ярадорни танам билан тўсиб олдим. Ирина ҳамда разведкачилар қуролларини пастга туширишди. Ирина мени ўрнимдан турғизмоқчи бўлди. Сўл оёғимни босиб, чап ёнимга гупиллаб йиқил-

дим. Оғриқнинг зўридан инграб юбордим. Чап тиззамнинг пастидан қон оқар, ботинкам ичи ҳам билч-билч қон эди. Оғриқни шу маҳалгача сезмагандим. Разведкачиларнинг бири мени кўтариб чиқди. Ирина йўл-йўлакай тиззамга иккита оғриқни қолдирадиган ампула урди... Оғриқ сусая бошлади, кўзим тиниб борарди.

Кишлоқдан чиққандан кейин кўзимни очибман. Яланглик... Замбидаман. Бошимда Ирина турибди. Нимадир дейди. Йиғлайди, жилмаяди... қўлим билан сув бер деб, ишора қилдим. У сув келтириди. Муздай сув... Ичим ёнаётган эди. Ютоқиб ичдим.

Икки йилдирки, оғир жангларда ёнимда бўлган Ирина билан бу менинг сўнгти бор жангта чиқишим эди. Мени госпиталга олиб кетишиди. Иринанинг хизмат муддати тугаб, Москвага қайтган экан... Ана шунаقا гаплар...

...Кишининг куни қисқа бўлади. Қор тўхтаган. Кечки аёз бошланган. Музлаган қуруқ қор оёқ остида фижирлайди. Мен ҳашаматли меҳмонхонага кириб келганимда, қоронғи тушиб қолган эди. Қоп-қора ойнали эшикни очиб ичкариладим. Кенг ва ёруғ зал шифтига осилган улкан қандиллар нурида ёғдуланар, залнинг мармар сатҳи жи-мирлаб товланарди. Ичкаридан ёқимли, дилни сархуш қиласидиган бўй таралади.

Мени кўриб эшикбон ўрнидан турди. Таъзим қилиб, салом берди. Юзида мулоийимлик, базур бўлса-да, илжайиб турибди.

- Келдингизми, ока?
- Ҳа, Ирина Михайловнага учрашмоқчи эдим.
- Хоним кетдилар, ока...
- Нима-а-а? Нима деяпсиз, ўзи? – чинқириб юбордим.

Устимдан бирор совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди. Турган жойимда типирчилай бошладим.

– Менга қаранг, нега кетади, адашяпсиз, чоғи? Ахир ҳозир учрашишимиз керак эди-ку... Ҳалиги аёлни ай-

таяпман. Эсингиздами, мен келгандим-ку, бирга! Ирина Михайловна!

Гапим оғзимда қолди:

– Хоним бугун соат учда учиб кетди. Сизнинг келишингизни айтувди. Мана, Сизга қолдириб кетди.

Эшикбон тортмадан конверт олиб узатди. Кўз олдим хирадашди. Дағ-дағ титрайман. Вужудимдан совуқ тер оқди.

– Тушунмадим... Тушунмадим..., – дердим ақлу-хушим учиб... Зал четидаги чарм диван сари юрдим. Назаримда, оёқларим ўзимга бўйсунмаётгандай эди. Ўзимни диванга ташладим. Кўлларим қалтираб, конвертни очдим. Конверт ичидан сурат чиқди. Қирқ ёшлар чамасидаги истараси иссиқ жувон билан ўғли бўлса керак, аёлга жуда ўхшаш ўспириннинг бирга тушган сурати. Иккови ҳам кулиб туришибди. Сурат ортида арабий имлода нималардир деб ёзилган эди. Конвертда жуда чиройли дастхат билан Ирина ёзиб қолдирган мактуб ҳам бор эди.

«Салом Тоҳир, азизим! Бугунги кун – ҳаётимнинг энг гўзал куни бўлиб қолади. Орадан шунча йиллар ўтиб сен билан бирга бўлдим. Сени кўрдим. Жуда хурсандман. Сог-саломат экансан. Юрагингни, ўша ажойиб, инсоний туйгуларни асраб қолибсан. Биласанми, сен жуда яхши одамсан. Бугун менинг тугилган куним. Тугилган кунимни эса сен билан бирга ўтқаздим, ниҳоят. Кейинги йиллар фақат шу учрашувни кутиб яшадим. Эримга ёлвордим – мен учун энг яхши совга, бугун Тошкентга бориб сени кўриб келишимга изн беришини сўрадим. Рухсат берди. У яхши одам. Мени тушунади. Сен ҳақингда гапириб берганман.

Тоҳир, ўзингни эҳтиёт қил! Мен ярим соатдан кейин учиб кетаман. Шундай бўлгани яхши.

Тоҳир, қўлингдаги суратга яхшилаб разм сол. Танимадинг, тўғри. Бу аёлнинг исми – Шафиқа. Ёнидаги

ўғли – Аҳмад. Улар Лондонда яшашади. Худди мен сингари уларнинг ҳаётида ҳам сен – яхши одам (ҳа, боишқача ибора тополмадим) бўлиб қолгансан. Бу тўгри – шундай бўлиши керак. Улар сени бир умр унумтишмайди. Унумтиши ҳам мумкин эмас.

Шафиқа ўша, кулбада сен отиб ташламаган афгон аёли, (унинг ярадор эрини ҳам отмаган эдинг) унинг кўкрагидаги гўдак эса сен суратда кўриб турганинг йигит – Аҳмад! Улар мени топишди. Эсингдами, чодирга снаряд тушшиб, (эй, худойим-ей, эсласам титроқ босади) чодир портлаб кетган эди. Ўшанда ҳамма нарса чодирда қолган эди. Шафиқа биз чиқиб кетгач, ўша жойдан менинг ярми ёниб ётган дафтарчам, шунга ўхшаи нарсаларни топиб олади. Унинг айтишича, у бизни барибири топмоқни ният қилган.

Ўтган йили менга мактуб ёзди. Ишонасанми, ақлдан озай дедим. Манави суратни эса сенга бериб қўйшишимни илтимос қилганди. Унинг ортида «Ҳаётимизнинг энг оғир лаҳзаларида бизга шафқат қилган мард ва меҳрибон инсонга улкан миннатдорчилик ва қарздорлик билан ташаккур айтамиз...» – деб ёзилган.

Тоҳир, Шафиқага қўнгироқ қил. Мана, телефон рақами (.....).

Биз сени эрим билан истаган пайтингда Москвада кутмамиз...

Мени кечир, ҳозир менга нақадар оғирлигини ўзимдан бошика ҳеч ким билмайди. Шу билан бирга, сени кўриб елкамни босиб турган төгдай оғир юқдан халос бўлдим.

Тоҳир, сен яхши одамсан, яхши ёзувчи бўласан. Эсингдами, ваъда бергандинг...

Менинг фикримча, дунёнинг қайси чеккасида яшашларидан қатъи назар одамлар урушсиз, тинч-тотув кун кечиришилари керак. Уруш инсонни бир-бирига ёвуз ва шафқатсиз қилиб қўяди. Ўйлаб қарасам, одамлар бир-

бирига меҳрибон бўлсалар, бир-бирини отмасалар... бу ҳаётда инсон бўлиб яшай биладилар...

Узр... Сен мендан ранжисма... Сени Москвада кутамиз... Омон бўл!

Ирина. 16.02.03 й».

Кўча совуқ эди. Йўл четида тизилган симёғочлар шаҳар кўчасини чароғон этган. Чироклар нурида қор учқунлари сирли жимиirlайди. Мен қорли йўлакда карахт ҳолда кетиб бораардим. Қаёққа бораётганимни ўзим ҳам билмасдим.



ЖОНТОМИР

Күёш оғди. Осмон аланга олди. Тоғлар уфқда чўқди. Чўққилар чўғланди. Борлиқ кузак измида. Боғларда сариқ ва қизғиши ранг қоришиқ. Айрим дараҳтлар япроғи тиллотус, айримлари ол-алвон. Мезоноҳанг шамоллар оғушидаги жавониб кузак қўшиғини куйлаяпти. Мен ана шундай гўзал манзара – Яратганинг жонли суврати бағрида хаяжон ила қишлоқ йўлига қадам қўйдим.

Ҳазорбоғ канали кўпригидан ўтдим, ахир, буёғи она-қишлоғим.

Софинган эканман. Юрагимда мунгли бир оҳанг мавж ургандай бўлади.

Йўлнинг икки четида тизилган тутлар болаликда менга худди қўриқчилардай таассурот уйғотарди. Қишлоққа олиб кирадиган ҳам, олиб чиқадиган ҳам шу – тутзор эди. Ким билсин, шунинг учун ҳам мен тутларни қўриқчиларга ўхшатган бўлсам керак-да, ёпирай, орадан шунча йиллар ўтибдики, ёшим элликдан ошса-да, қишлоқ йўлига шундай тасаввур билан қадам босдим, тутлар қўриқчи, бироқ, бу қўриқчилар сийраклашиб қолибди, йиллар тўфони, вақт бўрони буларни ҳам кўпориб-йиқитибди.

Тут кўчадан ўтдим. Уйлар бошланди. Мен ҳар бир хонадонни, шу уйлар соҳибини яхши биламан, тўғри-да, қишлоқ кичкина бўлгандан кейин биласиз-да.

Мана, манави уй Тожи тракторчиники, буниси Ҳайдар бобоники, манави уй эса Сафар аканики, ёнидаги Нурилла акам, (отамнинг укаси у киши, мен ака дейман), нари-

гиси Тоштемир табелчи, Файбулло, Хуррам, Тошқин, Олламурод... ва ҳоказо.

Нурбой бобонинг уйи... Нурбой бобонинг уйи ёнидан бепарво ўтиб кетолмайман. Шу уйнинг олдидаң ўтаётсам мен ўзимни бу дунёда ортиқчадай, гуноҳкордай сезаман. Шу уйнинг рўпарасига келганда қадамларимни тезлаштираман, нигоҳимни қаршимдаги улкан тоғ тепасида худди пахса билан тиклангандай ажралиб турган “девортоғ” томон қадайман, юргулаб-югуриб ўтаман. Ҳовлидан Нурбой бобо чиқиб қолмасин дейман, Нурбой бобонинг мунгли нигоҳи, изтиробли чехрасини кўрмайин, дейман, эй Худо, шу бир бурдагина бўлиб қолган, ожиз бир чол қархисида шунчалик азоб чекаман, худди гуноҳкордай ўзимни қўярга жой тополмай қоламан-а? Шу боис ҳам бу ҳовли қархисида гўёки катта бир гуноҳ юкини кўтариб ўтган каби оёқларим қалтирайди, тиззаларимдан мадор қочади.

Сабаби?

Сабабими? Сабабининг Сизга қизифи йўқ. Ўзимга тегишли. Сиз барибир тушунмайсиз.

Нурбой бобонинг ёлғизгини ўғли бор эди. Исми – Жонтомир. Мендан икки ёш катта эди Жонтомир. Болаликда жуда чаққон, абжир, уришқоқ, полвон эди Жонтомир. Кийимнинг яххисини кияр эди, Жонтомир. Велосипеди ҳам зўр эди Жонтомирнинг. Бизнинг “велигимиз” “Урал”, уники эса “Салют”. Агар бизники ҳам “Салют” бўлса, уники “моторливелик”, мопед бўларди. Мен отамга айтишдан кўрқардим, энамга нолирдим: “Мен шу Жонтомирча йўқманми, нима учун унинг ҳамма нарсаси зўр, меники ундеймас, менга ҳам чармли копток олиб беринглар...”. Ҳовлидаги югур-югурдан тинкаси қуриган энам эса мени гап билан узиб-узиб оларди: “Жонтомирга баҳс қилганча, кўчани ҳеч кимга бермай шаталоқ отгинча ўқи, одам бўл... Жонтомирга ўхшаб етти қиздан кейин туғилган

арзанда бўлганингда эди, отанг от, энанг арава бўларди, сен бизни бемалол тепкилаб миниб юраверардинг. У Нурбой муаллимнинг ёлғизи, алласидаги азизи, тўрвасидаги майизи... Эркатойлик эркакнинг ишимас, дуппа-дуруст йигит бўлиб қолдинг. Ундан кўра далага жўна, отангга ёрдамлаш... Сен етти сўқим (бизлар етти фарзанд эдик)ни боқаман деб тинкаси қуриди, бечоранинг. Қизинг қиздай, ўғлинг ўғилдай бўлмадинг, ҳей-ей, ўлиб кет баринг..." Қизик, энамнинг ҳамма гаплари қулогим остида жаранг уради, бир гапини эсласам бас, қолган гаплари бирдан хотирамда тикланиб, тирилиб қолаверади...

Хуллас, Жонтомир билан иккимизнинг орамиздаги тафовутни болалигимда, энамнинг даккипандидан сўнг англагандай бўлганман.

Жонтомир ўт-олов, қўли кўкда, оёғи ерда, бўроннинг белини буқадиган бола эди. Ўнинчи синфга кўчганда, донғи доғистонга етгудай полвон бўлди. Болалигимизда тўйлар курашсиз ўтмасди, элнинг ори – полвоннинг бори замонлар эди-да. Сурхондан Қаршигача, Қаршидан Фузор, Бойсун, Душанбегача кураш истаб изғирдик, ўсмирликнинг билагида тоғни қайириб ургудай шиддат жўшган паллалар, денг. Барибир Жонтомирга етгулигимиз йўқ эди, унинг олдида айтгилигимиз йўқ эди – Худо берган бир нимаси бор эди унинг, эгнига тортса, "бўйинчилга" олса бас, Боботоғни ҳам бўйнидан ошириб урадиган азamat эди.

Кунни тун кувди, вақт ўтди. Йигитни синайдиган яна бир палла келди – Жонтомир ҳарбий хизматга кетди, кишлокнинг довруғи пасайиб қолгандай бўлди, ким билсин, ўша дамлар менга шундай туюлгандир, ҳар ҳолда жавониб атрофдаги қишлоқлар ёки туман марказидаги жўжахўролар хезланиб йўлимни тўssa, Жонтомир акам бўлади, десам ортга бир силтанишлари, менга ўсмирона кизиқиши билан қарашлари ҳам бор эди.

Нурбой муаллим тарихдан сабоқ берарди. Бир куни дарс тугаши арафасида эшик тақиллаб қолди. Кудрат почтачи синф эшигидан бош суқиб илжайди. Шошиб қолган муаллим гапини йўқотиб қўйди-да, эшик томон йўрғалади.

– Кечирасиз, домла. Мактабга газета оп келувдим. Сизга полвондан хат бор эди, ташлаб кета қолай, дедим.

Муаллим хатни кўзларига яқин олиб келди, мижжаларида ёш қалқди. Кудрат почтачини бағрига босиб, эҳтиром кўрсатиб, ташаккур айтди.

Муаллим жойига қайтиб, курсига чўкди. Бу дунёдан тамом узилиб, мактабу дарси-дардини ҳам унугтан кўйи хатни ўқишга киришди. Ўзича жилмайиб-жилмайиб қўяди, бош ирғайди. Биз юқори синф ўқувчилари муаллимни қизиқсиниб кузатиб турибмиз. Ўз фарзандидан ғуурланиб, етти қават фалакка бўй чўзиш онларидаги парвозий масрур дамларни бошдан кечираётган муаллимнинг қалбидаги севинч уммонини ҳали оталик бахтини татиб кўрмаган биз – гўдакўсмирлар қайдан ҳам ҳис қиласдик?!

– Муаллим, полвон акам нима деб ёзибди?

– Муаллим, Жонтомир акам армиядан янайм зўр полвон бўлиб келади.

– Полвон акам у ёқда ҳам кураш тушаяптимикин?

– Акамга teng келадигани йўқ, муаллим.

Муаллимнинг ёлғиз ўғлидан хат олиб, димоғи чоғ бўлиб турганини ҳис қилган айёргина болалар атайлаб дарсни четга суриш учун ҳам пайдар-пай савол ёғдиришарди, гапни чўзишарди. Нурбой муаллим ҳам илк дъяфа сабоқдан чалғиради. Чехословакияни мақтаб, таърифига тассано ёғдиради.

– Полвон акаларинг ҳозир Чехословакияда хизмат қиласпти. Олти ой бўлди, бу ернинг ҳавосига ўрганиб қолдим, дебди. Сизларга ҳам салом айтибди, – дейди хушу бехуш илжайиб.

Сахар пайти уйғондим. Эшик очилиб, отам печкага ўт қалашга уринди. Унинг ортидан энам ҳам кириб келди-да, шундок оstonага чўкди. Энам нимадир деб ихранди – овози сўниқ чиқди. Кўрпани қиялатиб отамга разм солдим. Отам олов олган печга тикилиб тош қотиб турибди. Елкалари учеб-учиб қўяди. Ташқарида қаҳратоннинг қаҳри қўзиб шамол увиллагандай бўлди, йўқ, энам йиғлаяпти, энамнинг йиғисини шамолнинг ҳуштаги босиб кетаяпти. Кўрқиб кетдим. Ўрнимдан шаҳд туриб чироқни ёқдим. Қарасам, отам ҳам йиғлаб ўтирибди, энамнинг кўзида ёш, ўпкаси тўлиб, титраб қақшаяпти.

– Нима бўлди? – дейман эсанкираб. Бутун аъзойи-баданим сесканиб кетади.

Отам жим. Энам лол.

– Нима бўлди, – дейман ҳансираb, бошимда оғриқ туриб, ичимга қўрқув қиринди солади. – Нима бўлди? Катта энам ўлиб қолдими?

– Полвон акангдан айрилибмиз. Жонтомир ўлибди, болам. Жонтомирнинг ўлигини олиб келишаркан.

Ўшанда илк бора бошимда чақин чақиб оғриқ турган, кўз олдим хира тортиб, ичимга ўт тушган. Айвонга чиқиб сатҳи муз қотган чеlакдан чўмичда муздай сув олиб ичганман... Кошки ичимдаги олов пасайса, гарангсифат ҳолда яна уйга чопиб кирганман. Энди энам овозини қўйиб уввос тортиб йиғларди. Акам билан опам ҳам ўзини ташқарига уришди. Укаларим бурчакда тиқилиб, зирнола энамдан кўз узишмасди.

Акам шу заҳоти Нурбой муаллимниги қараб югурди. Отам билан иккимиз ҳам унинг ортидан йўлга тушдик.

– Ота, нега ўлади, шундай полвон-а, ўлаверадими? – дейман ўзимни базўр тутиб.

– Уйи куйсин, ўзи ўлсин, шу урушни бошалаганларнинг.

– Қайси урушни ота?

- Афғоннида, афғондаги урушни айтаяпман.
- Ота, нимага афғон урушини гапирайпсиз?
- Полвон акангни, Жонтомирни шу уруш ўлдириди-ку...
Жойимда қотиб тураман.
- Ахир Жонтомир акам Чехословакияда эди-ку...
- Ҳечам. Афғонда экан. Шўрлик бола, ота-онаси, ҳаммамизни ташвиш чекмасин, деб алдаб хат ёзаркан. Уф-фей, болам, шундай йигитни-я, бир бечоранинг ёлғизгина ўғлиниям Афғонга юборишадими-а?

Жонтомирнинг жанозасида қишлоқ бир қалқиган, бир бора куйиб кул бўлган ўшандада. Одамлар фарзандини ҳарбийга жўнатишга кўркиб қолишганди, Афғон деса бутун аҳли қишлоқнинг юраги зирилларди.

Киши кетиб баҳор келди. Нурбой муаллим одамови бўлиб қолганди. Онда-сонда дарсга кирган маҳали ҳам бир нуқтага термулиб ўтиарди. Мактабнинг энг катта болалари, биз ўнинчи синф ўқувчилари муаллимнинг кўнглига оғриқ солмасликка, уни тушунишга ҳаракат қиласардик. Шунинг учун муаллимдан у-бу нарсани сўраб ўтирмасдик, дарс мавзуларини ҳам китоб саҳифаси бўйича ўзимиз тайёрлаб бораверардик. Бир куни мактаб ҳовлисида аллақандай тадбир бўлаётганди. Нурбой муаллим стадионда қўр тортиб турган ўқувчилар сафини ёриб ўтди-да, ўртага чиқди. Жилмайиб турди, сўнгра қаҳ-қаҳ отиб кулди. Давра тўрида сўзлаётган мактабимиз директори ҳам тош қотди. Жимлик чўкди. Нурбой муаллим юзларини буриштирган кўйи, илжайиб келди-да, директорнинг қўлидан микрофонни тортиб олди.

– Ўртоқлар, бугун Жонтомир ўғлим келди, Жонтомирим келди-и-и-и-ё-в-в, келди-и-и-и-и! – деб қичкира бошлиди.

Нурбой муаллим қўлида микрофон тутиб даврани чарх уриб айланиб, ўйнай бошлиди, бошидаги телпаги

ерга тушиб кетди, сўнг эгнидаги пальтосини ҳам ечиб ерга отди-да, уни тепкилаб, қичкира бошлади:

– Одам-л-а-а-р! Жонтомиримни соғинд-и-и-и-м... Жонто-о-мир-ир!!!

Муаллим ерга шилқ этиб тушди-да, юзтубан ётиб олди. Ўқувчилар қий-чув кўтаришди. Муаллима опалари миз изиллаб йиғлай бошлишди. Директор ҳамда тўрт-беш муаллим Нурбой муаллимни кўтариб олиб, кўздан пана га, мактаб ошхонаси ортига олиб ўтишди.

Қишлоқда гап тарқалди. Нурбой муаллим ақлдан озибди. Даволанишга олиб кетишибди.

Шундан сўнг анчагача муаллимни кўрмадим. Мактаб тугади. Институтга ўқишга кирдим. Биринчи курсни тутатгач, ҳарбий комиссарликка чақиришди. Армияга кетарканман. Очифи, юрагимни алланечук ваҳима боса бошлади, юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда бир ҳадик бонг уради: “Афтонга кетсан-а? Мен ҳам Жонтомирдай ўлиб кетсан-а, менинг ҳам ўлигим келармикин? У ёқда қирғин-барот дейишяяпти. Маҳмуд тоғамнинг ўғли ҳам яримжон бўлиб, бир қўлини йўқотиб келди, мен у ёкка бормаслигим керак...” Хаёлингда нима воқеа чарх урса ҳаётингга ўша нарсани чақиришинг чин экан. Мени Афон урушига жўнатишиди.

Мен уйга биринчи ёзган хатимдаёқ қаерга, қайси жаҳаннамга келганимни яшириб ўтирмадим, ота-онамни алдагим келмади. Агар менга бирор кор-ҳол бўлса, жигарларимни алдашимдан нима наф, деб ўйладим. Дастребки ойларда қўркув комидан қутулолмадим, жанг олдидан оёқ-қўлимни қалтироқ тутарди, юрагимни аллақандай куч сугуриб олаётгандай жоним ҳалқумимга келарди. Ўлиб кетсан, нима бўлади? ...Кейинчилик жангга, отишга ҳам кўнишиб кетдим. Ҳеч нарсани ўйламай қўйдим. На уйни, на ота-онамни... Агар мен уларни ўйласам, ёнгинамда ўлимнинг нафасини ҳис қиласдим. Мен жангда,

қиёмат-қойим ичида ўзимни, ўз рухиятимни бошқариши
ўргандим, аникроғи, уруш шунга мажбур қилди. Бу дунё-
нинг сарик чақачалик аҳамияти қолмади. Менинг ўзим
куролга айландим, қалбим, кўзим, оёқ-қўлим, вужудим
курол. Ҳа, мен одам эмас эдим, мен курол эдим...

Тақдирнинг ёзиғи... уйимдан туз-насибам узилма-
ган экан, икки йилдан ошиқ вақт ўтгач баҳорнинг сўнг-
ги кунларининг бирида қишлоққа қайтиб келдим. Ҳов-
лимида тўй бошланиб кетди. Ота-онам ақлдан озгудай
бўлиб чор-атрофга зир югуришади, ака-укаларим кўзи-
да ёш билан мени бағрига олишади, хеш-акрабо, бутун
қишлоқ аҳли йиглади. Новвос ағдарилди, иккита улкан
қозон осилди. Шўрва қайнади, ош тортилди, ўйин-кулги
бошланди. Ҳовли четидаги кенг мўл супада, одамлардан
холироқ жойда тенгдошларим даврасида улфатчилик оғу-
шида ўтиргандим, тўйхона томондан келаётган акамга кў-
зим тушди. У мени имлаб чақирди:

- Нима гап?
- Нурбой муаллим келди. Сени сўрайпти. Кўришиб қўй.
Юрагим шиф этди. Акамга синчиклаб қарадим.
- Муаллим, ҳалиги, кайфияти қандай? Ақли...

Акам нега саросималаниб турганимни дарҳол англа-
ган экан:

– Хавотир олма. Даволаниб чиққан, касалмас. Ақ-
ли-хуши жойида.

Муаллим анча чўкиб қолган экан. Кўзларида ёш ғил-
тиллаб турибди. Мени бағрига босиб из-из йиглади.

– Ўғлим, болажоним, омон-эсон келдингми? Ўша ёқда
Жонтомир аканг қолиб кетди-да, болам... Қолиб кетди.
Жонтомир акангни кўрмадингми, болам?..

– Йўқ, кўрмадим... Кўролмадим, – дейман титраб-қақ-
шаб.

Уйимизга мен билан кўришиш учун келган одамлар
ўзларини четга олишди, кўзларини олиб қочишли. Муал-

лимнивойиш тагидаги даврага чорлади отам. Мен анчагача серрайиб турдим.

Йиллар учди... Вакт ўтди. Ўқиши тугатдим. Ишга кирдим. Қишлоққа онда-сонда борган кезларим Нурбой муаллим мени йўқлаб келади, ё ўзим бораман. У менга анча термулиб туради. Гапимиз унчалик қовушмайди, лекин бир-биримизни анча соғинганимизни ҳис этамиш.

Кишлоққа боргач, муаллимни кўрмасдан шаҳарга қайтмайдиган бўлдим.

Мана, орадан қариб ўттиз йилдан ошиқ вакт ўтаяпти. Мен эллик бир ёшга тўлдим. Нурбой муаллим эса тўқсон ёшга яқинлашяпти. Муаллим бир бурдагина бўлиб қолган, лекин гаплари анча тетик. Жони қаттиқ экан муаллимнинг, балки Жонтомир ўз жонини отаси Нурбойнинг жонига улаб кетдимикин? Парвардигорим Жонтомирнинг умрини ҳам Нурбой бобога қўшиб берганмикин-ё?

Билмадим, бундай мушоҳадаларга ҳаммамизнинг ҳам ақлимиз ожизлик қиласди. Бироқ ўша пайтлардаги муаллим, ҳозирги Нурбой бобонинг фақат менга, биргина, биргина ўзимга ишониб айтадиган гапи замиридаги куч бобога қувват бериб турибдимикин, деб ҳам ўйлайман. Нурбой бобо билан ҳар гал кўришганимизда менга ишонч билан айтади:

– Буни сен тушунасан, бошқаларга гапирмайман, шунинг учун ҳам сени соғинаман болам, шуни бил: Жонтомир аканг келади. Унинг хабарини биринчи бўлиб сен берасан, тўғрими?

– Тўғри. Тўғри, бобожон...

Бобо жилмаяди. Ҳар гал сұхбатимиз шундай якун топади.

Бугун яна қишлоққа келдим. Атроф кеч кузак оғушида. Уфқ жонталаш. Нурбой бобонинг уйи олдидан ўтаяпман. Бу гал қадамимни тезлаштирмадим. Ҳовлига кирдим. Тахтакаравотда уфқа термулиб турган бобога кўзим

тушди. У мен томон ўгирилди. Бобо янада кичрайиб қолибди. Мен томон сийпаланибгина юрди. Бағрини очди.

— Келдингми, ўғлим?

— Келдим бобо, келдим...

— Жонтомиримни күрдингми, болам?

— Күрдим, бобо, күрдим...

Бобо менга бироз тикилиб турди.

— Бор энди болам, уйингга боравер.

Мен ўз уйимга йўл олдим. Мен бобони бу қадим заминда ушлаб турган қудрат, унинг Жонтомири ҳақида ўйлаб борардим. Бу томир каердан ўсиб чикқанлигини ва инсон боласида умид деган Жонтомир ҳеч қачон узилмаслигини мен яхши билардим.



ЧИНГАЧГУК БОБО

Энди келувдим. Чарчоғим чорпояга малол келиб турған пайтда энам амр этди:

- Чингачгук бобонгни күриб кел!
- Ҳали отам билан ҳам күришмадим-ку...
- Отанг туппа-тузук. Тойдай тосирлаб, боғни бошида күтариб бақириб-чакириб юрибди.

Толнинг тим қуюқ соясида чорпояга чўзилиб то кечга-ча уйқуни ураман, деб ўйлагандим. Шунча йўлдан озиб-ёзиб йилда бир-икки келаман, ҳали елкам ер искамаёқ, энам эшикка равона қилиб турибди.

– Эна шу... Кечроқ...

– Шу-шулама, болам, бор! Бобонг пишибина турибди. Тўқсондан ошиб қўйган гўдак-да, энди. Йўл қаратма. Отангга тайинлабди! Ўғлингиз келса, кўришсам деб, алағда бўляяптикан. Тунов кун отанг кўргани борувди, яна сени сўрабди. Отангнинг ҳам оғзида гап ётмайди, келишингдан бурун эл-эломонга жар солиб, маънилатиб чиқади: бизнинг ўғил келаяпти, бизнинг ўғил отпуска опти, бизнинг ўғил чет элга кетаяптикан, бизни бир кўриб келай деб йўлга чиқди... Э-ей, хуллас, отангнинг феъли менга маълум, бобо бечорага ҳам бугун келишингни айтган, бирор сўрамасаям айтгич одати бор, отангнинг. Шу билан мақтанадими-ей, ишқилиб феъли-рўйда, феъли-рўй!

Энам лаҳзада шунча гапни тўкиб солди. Бирпас тай-салласам бу гаплар дийдиёга айланишини ҳам биламан, шахд ўрнимдан турдим:

- Бўпти, мен кетдим!

Чингачгук бобо, Чингачгук. Ўтган йили кўрганимда анча бақувват эди. Тепкиси тепаликни тўздирадиган, шаппати шамолни эсдан оғдирадиган чолнинг тор хона-донни кенг қилиб ўтирганини кўриб қувонган эдим. Бесўнақай узун кўлини чўзиб, кафтини эксковаторнинг чўмичидай қилиб носвойга тўлдирганда роса завқландим: “Бобо, дев-певнинг авлодимасмисиз?” – дегандим ҳазиллашиб. Бобо тушмагур ҳам гум-гурсдай бўлиб елка учирив ғулдираб-ғулдираб кулган эди. “Ха, сен бола-я, яхшиям жин-пиннинг авлодимисан?..” демадинг.

Бобо чиндан ҳам бақувват, басавлат, бошқаларнинг кўрпасидан оёғи чиқиб қолади. Икки елка икки қоп кунжарани кўрдим демай кўтаради. Кўз тегмасин, кўз ҳам қиргийнинг кўзидай ўткир. Қулоқ жонивор том устидаги тарелка – шалпонглиги майли, минг чақиримлик гапни илиб олади. Узун жағ, дўнг пешона, қирра бурун. Олтмишга кириб-кирмай чолликка даъво қилиб соқол ўстирадиган айрим қишлоқ кишиларидан фарқли ўла-роқ бобомизнинг буғдойранг силлиқ юзида шу ёшда ҳам бир мўй кўрмайсиз, кунора покиза кириб-киртишлайди. Узун қошлари остида ёниб турган нигоҳида симбати-сиёҳига ножоиз бир меҳрибончилик қалқииди. Маъқул келсангиз қалин лабининг бир бурчида табассум учган кез, кўзлари қисилиб кетади. Қисқаси, бу девсифат бо-бомиз билан мен яхши чиқишаман. Гули-гулига тўғри келганларданмиз.

Болалигимда бобо ҳакида республикадаги болалар нашрлари, ўзимизнинг туман газетамиизда ҳам “Фронтовик бобо”, деб кўп мақолалар эълон қилганман. Бир гал бобо қулогимни бураб узиб олаёзган: “Ёлғон-яшиқни кўшма, немисни ундей қийратди, бундай қийратди дея-верма!..”

Кишлоқ аҳли бободан баджаҳл деб чўчирди. Олдини кесиб ўтадиган бир марду мардак топилмасди.

Топилди. Элчиликда, топилди. Кесиб ўтаман, деб күшниси Мамат жағ-жағ нима бўлди, сал қолди, орқасидан ўроқ еб ўлиб кетишига. Шу тиррақи ҳолига денг ичиб келиб кунора хотинини калтаклайди. Аллақаерга прорабми, баломи бўлиб ишга жойлашган Мамат жағ-жағ тез кутурди, чўнтағига кирган бир сўм бия, икки сўм туж бўлиб кўринди. Кўрмаганнинг кўргани қурсин-да. Бобо бир икки дакки берувди, хўп бўлади, дегандай қилувди, яна нима Худо уриб сархуш-сармаст ҳолда яримяланғоч бўлиб хотинига мушт ўқталиб ҳовлини гир айлантириб кувиб юрган эди, бобо чидай олмай томорка адодидаги симтўсиқни суғуриб олиб ирғитди-да, жағ-жағнинг қаршисида пайдо бўлди:

– Ҳой, тўхта, нима қиласапсан? Уят-э!

Жағ-жағнинг ажинаси отланиб, шайтони бонг урган эди!

– Сиз аралашманг!!!

– Мана бўлмаса, мана! – Бобо гурзидай қўли билан жағ-жағнинг тос манглайига туширди. Жағ-жағ тиззанлаб қолади сўнг кетига чақир теккан бузоқдай шаталоқ урди. “Вой ўлдим-м! Воой, ўлдим!” Бобо бунга ҳам қаноат қилмай, бир боғ бедага қадалган ўроқни олиб жағ-жағнинг ортидан ирғитди. Шувуллаб учган ўроқ тегса, жағ-жағнинг тирик қолиши даргумон эди. У жон уҳмида чап берди, ўроқ жағ-жағ паналаган тут танасига тегиб қадалиб қолди. Томошаталаб болалар бараварига бақирворишиди: “Ў-ҳ-ҳ-еј! Ууккағайди, бобоси, Чингачгук экан. Чингачгук!”, – чинқирди болалардан бири. Шу-шу гап тарқаб лақаби Чингачгук бўп кетди. Кичиклар тугул катталар ҳам уни Чингачгук деб чақирадиган бўлишди. Ҳа, ўша машҳур фильмдаги оқ танли ва қизил танлилар жанг-жадалидаги жасур, ҳиндулар қаҳрамони – Чингачгукка менгзалди бобо. Бу гапларга ўттиз йиллардан ошди-ёв...

Тол-туш. Жавзонинг жинғиртоб офтоби тифида бошим қайнаб қишлоқнинг тепасидаги Хўжаипок дарёсига қараб йўл солдим.

Бобонинг кулбаси қишлоқ тепасида, Хўжаипок ота дарёси бўйида. Кампири ўтгандан кейин бола-бакраси-нинг бакир-чакирига ҳам қарамай шу ерга – тубканинг тубига келиб олганига ҳам ўн йилдан ошайпти. Одам иси ёқмай қолди, бобога.

Отамнинг айтишича, тенг-тушлари чолни ўртага олиб: “Буйтиб элдан чиқиб кетма, тўй-маъракага қўшил, бола-чақанг ҳам ер чизиб қолаяпти, кампири ўлган бир сенми?..” – деб аччик-тизиқ гаплар қилсаям парвойига олмабди. Қайси бир йили хабар олгани борса бобомиз биргина отамга ёрилиб қопти: “Рахматбой, эркак киши бургут бўладими, лочин бўладими, қирғий бўладими, осмону фалак бўладими, гўр бўладими, аёли ўзидан олдин кетмасин экан, иним! Эр нима бўлса бўлаверсин, лекин хотин шўрлик тоғ бўларкан... Бургутниям, қирғийниям, осмонни ҳам кўтарадиган тоғ бўларкан, мени тушунаяпсизми, иним?” “Тушундим тоға, тушундим...”. “Тушунган бўлсангиз шу гап-да, иним!..” Мана – бобонинг топган гапи! Буни ҳеч бир иддаога, тангу тажангликка йўйиш керак эмас. Мўрт жойини метин, кемтигини бутун қиладиган инсон йўқ – бобо ёлғиз, вассалом.

“Мени нега чақиртиридийкин?...”

Ховли бош-адоқ йўнғичқазор. Кетмон сатҳидайгина жойга ўроқ теккан. Эндиғина ўрилган беда ҳиди димоққа гупиллаб урилади. Қишлоқни қишлоқ қилиб турган жиҳат ҳам аслида шулар; тонгда қайнаган сут иси, ўрилган беда, ўт-ўлан ҳиди, тандирдан тараалган нон бўйи, юлдузлар тўқилай-тўқилай деб турган ёз кечалари дала-боғлар ичра эсган сархуш бир эпкиннинг дил-дилингни, руҳиятингни тозартиб ўтиши.

Бобо телпак тут тагидаги супада қурдан қайтган қўр-бошига ўхшаб ўтирибди. Вой бу-я, бунчалар озодалиги-ни кўринг: эгнида қордай оппоқ яхтак-иштон, бошда оқ сурп гириллак дўппи. Эй-ей, бу йил соқол қўйибдими, ҳа, соқол қўйибди, қўйгандаям кузабгина, теп-текисгина қилиб қўйибди. Чол ўтган йилгига қараганда бирозгина чўккандай, озгандай туюлди менга.

Айтдим-ку, бобо мен билан чиқишиади, опоқ-чапоқ. Гурунгимиз гулхани гуруллади. У ёқ-бу ёққа от солиб, гап-гаштакнинг ҳам чангини чиқардик: бобо ҳам анчадан бери тўлиб ўтирган экан дилидагини дастурхон, тилидагини кенг жаҳон қилди. Йигитлигидан сўзлади: қўпкари, кураш, оғир-оғир меҳнату заҳматдан оғиз очди, бугунги замонларни алқади, нон мўл, ризқ сероб шу қунларни алқади, чолнинг офтобга чайнинган чеҳрасида шукроналик нури балқибгина турибди.

Мени нимага чақирдийкин? Шу гапларни айтиш учун чақиртирудимикин?

Орага сукут тушди. Бобо ўсиқ қошларининг орасида йилтиллаган ўткир кўзларини менга тикиди. Аъзойи-баданим жимиirlаб, юрагим орқага тортиб кетди. Чолнинг тиззасига белкуракдай бўлиб тушиб турган кўллари тит-раётганини пайқадим. Шундай бобо-я?

– Хўш (томуқ қирди)-хўш. Сени гапга етадиган бола деб биламан. Бу қишлоқда бу гапни сендан бош-қага айтмайман. Тушунгичдан кўра, кулгич қўп, нима дейсан? Болам, мени шу ҳаёт билан боғлаб турган ришта таранглашиб қолди, эрта-индин узилиб ҳам ке-тиши мумкин.

– Ундей деманг бобо...

– Менга қара, сен китоб ўқийсан, китоб ёзасан... Одамнинг кўнглига бир замонлар чўккан бир ажойиб меҳр сира-сира чиқиб кетмас экан-а! Одамнинг ичидагина порт-лайман, мана портлайман деб юравераркан-а? Шу нарсани

босиб, шу нарсага чидаб яшашнинг ўзи азоб экан-а. Нима дейсан?

– Нима ҳақда гапиряпсиз, бобо?

– Нима ҳақда гапираётганимни ўзинг бил, болам, ўзинг бил! Етмиш йилдан ошди бу ҳақда лом-мим демадим. Бирорга оғиз очиб тиш ёрмадим. Дардим ичимда бўлди, гардим сиртимда бўлди. Лекин ҳар куни хаёлимда турди. Мен уни ҳар куни ўйладим. Етмиш йилдан бери.

– Нима турди, бобо?!

Бобо жимиб қолди. Юзидан реза-реза тер оқди. Оғир хўрсинди:

– Уфф-ей! Кейинги икки ойдан бери тунора тушимга ҳам кирадиган бўлди.

Бобо кўрпачининг дўмпайиб турган жойини сидириб аллақайси замондан қолиб кетган ёстиқдай келадиган жигарранг жамодонни олди. Кўхна матоҳнинг ичини очди. Кўллари қалтираб, қоғоз-қуғозларни титкилаб эски бир сувратни олиб менга узатди. Сувратнинг четлари синиб, сатҳига сарғиш қуйинди ранг ўнгиган эди. Мен сувратда ҳарбий уст-бошдаги келишган, дароз, қадди-қоматидан куч-куват ёғилиб турган йигитни ҳамда унинг кўксига бош қўйган навниҳол, кўзлари юлдуздай порлок, кўнғир соchlари пилоткаси остидан чикиб, гўзал чехрасининг бир кисмини тўсиб турган, жуда-жуда чиройли қизни кўрдим. Сувратдаги йигит қаршимдаги Амир бобонинг навқирон, қирчиллама пайти ва бу суврат уруш йилларидан эсдалик эканлигини англашим.

Мен сувратни жамодонга солиб қўйдим.

– Болалигингда сенга кўп айтганман. Ёшимга етиб, ўн еттига тўлганимда қирқ учинчи йил урушга кетдим. Қаерларни босиб ўтдим, қайси шаҳарларда бўлдим эшигансан. Бугун сенга эшиганингни айтаман. Мен бу гапни ўзим билан олиб кетмайин, болам. Одамнинг юрагида гап кўп экан. Сен сувратда кўрган

пошкаста (Сурхондарёда қиз-жувонни шундай дейишиди) Белоруссиядан. Минскни озод қилган пайтим дуч келганман. Оғир ярадор эдим. Госпиталда тўрт ой мени даволади. Сўнг яна икки ой то тамом тузалиб кетганимча мендан ажралмади, мени боқиб-бовлиди хисоб. Ўзи емай, топганини менга ташиди. Шугинага мен ҳам кўнгил бериб эдим, болам. Госпиталдан чиқаётганимда изиллаб-изиллаб йиглади. Куйиб-куйиб йиглади. Вокзалгача титраб-қақшаб келди. Поездга чиқаётсам бўйнимга маҳкам ёпишиб, “Мен сени унутмайман. Сен ҳам мени унутма! Сен жуда узок яшайсан”, деб чинқирди. Ўзим ҳам бўларимча бўлдим, ич-ичимдан тўкилиб кетдим. “Унутмайман, сира унутмайман...”, дедим... Унинг исми Марта эди. Марта... Марта айтганидай бўлди. Мен уни мана шу бугунга қадар унутмадим, деярли ҳар куни бир марта эсга оламан, ишонасанми болам, деярли ҳар куни! Марта айтгандай бўлди – узок яшадим, Худога шукр тўқсондан ошдим. Марта айтгандай бўлди – ичимда, кўксимда яшади у... Мени, болам, тўқсонга кириб эсини еб қўйибди демагин, сен ундай демайсан, сен мени тушунасан, шунинг учун ҳам мен эртага омонатимни топширсам, оёқ узатсам мен билан, Амир бобонг билан бирга Марта деган жуда яхши бир инсон, жудаям чиройли бир аёл ҳам кўмилаётганини дунё билиб қўйсин дейман-да, болам... Инсоннинг қалбига гап кўп экан болам... Гап кўп экан.

Мен нима деяримни билмай ҳангуманг бўлиб ўтирибман, айни кўз ўнгимда ҳозиргина сувратда кўрганим жудаям гўзал, жилмайиб турган Марта гавдаланди. Кўнглим алланечук бўлиб, худди мен ҳам Мартани узок йиллардан бери биладигандайман, Марта менинг назаримда, муҳаббат тимсоли, севги рамзи бўлиб туюлади.

— Муҳаббат бу бобо! Муҳаббатнинг мангу қўшиғи бу бобо, – дейман...

– Ким билсин, болам, ким билсин! – Бобонинг нам кўзларидан нигоҳимни олиб қочаман. Қаршимдаги полвон, чавандозу чапани чол бир зумда кичрайиб қолгандай эди.

– Манавини кўр, ўғлим. – Бобо бош бармоқдаги тирнокдек келадиган ялтироқ темирни кўрсатди. – Буни икки курагимнинг ўртасини ковлаб олишган. Операциядан сўнг Марта берувди. Шуни сен олиб қўй. Йўқотма болам, ҳозир айтдинг-ку, муҳаббат бор деб, мангудинг-ку, болам. Шунинг учун ҳам узок яшадиммикин деб ўйлайман. Ол, олиб қўй! Сенда турсин, йўқотма. Вақти-соати келиб китоб-питоб ёзарсан...

Бобо жилмайди. Оқарган чехрасида синиқ табассумни илғадим. Унинг қаршисидан гурзи еган гулахдай бўлиб қайтдим – авзойи баданим қизиб бораради.

– Ҳа, болам, бобонг тузукма...

– Тузук, эна, тузук.

Кун бўйи бобони, Мартани ўйлаб юрдим. Ўйларимни тасвирласам адоги йўқ. На бир нарса ўқиёлдим, на бирор юмушга машғул бўлдим. Шу алфозда кеч кирди.

Тонгга яқин туш кўрибман. Ям-яшил майса қопланган ҳад-худудсиз кенглик бағридаги адирлиқда бош-оёқ ҳарир оқ либосга бурканган Марта менга қўл чўзиб имляяпти. Шу пайт ўртада Амир бобо пайдо бўлди. Эгнида бугунги уст-бош оқ яктак, оқ иштон. Бобо менинг кўкрагимдан итарди-да, ўзи шаҳд бурилиб адирлик томон – Марта сари вазнсиз бир ҳолатда юриб кетди.

Кўз очдим. Пешайвон эшиги олдида қўшнимиз Рахмон амакининг синиқ ва маҳзун овози бутун борлиғимга титроқ солди:

– Кўшни, одам боласиники шу эканда-а, эшитдингизми... Чингачгук бобо ҳам кетиб қолибди.

– Пешинда-да...

– Қачон чиқаришар экан?

– Бобо яхши одам эди. Кечагина ўғлим бориб гаплашиб келувди. Энасига бобом яхши деган экан...

Мен түшакни юзимга босиб ўкириб йифлаб юбордим...

* * *

PS. Орадан олти ой ўтди. Мен Минск шахри ҳарбий комиссариатидан хат олдим. Хатдаги ёзув: "...Кичик лейтенант Марта Павловна Подольская. 1925 йил 6 мартда Минск шахрида туғилган. 1944 йил 17 июнда ҳалок бўлган...".

Ҳар гал қишлоққа борганимда Амир ота қабрини зиёрат қиласман. Қабр тошидаги ёзувга кўзим тушади: "Амир ота Мурод ўғли 1925 йил 6 мартда туғилган – 2015 йил 17 июнда вафот этган". Қабр тепасида туриб тирноқдеккина темир парчаси кафтимни чўғдек қиздираётганини ҳис қиласман.





ҚОРБОБО

Тош йиғлади, сув ёнди. Юзининг иссиғи ерни күйдіраяпти – ошнам Азизнинг қуюшқони кирмоч қовураётган қилифидан бу гал ўзимни қўярга жой тополмадим. Тентак, Москвага кетаман, Янги йилни ўша ерда кутаман, Ольгани кўраман, дейди. Шунча пайтгача дардидан дами қайтиб яшаётганмиш. Кўзига ёш олгандай бўлдими-ей. Унинг довдир-совдирлигига ўрганиб қолган бўлсам ҳам жаҳлим чиқди. Элликнинг остонасида турган азза-базза одамнинг ақл жилови узилса шайтоннинг куни туғади. Эртага Янги йил, Москвада сенга кимнинг кўзи учиб турибди... денг.

Кўнглимдагини уқди. “Тўппа-тўғри Гришага учрашман. Режа тузиб қўйибман...”, деди.

– Кайф-пайфинг йўғ-а? Ичмагансан-а? – дейман ажабланиб.

У менга шундай ўқинчу надомат ва ачиниш ҳисси ила термулдики, доною донишманд қархисида изза бўлган нотовондай довдираб қолдим.

Орамизда яна кўйўп гап-сўзлар кечди. Ёзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У ўрнидан туриб, менга қўл узатди, хайрлашмоқчи:

– Ҳайдовчимга жавоб бердим. Ўзим рулдаман. Машинани сеникида қолдирман. Юкхонада битта тандир, мева-чева бор. – У менга ўзича ўқрайган бўлди. – Сенгамас, бола-чақангга. Бўпти, мен кетдим. Йўқ, ўрнингдан жилма, кузатма. Ҳозир майда-чуйда ишларим бор. Кечқурун аэропортга чиқаман. Бориш-келишга билетим бор. Биринчи январь куни қайтаман.

У шаҳд билан чиқиб кетди. Оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди – нима ҳам дейин?

Азиз – жонтомир ошнам. Вилоятда яшайди. Бообруй бир идорада бошлиқ ҳам. Иш юзасидан пойтахтга тез-тез келиб туради. Ҳалиги шиша жини билан томоғини қўпроқ ҳўлласа бас, ўртаниб-ўртаниб, куйиб-куйиб гапиради, суйиб-суйиб гапиради, шу топда Ольгани жуда-жуда кўргиси келаётганини англайман.

Азизнинг қалб тубида яширинган тип-тиник хотира уммонида ўша манзаралар, Ольганинг ёп-ёниқ чехраси қалқиб чиқаётганини ҳис қиласман. Навқиронлик фаслиниң зангор осмонида порлаган муҳаббат қуёши урушнинг зимистон-қаҳрли кунларини ёритиб, илитиб турганини ҳам англайман. Азиз йигит умрини қон гирдобига улоқтирган даҳшатли уруш тўполонлари ичидан порлаб очилган қип-қизил атиргулни, урушга, беомон ва бетутурук ҳаётга мазмун баҳш этган ўша чўғдай оловгул – Ольгани қўмсаబ қоларди. У Ольганинг ёниқ дийдоридан рўшнолик топиш учун ўша Худо қарғаган кунларини яна бир бор кўришни истаётганини, бу мислсиз хилқат васлида ҳамма нарсага розилигини ҳам сезардим. Бу ҳолатни, албатта, изоҳлашга ожизлик қиласман, фақат Инсон қалби ўртанса одам тугул олам титрайди, муҳаббатдан қудратли куч йўқ, дея оламан.

Азиз билан бир взводда, битта ҳарбий машинада жанг қиласлик. Кўпинча қисм тиббиёт бўлимидан лейтенант Ольга Григорьевна ҳам қўшилиб жангта чиқарди. Шунда биз қисм тиббиёт бўлими тасарруфига ўтардик. Ярадор ва ўликларни таширдик. Бошимиздан кечирган азоб-укубатларнинг чегараси йўқ, ҳар бири бир китобнинг белини буқадиган оғриқли хотиралар. Буларни ўрни келса ёзаман, ўрни келмаса... ўзим билан бирга олиб кетаман.

Ольга қўхлиқ ва кўримли, адлқад, маъсум чехрасида табассум ёйилса мовий кўзлари янада порлаб кетадиган,

пилоткаси остидан шовуллаб ўйнаб турган күнғир олтинтус сочлари хүснига зебу-зийнат урган хушчирой жувон эди. Биздан нари борса икки ё уч баҳорни ортиқ күрган шу хилқатни бу ерларда бизга қўшилиб сарсону саргардон бўлиб, сандирақлаб юриши эса тақдирнинг тухфаси ё қарғиши эди... Хуллас, Азиз яна ана шу гўзал жувонга олдин хирс, сўнг ҳис билан боғлиғу бекарор бўлди.

Бир тун қуршовда қолдик. Пиёдалар жанговар машинаси экипажи –механик Иван Юхумик, отувчи-оператор Азиз, экипаж командири камина ҳамда лейтенант Ольга Григорьевна зимистон қўйнидаги кўргон деворларига елкамизни тираган кўйи эзib ураётган ёмғир остида шоли-шалаббо бўлиб миқ этмай ўтирадик. Ивиб-илвираган девордан изган лой парчалари гимнастёркам ёқасидан сизиб кирап, аъзойи-баданимга худди муздай бақа ўликлари сирғалиб кираётганга ўхшар, бошқаларни билмадиму, менинг кўнглим лоҳас бўлиб, этим жунжикар, юзимга ўлим нафаси уриларди. Йўқ, бошқалар ҳам мендан баттар аҳволда эдилар.

Ҳар-ҳар замонда қўл-оёғимни қимирлатиб қўяман, тани-жоним акашак, лекин тириклигимни ҳис қиласман, хавф-хатардан чўчиб, қоронғилик қаърига термуламан, кўзларим зўриқиб ачишади.

Туннинг кексайиши оғир кўчди.

Тонг хира отган пайт. Ёнимга қарадим. Азиз Ольгани гавдаси билан тўсиб, қучиб олган, унга зирху қалқон.

Қаршимизда, пастликда ивирсиган ола-кула шарпаларни илғадим, Юхумик қўрғоннинг қўпорилиб тушган тарафига бош ирғаб ишора қилди. Тўртовимиз ҳам жон уҳмида ўша ёққа югурдик. Бошимизда чийиллаб ўқлар уча бошлади. Ич-ичим узилгудай бўлиб чопдим. Ҳаммамиз ўқдай бўлиб учдик. Қўрғондан чиқишимиз ҳамоно ток новдалари чўзилган пушталарни кесиб ўтган ариқ ичига отилдик. Минамёт портлади. Биз қўрғондан чиқиб

олгандик. Бизниkilар қўрғонни ўққа тутиб бизни химоя қилиб туришди. Ариқдан чиқиб ротамиз бронъяси жойлашган томонга қараб елдик. Ёнгинамизда яна минамёт портлади. Ерга юзтубан қулаган Азиз чинқириб дод со-лаяпти. Уни тортқилаб судрай бошладик, Ольга унинг лойга беланган шими устидан иккита ампула урди...

Азиз тиббиёт бўлимида икки ой ётди. Ольга уни госпиталга юбортиrmади. Ўзи қаради. Қачон Азизни кўргани борсам, ёнида Ольга бўларди.

Хизмат ўлгур ҳам охирлаб қолганди. Азизга биздан бир ой олдин уйига жавоб беришди. Уни кузатгани чиқдик. Ольга ўзини қувноқ тутди, жилмайиб хайрлашди, юзида синиқ табассум зухур эди. Вертолёт ҳавога кўтарилигандан у атрофга анграйиб қаради, сўнг... сўнг ерга ўтириб олди-да, юзини икки кафти билан яшириб уввос тортиб йиғлади. Биз карахт эдик... Дамимизни ичимизга ютдик...

...Ана шундай гаплар. Орадан қанча йиллар ўтди, Азизнинг бугунги ташрифи туфайли ўша кунларни эсладим, сиз ҳам билинг дедим. Юрагимда оғриқли энтикиш ҳисси, ёшлигимнинг йиллар ўтган сайин яқинлашиб келаётган ёниқ хотиралари тафтини туйдим.

...Икки кун ўтиб Азиз келди. Шунча қистадим, уйга кирмади.

– Келин, бола-бақранг билан ҳол-аҳвол сўрашдим. Бўлади шу! Юр уйингда тикилиб ўтирмай, бирорта кафе-мафега борайлик, – деди ҳовлиқиб.

Гапини қаранг, кўнглига келадиям демайди.

Шаҳар четидаги одми, одам сийрак кафелардан бирида ўтирибмиз.

– Бориб келдим, жўра, бордим. Гришанинг отасига раҳмат, калласи воооо – мундай ишлайди, – дейди Азиз бош бармоғини зўр ишорасида кўрсатиб.

– Уни кўрдингми?

- Кўрдим. Гриша берган манзил бўйича бордим.
- Гаплашдингми?
- Гаплашдим...
- Нималар деди?
- Деярли ҳеч нарса. Мен Қорбобо кийимини кийиб, башарамга соқол уриб, Қорбобо бўлиб бордим. Гришанинг қизи, о-о-о, Аня, мунча ақлли десанг, Аня қорқиз бўлди. Ўзиям Гриша Афғондаям зўр жангчи эди. Ҳалиям зўр дегин. Бизнеси катта экан...
- Гришани қўй. Ольгадан гапир...
- Ҳмм...м – У энтикади. Оғир хўрсинади, ютинади – Ольга жудаям гўзал. Почти ўзгармабди.
- Кейин-чи?
- Хўш... Мен Қорбобо бўлиб бордим... Невараси, қрамағизгина Антон билан бирга экан. Гришанинг қизи уни роса ўйнатди, мен совға-салом улашдим...
- Ё, Худо, бу ақлдан озганга ўхшайди.
- Менга қара, Ольгага нима дединг? Ольгадан гапирсанг-чи, тентак...
- Қорбобо бўлиб келдим, дедим.
- Сизга ўғлим буюртма берганмиди? – деди.
- Ха, дедим.
- Ҳали замон ўғлим ва келиним ҳам келишади.
- Шу маҳал эшик жиринглади... Остонада ўттизга кириб-кирмаган қоракош, қоракўз навқирон ўғлон суксур-деккина бир жувон билан туришибди. Улар Ольгани қучиб табриклишади.
- Азизчик, кел болам. Келинглар! Мана Қорбобо ҳам келди, – деди Ольга.
- У кўз ёшларини тиёлмайди:
- Ишонасанми, йигит менинг қуиб қўйгандек ўзим эди. Мен ўзимнинг ўттиз ёшимни кўрдим.
- Йигит менга ажабсиниб қаради:
- Мен Қорбобо чақирмагандим, – деди кулиб.

Довдираб-совдираб безатилган арчага урилиб кетдим.

– Мен... мен... мен, адашибман, дедим.

У-у-у, отахон, анчагина отиб олибсан-ку, – деди у.

– Мен лолу жим эдим. Мик этмай чиқиб кетдим. Күз олдим тиниб, атроф гир-гир айланаверди. Кенг күча че-тида бөхол-бемадор ўтириб қолдим. Гришанинг қизи так-си тўхтатди, уйига олиб келди. Янги йилни Гриша билан қарши олдим... Эрталаб албатта Ольганинг ёнига бораман деб аҳд қилдим. Шишанинг кучи билан айтган эканман, эрталаб журъатим етмади боришга. Дунё кўзимга зимис-тон бўлди. Мен бундай бўлишини сира ўйламовдим.

Мен ўзимдан нафратландим, ожизлигимдан нафрат-ландим.

– Демак?

– Ҳа... Ҳа... нима десанг шу!

У менга алланечук илинж билан қараб туарди. Кўзла-ридан ёш сизмоқда.

– Энди нима қилай?

Хаёлимга илкис келган фикрни айтдим:

– Икковимиз борамиз. Бирга борамиз, Қорбобожон!

У мени маҳкам қучди. Мен ҳам кўз ёшларимни тиёл-масдим.

– Борамизми?, – деди ихраб.

– Борамиз!

Айтинг, унга бошқа нима ҳам дердим?



КИЧИК ҲИКОЯЛАР

УРУШ

Кизалоқ олти ёшда.

Дийдаси тош эди.

Деразадан ташқари қаради.

Күчада уруш.

Пардани тортди.

Оғир-оғир юриб стол ёнига келди. Тик турган алфозда оппоқ қоғозга ажи-бужи қилиб ёзди: “Кетдим. Уруш тугаса менга хабар беринглар. Қайтиб келаман...”

Кизни онаси олис-олисларга олиб кетди.

Вақт ўтди. Вақт учди. Ўша олис-олисларда бир қабр пайдо бўлди. Қабртошда ажи-бужи ҳарфлар билан шундай ёзилганди: “Кетдим. Уруш тугаса хабар беринглар. Қайтиб келаман...”



УСТУН

Сочимни олдириб келдим. Тап-такир бошимга разм солиб отам хўрсинди.

- Кетаяпман, дегин.
- Кетаяпман, ота.
- Қаергалиги маълум бўлдими?
- Маълум. Афғонга дейишаяпти. Яна... ким билсин?
- Совуқ хабарнинг ёлғони бўлмайди. Демак, урушга кетяпсан...

Отам бошини сарак-сарак қилди. Оғир уҳ тортди – ўпка-жигари узилиб кетгандай ихради.: “Хой бола-я, хой бола...” Ичидан бир ихроқ отилди. Устунга суюниб, менга тош қотиб термулиб турди.

– Отамни уруш ўлдирганини биласан-а, – деди ниҳоят. – Уч ёшимда етим қолдим. Отам мени етим қилди. Лекин, лекин сен мени етим қилма, болам,.. – Отам ўпкаси тўлиб ўкириб йиғлаб юборди.

Оёқ-қўлим бўшашиб, силлам қуриб супага ўтириб қолдим.

Назаримда, шу устун бўлмаганда отам қулаб тушарди, назаримда, шу устун отамнинг бошидаги осмонни ҳам суюб туради.

Урушга кетдим. Ўт-олов, ўқ ичида саргардон кезларимда кулоқларим остида бир ялинч жаранглаб турди: “...Сен мени етим қилма, болам!..” Госпиталда тиф остида ётганимда ўша илтижо жаранглади: “Сен мени етим қилма, болам...”

Даҳшатли жанглар олдидан Парвардигорга ялиндим: “Эй, худо, ўзинг асра, мен ўлмайин, отам етим қолмасин...”

Мен қайтдим. Мен бир урушни кўрдим. Отам икки урушни – мен ва отаси туфайли икки урушни кўрди. Тўғри, урушнинг катта-кичиги бўлмайди. Факат бир нарса таскин беради: “Менинг урушим” отамни етим қилмади.

Худога шукр, отажоним ҳаёт! Умри узок бўлсин, саксон ёшга қараб юраяпти. Ҳовлимиз ўртасида ўша устун ҳали ҳам турибди. Якинда мен устун атрофига тўртбурчак қилиб одам бели баробарида мармар девор тортдим. Мен бу ишни энди ҳеч ким устунга суяномасин деган ўй билан қилдим. Чунки, устунни ағдариб ташлашга журъатим етмади. Чунки, у оғир кунда отамни суяган эди, мен отамга устун бўлолмаган кез устун отамга бир ўғилдай суянч бўлган эди.



ЗАМОН

Қосим бобо қазо килди. Урушнинг охири тирик гувоҳи ҳам кетди: жанозага бутун қишлоқ аҳли жам тортди.

Турди махсум майитни ювди.

Махсум ташқарига чиқди. Тол тагига чўқди. Эзилди. “Сўнгги жангчи бова ҳам кетди. Берлиннинг кўксига байроқ урган тўдада менам бор эдим, деб кўксига муштларди, раҳматли”, – эслади махсум.

Махсум ичкарида нимасинидир қолдириб келгандай безовталанди. Кўйнига қўл солди. Турибди. Носқовоғи турибди.

Марҳумни мозоротга олиб боришиди. Мулла жаноза ўқияпти.

Туйкус... Туйкус тобутда қўлтелефон жиринглай кетди.

Мулла бир сесканди, одамлар икки қалқди. Ҳамма тош қотди.

Бу совуқ жарангни ҳатто мурдалар ҳам эшигти.

Махсум чаён чаққандай бир сапчиди.

Шунда Холмурод бово ўрнидан даст туриб қичкириб юборди:

– Халойик, Қосим акам самалутга чиқаётганда, ўпкаси шундай жарангларди. Бу аскулка, биродарлар! Аскулка!

Бу гапни ҳеч ким мушоҳада қилиб ўтиrmади. Мушоҳаданинг мавриди эмасди. Мурдани кўмишди.



БИР БУРДА НОН

Умрининг сўнгги куни қазоси кўзига кир бўлиб кўринган дам кекса генерал ўғлини ёнига чақирди.

– Ота, сен ҳали кўп яшайсан. Бу нима деганинг. Тобинг қочди, холос.

– Гапимга қулоқ сол, ўғлим...

– Йўқ, гапирма! Хоҳласанг бутун Воронежни остинустун қиламан, Россияни оёққа турғизаман, анқонинг уруғи қўшилган дори-дармон бўлсаям топиб келаман, хоҳласанг, ҳозироқ чет элга олиб учаман, ўша ёқда даволатаман. Faқат ўлим ҳақида гапирма, жон ота...

Ўғлон йиғлаб тиз чўкди. Отасининг тўшакда тобора ҳолсизланиб бораётган титроқ кўлларини ўпди.

– Нима десам қиласан-а? – чол лаблари тамшаниб илтижоли боқди.

– Ҳа, ота! Айт. Faқат... фақат...

– Зоғора нон егим келаяпти. Ўзбек тандирида қип-қизарив, қотиб пишган зоғора нон...

Ўғил ҳайратланиб қаради.

– Қирқ иккинчи йили хандакда ётганимизда лейтенант Шарапов ён чўнтағидан олиб берувди. Жуда лаззатли, чети бироз куйган, лекин жуда ширин, қотган, қип-қизарив пишган бир бурда нон. Зоғора нон.

Ўғилнинг ботинида бир ўқрик тўлғонди. Ота давом этди:

– Фарғона деган жой бор. Тоғ тагидаги қишлоқ. Тонг чоғи қуёш қишлоққа жуда яқинлашиб келаркан. Тоғдан шарқираб тушган Оқсой суви қишлоқни иккига бўлиб

окади. Одамлар ҳовли эшиклариға кулф солишмайди. Ҳар бир хонадонда тандир бор. Ҳар бир уйда эрталаб тандир ёнади. Ҳар бир тандирдан офтоби нон чиқади – офтоб чиқади. Ана тим қора сочини занжир қилиб ўрган навниҳол, гўзал ўзбек қизи тандирга ўтин ташлаяпти. Ҳовлиларда, ишкомларда саватдай-саватдай бўлиб узумлар осилиб ётиди. Боғларда мевалар ғарқ... Эй-эй, Шарапов, сенмисан оғайни!? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. У-хув, ўзгармабсан-а. Юрting чиндан ҳам эртакдагидай гўзал экан, биродар. Эй, бу зоғора нон-ку. Раҳмат оғайни, унутмабсан-а... Шу нонни соғинганимни қаердан билдинг, Шарапов.

Бемор генералнинг хаёли улоқди. Ҳамшира томирига укол урди. Укол таъсир қилмади. Чол яна алмойи-жалмойи гапириб алаҳсий бошлади.

– Шарапов, доим бир гапни кўп гапирасан: “Бир бурда нонга одамнинг қорни тўяди...” – дейсан. Ҳак айтасан. Мана бир бурда нонга қорним тўйди-ку. Лекин... Одамзод нега шуни тушуниб етмайди? Нега одамзод бир бурда нонга қорни тўйса ҳам очкўзлик билан бир-бирини ғажийди. Уруш қиласи, Шарапов?! Агар буни тушунганда эди ер юзи тинч бўларди, ер юзида уруш бўлмас эди... Сен билган оддий гапни бугун бутун дунё тушунишини истайман, Шарапов.

Чол жимиб қолди. Хонага оғир сукунат чўкди. Сўнг бир тўлғониб, ҳансирали, сўниб бораётган нигоҳини тепасидаги ўғлига тикди.

Алигарх титраб-қақшаб турарди. Генералнинг сўниқ чехрасида туйкус майин табассум ёйилди. Енгил нафас олиб:

– Бир бурда нон... Бир бурда нон ҳаммамизга етади, – деди ҳорғин ва титроқли овозда.

Бу унинг сўнгти гапи эди.



ЭТИКЧАЛАР

Бу урушда этикчалар эгасиз қолди.

Аёл этикчаларни хона бурчагига олиб бориб қўйди.

– Қани ўгирилиб тур, – дея этикчалар тумшуғини деворга тақади.

Эгасиз этикчалар девор бурчида чорак соат турди.

Аёлнинг раҳми келди:

– Бошқа тўполон қилмагина, хўпми?! У этикчаларни кўксига босди. Сўнг стулчага олиб келиб қўйди:

– Қани, энди овқатингни еб ол!..

Аёл этикчаларга узоқ тикилиб турди. Нимадир ёдига тушгандай бўлди. Сўнг... сўнг... чинқириб йиғлаб юборди.

Этикчалар сохибаси бор-йўғи олти ёшдагина эди.



ВАТАН НИМА?

Тавба қилдим, баъзида одамнинг хаёлидан ўтган воқеа содир бўлади. Шунинг учун ҳадеб ёмон хаёлларга бора-вермаслик керак. Катта энам раҳматли: “Ёмон хаёл қамални, яхши хаёл ҳамални чақиради...” дер эди.

Пойтахтдан минг чақирим нарида адабий учрашув бўларкан. Бир гурух адиблар сафида мен ҳам борадиган бўлдим. Манзилни эшиғиб юрагим шиф этди: “Илҳомнинг онаси ҳам қатнашади. Онаси мендан Илҳомни сўнгги бор сен кўргансан... Айт, боламга нима бўлувди, болам сенга нима девди... деб сўроққа тутади”, деган ўй ўтди хаёлимдан. Ҳатто онаизорнинг қиёфаси ҳам кўз ўнгимда гавдаланди.

Орадан ўттиз йилга яқин вакт ўтаяпти. Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани ҳақида гап кетса, тамом, Илҳомни эслайман. Мен ўша дамлар, айни қирчиллама ёшимда, ўша ерда Манғит деган шаҳарча борлигини илк бор Илҳомдан эшитганман...

Самолётдан тушаяпману ҳамон алланечук хавотир юрагимни тимдалаяпти. Худди кимдир мени таъқиб этаётганга ўхшайди. Елкамга кимнингдир кўзлари қадалиб тургандай бўлади. Илҳомнинг нигоҳи қадалиб қолган елкамга. Мен уни аниқ-тиниқ кўраман... Менинг оёқ-кўлим қалтирагандай бўлади, оний лаҳзада. Чунки, Илҳомни елкамга кўтариб олганман. Агар мен Илҳомни олиб кетмасам, Илҳом бу ерларда қолиб кетади. Агар Илҳом қолиб кетса уни душман олиб кетади, уни нимта-нимта қилишади... Чунки... биз...

Хаёл инсонда қандай пайдо бўлади? Буни билмайман. Хаёлни инсон тизгинлай олмайди, хаёл инсонга бўйсунмайди, шуни биламан. Аэропортда машинага ўтираётганимизда ҳамроҳим ажабланди:

- Бизни кутиб олгани шу ернинг ёшуллиларидан бири ҳам чиқибди. Нега сўрашмадингиз?
- А-а?!
- Эй-ей, нега паришонсиз? Тобингиз йўқми?
- Яхшиман. Бир гап, шу, мен бошқа бирорта туманга борсам, бўлмасмикан?
- Мумкинмас. Рўйхат кетган. Ўзгармайди.

Майли, рўйхатинг ўзгармаса ўзгармай қўя қолсин...

Машина сахрони қоқ ёриб ўтган йўлдан шамолни қайириб ўқдай учади. Бироқ саҳро ўз жойидан қимир этмайди. Гўёки мен оёқ-қўлим боғлиқ ҳолда қисмат уловида ўзим хоҳламаган манзил сари ноилож ва ночор кетиб бормоқдаман.

Тақдир улоқтирса одам боласи палахмон тошига айланади, ўзи истамаган жойга бориб тушаверади. Худди менинг, Илҳомнинг ёшлиги каби.

Хаёл яна менга, фақат менинг ўзимга томоша қўйиб беради – мен бу томошада ўзимни, Илҳомни кўраман.

...Тоғда жанг. Қиёмат қойим. Агар топтамоқчи бўлсанг ўзга юртнинг тоши ҳам, гиёҳи ҳам сенга қарши уруш очади – ўқ отади. Бироннинг юртига босқин қилган биз шўрликларга қарши ўша юртнинг ҳар бир майса, тоши, гилу қуми ўт очаяпти – бошимизда ўқбўрон гувлайди. Кўз очолмаймиз. Харсанг панасига бош уришдан ўзга чора йўқ. Биз тепаликка чиқолмадик. Тоғ йўл бермади. Тоғ бизни ўз этагидан худди курт-қумурскани силкиб, тўкиб ташлагани каби пастликка улоқтириб ташлади – биз чекиндик, жонимиз ҳалқумимизга тиқилиб, эмаклаб-эмаклаб қочдик, шармисор бўлиб қочдик. Взводнинг ярми тутдай тўкилди, взводнинг ярми қирилиб кетди. Қирил-

ганинг жони, қирилмаганнинг юзидан қони кетди. Тоғ адогига етдик-етдик деганда асаби дош бермади чоғи, Илҳом ўрнидан туриб пастга қараб югура кетди. У ўзини текисликдаги бутазор ичига урмоқчи эди. Бир маҳал жойида таққа тўхтаб қолди, бир қўлини ҳаволатиб, ортга бир силтанди-да, ониятда тик қотиб, кейин елкаси билан қулади. У ўқдан тез учаман деб ўйловди. Йўқ, у ўққа учди.

Мен юзтубан ҳолимда юзидан сўл қочган Илҳомни тортқилаб, судрай бошладим, у ихроқ азобида нималардир деб ғулдиради. Юзига юзимни босиб, бошини силайвердим, нега бундай қилаётганимни билмайман, шундай қилсан юзимдан ҳарорат, жонимдан жон ўтади, деб ўйлаган бўлсан керак-да. Шундай қилсан, унга енгил бўлади, у тирик қолади, деб ўйлаган бўлсан керак-да. Эй-ей, менинг фўргина ёшлигим-а...

Илҳом ўхчий бошлади. Қон сизаётган лаблари пирпирди. Ичидан ожиз бир ингроқ отилди:

– Ўлигим... Ўлигим қолиб кетмасин... Олиб кет бу ердан.

Илҳомнинг сўнгги гапи шу бўлди. Жони узилди...

– Шоир, нега хаёл суреб қолдингиз? Нукусда қолмаганингизга хафасиз-а? – деди ҳамроҳим илжайиб.

Мен нима ғамдаману, қубизим нима ғамда. У олис йўлда азоб тортди деб ўйлаяпти. Ичимдаги сабр тоши чил синади:

– Биз бу ерга нимага келдик, умуман Амударёга нега бораяпмиз? – дейман томдан тараша тушгандай.

Ҳамроҳим эсанкираб қолади.

– Ватан ҳақида гапиргани, – дейди у авзойим бузуклигидан энсаси қотиб.

– Ватан нима эканлигини мен ёшлигимда ҳис қилганиман. Ватаннинг моҳиятини менга ўн саккиз ёшида жон бераётган дўстим ўргатган.

– Тушунмадим.

– Эҳтимол, тушунмаганингиз яхши. Тушунмайсиз...

– Бу нима деганингиз?

– Ўша раҳматли дўстим менга ўликлар ҳам ўз Ватанини соғинишини, ўликлар ҳам ўз танасини Ватан тупроғи билан қоришиб кетишини исташини, ўликлар ҳам Ватан танлашини ўргатиб кетган. “Жасадим бу ерларда қолиб кетмасин...”, деб инграган аскар илтижосида инсон қалби изоҳлашга ожизлик қиласидиган буюк бир туйғу бор... Биз ана шу туйғуни ҳис қилишимиз керак.

– Нега бу гапларни айтаяпсиз?

– Чунки менга Ватан моҳиятини ўргатган ўша ўғлон туғилиб ўсган тупрокка оёқ қўйяпмиз. Ҳозир биз ўша ўғлоннинг овулдошлари билан учрашамиз... Айниқса, мен учун бу оғир... Сиз буни...

Учрашув жонли кечди. Адабиётни, шоиру адабни севган элнинг қарсаклари зални ларзага келтиради. Менинг юрагим безовта, кўнглимда бир титроқ, ҳадик... Залга аланглайман. Худога шукр, тадбир ниҳоя топди. Ўзимни енгил ҳис этиб ташқарига чиқдим. Йўл четидаги машиналарга ўтираяпмиз. Орқа эшикни очиб, энди ичкарилайман деб турувдим, костюмим баридан кимдир тортгандай бўлди. Юрагим шув этди. Ўгирилиб қарадим. Қаршимда озғин, новча, чўзиқ юзи ва тор пешонасини ажин босган, ботиқ ва тим қора кўзлари порлок, дурраси остидан чиқиб турган бир тутам кумуш сочи чехрасига ярашиқ, истарали, қирқ беш ёшлар чамасидаги аёлни кўрдим.

– Раҳмат сизга, – деди у. – Манавини олинг, – эгнига мос ипакгул халат чўнтағидан конверт олиб узатди.

– Нима бу?

– Йўлда кўтарсиз... Биз ҳам сизни яхши кўрамиз. Хайр.

У бурилиб кетди. Мен машина ўриндиғига чўқдим. Машина жилиши ҳамоно конвертни очдим. Титраб кетдим. Дўстим Илҳом иккаламизнинг жанг олдидан бирга

тушган суратимиз кўлимни куйдирап, бу оташ бутун борлиғимни чулғаб олганди.

– Тўхтатинг. Тўхтат машинани!! – деб қичқирдим.

Мен катта йўлнинг қоқ ўртасида анчагача серрайиб қолдим. Сўнг оёқ-кўлим бўшашиб яна машинага ўтирдим.

Илҳом... менга баъзида айтар эди: “Омон-эсон борсак, синглим бизга қирмич қилиб беради. У қирмични боплайди”, дерди...

– Қирмич нима? – дердим.

– Юпқа қилиб ёйилган хамирга гўшт солиб ўраб қовуришади. “Перашка”га ўхшайди. Бироқ жуда мазали, – дерди у.

– Синглинг неча ёшда? – дердим.

– Мендан икки ёш кичкина. Ўн еттига тўляяпти, – дерди.

Сўнг менга қараб пўписа қиласди:

– Илжайма, нега илжаясан?

Йўл-йўлакай ўйлаб бордим: синглисининг исми ким эди? Исми ким эди? Нодирамиди? Назирамиди? Нигорамиди? Йўқ, Назира эди... Назира...

Сурат ортидаги ажи-бужи қилиб ёзилган ўз дасхатимга кўзим тушди: “Назира, биз сени яхши кўрамиз... Афғонистон. Панжшер. 1987 йил, 8 май”.

Кўзларимда филқиллаб ёш айланади. Машина сахрони тарс ёриб ўтган йўлда учиб боради...



КҮКСИМДАГИ КАВКАЗИМ

– Дедуля откуда вы? Из Таджикистан? Пакистан?
– Нет из Джахонистан!

Ойна ортидаги эсни оғдирап даражасидаги сулув қиз оппоқ чехрасига ним табассум ёйилиб, кавказ гўзаллари учун илоҳий инъом катта-катта, ёниқ, юлдуздай порлоқ, тим қора кўзларини менга тикади. Унинг шу ўтиришида ҳам адлқад экани маълум. Елкасига шовуллаб тушиб, тўлқинланиб турган тим қора соchlари, нимёй қора қошли-ри орасидаги уйғунлик ичра алоҳида жозибадор туюлган биргина олма ёноғини таърифлаш учун каминада мажол йўқ. Яратган ундан ҳусни-латофатни аямаган эди. Қиздан қарасанг ҳам қарайсан, қарамасанг ҳам... деган нафис иддао таралиб турарди.

Анграйиб қолганман чоғи:

– Джахонистан, где это Джахонистан?, – деган сас келди.
– Джахонистан – это Узбекистан! – Унга шуни ҳам билмайсанми, дегандай иддаоли қарайман. – Чунки, Ўзбекистонда жаҳоннинг барча мўъжизаси, гўзаллиги, саховати, жозибаси мужассам. Қиз паспортимни очиб, термулиб туради. “Узбекистан... Узбекистан...”, – дейди ва яна бир қараб қўяди. Эс-хушимни йиғиб олдим. Унинг бундай беписандлиги менга малол келди. Гўзал бўлсанг ўзингга, ўзбекнинг би-ир санамлари бор, сочининг шамоли сени қулатади, бу ерда мусофиричиликда кўзга сағал яхшироқ кўриндинг-да, ойимқиз.

– Хўш, қаерда вактинча рўйхатда турибсиз? – дейди у энди кибр билан.

– Санаторийда. “Ўзбекистон” санаторийсида. Катта бобом қонуний хатлаб олган ўзимизнинг санаторийда.

У энди ажабсиниб қарайди. Кавказда-я? Катта бобоси қурган ва ўзининг номига расму русумини адо қилиб олган бундай жой қаерда экан, деб ҳайратга чўмаяпти, деб ўйлайман. Йўқ, у биларкан. Бизнинг сиҳатгоҳимиз, ўзбекларнинг сиҳатгоҳи, Кавказнинг манаман деган энг баҳаво жойида кўр тўкиб турганидан хабардор экан.

– Тушунарли. Хўш, қани ўша қоғоз?

– Қанақа қоғоз?

– Рўйхатга олингандигиз ҳақидаги қоғоз.

Довдирайман. Шу пул шунчалик зарил бўлмаганда, мен бунинг олдида, току тоқат қилиб, шунча пайт навбат кутиб турмасдим. Ўғлим хориждан “Вестерн Юнион” орқали пул жўнатган эди. Шуни Кисловодскнинг ўзида ҳам олаверсам бўларди. Сиҳатгоҳнинг бикинида банк бор. Нима хаёл билан, Пятигорскни ҳам томоша қиласай, банкка тушиб, сўнг дўстим Аҳмарнинг уйига совға-салом оламан, дебман. Мана, Пятигорскдаги ахвол.

– Бусиз мумкинмас, беролмайман, – дейди банк маликаси.

– Нима қиласай? Яна сиҳатгоҳга бориб ўша қоғозни ёздириб келайми? – дейман оғриниб.

Қиз яна паспортимни титкилади, ўзича жилмайиб қўяди-да, компьютер тугмаларини боса бошлиди. “Хайрият, ёзяпти...”. Мен қўлимда қамиштўрга солинган “Гурвак” қовунни дарича ёнидаги катта столга қўяман. Кичкинагина бўлса ҳам зил-замбил. Қўлим толиб кетди. Мен буни не бир азобларда топмадим. Кавказга учәётиб, дўстим Нуриллага қўнғироқ қилдим. Бу анқосифат арзанда фақат Қорақалпоқнинг Беруний тумани томонларда, Хоразмда бўлади.

– Калланг борми? Шу маҳалда “Гурвак”ни қаердан топасан?

— Топилиб қолар, — дейман умид билан, — ахир Кавказдаги ошнамни ҳам күриб келаман. Биласан-ку, Ахмар Ахадов билан Аффонда бирга бўлганмиз. Ўттиз йилдан бери кўришмаганмиз. Шуникига олиб бормокчи эдим.

— Ўзинг айтиб турибсан-ку, сен тош эмас, “Гурвак” сўраяпсан. Эрта-индин қовун пишаман, деб турган пайтда, “Гурвак” сўрайсан-а, “Гурвак” қолармиди? Калланг борми?

Нурилла телефонини ўчириб кўйди.

Ахмар билан бир взводда хизмат қилганмиз. Пешонага ёзилган экан. Ўзга юртда, мусибат ўпқони ичидан кўргулигимиз кўп бўлган. Бир гал у мени ажалнинг оғзидан суғуриб олган. Яраланганимда ўқ ёмғири, қиёмат-қойим ичидан мени судраб чиқсан. Тилининг жозибадорлигини айтмайсиз; Ахмар ўзбекчага жуда яқин, татар ё қозоқча оралиғидаги ажойиб бир оҳангда гапирадики, болқор қондошимга қайси бир томирим кўшилиб, узилмас бўлиб боғланганини, иккимизнинг ҳам ирқимизда қадим турк отанинг қони кўпириб оқаётганини ҳис килардим. Э-е-й, тақдир-а, бу жаҳнам гирдоби – қиёмат кўпган уруш ҷоҳига икки қоракўзни ирғитиб юбориб, бизнинг иродамизни синааб, ор-номусимизни имтиҳон қилишдан бошқа ишинг йўқмиди? Икки дилбанда, бири олис Кавказнинг тоғли овули, бири эса жануб Сурхоннинг тубканинг тубидаги қишлоғи – Мўминқулда туғилиб ўстган бўлса-да, сен бу бечораларни битта ипга боғлаб Аффон деган уруш ўчоғининг гуруллаб ёнаётган гулханига ташлаб, томоша қилишингдан нима наф эди? Тўғри, сен ёқдинг, сен бизни шу ўтда қовурдинг, лекин тантилик ҳам қилдинг – бизни омон қолдирдинг. Мана шу омонлик оғриғи бугун дийдор соғинчига айланиб, мен кавказлик ошнамни, Ахмарни кўришга жазм ётдим. Ойда йилда бир бора келадиганим сиҳатгоҳ Қабардин-Болқор республикасига яқин эканлигини билганимдан сўнг тинчим бузилди, ҳаловатимга ўт

кетди. Эллик чақирим наридаги қадрдоним учун эллик йил әмаклаб юрсам ҳам камлик килади деган фикр миямга ўқтомир бўлиб ўрнашиб қолган эди. Ахир ўша қуни жангда бадани илма-тешик бўлиб кетган мени, яъни ўзбек оғайнисини даҳшатбўрон ичидан юрак ютиб олиб чиқкан болқор қондошим учун эллик чиқирим йўл азоби нима бўлибди?

Хуллас, госпиталдан қисмга қайтаётганимда жанг-қисмат ўзбеклар қатори болқор қардошим Аҳмар ҳам роса қувонди. Худди ўз иниси келгандай ирғишилашини кўринг. Кейин аскарий таомилга кўра казарманинг қонронғу бурчагида алламаҳалгача ароқхўрлик қилдик. Кимлардир попироsigа алланималарни қўшиб, ўраб чекди, қуюқ тутуннинг ўткир хиди ҳам бошни гириллатиб айлантириди.

– Аҳма-а-а-а-ар... Ах....Ах, мен сенга нима яхшилик қилай? Сен менинг дўстимсан? Агар ўлмай борсам, сенга нима юборай...айт, нима керак?

– Сизларда...ков-уун ширин бўларкан. Тошкентдан қовун жўнатаса-а-а-ан, – дейди Аҳмар ҳам чайқалиб, ғулдираб.

– Жўнатаман... Йўқ, ўзим олиб бораман. Чин қиёматли сўзим, ўзим олиб бораман, – дейман. “Тутун”нинг кучи сезилади, унинг кўксига бош қўйиб йифлай бошлайман. Унинг ҳам елкалари силкинади.

Ана шундай гаплар. Чалғидим, бироз, узр. Энди яна ҳалиги суксур қизнинг ҳузурига қайтсак; у компютерда нималарнидир ёзяпти.

– Вактинчалик рўйхатда туришингиз ҳақидаги маълумот паспортингиз ичida экан-ку, билмаганмидингиз? Уни йўқотсангиз, пул ололмайсиз, – дейди қиз муҳим бир нарсадан огоҳ этган каби.

Шу маҳал тиқмачоқдеккина, бўйчан, хушчирой жувон стол ёнига келиб “Гурвак”ка термулиб қолади. Қа-

миштўрва ичидаги қовунни узун-оппок бармоклари билан силайди. Сўл қўли билан қорнини сийпалаб, ютиниб кўяди. Ғайриихтиёрий тарзда стол қошидан кетолмай серрайиб тураверади. Кўзларидан ёш ғилтиллайди, яна ютинади. Дўппайибгина қолган қорнини силади-да, мени ғалати ахволга тушиб қараётганимни кўриб, лаблари пир-пиради, ўриндикқа чўкди. Баривир нигоҳи қовунда. Хижолат тортаман, ўзимни ноқулай сезаман, худди айб иш килиб кўйган каби безовталанаман. Ҳалиги жувонга қарамасликка уринаман, манови қизгина ҳам тезроқ ишимни биткиза қолса эди, қовунни олиб олди-ортимга қарамай чиқиб кетардим. Ё товбангдан, аёл ўрнидан туриб яна “Гурвак” савилнинг ёнига келди. Энди қамиштўрни кўтариб кўрди, илтижоли оҳангда мўлтирабгина деди:

– Шу қовунни менга сотинг, илтимос, қанча сўрасангиз ҳам бераман.

Жувон нигоҳи билан ер чизиб дув қизарип кетади. Ойна ортидаги кавказ гўзали эса менга қизиқсиниб қарайди ва туйкус:

– Қовунни беринг! Сиз яхши одамсиз, тўғрими? Қаранг, ахир у иккиват-ку. Сизларда ҳам аёлларни улуғлашади-а, шундайми?

– Ҳа-я... шундай. Шу-шу дейман, – соҳибжамолнинг қатъиятли иддаосидан бир қалқиб.

– Лекин бу гапингиз чин эркакча бўлди. Агар шу қовунни бирор қофозга ўраб ё қутидами беркитиб қўйганингизда, бунақа савдо бўлмасди, – Қиз энди хушхандон кулади.

Мен турган жойимда анграяман. Нурилла буни не азоб билан Хоразмда уйма-уй юриб Бек оғанинг уйидан топиб келган эди-я. Бек оға ҳам шу маҳалгача элкўрсинга саклаб келган қовунининг борадиган жойи, манзил ва муддаони билгач, Нурилага рози бўлган: “Иложим йўқ, на деярдим. Дим қўймадинг. Ёшулли одам кавказга оппораман

деб дурғач нечита оламан, олавергин. Бироқ тағин бир ой сақламоқчыйдим, дуврама йүкми, синааб гүрмакчийдим”, – дегани ҳам рост.

– Берасизми, бу киши менинг келинойим бўлади, акамнинг хотини, – дейди қиз энди ялинқираб. Ўзига ярашиқли ичкийими чўнтағидан пул олиб менга узатади.

– Мен буни... Бу қовунни... буни..., – дейман тутилиб.

– Ахир сиз эркак киши-ку, – қизнинг кўзларидан энди ўт ялтиллайди.

Мен бир сапчиб тушаман. Сўнг ўғлим хориждан жўнатган пулни олиб, бинодан шаҳд билан чиқиб кетаман. Бек оғанинг қовуни ичкарида қолади. Худди гуноҳли иш қилиб, изза бўлган одам ҳолатида гандраклаб юраман. Худо раҳмат қилгур катта энамнинг болалагимда кимгadir айтган бир гапи қулокларим остида жаранглагандай бўлади: “Юкли хотин сўраса тоғнинг тоши титрайди, юкли хотин истаганини емаса куннинг юзига иссиқлик тошади”. Қизиқ, аллақайси замонда айтилган шу сўзлар айнан ҳозир кулоғимда садо берганига ҳайрон қоламан ва ўзимни енгил ҳис қиласман.

Бозор-ўчар қилдим. Аҳмарнинг уйига пешинда етиб бордим. Ҳовлисида тўй бўлиб кетди. Тоғликлар бир зумда “қўноқкўрди”га йиғилишди. Ўйин-кулги бошланди. Аҳмар ҳар бир овулдошига мақтанади денг: “Менинг дўстим, менинг ўзбегим. Boo, мана бундай инсон... Ўзбекистондан келди, мени йўқлаб келди”. Кечгача ҳовлисидан одам оёғи узилмади. Шомга яқин Аҳмар иккимизга хотини Замарта боғ адогидаги ёпиқ тапчанда алоҳида жой қилиб, яна дастурхон тузади. Биз ўтган-кетган воқеаларни эслашиб, гоҳ ҳазин, гоҳ ҳазил оҳангларда гурунглашиб ўтиридик. Ажабки, биз бор-йўғи икки йил урушда бирга бўлган эсак-да, икки юз йиллик тарихни кўтариб юрганга, жуда қадим-қадим замонлардан бери кўришиб, ҳол сўрашиб келаётганга ўхшардик. Замарта ҳар-ҳар замон-

да мен номини билмайдиган емакни келтирар, шундоғам ноз-неъмат тұлиб кетган дастурхондан олазарап бўлиб камчилик излар, хонадонига туғишган акаси меҳмонга келган каби ўзини қўярга жой тополмасдан шамолдай елиб-югуради. У ўзида йўқ хурсанд эди. Мен ҳам худди ўз жигарим, эгачимни кўрган каби шод эдим. Эҳ-ҳ-ей, қадим томирларим туташган кунга етказганинг учун Яратган ўзингга минг марта шукронга айтаман.

– Чарчадинг-а? Одамларнинг келди-кетдиси сени толиқтириб қўймадими? Овулдошлар меҳмонга айтишиди. Бугун дам ол. Эртага ҳар бириникига бир-бир кириб чиқамиз, – дейди Аҳмар.

– Худо хоҳласа, ёзда Ўзбекистонга боргин. Бизнинг қишлоқ ҳам меҳмондўст. Умуман, бутун Ўзбекистон меҳмондўст.

– Албатта, бораман. Бормасам уят бўлади.

– Аҳмар, эсингдами мен сенга ўшанда кўп бора ваъда берганман. Сенга юртимиздан асал қовунлар жўнатаман деб. Худо хоҳласа, ёзда борсанг полизларимизга кириб ўзинг танлаб узиб олаверасан. Энди ҳозир иложи бўлмади, ҳақиқий қовун ёзда етилади, – дейман худди буни мендан сўраётгандай.

– Албатта, бораман дедим-ку, – жилмаяди Аҳмар.

Ҳовлида нимадир тарақлайди. Катта дарвоза очилиб-ёпилади. Кулогимга қўнгироқдай жарангли овоз ва кулги урилади.

– Болалар ҳам келиб қолишли. Бизни овулага ташлаб, булар шаҳарга қараб жўнаворишган, – ўзича изоҳ берди Аҳмар.

Менга ҳовли адогига кўз ташлаш ноқулай туюлади. Буларда ҳам меҳмон киши хонадоннинг қиз жувонига кўз қадамайди, уят саналади. Тутум шунаقا.

Замарта келин осетинча хамир овқат олиб келди-да, эрининг қулоқига нимадир деб шипшиди. Уй begи бош

ирғади. Келин чиқиб кетди-ю, зум ўтмай кенг-мўл миллий либосга ўралган, худойим қадду қоматдан қисмаган икки қиз супадан беш-ўн қадам нарида кўриниш берди.

— Булар менинг болаларим. Бири қизим Асмана, бири келиним Толиҳа! Ўғлим ишдан кеч қайтади. Танишиб оласан.

Қиз билан келин ичкари уйга кириб кетишади. Зум ўтмай ёпик супада яна Замарта пайдо бўлади. У патнисни дастурхонга қўяди. Мен... Мен... патнисга нигоҳ ташлайман, туйкус бир сапчиб тушаман. Ичимдан бир ихроқ отиласди, аъзойи-баданим жимиirlаб, кўзларим хира тортади, киприкларим ораси жиққа ёш, лабларим пирпирайди, бехосдан пичирлайман:

— Ё, Оллоҳ, қудратингдан айланай. Э-ҳ-ҳ, Худойим-а...

— Ҳа, Ўзбекистоннинг қовуни. Бизнинг бозорда сотишяптийкан. Келиним билан қизим олиб келишди, — дейди Замарта менинг ҳаяжонланганимни ўзича англаган бўлиб.

Мен ўрнимдан туриб кетаман. Аҳмар ҳам ўрнидан қалқади. Худди олис жангдан омон чиқиши пайтимиздаги каби мен уни бағримга босаман-да, кўз ёшларимни тия олмайман...

— Сенга нима бўлди, қўй ўзингни бос, у кунларни эслама, — дейди Аҳмар.

Мен пичирлайман:

— Оллоҳим, ўзингга шукр. Оллоҳ, ўзингга шукр.

Ховлида эса Замарта қизи ва келини билан бизга меҳрли боқиб туришарди.

МУНДАРИЖА

Қиссалар

Дарё ортидаги йиғи.....	4
Осмон остидаги сир.....	91
Биз жангдан қайтмадик.....	127

Хикоялар

Босинқираш.....	249
Асорат.....	264
Хун.....	283
Күзларингни күргани келдим.....	296
Кордаги лола.....	324
Жонтомир.....	342
Чингачгук бобо.....	352
Қорбобо.....	361

Кичик ҳикоялар

Уруш.....	367
Устун.....	368
Замон.....	370
Бир бурда нон.....	371
Этикчалар.....	373
Ватан нима?.....	374
Күксимдаги Кавказим.....	379

ДОСТАР
СОМАЛЫК

05

Адабий-бадиий нашр

Кўчкор Норқобил

ДАРЁ ОРТИДАГИ ЙИГИ

Қисса ва ҳикоялар

Ижодий гурӯҳ:

Муҳаррир *Наби Жалолиддин*

Бадиий муҳаррир *Иzzат Йўлдошев*

Техник муҳаррир *Татьяна Харитонова*

Мусаххих *Ирода Умарова*

Саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензияси рақами AI № 290. 04.11.2016

2021 йил 14 январда босишига руҳсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 20,37 шартли босма табоқ. 17,8 нашр табоғи.

Адади 3000 нусха. 14 - рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69



ҚҰЧҚОР НОРКОБИЛ

ДАРЁ ОРИДАГИ ЙИФИ

Уруш балосини одамзоднинг ўзи ўйлаб топган. У ҳайвоний инстинкт – зўравонлик, эгалик, куч билан, не қилиб бўлса-да, енгиш унинг “бош вазифаси”.

Ёзувчининг урушда иштирок этиши икки ҳисса фожиа. Зеро уни умр бўйи таъқиб қиласди. Урушда иштирок этишдан кўра у ҳақида ёзиш оғирроқ. Шунинг учун ҳам уруш кўрган, уни умр бўйи лаънатлаб, бонг уриб ўтган, ўтаётган ва инсонлик рутбасини сақлаб қолган ёзувчиларга ҳар қанча таъзим қилсак арзиди.

16+



ISBN 978-9943-6450-7-3

